

560 К. Ҳайдаров  
С. Нишонов

ТАБИАТШУНОСЛИК  
АСОСЛАРИ ВА  
БОЛАЛАРНИ  
АТРОФ-ТАБИАТ  
БИЛАН  
ТАНИШТИРИШ



Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предыдущих  
выдан

Узб. выд. РППО «Совюз» №/Ф. 101-1-96  
тпнр. 5.200.000, Г. П. Вып. Б-20

1. ТОШЕРАР
2. ЕРОНГУЛ
3. ПРИМУЛА
4. БЕГОНИЯ
5. САНСЕВЬЕРА
6. СЕТКРЕЗИЯ
7. АСПИДИСТРА
8. ВИТУС
9. НАИЗАБАРГ
10. КАТТА БАРГЛИ ЭЛОДЕЯ
11. САЛЬВИНИЯ
12. ДОФЛИ БЕГОНИЯ
13. ЛОТОССИМОН БЕГОНИЯ
14. КОЛЕУС

11-1  
11-1  
11-1  
11-1  
11-1  
*Белое селен.*  
11-1  
*ст. 19912*  
*88 руб.*

74.264.4  
5(07) Қ. ҲАЙДАРОВ,  
С. А. НИШОНОВ  
Х. - 19

# ТАБИАТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ ВА БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги педагогика олий билимгоҳлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган



Мазкур ўқув қўлланма икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда организмларнинг ҳаёт шароити, хилма-хиллиги, биосфера ҳақида, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида элементар тушунчалар берилади, иккинчи бўлимда эса болаларни табиат билан таништириш методикаси, унинг болаларни ҳар томонлама тарбиялашдаги роли, табиат билан таништиришининг мазмуни ва вазифалари баён этилади.

Кўлланма педагогика олий билимгоҳлари, мактабгача тарбия куллиётларининг талабалари учун мўлжалланган.

Тақризчи: биология фанлари номзоди, доцент Ш. Ж. Тожибоев.

X 19

**Ҳайдаров Қ. Ҳ., Нишонов С. А.**

Табиатшунослик асослари ва болаларни табиат билан таништириш. Пед. олий билимгоҳлари талабалари учун ўқув қўлл. Т., «Ўқитувчи», 1992.—178 б.

I. Автордош.

**Ҳайдаров Қ., Нишонов С.** Основы природоведения и методика ознакомления детей с природой. Учеб. пособие для студ. пед. вузов.

ББК 74.264.4

X  $\frac{4306010900-196}{353(04)}-99-02$

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5—645—01658—0

## КИРИШ

Келажак авлодни замонамизнинг етук кишилари қилиб тарбиялаш — ҳаётимиз, давримизнинг шу кунги энг долбзарб масалаларидан биридир. Бу борада болаларни табиат билан таништириш муҳим роль ўйнайди.

Табиат — битмас-туганмас хазина. Унинг жонли ва жонсиз табиати, турли-туман ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ёш қалбнинг тўғри ўсиб, шаклланишида, табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг сир-асрорини ўрганиб вояга етишишида катта манба бўлиб хизмат қилади. Бола қизиқувчан бўлади. У атрофдаги, боғча ҳовлисидағи ранг-баранг гулларни, шарқираб оқаётган сувларни, гулдан-гулга қўниб учайдиган капалакларни, бетиним сайрастган қушларни куриб қувнайди, яйрайди. Бола онгининг ўсишида, жонли ва жонсиз табиатга бўлган қизиқишини ортишида теварак-атрофидаги табиатнинг роли бекиёс каттадир.

Болаларни, табиат бизга инъом этган ана шу гўзал манзаралари билан таништириб боришими, табиатнинг ҳар бир гиёҳи, ҳар бир ҳайвонотининг инсонлар учун, табиат учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб, ўргатиб боришими, маънавий озиқлантиришимиз керак.

Болаларни табиат билан таништиришдан мақсад ёш авлодни она-ватанимизни севишга, унинг ўсимликлари, ҳайвонот оламини асраш, сақлаш, кўпайтириш руҳида тарбиялашдан иборатdir.

Бунинг учун болаларни табиат билан таништириш ишларини боғча ёшидан бошламоқ керак.

Шунга кўра болалар боғчалари ва уларда ишлаетган тарбиячилар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири **ҳам** болаларни табиатнинг гўзалликларини кўра билиш, уни севиш, табиатда юз берадиган воқеа-ҳодисалар **ҳақида** тўғри тушунчага эга бўлиш, табиат яратган бойликлардан оқилона фойдаланиш руҳида тарбиялашдан иборат бўлмоғи лозим.

Олий билимгоҳларда таълим олаётган мактабгача тарбия куллиётларининг талабалари ана шу муҳим вазифани тўғри ҳис қилган ҳолда биринчи навбатда табиат қонунлари, теварак-атрофда кенг тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот олами билан чуқур танишган бўлишлари керак.

Ёшлар дастлаб илм пойдеворини боғчалардан олар эканлар, биз ўқитувчилар, тарбиячилар зиммасидаги вазифа ҳам болаларни ана шу даврдан бошлаб билим асосларини пухта эгаллашга, табиат билан, унда юз берадиган воқеа-ҳодисалар

билин материалыстик нуқтаи назардан таништириб боришдан иборат бўлмоғи лозим.

Ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда бошқа фанлар сингари табиатшунослик асосларининг **ҳам** ўз ўрни, ўз аҳамияти бор.

«Табиатшунослик асослари ва болаларни табиат билан таништириш» ўқув қўлланмаси педагогика олий билимгоҳлари мактабгача тарбия факультетларининг дастури асосида ёзилди.

Қўлланма икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Табиатшунослик асослари»га бағищланган бўлиб, унда жонли ва жонсиз табиат, ўсимлик ва ҳайвонот олами, жонли организмларнинг ҳаёт шароитлари, уларнинг хилма-хиллиги, ер юза-сида ва биоценозларда тарқалиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек унда инсоннинг роли атрофлича баён этилган. Иккинчи бўлим эса «Болаларни табиат билан таништириш» га бағищланган.

Мазкур қўлланма муаллифларнинг кўп йиллик иш тажрибали асосида ёзилди. Қўлланмани тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган Навоий номли Самарқанд давлат дорилфунунининг профессори, биология фанлари доктори М. Икромовга, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот билимгоҳининг ходимлари М. Жабборов ва Ҳ. Шокировларга муаллифлар қалб ташаккурларини изҳор қиласидилар.

Мазкур қўлланма биринчи марта нашр этилаётганлиги туфайли баъзи жузъий хатолардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Шунга кўра китобхонларнинг қўлланма ҳақидаги қимматли фикр ва мулоҳазаларини муаллифлар мамнуният билан қабул қиласидилар. Бизнинг адрес: Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30. «Ўқитувчи» нашириёти.

## Бирини бўлим

# ТАБИАТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Табиатшунослик — теварак-атрофимиздаги воқеа-ҳодисалаарни, жисмларни, жонли ва жонсиз табиатни ўрганувчи ўқув предметидир. Табиатшуносликнинг мақсади табиат ҳодисаларининг моҳиятини аниқлаш, табиат қонунларини билиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш йулларини очиб беришdir. Унинг мавзуи табиатдаги материянинг турли ҳаракат шакллари, узаро алоқадорлиги, ички тузилиши ва унинг асосидан иборат.

Табиётни алоҳида фан сифатида ўрганиш гоялари Форобий, Абу Али ибн Сино рисолаларидан маълум. Айниқса, Абу Райхон Беруний табиатшуносликни мустақил фан сифатида ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

Табиатшунослик асосан астрономия, геология, биология, география, физика ва химия фанларидан ташкил топган. У қолган фанлар билан ҳам узвий боғланган бўлиб, уларнинг илмий хуносаларига таянади, улар билан ҳамкорликда табиатда бўладиган у ёки бу ҳодисани ҳал этишда бевосита иштирок этади.

Атрофимиздаги табиатда ажойиб-таройиботлар ниҳоятда кўп. Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётида, ҳавода ва сувда, Ер, Қуёш, юлдузлар ҳаракатида, ернинг ички ва ташки қатламида, тоғларда, йил фаслларида қанчадан-қанча ажойиб, бетакрор, бир-бирига ўхшамайдиган ўзгаришлар содир булади. Ана шуларнинг ҳар бирини ўрганиш, содир булиш сабабларини аниқлаш, табиат қонуниятлари асосида уларнинг сирини ўрганиш ва буларни боғча ёшиданоқ ўргатиб, таништириб бориш асосий вазифа бўлиб қолади.

Умуман табиатдаги нарсалар икки қисмдан: жонсиз ва жонли табиатдан иборатdir. Жонсиз табиатга Ер, Қуёш, юлдузлар, сув, ҳаво, тошлар, тупроқ; жонли табиатга эса ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар, одамлар киради. Жонсиз табиат дейилишига сабаб улар озиқланмайди, ўсмайди, купаймайди, ривожланмайди. Масалан, тошни олсак, унга сув ҳам, ҳаво ҳам керак эмас. Жонли табиатга кирувчилар эса озиқланади, нафас олади, ўсади ва кўпаяди. Жонли табиат вакилларидан ўсимлик ҳаво, сув, ёруғлик, иссиқлик ва озиқ бўлмаса ўсмайди, ривожланмайди. Жонли табиатдаги барча мавжудотлардан энг қудратлиси инсонdir. Инсон фикрлайди, меҳнат қилади. Инсон ўз ҳёти давомида ҳар хил кашфиётлар ихтиро қилади, мураккаб машиналар ва асбоблар яратади, улкан бинолар, сув иншоотлари қиради. Инсон ясаган бу хилдаги буюмлар ҳам жисмдир, лекин булар табиат жисмлари қаторига кирмайди.

Табиатдаги барча жисмларни қаттиқ, суюқ ва газсимонга булиш мүмкін. Табиат жисмларининг ҳар хил моддалардан тузилганligини жонсиз табиатнинг икки элементи: сув ва тошнинг тузилишидан куриш мүмкін. Тош қаттиқ ва маълум шаклга зга. Уни майдалаш, синдириш мүмкін. Табиатда бундай жисмлар жуда куп. Уларга хилма-хил фойдали қазилмалар, тошқумир ва рудалар киради. Сув совиб қаттиқ ҳолатга айланади. Буни муз деб айтилади. Сувни биз табиатда күпинча суюқ ҳолатда уратамиз. У осон қўйилади, тез оқади, ҳамма ёққа ёйилиб кетади. Шу сабабли ҳам сув идишларда сақланади.

Табиатда, сувдан ташқари яна бошқа суюқ моддалар ҳам бор. Масалан, нефть. Табиатда суюқ ва қаттиқ жисмлардан ташқари газсимон жисмлар ҳам бор. Бундай жисмлар қаторига теварак-атрофимизни ураб олган ва биз нафас оладиган ҳаво, фойдали қазилмалардан ҳаммамизга таниш ва кўп ишлатиладиган табиий газ киради.

Табиатдаги жонли ва жонсиз жисмлар неча миллион йиллардан бери мавжуд. Улар доимо ўзгаришда. Табиатдаги ўзгаришларнинг баъзилари тез, баъзилари эса секин боради. Масалан, куз олдимизда бир зумда осмонни булут қоплади. Ундан ёмғир, қор, дўл ёғиши мүмкін. Кеча ёки кундузнинг ҳосил булиши, йил фаслларининг вужудга келиши ва бошқалар шуларга мисол бўлади.

Табиатда шундай ўзгаришлар, ҳодисалар борки, уни инсон куриши у ёқда турсин, уми давомида ҳам сезмаслиги мүмкін. Чунки улар сезилмайдиган даражада рўй беради. Масалан, тоғларнинг нураши, тошларнинг майдаланиб, тупроқقا айланishi учун бир неча юз йиллар ўтади, буни инсон кузата олмайди. Бундай мисоллар табиатда жуда кўп.

Табиатда доимо, соат сайин, ҳар куни турли ўзгаришлар бўлиб туради. Бундай олганда табиатнинг ўзи ҳам жонли организмга ухшайди. Масалан, осмонда булутлар ҳосил бўлиб, шамол эсади, ёмғир, қор ва дўл ёғади. Кун билан тун ва йил фасллари алмашиниб туради. Ирмоқлардан дарёлар ҳосил бўлади. Уруғдан ниҳол униб чиқади. Ниҳол ўсиб гулга киради ва мева беради. Қушлар тухум қўяди. Тухумдан жўжалар очиб чиқиб, вояга етади ва учиб кетади. Буларнинг ҳаммаси табиатда, теварак-атрофимизда содир бўладиган ҳодисалардир. Шунга кўра ҳам жонсиз ва жонли табиатда рўй берадиган жамики ўзгаришлар табиат ҳодисалари деб айтилади.

Табиат ҳодисаларини кузатиш, унинг содир бўлиш сабабларини талқин этиш, ёшлар билимини илмий асосда ўрганишга олиб келади.

Табиатни ўрганишнинг асосий хусусиятларидан бири унда содир бўладиган табиат ҳодисаларини кузатишдан иборатdir. Кузатиш орқали кишилар усимлик ҳамда ҳайвонларнинг ҳаётини, табиатдаги воқеа-ҳодисаларни, йил фаслларида об-ҳавонинг ўзгариш сабабларини билиб оладилар.

Маълумки, инсон бир неча минг йиллар давомида табиатни кузатиб, ўрганиб келади. Кишилар қадим замонлардан буён бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга саёҳат қиласди. Саёҳатлар пайтида кишилар ўзлари кўрмаган ўсимлик ва ҳайвонларни билиб оладилар, бошқа халқларнинг ҳаёти билан танишадилар. Уларнинг табиати, иқлими, тупроғини ўрганиб, ўз билимларини бойитадилар.

Ер бундан 4,5 млрд йил илгари пайдо бўлган бўлса, ҳаётнинг дастлабки белгилари эса 2—3 млрд йил илгари кузатилган. Демак, Ер пайдо бўлганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида унда ҳаёт бўлмаган. Фанда мана шу оралиқ химиявий эволюция даври деб аталади. Бу даврда моддалар бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланниб, фаза жиҳатидан фарқ қилувчи мураккаб органик моддаларнинг ҳосил бўлиши учун имконият туғилган. Кейинчалик улардан тириклик хусусиятига эга энг содда ҳужайралар ҳосил бўлган, шундан кейин биологик эволюция даври бошланган. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши назариясини йирик олим А. И. Опарин кашф этди. Унинг 1924 иили «Ҳаётнинг пайдо бўлиши» асарининг юзага келиши бу йулда катта босқич бўлди.

А. И. Опарин бошчилигида коацерватлар билан қилинган тажрибалар бу система эритмадаги энергия бой турли моддаларни ютиш ва шулар ҳисобига ўсиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Бир хил томчилар тез, бошқалари секин ўssa, айримлари парчаланиб кетиши мумкин экан. Тирик организмлар органик моддалардан тузилган бўлиб, бу органик моддаларнинг негизида углерод атоми ётади. Шу туфайли ҳаётнинг пайдо бўлиш тарихи углероднинг пайдо бўлиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Қадим замонларда ер юзасида ҳарорат узоқ вақт давомида юқори бўлганилигидан углеводородлар атмосферадаги сув буғлари ва аммиак билан реакцияга киришган. Натижада углерод, водород, кислород ва азотдан иборат мураккаб бирикмалар — органик моддалар ҳосил бўлган. У вақтда бу органик моддалар газ шаклида Ер атмосфераси ҳавоси таркибига кирган.

Қуёш ва Ойнинг тортиш кучи ҳамда босимнинг турли хиллиги атмосфера массасини ҳаракатга келтирган, шамол ва бўронлар пайдо бўлиб, Ер устида чақмоқ чақиб, момақалдироқ бўлиб турган. Аммиак, метан, сув буғи ва водороддан иборат бўлган атмосферада А. И. Опариннинг фикрича, кучли электр учқунлари таъсирида ҳаётнинг пайдо бўлиши учун зарур органик моддалар вужудга келган бўлиши мумкин. Олимнинг фикрича, эҳтимол бу моддалар газ ҳолатда бўлиб, дастлабки пайтда атмосфера таркибида бўлган.

Атмосферадаги газсимон органик моддалар ёмғир билан бирга эритмага айланган. Карбонат ангидрид Ер қаъридан ажралиб чиқиб атмосферага кутарилган ҳамда метан ва аммиак билан бирикмалар ҳосил қилиб, сувда эриган. Сув муҳитига

тушган энг оддий органик моддалар эс а қанд ва оқсил каби анча мураккаб бирикмаларга айланган.

Оқсил тирик модданинг энг муҳим таркибий қисмидир. Шу туфайли оқсилларга ухшаш моддаладинг вужудга келиши ҳаётнинг пайдо бўлиш жараёнидаги энг биринчи босқичdir.

Оқсил ва нуклеин кислоталарнинг жудга келиши ҳамда улар молекуласи ички тузилишидаги орғанизм функциясини бажаришга мосланишинг такомиллашиши фақат табиий танланиш асосида юз бериши мумкин. Узоқ давом этган эволюция даври мобайнида табиий танланиш натижасида пробионтлар тирик организмларга айланган. Кейинчалик бу организмлар даги яшаш учун кураш, ташки муҳитга мослашиш ва генетик код асосида шаклланган ирсий информацияларни авлоддан-авлодга узатиш организмларнинг асосиц хусусияти бўлиб қолган. Натижада ер юзида дастлабки тирик организмлар пайдо бўлиб, улар бутун органик оламга асосан икканинг, нафас олиб, орадан минглаб йиллар утган ва улар озиган. Шундай қилиб, кўпайиб тирик организмларни ҳосил киран. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

## I б о б . ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ҲАЁТИ ШАРОИТИ

Ер юзидаги барча тирик организмларнинг ҳаёти географик ландшафт билан чамбарчас боғлиқдир. Бунки ҳар бир тирик организм ўзи яшайдиган ёки теварак-атрофидаги географидаги географик ожлана боради. Борода, у ҳалок бўлади. Муҳит — бу табиий шароит бўлиб, биз унга биламиш, ўрганизмиз, ўз ҳаёт, турмуш, яшаш шароитимизн сабатимизни ўзgartирамиз.

Тирик организм билан географик муҳитнинг ўзаро муносабатларини ўрганадиган маҳсус фан борадир.

Экология (юнон — *oikos* — жой, макон) — ва логия фан) — тирик организмларнинг теварак-атрофдаги муносабатини ўрганадиган биологик фан. Экология муҳит омилиларининг таъсирини, организмига кўрсатадиган реакцияларини, популяциялар сони ва структурасини билан ўзаро ўхларнинг биологик экосистемаларнинг жараёнларда био-харакатланиш қонуниятини, биогеоценозлар ҳамда жараёнларда биогеоценозлар роли ва биосфера ўрганадиган. Ҳозирги замон экологияси эса одам ва ўзаро муносабат масалаларини ўрганмоқда.

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ташки муҳит билан муносабатларини ўрганадиган ўсимликлар экологияси ва ҳайвонлар экологияси фанлари ҳам мавжуд. «Экология» атамасини

1866 йили немис зоологи Э. Геккель таклиф этган. Ана шу даврдан бошлаб у биология соҳасидаги янгидан-янги билимлар билан бойиди, унинг мустақил фан сифатида ривожланишига асос солди.

Тирик организмни үраб олган, унинг ҳолатига, ривожланишига, кўпайишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган барча жонли ва жонсиз элементлар (ёруғлик, иссиқлик, сув, шамол, субстратлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқалар) ташқи муҳит ҳисобланади. Тирик организмга таъсир этувчи бу элементлар экологик омиллар деб юритилади.

Экологик омиллар тирик организмга алоҳида ҳолда эмас, балки биргаликда таъсир этади. Шу билан бирга тирик организмлар ҳам ташқи муҳитга — экологик шароитга маълум даражада таъсир қиласи. Масалан, тупроққа, иқлимга ва бошқаларга.

Экологик омиллар қўйидаги 7 та гуруҳга булинади:

1. Иқлим омиллари — сув, ёруғлик, температура, ҳаво.
2. Тупроқ ёки эдафик омиллар — тупроқнинг физик, химиявий, механик тузилиши ва уларнинг биологик хусусиятлари.
3. Рельеф омиллари — топографик ва орографик омиллар.
4. Биотик омиллар — ўсимликлар, ҳайвонлар.
5. Антропоген омиллар — инсоннинг ўсимлик ва ҳайвонларга кўрсатадиган таъсири.
6. Тарихий омиллар — тирик организмларнинг ривожланиш тарихи.
7. Экологик омилларнинг биргаликда кўрсатадиган таъсири.

Бу экологик омилларнинг дастлабки учтаси абиотик, туртунчиси — биотик, бешинчиси — антропоген, олти ва еттинчиси билвосита таъсир этувчи омиллар деб аталади.

Экологик омилларнинг тирик организмга таъсири ҳақида фикр юритилганда уларнинг барқарор эмаслигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Улар йил фаслларининг турли даврларида, ҳатто, баъзи йиллари ҳам ўзгариб туради.

### Абиотик омиллар.

Абиотик иқлим омиллари кенг тушунчага эга бўлиб, у сув, ёруғлик, ҳарорат, ҳаво каби элементларни ўз ичига олади.

**Сув.** Ўсимликлар ҳаётини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сув ўсимликлар ҳужайраси, бутун танасининг асосий қисмини ташкил этади. Лекин ҳамма ўсимликларда ҳам сувга бўлган талаб бир хил эмас. Ўсимликларнинг ташқи тузилишига қараб унинг серсув ёки камсув шароитда ўсанлигини билиш мумкин.

Ўсимликлар сувни икки манбадан; тупроқдан ва атмосферадан олади. Атмосферадан тушаётган сув — ёмғир, қор, туман, шудринг, қиров, дўл кўринишларида бўлади.

Ўсимликлар сувга бўлган талабига қараб 4 та гуруҳга булинади: 1) гидрофитлар; 2) гигрофитлар; 3) мезофитлар ва 4) ксерофитлар.

**Гидрофитлар.** Бу гурұхға кирудынгы бутун танаси сувда ёки бир қисми сув юзида үсади. Бунда күпгина тубан сув үтлари, наизабарг, сув олмосути, Гигант элодея кабилар киради. Уларда илдиз бұлмайды, бұлса ҳам жуда суст ривожланган бұлади. Үнинг поя ва ҳужайралари ҳавога тұлған бұлади. Шу сабабли улар сувда қалқыб туради.

**Гигрофитлар.** Бу сернама ва ботқоқ ерларда үсадиган үсимликлар бұлиб, барги одатта йирик, іюқа. Ботқоқ ерларда кислород етишмаслығы сабабли илдизи ерга чуқур кирмайды. Дарё ва күл бүйларыда үсадидан қамиш, савағич, құға, шоли каби үсимликлар гигрофитларга киради.

**Мезофитлар.** Мазкур гурұхға намлық билан үртача таъминланган үсимликлар киради. Улар үсус даврида сув билан етарлы таъминланган бұлади. Бу гурұхнинг типик вакиллари күпгина сабзавот үсимликлари: карам, пиёз, сабзи, шивит, беда, картошка ва бошқалардир.

**Ксерофитлар.** Бу гурұх вакиллари құрғоқчыл шароитда үсуви үсимликлардир. Уларға күпинча чүл, чала чүл, дашт зоналарыда үсадиган үсимликлар киради. Бу үсимликларнинг илдизи яхши ривожланган, барги, танаси оқ түкчалар билан қопланган, барги майда, тиканли бұлади. Буларға мисол қилиб саксовул, янтоқ, чалов, шувоқ, астрагал, каррак кабиларни келтириш мүмкін.

Құрғоқчыл районларда әрта баҳорда үсиб ҳәетини әрта (бир неча ҳафта ичиде) тұгатады әфемерлар — барра үтлар ҳам үсади. Буларға асосан бир йиллик үсимликлардан құштили, нұхатак, ялтирбош, тароқбош, арпағон, учма, сарық йұнғиңқа кабилар киради. Булардан ташқары мазкур районларда баҳорда гуллаб қисқа вақт ҳәёт кечируди күп йиллик үсимликлар ҳам үсади. Буларни әфемероидлар дейилади. Әфемероидларға илдизлери ер остида қолады әндишилі, тұгунақли, илдизпояли үсимликлардан ранг, құнғирбош, илоқ, лола, бойчек, зағар, гулсапсар, пиёз, бурмақора, чучмома, құзигул ва бошқалар киради.

**Ҳарорат.** Үсимликтің ҳәетида ҳарорат ҳам сув каби муҳим ахамияттаға эга бұлған экологик омиллардан биридей. Үсимликтің қароратнинг ролі жуда катта. Үсимликлар ҳәетида кечады әндишилі фотосинтез жараёны, үруғнинг униб чиқиши, нафас олиш, моддалар алмашинуви ҳарорат етарлы бұлғандагина амалға ошади.

Түрли үсимликларнинг ҳароратта талаби түрлиchedir. Баъзи үсимликларнинг үруғы  $+1$   $+2^{\circ}$  да үнса, баъзилари ҳарорат  $+10 +12^{\circ}$  дан ошғанда қукаради.

**Еруғлик.** Үсимликлар ҳәетида еруғлик муҳим ахамияттаға эга. Еруғлик бұлмаса үсимликтің үсмайды. Үнинг яшил барглауда фотосинтез жараёны кечмайды. Еруғлик үсимликларнинг үсиши ва ривожланишида ҳам катта роль үйнайды. Шунинг учун ҳам улар еруғсевар ва соясевар үсимликларға бұлинади.

Ёргесевар ўсимликларга чўл ўсимликлари, соясевар ўсимликларга эса ўрмон ўсимликлари киради.

Ёрглилка талабига қараб маданий ўсимликлар икки гуруҳга: қисқа кун ўсимликлари (маккажухори, тариқ, оқ жухори, гўза, тамаки, соя) ва узун кун ўсимликлари (беда, сули ва бошқалар) га булинади.

Ҳаво. Ҳавонинг биологик аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳавода жамики тирик организмларнинг нафас олиши ва озиқланиши учун зарур кислород ва карбонат ангирид булади. Ҳавонинг ҳаракатидан юзага келадиган шамол жуда катта экологик роль ўйнайди. Шамол ўсимликлар учун ҳам фойдали, ҳам зарарли. Зарари шундаки, кучли шамол дараҳтларнинг шоҳшаббасини синдиради, тўхтосиз эсган шамол унинг барги, танасидаги сувни буғлантириб, ўсимликни қуритади. Ўсимлик илдизини яланғочлайди, қум ва қорларни тузғитиб юборади.

Ер юзидағи ҳамма гуллар ўсимликлар (10% га яқини) шамол ёрдамида чангланади, ўсимликлар уруғининг бир жойдан иккичи жойга тарқалиши, яъни ўсимликларнинг кўпайиши ва табигатда тарқалиши шамол ёрдамида амалга ошади. Шу жиҳатдан шамол ўсимликлар учун фойдали.

### Тупроқ ёки эдафик омиллар.

Тупроқ ўзига хос хусусиятга эга булган мустақил табиий жисм. Тупроқ ернинг юза ва унумдор қатлами бўлиб, тирик организмлар, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, иқлим, рельеф ҳамда территориянинг геологик ёши, инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли пайдо бўлади.

Тупроқ қаттиқ, суюқ, газ ҳолатидаги моддалардан ва тирик таркибий қисмлардан ташкил топган. Унинг қаттиқ қисмида минерал моддалар куп. Тупроқнинг суюқ қисми унинг актив таркибий қисми бўлиб, ўсимликларни сув ва сувда эриган озиқ моддалар билан таъминлайди. Газ ҳолатидаги қисми (ҳаво) тупроқни сув билан тўлмаган ковакларини банд қиласади.

Тупроқ пайдо бўлишида ҳаво, шамол, сув, ҳайвонлар ва ўсимликлар асосий роль ўйнайди. Айниқса, бунда тубан ва юксак ўсимликлар актив иштирок этади. Буни жумҳуриятимиз тупроқ зоналаридан ҳам яхши билиш мумкин. Масалан, тоғ, адир, чўл зоналарининг тупроғи турли хил бўлганлигидан унинг ўсимликлари, ҳайвонот олами ҳам турличадир.

Ҳозирги пайтда бўз, оч, типик ва тўқ тусли бўз, соз, қумлоқ, шурланган, шурхок, лёссли тупроқлар мавжуд бўлиб, улар зоналар бўйлаб жойлашган.

Тупроқ унумдорлигига инсонлар таъсири ҳам жуда катта. Улар турли хил органик ва минерал ўғитлар солиш билан унинг унумдорлигини оширадилар.

## Рельеф омиллари.

Рельеф омилларининг ўсимликларга таъсирини тоғли районларда яққол кўриш мумкин. Тоғнинг шимолий қисмидаги ўсимликлар сони ва тури жиҳатидан жанубий томонидагисидан кескин фарқ қиласи. Шимол томонда соясевар ўсимликлар ўсса, жануб томонда ёруғсевар ўсимликлар яхши ўсади. Бундан ташқари, тоғнинг пастки қисмидаги ўсимликлар, унинг урта ва юқори қисмидагиларидан тубдан фарқ қиласи.

Рельефнинг нотекислиги ҳам иқлимга катта таъсир этувчи экологик омиллардан ҳисобланади.

Ўсимликларнинг узиши, ривожланишида микрорельефларнинг таъсири ҳам каттадир. Буни сиз узингиз яшаб турган шаҳар, қишлоқ, ноҳия жамоа хўжалиги ёки давлат хўжаликлари далаларида, уша далалар атрофидан ҳам билишингиз мумкин. Чунки мазкур жойларнинг бир томони иккинчи томонидан суви, тупроғи, ўсимлиги билан фарқ қилди. Бу уша жойнинг микроиқлими ҳисобланаб, у рельеф омилларининг уша жойга бўлган экологик таъсирининг натижасидир. Буларнинг ҳаммаси абиотик омиллар бўлиб, уларнинг ўсимлик ва ҳайвонларга қанчалик таъсир этганлигидан кўриш мумкин.

## Биотик омиллар.

Биотик омилларга табиатдаги тирик организмлар: ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа микроорганизмлар, одамлар ва уларнинг ўзаро ҳамда теварак-атрофга кўрсатаётган турли-туман таъсири киради.

Айниқса, ҳайвонларнинг ўсимликларга кўрсатадиган таъсири катта бўлиб, бунга ҳайвонот оламининг катта группаларида бири бўлган ҳашаротлар киради. Ҳашаротлар ўсимликларнинг чангланишида актив иштирок этади. Қушлар эса ўсимликларнинг уруғи ва мевасини тарқатади.

Ўсимликлар оламига сут эмизувчи ҳайвонларнинг таъсири ҳам каттадир. Айниқса, чорва моллари яйловларда утлаб емашак экинларини ейди. Улар яйловлардаги заҳарли ва зарарли ўсимликларни истеъмол қилмайди. Натижада бу хилдаги ўтлар гуллаб, уруғлайди. Улар теварак-атрофга кенг тарқалиб, фойдали ем-хашак ўсимликларини йил сайин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Теварак-атрофдаги дараҳт ва буталарнинг кўпчилиги кеми-рувчи ҳайвонлар томонидан заарланади.

Майда ҳайвонлардан — юмонқозик, қўшоёқ, кўрсичқон, суғур каби ер ковловчи ва қазувчилар тупроқ пайдо бўлишига, ўсимликларнинг ҳолатига катта таъсир қиласи. Турли микроорганизмлар — бактериялар, замбуруғлар, сув ўтлари ҳам табиатга актив таъсир этувчи биотик омиллардан ҳисобланади.

Микроорганизмлар таъсирида тупроқда мураккаб биокимёвий жараёнлар содир бўлади. Бунда тупроқ таркибидаги орга-

ник моддалар парчаланиб, улар ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган ҳолатга келади. Булардан ташқари сув ўтлари замбуруғлар билан ҳамкорликда — симбиоз ҳолда яшайди. Ўлар тупроқ унумдорлигини оширишда асосий манба сифатида хизмат қилади. Натижада юксак ўсимликларнинг ривожланишига ва атрофга тарқалишига бевосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, тупроқни донадор бўлишида ва уни чиринди моддалар билан бойитишда ёмғир чувалчанги қанчалик роль ўйнашини ким билмайди, дейсиз. У тупроқни унумдор қилиб, қишлоқ хўжалигига катта фойда келтиради. Бу хилдаги мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, биотик омилларнинг табиатга, ундаги тирик организмларга таъсири бениҳоя катта бўлиб, организмларнинг яшashi, ҳаёт кечириши, ривожланишида асосий роль ўйнайди.

### Антрапоген омиллар.

Кейинги пайтларда инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири кун сайин ортиб бормоқда ва бевосита равишда табиий мухитни ўзгартириб юбормоқда. Инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири бошқа таъсиротлар: ўсимликлар, ҳайвонлар ва абиотик таъсиротларга қараганда жуда каттадир.

Инсон табиатни ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун ҳар томонлама ўзлаштириб бормоқда. Масалан, янги ўсимлик навини, айниқса сабзавот, мевали, техника, донли, ем-хашак, витамишли ўсимликларнинг янги-янги серҳосил навлари етиштирилмоқда.

Ўлкамизнинг кўпгина чўл ва чала чўл зоналарида, тоғ этакларида иҳота дарахтзорлари, мевали боғ-роғлар барпо этилмоқда. Суғориш мақсадларида каналлар, ариқлар қазиб, сув омборлари қуриб табиатга таъсир кўрсатилмоқда. Мавжуд ўсимликларни экиш билан бирга бошқа жойлардан ҳам янги-янги ўсимликлар келтирилиб, янги ўсимлик навлари яратилмоқда ва ўсимликлар олами бойитилмоқда.

Инсон баъзан табиатга онгиз муносабатда бўлиб, унга баъзи ёввойи, заарарли ўсимликларни тарқатмоқда. Лекин бу инсоннинг аҳамият бермаслигидан содир бўлмай, балки пароҳод, темир йўл, самолёт ва бошқа транспорт воситалари орқали тарқалмоқда.

Лекин кўпгина маданий ўсимликлар бевосита инсон таъсирида бир жойдан, иккинчи жойга маҳсус тарқатилмоқда. Айниқса картошка, маккажӯхори, кунгабоқар, гўза, чой, лимон, мандарин, соя, тамаки, помидор ва бошқа бир қанча шунга ўхшаш ўсимликлар инсон таъсирида тарқалган.

Инсон кейинги йилларда бир қанча ёввойи ўсимликларни маданийлаштириб, уларнинг янги-янги навларини яратмоқда. Буларга бир қанча доривор, асалга бой, каучукли, витамишли, толали ўсимликлар мисол бўла олади. Худди шу йўл билан бир

қанча ёввойи ҳайвонлар, паррандалар ҳам хонакилаштирилмоқда. Буларнинг барчаси инсоннинг табиатга бўлган таъсиридир.

Ҳозирги пайтда инсон томонидан фойдаланилаётган маданий ўсимликлар тури 5000 га етгани ҳолда манзарали, мевали дараҳтлар билан бирга фойдаланиладиган ўсимликлар тури 10.000 дан ортиб кетди.

Ҳозирги кунда ўстирилаётган ўсимликларнинг турлари кишилар томонидан қадимги замонларда ўрганилиб, маданийлаштирилган. Ҳозир эса уларнинг аждодлари йўқолиб кетган.

Бу инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири жуда қадимдан бошланганлигини, инсоннинг табиатни ўзлаштиришда, уни ўз измига буйсундиришдаги ролининг ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

### Тарихий омиллар.

Табиатда мавжуд бўлган ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси жуда узоқ эволюцион давр, яъни неча миллиард йилларнинг маҳсулидир. Бу давр ичида планетамиизда бир қанча ўзгаришлар рўй берган. Бу даврда музларнинг силжиши, қуруқликнинг кўтарилиши ва чўкиши, зилзилалар, бир материкнинг йўқолиб, иккинчисининг пайдо бўлиши табиатга катта таъсир қилган.

Планетамиз муз билан уч марта қопланди, бу бутун ер юзини совишига олиб келди. Муз даври ер юзасидаги ўсимлик ва ҳайвонларни қириб юборди. Бу сингари тарихий омиллар табиатга, унинг ривожланишига таъсир этмасдан қола олмас эди. Шунга кўра ер юзидаги ҳар бир тур ўсимлик ва ҳайвоннинг босиб утган уз тарихий йўли бор. Биз уни билмасдан, ўрганмасдан туриб, улардан кўзлаган мақсадда фойдалана олмаймиз.

### Экологик омилларнинг биргаликдаги таъсири.

Табиатда ўсимликлар муҳитнинг ҳар хил омиллари таъсирида ўсади, ривожланади. Экинлардан юқори ҳосил олиш учун экологик омиллар таъсирини биргаликда олиб боргандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонлар то ҳозирги ҳолатга келгунча жуда мураккаб эволюцион жараённи бошидан ўтказган. Шу боисдан ҳам бაъзи ўсимликларнинг эволюцияси, муҳит омилларига бўлган талаби бир хил бўлмайди. Масалаң, тропик ўсимликларнинг ёруғлик ва сувга бўлган талаби ўзига хосдир. Оҳакли муҳитда ўсадиган ўсимликлар оҳакка бой тупроқда яхши ўсади. Хулоса қилиб айтганда, ўсимликларга экологик омилларнинг биргаликда кўрсатадиган таъсирини фақат ўсув даврида эмас, уларнинг ўсув фазалари давомида ҳам эътиборга олиш керак бўлади.

## ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ОЗИҚЛАНИШИ

Теварак-атрофимиздаги ўсимликлар дунёсига назар ташласак, уларнинг ҳаёт шароитлари турли босқичларда утиб, яшаш учун курашган. Яшаш учун ўзларига хос озиқланиши, муҳитга хос мослашиш ҳосил бўлган. Ўсимликлар дунёси озиқланишига қараб икки гуруҳга бўлинади: автотроф ва гетеротроф ўсимликлар.

1. **Автотроф ўсимликлар.** Автотроф (юон. *автос* — узи, ўзим, *тропе* — овқатланиш) анерганик моддалардан органик моддалар ишлаб чиқарувчи организмлардир. Мазкур гуруҳга киравчи ўсимликлар анерганик моддалар ҳисобига яшайди. Улар, ўз навбатида яна фототроф ва хемотроф ўсимликларга бўлинади. Фототроф ўсимликлар хлорофилли бўлиб, анерганик моддаларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган энергияни қўёш нуридан олади. Хлорофилли ўсимликларнинг анерганик моддалардан органик моддалар ҳосил қилиш жараёни *фотосинтез* деб аталади. Хлорофилли ўсимликларга ҳамма яшил ўсимликлар киради. Хемотроф ўсимликлар гуруҳига оид ўсимликлар озиқланиши учун зарур бўлган энергияни химиявий реакция натижасида ҳосил бўладиган энергия ҳисобига олади. Бу жараён *хемосинтез* деб аталади. Хемотроф ўсимликларга темир, олtingугурт ва азот тўпловчи бактериялар киради.

2. **Гетеротроф ўсимликлар.** Гетеротроф (юон. *гетеро* — бошқа, ўзга, *тропе* — овқатланиш) ўсимликларда фототроф ўсимликлар учун хос бўлган яшил пигмент — хлорофилл бўлмайди. Бу ўсимликлар тайёр органик моддалар ҳисобига яшайди. Гетеротроф ўсимликларга замбуруғлар, бактериялар, юксак ўсимликлардан зарпекач, шумфия каби ўсимликлар киради. Булар ҳам, ўз навбатида сапрофит ва паразитларга бўлинади.

*Сапрофитлар* (юон. *сапропс* — чириган ва *фитон* — ўсимлик) нобуд бўлган организмларнинг органик қолдиқлари ёки тирик организмларнинг чиқиндилари ҳисобига яшайдиган ўсимликлардир. Бу гуруҳга асосан замбуруғлар, қисман бактериялар киради.

*Паразитлар* (юон. *паразитос* — текинхўр, ҳамтовоқ) ҳар хил турдаги организмлар (усимликлар, ҳайвонлар микроорганизми, одам) нинг танасида текинхўрлик билан ҳаёт кечирувчи организмлардир. Буларга кўпчилик бактериялар, замбуруғлар ҳамда гулли ўсимликлардан зарпекач, девпечак, шумфия, ҳайвонларда ҳаёт кечирувчи лентасимон чувалчанглар, битлар, бургалар, каналар киради.

Баъзи ўсимликлар ҳам автотроф, ҳам гетеротроф йўл билан озиқланиши мумкин. Ўсимликларнинг бундай озиқланиши миенетроф (грек. *микис* — аралаштириш, *тропе* — озиқланиш) яъни аралашиб озиқланиши деб аталади. Мазкур организмлар фотосинтез натижасида ҳосил бўлган органик моддалардан

ташқари тайёр органик моддалар ҳисобига ҳам озиқланади. Масалан, күк-яшил сув ўтлари ва яшил сув ўтларининг баъзи вакиллари, автотроф булишидан қатъи назар, сапрофит нул билан ҳам озиқланади.

## ОРГАНИЗМЛАР ОРАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

Табиатда тарқалган тирик организмларнинг ҳаёти ва ўзаро муносабатларини узоқ вақт кузатсангиз, бу сирли оламнинг узига хос табиати, қонунияти борлигини сезиш қийин эмас. Бундай қараганда атрофимиздаги муҳит, ундаги тирик организмлар, абиотик омиллар гўё азалдан бору, улар шундай булиши керак ва шундай булиб қолади деб ўйлаш мумкин. Аслида ундаи эмас. Ер юзида ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг булиши, абиотик омиллар, ер шар шаклида эканлиги, унинг ўз ўқи атрофида ва Қуёш атрофида айланishi, кеча ва кундузни, йил фаслларининг ҳосил булиши, табиатда моддаларнинг айланishi, ер юзасида атмосфера, литосфера, гидросфера, биосфераларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро муносабатлари — бу табиат қонунидир.

Биз табиатнинг ана шу қонунларини билмасдан, унинг содир булиш сабабларини ўрганмасдан туриб, табиат ҳақидағи билимимизни, тушунчамизни орттира олмаймиз. Шунинг учун қуйида улар билан танишишга, бу муаммоларни бирмунча ечишга ҳаракат қиласиз.

Ер шар шаклида. Унинг умумий майдони 510 млн. кв. км. Шундан 361, млн. кв. км ни ёки 70,8% ини сув, 149 млн. кв. км ёки 29,2% ини қуруқлик ташкил этади. Ернинг шимолий ярим шаридаги қуруқлик жанубий Ярим шардагига нисбатан купроқ. Шимолий ярим шарнинг 39% ини қуруқлик, 61% ини сув ишғол қиласа, жанубий ярим шарда қуруқлик 19%, сув эса 81% дир.

Ер шари ўз ўқи атрофида гарбдан шарққа томон айланади. У ўз ~~юзи~~ атрофини 23 соат 56 минут 4 секундда, яхлит қилиб олганда 24 соатда айланаб чықади. Ҳосил булган кеча ва кундузда ер юзида барча тирик организмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар ҳаётида узига хос узгаришлар содир булади. Масалан, кундузи ўсимликлар усади, ҳайвонлар овқат излайди, одамлар меҳнат қиласи. Кечаси эса бу тирик организмларнинг аксарияти дам олади, кундузи сарфланган энергиясини қайта тиклайди. Бу билан ҳамма организмлар ҳам шундай ҳаёт кечиради, деб тушунмаслик керак. Тунда ўсадиган, озиқ ахтарадиган, меҳнат қиладиган организмлар йўқ эмас. Лекин, бу нисбатан кам.

Бундан шундай холосага келиш мумкинки, табиатда ҳосил булган кеча ва кундуз тасодифий эмас, балки қонуният асосида рўй бераб, булар табиатдаги жонли организмларнинг яшаси, содир булиши учун зарур булган хусусиятлардан бири булган муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати натижасидир.

Ер ўз ўқи атрофида айланишидан ташқари яна секундига ўрта ҳисобда 29, 76 км тезликда Қуёш атрофида ҳам айланади. Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиши 365 кун 5 соат 48 минут 46 секунд давом этади. Бу бир йил ёки түрт фасл демакдир. Агар Ернинг ўқи орбита текислигига перпендикуляр бўлганда эди, унда Ер юзасининг ҳамма жойи бир хилда иситилиган ва ёритилган бўлар эди. Ернинг Қуёш атрофида ўз орбита текислигига офишган ҳолда айланиши туфайлигина Қуёш нурининг тушиш бурчаги ўзгариб, йил фасллари алмашиниб туради.

Ернинг Қуёш атрофида орбита текислигига офишган ҳолда айланиши туфайли унинг турли жойлари Қуёшдан турли миқдорда ёруғлик ва иссиқлик олади. Энг кўп иссиқлик ва ёруғлик экватор атрофларига тушиб, ундан шимол ва жанубга томон камая боради. Шу сабабли Ер шарида иссиқлик минтақалари вужудга келган.

Иссиқлик бўлмас Ер юзида ҳаёт йўқ, дегани. Бу ерда ҳам табиат қонуни — Ернинг Қуёш атрофида ўз орбита текислигига офишган ҳолда айланиши туфайли табиатда ана шундай йил фасллари ҳосил бўлиб, турли организмларнинг ҳаёт цикли, яаш формалари, шакл ўзгаришлари ҳосил бўлган. Бу муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабатининг чамбарчас боғланганигидан далолат беради.

Табиатда ўсимликлар билан ҳайвонларнинг турлари тасодифан тақсимланмаган, балки маълум қонуниятлар асосида доимий комплекслар — жамоаларни ташкил қилиш асосида юзага келган. Масалан, ўрмон, ўтлоқ, дашт, чўл кабилар. Бундай жамоаларнинг таркиби, ундаги турлар ҳаёт кечирадиган жойларнинг табиий шароитига боғлиқ бўлишидан ташқари бир-бирига бевосита қарамлигидан ҳам келиб чиқади. Тирик мавжудотлар жамоалари ва уларнинг яаш муҳитини ўз ичига оладиган, функционал система экологик система ёки экосистема деб юритилади. Бу системага кирувчи компонентлар орасидаги ўзаро муносабатлар озиқ занжирига ва энергия олиш усулларига боғлиқ.

Маълумки, биоген моддалар табиатда узлуксиз даврда айланиб туради. Автотроф организмлар ҳаёти учун зарур бўлган кимёвий моддаларни ўз атрофидаги муҳитдан олади. Бу моддалар гетеротроф организмлар орқали атроф-муҳитга яна қайтиб келади. Бу жараённи амалга ошиши учун ташқаридан доим энергия келиб туриши зарур. Қуёшнинг ёруғлик энергияси бунинг манбай бўлиб хизмат қиласи.

Табиатда моддаларнинг давра бўйлаб айланиб юриши ҳаёт учун зарур шарт сифатида эволюция жараённада вужудга келган.

Маълумки, табиатда моддалар алманиниш схемаси, бундай қараганда оддий бўлса ҳам у табиатнинг маълум шароитидаги жуда мураккаб жараёндир. Ҳар бир тур органик моддага эга бўлган энергиянинг фақат бир қисмидан фойдаланади ва моддани маълум босқичгача парчалайди. Шу тур учун керак-

сиз бўлган, лекин энергияга бой қолдиқлардан бошқа тур организмлар фойдаланади. Шундай қилиб, ўзаро боғланган турларнинг барқарор занжирлари эволюция жараёнида вужудга келган.

Озиқ занжирларига доир мисоллар ҳаётда жуда кўп. Масалан, ўсимликларни ўтхўр ҳайвонлар ейди, ҳайвонларнинг чиқиндилари ва ўлаксалари билан ҳар хил гўнгўр ва ўлаксахўр ҳашаротлар ҳамда чиритувчи микроорганизмлар озиқланади. Табиий шароитда озиқ занжирлари кўплаб звенолардан иборат бўлиб, уларга гўштхўр ҳайвонлар, йиртқичлар билан текинхўрлар қўшилади.

Озиқ занжирига кирувчи барча организмлар яшил ўсимликларда ҳосил бўлган органик моддалар ҳисобига яшайди. Озиқланиш жараёнида энергиядан фойдаланиш ва уни бошқа шаклга айлантириш самарадорлигига алоқадор муҳим қонуният шу ерда амал қиласди.

Қуёшдан ўсимликларга тушадиган ёруғлик энергиясининг қарийб 2% игина синтезланган органик моддаларнинг кимёвий боғларидаги потенциал энергияга айланади, бу энергиядан гетеротроф организмлар озиқланганда фойдаланиши мумкин. Ҳайвон ўсимлик билан озиқланганда овқатдаги энергиянинг кўп қисми ҳаёт фаолиятининг турли жараёнларига сарфланиди, айни вақтда иссиқликка айланади ва тарқалиб кетади. Овқатдаги энергиянинг фақат 5—20% и ҳайвон танасининг янги тузиленган моддасига ўтади. Агар ўтхўр ҳайвонни йиртқич еб қўйса, овқатдаги энергиянинг яна каттароқ қисми йўқолади.

Энергия сарф бўлиши сабабли кейинги ҳар бир озиқ даражасида ҳосил бўладиган органик моддалар миқдори кескин камаяди. Буни қўйидаги мисолдан кўриш мумкин. Агар истеъмол қилинган озиқдаги энергиянинг ўтра ҳисоб билан 10% и ҳайвон танаси моддасига ўтади деб фараз қилинса, 1 т ўсимлик моддаси ҳисобига ўтхўр ҳайвон танасининг атиги 100 кг массаси ошади ва шу масса ҳисобига йиртқич ҳайвон танасининг фақат 10 кг массаси ҳосил бўлиши мумкин. Бу ерда озиқ занжирининг асоси бўлиб хизмат қиладиган ўсимлик моддалари ўсимлиkhўr ҳайвонларнинг умумий массасига нисбатан ҳамиша бир неча баравар ортиқ бўлади, озиқ занжирининг кейинги турларидан ҳар бирининг массаси ҳам тобора камаяверади. Бу биологияда жуда муҳим қонуният — экологик пирамида қоидаси деб аталади.

Озиқ занжирлари экосистемада доимо бир хилда эмас. Турли компонентлар деярли ҳамма вақт турли обьектлар билан озиқланади ва ўзи ҳам экосистеманинг турли аъзолари учун озиқ бўлиб хизмат қиласди. Натижада озиқ боғларининг мураккаб тармоги ҳосил бўлади. Бу организмларнинг ўзаро муносабатлари учун типик мисол бўла олади.

Табиатдаги мутаносиблик жонли табиатдаги ўзаро боғланышлар асосини ташкил этади. Ҳар хил турга мансуб организм-

**Лар** бир-бирига ва эволюция жараёнида вужудга келган теварак-атрофдаги жонсиз табиат шароитига ҳар томонлама мослашган.

Ҳар бир табиий участкадаги озиқ занжирлари турларининг ўзига хос комплексларидан иборат бўлади. Ана шу комплекслар теварак-атрофдаги табиий муҳит билан биргаликда ўзини ўзи сақлаб турадиган система ҳосил қиласди, шу системада моддалар давра бўйлаб айланаб юради. Бундай барқарор экологик системалар биоценозлар деб аталади. Биоценозларнинг органик компонентлари анорганик биоценоз компонентлари — тупроқ, намлик, атмосфера ва шунга ўхшашлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар билан биргаликда мустаҳкам экосистема ҳосил қиласди. Бу биогеоценоз экосистеманинг органик компонентларини ҳам, анорганик компонентларини ҳам ўз ичига олади. Масалан, ўрмон, утлоқ, сув ҳавзаси (ўсимлик ва ҳайвонлари билан бирга), дашт, чўл ва бошқалар биоценоз ва биогеоценозга мисол бўла олади.

Тирик модда ҳосил қиласдиган яшил ўсимликлар — продуцентлар уларнинг асосини ташкил этади. Продуцентлар (лат. *продуценс* — яшил автотроф ва хемотроф организмларнинг анорганик моддалардан органик модда ҳосил қиласдиган маҳсулот) табиатда кенг тарқалган. Тирик органик модда истеъмол қиласдиган ўсимликхур ва гўштхур ҳайвонлар — консументлар (лат. *консумо* — истеъмол, яъни гетеротроф организмлар фитофаг, зоофаг, полифаглар истеъмол қилиши ва ниҳоят органик қолдиқларни парчалайдиган мавжудотлар — редуцентлар (лат. *редуцентис* — қайтариш, парчалаш) яъни бактерия ва замбуруглар органик моддани анорганик — оддий минерал бирикмаларгача парчалайди. Бунда асосан биоценозда микроорганизмлар қатнашади. Биоценозда бу учта асосий озиқланувчи организмларнинг ҳар бири кўп турларидан ташкил топган бўлади. Аммо шундай биоценозлар ҳам борки, улар автотроф ўсимликларни (масалан, океанинг энг чуқур жойидаги ёки ғорлардаги ҳайвонлар сингари) ўз ичига олмайди. Лекин шунга ўхшаш типдаги ҳамма биоценозларда энергия оқими органик моддалар шаклида ташқаридан келиши шарт, бу гўёки фотосинтез натижасида аккумуляция қилинадиган энергия ўрнини босади.

Биоценоз таркибини ва унда рўй берадиган жараёнларнинг миқдор анализини таърифлаш учун турнинг ҳар хиллиги, тур популяцияларининг зичлиги ва биомассани билиш катта аҳамиятга эга.

Турнинг ҳар хиллиги — муайян биоценозни ва ундаги ҳар хил озиқ даражаларини ҳосил қилувчи ўсимлик ва ҳайвон турларининг сонини англатади.

Тур популяцияларининг зичлиги — шу тур индивидларининг майдон бирлигига ёки ҳажм бирлигига киритилган миқдоридир.

*Биомасса* — жами индивидлар йиғиндисидаги органик мадданинг ва шу моддадаги энергиянинг умумий миқдоридир. Био-

масса, одатда, майдон бирлигига ёки ҳажм бирлигига тұғри келадиган, қуруқ моддага айлантириб ҳисоб қилинадиган вазн бириккларида ифодаланади.

Популяция (лат. *популус* — халқ, ақоли) узоқ муддат муайян бир жойда яшайдиган ёки үсадиган бир турға мансуб индивидлар йиғинди. Бир популяцияга мансуб индивидлар бошқа популяция индивидларига нисбатан бир-бири билан әркін чатишиді. Популяциянинг асосий хусусияти унинг генетик бирлигидір.

Популяциядаги индивидлар бир-биридан ёши, жинси билан, одатда үзаро чатишидиган ҳар хил авлодларга, ҳаёт циклининг түрли фазаларига, беқарор гурухларга (пода, колония, оила ва бошқаларга) мансублиги билан фарқ қиласы. Популяциядаги индивидлар сони ҳар хил турлар орасидагина әмас, балки бир тур ичіда ҳам ҳар хил бұллади. Ҳар бир ҳайвон ёки үсимлик түрининг популяциядаги сони туғишиш ва нобуд бұлиш балансыга боғлиқ. Нобуд бұлувчи организмлар сонининг камайиши ва туғишишнинг күпайиши ҳам популяцияни оширади. Табиатда иккала күрсаткыч күпинча қарама-қарши йұналишда таъсир этувчи бир талай экологик омилларга боғлиқ.

Популяция әгаллаган жой чегараларини аниқлаш күпинча жуда қишин, чунки улар ҳар доим үзгариб туради, ареал деб шунға айтилади.

Популяцияны үрганиш ҳам илмий, ҳам амалий ажамияттаға әга. Уларни тұлық үрганмай, генетик асосини билмай туриб, үсимлик навини ёки ҳайвонлар зотини күпайтириш мүмкін әмас.

## БИОСФЕРА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Әволюция натижасыда Ер шарыда яшайдиган тирик организмларнинг маңсус қатлами — ҳаёт жойи *биосфера* деб аталади. Биосфера атмосферанинг пастки қисми тропосфераны, ер юзасининг океан, денгиз, күл ва дарё сувлари билан қолланған қисми — гидросфераны ҳамда ер қобиғининг устки қисми — литосфераны үз ичига олади. Биосфера номини фанга биринчи марта Ж. Б. Ламарк олиб кирған. Бу ҳақдаги таълимотни академик В. И. Вернадский яратған (1863—1945).

Ер шарыда бир неча геосфера бор. Улар қыйидагилар: а) Ер пұстлоғи — литосфера — Ер шарининг ташқы қаттық қобиғи; б) Ер юзасидаги океанлар, денгизлар, дарёлар, күллар — гидросфера — Ер шарининг сув қобиғи; в) Ер юзасини қолпаб олған ҳаво қобиғи; г) Ер шаридаги тирик организмлар — биосфера — Ер юзасининг тирик организмлар тарқалған геологик қобиғидір.

Ана шу геосфералар ичіда асосий ва инсон учун катта ажамиятта әга бұлғаны биосферадир. Бу сфераларни бир-биридан ажратиш, қай бирини якка үрганиш ва унинг ажамиятига юқсан баҳо беріш ақлдан әмас. Улар табиатда бир бутун. Агар

табиатни бир тана деб олсак, уларнинг ҳар бири тананинг энг муҳим аъзоси ҳисобланади.

Табиатдаги барча жонли организмлар: ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар ва инсоният биосферанинг таркибий қисми ҳисобланади. Биосферадаги организмларнинг чегараси ҳар хил организмлар ҳаёти учун зарур шароит мавжудлиги билан белгиланади. Биосферада ҳаётнинг юқори чегараси атмосферанинг стратосфера қатлами (баландлиги Ердан 20 км) гача, пастки чегараси эса Ер бағридаги литосферанинг юқори ( $100^{\circ}\text{C}$  дан ҳам ошадиган) ҳарорати билан чегараланган. Биосферанинг энг сўнгги чеккасига фақат тубан организмлар — бактериялар етиб боради. Текширишлар натижасида шу нарса аниқландикси, бактерия ва замбуруғларнинг споралари стратосферага 20 км баландликка кўтарилиб боргани ҳолда, анаэроб бактериялар эса Ер пўстлоғининг кислородсиз муҳитидаги 3 км дан ортиқ чуқурликка кириб боради. Жумладан, анаэроб бактериялар нефть конларининг сувидан ҳам топилган.

Жонли организмларнинг энг кўп қисми биосферада қуруқлик ва океан юзасида, литосфера ва атмосфера, гидросфера ва атмосфера, гидросфера ва литосферанинг бир-бирига туташган чегарасида жойлашган. Бу ерларда жонли организмларнинг озиқланиши учун зарур бўлган барча ҳаёт шароитлари — иссиқлик, сув, кислород ва кимёвий элементлар мавжуд. Атмосферанинг юқори қатламларида (стратосферанинг бир қисми, ионосфера) ҳамда гидросфера ва литосферанинг ичкари қисмларида ҳаёт концентрацияси камайиб боради.

Жонли организмлар массаси Ер қобиги массасига нисбатан жуда кам. Лекин шунга қарамай, Ер қобигидаги купгина ўзгаришлар тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятига боғлиқдир.

Қулай шароит яратилиши билан баъзи йилларда айрим турлар шу қадар кўпайиб кетадики, ҳашаротлар, кемирувчилик, қушлар бирдан ёпирилиб келади. Организмларни, айниқса бир ҳужайрали организмларнинг кўпайиши ва тез тарқалиши ҳаёт «ҳамма жойдалигини» — исботидир, деб таъкидлайди В. И. Вернадский.

Ҳар бир жонли организм ва ҳамма биомассанинг хусусияти атроф-муҳит билан доимо моддалар алмашинишидан иборат. Жонли организм танасида 20—30 дан ортиқ элементлар бўлади. Уларда озиқланиш ва нафас олиш маҳсулотлари билан бирга энергия тўпланади ва бу энергия озиқ занжири орқали кўпайиш йўли билан бошқа организмларга ўтади. Яшил ўсимликларнинг фотосинтезда  $\text{O}_2$  ажратиб,  $\text{CO}_2$  ютиши биосферада муҳим аҳамиятга эга. Яшил ўсимликларнинг биосферадаги роли, аҳамияти, у етказиб берётган кислород, хилма-хил хомашёлар, ём-хашак, доривор моддалар, витаминлар хислатини санаб, адогига етиш қийин.

Биосферада ўсимликлар массаси ҳайвонлар массасидан кўп марта ортиқ. Масалан, Ер шаридаги биомасса 100% бўлса,

шундан 94,5% и ўсимликлар биомассасига, 5,5% и эса ҳайвонлар биомассасига тұғри келади. Үмуман, биосферадаги биомасса вазн жиҳатидан оз бұлиб, умумий массаның қарийб 0,01% ини ташкил этади, лекин планетада биомассаның рөли жуда катта.

*Биомасса* — жонли организмларнинг үзи яшаб турған мұхити юзасига тұғри келадиган умумий миқдори. Ү оғирлик үлчови грамм, кг, тонна билан ifодаланади. Биомасса маълум майдондаги ўсимлик массаси булиб, буни аниқлаш учун 1 м<sup>2</sup>, 10 м<sup>2</sup> миқдорда ер олинади ва унинг ўсимлиги үлчанади. Шунга қараб ернинг (айниқса яйловлар) ҳосилдорлиги аниқланади.

Шуни айтиш керакки, құтблардан экваторға борган сайин биомасса аста-секин күпая боради. Шу билан бирга ўсимлик турлари ҳам ортади. Масалан, тундра зонасида ўсимликлар түри (лишайниклар, йұсинарлар) 500 гача етса, дашт зоналарда 2000 тағача, субтропик зоналарда 3000 гача, намли тропик үрмөнларда 8000 дан ҳам ортади. Худди шунингдек ҳайвон турлари сони ҳам ортиб боради.

Биосферада ўсимлик ва ҳайвонлар моддаларнинг давра айланишида актив иштирок этади. Жонли организм танасидаги асосий моддалар бири бұлған сув ва бошқа ҳамма элементлар давра бүйлаб муттасил айланиб туради. Аниқланишича, океан сувларини ўсимликлар тахминан 6 млн. йил мобайніда парчалаб, янгилаб туриши мүмкін. Яшил ўсимликлар вужудға келгандан бери (550 млн. йил) гидросферадаги сув жуда күп марта янгиланиб турған.

Биосферадаги организмлар Ер қобиғидаги кислород, азот, углерод, калий, кремний, фосфор, олтингугурт, темир, мис, марганец, натрий, йод, радий каби элементларни бир жойдан иккінчи жойға күчишида, түпланишида бевосита иштирок этади. Бу жараён неча үн миллион йиллар давом этмоқда. Буни таҳлил қылған В. И. Вернадский, «ундан күра доимийроқ таъсир этадиган, шунинг учун ҳам охирғи оқибатлары жиҳатидан умуман тирик организмларға нисбатан құдратлироқ кимёвий күч Ер юзасида йўқ», — деб ёзған эди.

Жонли организмларнинг тупроқ пайдо бұлишидаги рөли foят катта. Тупроқ ўсимлик ҳәети учун зарур бұлған мұхит бұлибина қолмай, балки турли-туман майда организмлар бұлған биогеоценоз ҳамдир. Тупроққа ўсимлик органлари (илди, барғи, чириган новдалари, танаси) тушади, уни бойитади. Булар бактериялар ва замбуруғлар таъсирида парчаланади, минералланади. Ана шу чириган чириндиларнинг түпланишидан тупроқ унумдорлиги ортади. Тупроқ унумдорлигининг ошиши у ерда микроорганизмларнинг ривожланишини, натижада ўсимликларнинг күпроқ ўсіб чиқишини таъминлайди. Бу биосферада моддаларнинг давра айланишини ҳосил қиласы.

Тупроқ пайдо бұлишида микроорганизмларнинг рөли яна ҳам катта. Тупроқдаги чиритувчи бактериялар органик қолдикларни парчалаб, аммиак ажратади, бошқа бактериялар амми-

акни аввал нитрит кислотага, сұнгра нитрат кислотага айлантиради.

Тупроқдаги аэроб ва анаэроб бактериялар органик моддаларни парчалаб, ҳавога аммиакни чиқарып туради. Л. Пастер бактерияларни «табиатнинг буюк гүрковлари» деб атаган эди.

Тупроқ пайдо булишида чувалчангларнинг ҳам роли каттадир. Улар чириган барг, поя, илдиз, меваларни парчалаб, тупроқнинг донадорлигини оширади. Айниқса буни ёмғир чувалчангы мисолида күриш мүмкін.

Ұсимлик қолдиқлари ва ҳайвон ұлаксаларининг чириши биосферадаги әңг муҳим жараён булиб, мураккаб органик бирикмаларни қайтадан минерал моддаларга айлантиради.

Атмосфера, литосфера ва гидросферада микроорганизмлар тарқалғанлығы, уларнинг күпайиши ва ҳаёт фаолияти моддаларнинг давра айланишига таъсир күрсатыб, биосферада жуда катта роль үйнайды.

Баъзи бактерияларининг споралари — 253°C ва 120°C ҳароратда 20 йил тупроқ остида яшаса ҳам ҳаёт қобилиятини сақладаб қолади. Озиқланиши ва энергиядан фойдаланиш усули жиҳатидан улар хемосинтез қылувчи бактериялар, сапрофит бактериялар ва паразит бактерияларга булинади. Булар ҳам биосфераның әңг типик организмларидан ҳисобланиб, биосферада моддаларнинг давра айланишида актив қатнашади.

Академик В. И. Вернадский биосфера ҳақидағи таълимотида фараз қылғанидек, ҳозирги вақтда инсоният Ернинг янги қобиғини, яъни ноосфераны вужудда келтирмөқда.

Олим биосферада кимёвий элементларнинг түпланиши, ал машиниши ва тарқалишида организмларнинг ролини биринчи булиб күрсатыб берди. У планетамизнинг эволюцион тараққиети космик, жуғрофик ва биологик жараёнларнинг бирлиги асосида юзага келғанлыгини, бунда инсоннинг пайдо булиши эволюцион қонуннинг натижаси эканлигини исботлади. У илмий фикрлаш — биосфера эволюциясининг қонуний маҳсулі эканлигини күрсатди.

Вернадский биосферада жонли организмларнинг ролига бағы бераркан, булардан инсон фаолиятини алоқида таъкидлаб, у янги ерлар очиш, унинг әгаллаш диапазони күн сайн кенгайиб боришини илмий асосда исботлади. Инсоният биосферада нисбатан кичик масса бўлса ҳам, унинг фаолияти жуда каттадир. Инсон биосферадан ташқарига чиқди, унинг космик кемаси Ойга ва Венерага етиб борди.

Космик биологияининг ривожланиши инсоният олдига бир қанча вазифаларни қўйди. Масалан, ердаги организмларнинг космик фазода ва космик аппаратларда учиш вақтидаги ҳаёт фаолиятининг үзига хос хусусиятларини, космик кема экипажлари ва станциялари аъзоларининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи биологик системалар яратиш принциплари, ердан ташқаридаги ҳаёт шаклларини урганиш ва бошқалар. Ҳозиргача МДҲ да 56 дан ортиқ, АҚШ да 6 хил биологик обьект космик фазода текширилган.

Космик фазони ўрганишда ҳайвонлардан итлар, каламушлар, денгиз чўчқалари, қурбақалар, юксак ўсимликлардан традесканция, буғдой, нӯхат, пиёз, маккажӯхори, бир ҳужайрали сувўтлардан хлорелла, одам ва ҳайвон тўқималарининг культураси, бактерия, вирус ва бошқа шунингдек баъзи ферментлар устида тажрибалар ўтказилди.

Бу шуни кўрсатадики, инсоннинг яшаш, ўрганиш диапазони биосферадан космик фазога, сайёralар томон илгарилаб бормоқда.

Ҳозирги вақтда биосферани ўрганиш, унинг қонунларини янада яхшироқ билиб олиш, табиат мутаносиблигини бузмаслик, мавжуд биоценозларни атрофлича кузатиш, ундан оқилона фойдаланиш муаммоси турибди. Бунинг учун ҳар бир киши аввало табиат бойликларидан, унинг инсон учун яратган битмас-туганмас хазинасидан фойдаланиш учун бу хазина эшикларини оча билиши, унинг калитини топиши зарур. Хазина эшиги эса қўполлик, ҳаёсизлик, ваҳшийлик билан эмас, балки табиат қонуниятларини билиб, ўрганиш олган билим калити билан очилади. Шунга кўра ёшлар олдида турган муҳим вазифа табиатга меҳр қўйиш, инсон учун яратиб берилган табиат бойликларини кўз қорачигидай асраш, уни янада бойитиш, купайтиришдан иборатдир. «Аммо табиат устидан қозонган ғалабаларимиз билан ҳаддан ташқари талтайиб кетмайлик. Шундай ҳар бир ғалаба учун табиат биздан учини олади», — деб башорат қилган эди Ф. Энгельс.

Ҳақиқатан ҳам ер юзида генетика табиатга қарар булиб келди. Инсон онги, нерв системаси ривожланиб у ташқи мухитни идрок эта бошлагач, энди у табиатга қарар эмас, ундан ўз ҳаёт манфаатлари йўлида фойдаланадиган бўлди. Инсон табиатнинг онгли бир қисми бўлиб, ундаги турли омиллар: сув, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонлардан кенг фойдалана бошлади.

Ибтидоий жамоа даврида одамларни бир-биридан ажратиб турган дарёлар, денгизлар, эндиликда одамлар, халқлар ўртасида алоқа ва муносабатлар воситаси бўлиб қолди.

Механик энергиядан электр ва атом энергиясигача бўлган энергиянинг турли формаларини одам аста-секин эгаллаб борди. Бир вақтлар ибтидоий одамлар оёғи остида ётган турли қимматли қазилма бойликлар эндиликда инсонлар хизматида.

Улардан тонна-тонна темир, миллион тонналаб нефть, цемент, мэрд тонна тошкүмир ва шунга ўхшаш қимматбаҳо metalllar олинимоқда. Одам янги ерлар ўзлаштироқда, каналлар, сув омборлари барпо этиб, дарёлар ўзанини ўзгартириб, улардан ўз ҳаётida фойдаланмоқда. Булар бевосита табиат иқлимига таъсир этади.

Инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири ҳозирги кунда янада ошди. Шу сабабли унинг қўлини ҳамма соҳада: атмосфера, литосфера, гидросфера ва биосферада кўриш мумкин.

Айниқса техника асри деб ном олган шу кунда унинг роли янада ошди. Инсон улкан энергия ва техникага эга бўлди. Лекин ҳар куни шаҳарларимиздаги минглаб автотранспортлар чиқараётган заарли газларнинг атмосферага тарқалиши ва тупроқдан уйлаб фойдаланмаслик оқибатида қанчадан-қанча унумдор ерлар яроқсиз ҳолга келмоқда. Сув ресурсларидан, дарё ва денгиз сувларидан нотўғри фойдаланиш натижасида, улкамизда Орол денгизи, Зарафшон дарёси қуриб, гидросфера катта таъсир этилмоқда.

Булардан ҳам ҳавфлиси биосферанинг асосини ташкил этган ўсимлик ва ҳайвонларга ўтказилаётган таъсир ҳаммасидан ҳам катта. Ўрмонларни ортиқча кесилиши ва уларни ёниши натижасида ўрмонлар майдони кескин камайиб кетмоқда. Масалан, Францияда XVIII асрдаги 17 миллион гектар ўрмондан XIX асрга келиб 8 миллион гектар ўрмон қолди. Бундай ҳолларни ҳамдустликдаги давлатларда, хусусан жумҳуриятимизда ҳам учратиш мумкин. Бир вақтлар үлкамиздаги топ этакларини қоплаб ётган қанчадан-қанча ёнғоқзор, бодомзор, пистазор, анорзорлар йўқ қилиб юборилди. Ҳозир уларнинг номлари — «Анжирли», «Қовунчи», «Бешчинор», «Қўк терак» кабилар қолган, холос.

Ҳайвонлар оламига етказилган зарар ҳам бундан кам эмас. Ҳайвонларни нотўғри, плансиз овлаш натижасида уларнинг кўпгина турлари ҳозир Ер юзидан йўқ қилиб юборилган. Масалан, ҳозир йиртқич ҳайвонларнинг 60 тури, қушларнинг 100 га яқин тури умуман йўқотилган.

Ҳозир эса сутэмизувчиларнинг 120 ва қушларнинг 187 тури йўқолиш арафасида турибди. Айни кундаги вазифамиз үлкамиздаги ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсини сақлаш, қуриқлаш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиб, биосферани тўлиқ сақлашдан иборатdir.

Хуллас, инсоннинг биосферадаги роли беқиёс каттадир. Чунки инсон табиатга онгли таъсир этади. Унинг табиатдаги бошқа мавжудотлардан ҳам фарқи шунда. Шунинг учун ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифа инсоннинг табиатга таъсирини планли, оқилона, мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилишини таъминлашдан иборатdir. Акс ҳолда табиат бойликлари, унинг ресурслари йил сайин камайиб боради. Бу бизнинг табиатга етказган катта жароҳатимиз бўлади. Бунинг учун табиат ҳеч биримизни кечирмайди.

## II б о б. ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

### ЖОНЛИ ОРГАНИЗМЛАРНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ

Теварак-атрофимиздаги мавжуд тирик организмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар олами инсонлар эътиборини қадимдан ўзига тортиб келган. Ўсимликлардан турли мақсадларда, озиқовқат, хомашё, доривор, ем-хашак сифатида фойдаланилиши, ҳайвонлардан ҳам худди ўсимликлар сингари турли мақсадларда фойдаланилиши кишиларнинг уларга бўлган муносабатини ўзgartирди.

Ўсимлик ва ҳайвонларни системага солиш кишиларнинг ҳаётий талабларини қондириш зарурати натижасида юзага келган. Ҳозирги замон ўсимликлар систематикаси узоқ кузатиш ва текширишлар даврини босиб ўтди. Тарихга назар ташланса, ўсимликларни илк системага солиш машҳур грек философи ва табиатшуноси Аристотель ҳаёти билан боғланади. У (эрэмиздан аввалги 384—322 йиллар) ўсимликларни урганиш, купайтириш, йиғиш ишлари билан шуғулланди. У ўзининг «Ўсимликлар назарияси» деган асарида 100 дан ортиқ ўсимлик турларини ўрганди, системага солди. Айниқса, унинг ҳайвонлар классификацияси бизнинг давримизгача тўлиқ етиб келди.

Ўсимлик ва ҳайвонлар оламини урганиш, уларни системага солишда Аристотель бошлаган ишни унинг издошлиари ва етук табиатшунос олимлар: Теофраст, П. Старший, Абу Али ибн Сино, А. Цезальпин, Жон Рей, К. Линней, А. Де-Жюсье, Ж. Б. Ламарк ва бошқалар давом эттирдилар, тўлдирдилар ва бойитдилар.

Италиялик ботаник Андреа Цезальпин (1519—1603) биринчи бўлиб, илмий асосда ўсимликлар дунёси системасини яратди. У 1583 йилда нашр эттирган «Ўсимликлар ҳақида 16 китоб» номли асарида ўсимликларнинг 1500 турини тасвирлайди. У ўсимликлар дунёсини икки бўлимга: 1) ёрочли ўсимликларга (дараҳт ва бута), 2) чала бута ва ўт ўсимликларига бўлди. Уларни яна ўз навбатида 15 синфа ажратди. Ўсимликларни синвларга ажратиша уларнинг мева, уя ва уруғлари сонини асос қилиб олди.

Цезальпин системаси сунъий система бўлишига қарамай, систематиканинг тарихий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Инглиз ботаниғи Жон Рей (1623—1705) «Ўсимликлар тарихи» номли асарида биринчи марта ўсимликлар дунёсини спорали ва гулли ўсимликларга бўлиб, гулли ўсимликларни эса бир паллалилар ва икки паллалиларга ажратди. Уларни ўз навбатида яна 33 синфа бўлди. У систематикада биринчи бўлиб «тур» атамасини киритди. Унинг системаси ҳам сунъий система эди.

Швед табиатшуноси Карл Линней (1733—1806) ўсимликтарни системага солища жуда катта иш қилди. У ўзининг «Ўсимлик турлари» номли асарида 10 000 дан ортиқ ўсимлик турларига бинар номенклатурасини қўллаган ҳолда таъриф берди. К. Линней системаси гулдаги чангчилар сонига, уларнинг гулда қандай жойлашганлигига асосланган. У ўсимликтарнинг чангчисига қараб, бутун ўсимликлар дунёсини 24 синфа, синфларни эса ўз навбатида тартиб, авлод ва турларга булди. Масалан, 1-синфга — 1 чангчили ўсимликлар, 2-синфга — 2 чангчили, 3-синфга — 3 чангчили, 4-синфга — 4 чангчили... ва ҳоказо, 24-синфга — 24 чангчили ўсимликларни киритди.

К. Линней системаси ҳам сунъий система эди. Чунки ўсимликлар фақат битта белгисига қараб синфларга ажратилган эди. Сунъий система, деганнинг маъноси ҳам шу. Линней ўз хатосини тушунди. У ўсимлик ва ҳайвонларни системага солиш кераклигини, яъни табиий система яратиш зарурлигини таъкидлади.

Табиий система тузишни дастлаб француз олими Антуан Лоран Де-Жюсье (1740—1836) бошлаб берди. Унинг 1789 йилда нашр этилган «Табиий оиласлар буйича жойлашган ўсимлик авлодлари» деган машҳур асарида ўсимликларни системага солища бир қанча белгиларига қараб, уларнинг ўзаро табиий қариндошлиги кўрсатилган. У ҳамма ўсимликларни уч булимга, 15 та синф ва 100 та оиласла бўлди. Ана шундан кейин ботаниклар орасида табиий система яратиш гояси туғилди.

Машҳур ботаник П. Ф. Горянинов (1796—1865) «Ботаника асослари» номли дарслигида табиий системанинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Биринчи бўлиб ҳужайра ҳақидаги таълимотни яратди. У замбуруғлар ва сув ўтларни ўсимликлар билан ҳайвонлар орасидаги ўринни ишғол этувчи организмлар гуруҳига киритди.

XVII асрда микроскопнинг кашф этилиши ўсимлик ва ҳайвонларни системага солища катта бурилиш ясади. Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган майда организмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларни топишда, уларнинг ички ва ташқи тузилишини ўрганишда микроскопнинг роли катта бўлди.

Ч. Дарвин таълимоти айниқса, унинг «Табиий танланиш йули билан турларнинг пайдо бўлиши» деган асари метафизика тузогига тушган олимларга қақшатғич зарба бўлди, кишиларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартирди ва биология фанининг тараққиётida янги давр очди. Унинг ишига ва таълимотига етук табиатшунослар ниҳоятда катта баҳо бердилар.

Филогенетик (юнон. *филон* — қабила, туркум, тур; *генезис* — туғилиш) систематиканинг вазифаси ўсимликларнинг тарихий ривожланишини, тараққиётини, келиб чиқишини, қариндошлик муносабатларини ўрганадиган, уларнинг турларини тўплаб, белгиларидан биттасини олиб системалаш булмай, балки палеонтология, морфология, эмбриология, анатомия,

биология, биохимия, физиология, экология, генетика ва жүгрофия каби фанларнинг маълумотларига асосланган ҳолда уларнинг ўзаро яқинликларини ифодалайдиган система яратишдан иборатdir.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги замон систематикаси ўзмоҳияти билан филогенетик системадир.

Мамжуд ўсимлик ва ҳайвонларни системага солишда уларнинг бир неча белгилари ҳисобга олиниб, қариндошлиқ, бир-бирига яқинлиги аниқлангач, уларни бир-бирига бўйсунадиган катта ва кичик группаларга бўлинади. Буни группа, тўда ёки гуруҳлар, таксонлар ёки систематика бирликлари, систематик категориялар деб айтилади.

Ҳозирги замон систематикаси қўйидаги система ёки таксономик бирликлар асосида бўлинган: бўлим, синф, тартиб, оила, авлод, тур.

Систематикада энг катта ва ўзгармайдиган таксономик бирлик — бу гуруҳ ва бўлимдир. Масалан, тубан ўсимликлар гуруҳи дейилгандан танаси яхши тараққий этмаган, яъни поя, барг ва илдизларга ажралмаган, асосан сув муҳитида яшайдиган 200 мингдан зиёдроқ турларни ўз ичига олган ўсимликларни кўз олдимизга келтирамиз.

Систематикада энг кичик таксономик бирлик бу турдир. Турлар доимий бўлмайди, ҳамиша ўзгариб, ривожланиб турди. Тур ташқи муҳит билан ўзаро боғланган, у ўсади, купаяди, қариди, ҳалок бўлади ва янги турлар ҳосил қиласди.

Ҳайвонларнинг яқин турлари авлодга, яқин авлодлар эса оиласа бирлаштирилади. Ҳайвонлар оиласлари бирикib туркумни, туркумлар эса синфни ташкил этади. Ҳайвонларнинг энг йирик гуруҳи типдир. Тип бир ёки бир неча синфни бирлаштиради.

Ер юзасида дастлаб бир ҳужайрали организмлар пайдо бўлган бўлса, улар эволюцион тараққиёти натижасида, ташқи муҳит таъсирида ўсиб, ривожланиб, мураккаблашиб борган. Масалан, бир ҳужайрали сувутлардан хроококк, содда ҳайвонлардан оддий амёба, майда увоқли вируслардан тортиб кўп ҳужайрали организмлар, замбуруглар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг пайдо бўлиш цикли бунга мисол бўла олади.

Ҳужайралардан тузилган бу организмлар асосан ўсимликлар ва ҳайвонларга бўлинади. Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраси бир-биридан фарқ қилса-да, ҳужайралар тузилишининг маълум бўлган бир хиллиги планетамиздаги барча ўсимлик ва ҳайвон организмларининг қелиб чиқиши бир эканлигини исботловчи далиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Содда ҳайвонлар ва яшил сув ўтларининг кўп турлари ўзнавбатида ҳозирги даражага етгунча узоқ эволюцион йўлни босиб ўтган. Вируслар, яъни ҳужайрасиз формаларнинг мавжудлиги бактериялар ва кўк-яшил сувутлар ҳам узоқ эволюция жараённада ривожланганидан далолат беради. Дастлабки ривожланиш жараённада энг олдин ҳужайрасиз организмлар

вужудга келган, улар ҳозир бизга маълум бўлган бир ҳужай-  
рали, энг содда организмларга нисбатан анча оддий тузилишга  
эга бўлган. Кейин ривожланишнинг навбатдаги босқичида ти-  
рик материянинг ҳужайрали формалари пайдо булган. Улардан  
кўп ҳужайрали организмлар пайдо бўлган. Буни ўсимлик ва  
ҳайвонлар бўлими билан танишиш жараёнида яққол кўриш  
мумкин.

### ЎСИМЛИҚЛАР СИСТЕМАТИКАСИ

Систематиканинг асосий вазифаси ўсимлик турларининг  
номини аниқлаш, уларнинг илмий, маҳаллий, русча номларини  
топишдан иборат. Тасаввур қилинг. Богча участкасида чиройли  
бир ўсимлик усаётир. Унинг номини Сиз билмайсиз. Лекин  
билишни жуда истайсиз. Ҳатто боғча болаларини сайдга олиб  
чиққанингизда, улардан бири қизиқиб Сиздан «тарбиячи опа,  
бу гулнинг оти нима?» деб сўраб қолиши мумкин. Шунда Сиз  
унга тўғри жавоб беришингиз, болани алдамаслигингиз керак.  
Бунинг учун Сиз унинг номини яхши билишингиз зарур.

Ўсимликлар номини билиш учун унинг ташқи тузилиши-  
ни — морфологиясини яхши билиш керак. Ўсимликлар морфо-  
логиясини билмасдан туриб унинг номини, қайси оиласа ман-  
сублигини билолмайсиз. Шунинг учун ҳам қўйида ўсимликлар  
морфологиясининг баъзи томонлари билан танишиб чиқамиз.

*Ўсимлик органлари.* Ўсимлик уруғи экилса кўкариб чиқади.  
Масалан, нўхат уругини олиб Петри косачасига — фильтр қо-  
фози устига қўйиб унга бироз сув солсангиз, у 2—3 кундан  
кейин кўкаради — илдиз отади. Унга ҳар куни оз-оздан сув қў-  
йиб турсангиз у яна 3—4 кундан кейин барг ёза бошлайди. Уни  
тупроққа ўтқазсангиз поя беради. Пояда новда ва барглар  
ҳосил бўлади. Парваришни давом эттирангиз орадан маълум  
вақт ўтгач, у гуллайди. Сув, ёруғлик, иссиқлик етарли бўлса,  
гулдан мева ҳосил бўлади. Меваси пишади. Ўсимлик ҳаётида  
ҳосил бўлган бу органлар: илдиз, барг, поя, гул ва мева ўсим-  
ликларнинг органлари деб айтилади ва улар ўсимлик ҳаётида  
жуда катта аҳамият касб этади. Биз уларнинг ҳар бири билан  
алоҳида танишиб чиқамиз.

*Илдиз.* Илдиз ўсимликларнинг тупроққа ёки бошқа яшаш  
муҳитига маҳкам жойлашиб, ундан сув ва эриган озиқ мод-  
даларни шимиб, поя барг ва шохларнинг най тўқималарига  
ўтказиб берадиган органи.

Илдизлар тузилишига кўра ўқилдиз ва попук илдизга бўли-  
нади. Асосий илдиз яхши ривожланиб, йўғонлиги ва буйи  
ча бошқалардан катта бўлса, ўқилдиз дейилади. Икки паллали  
ўсимликларнинг илдизи асосан ўқилдиз бўлади. Масалан, ғўза,  
яントоқ, беда, дарахтларнинг илдизи ва бошқалар.

Бир қатор икки паллали ўсимликларнинг асосий илдизи  
этдор бўлиб, озиқ моддалар запас ҳолда тўпланади. Масалан,

сабзи, лавлаги, шолғом, турп кабилар. Буларни баъзан шакли ўзгарган илдизлар ҳам деб аталади.

Асосий илдизини ажратиб бўлмайдиган бир тутам кўринишидаги илдиз системаси попук илдиз деб аталади. Попук илдизлар асосан бир паллали ўсимликларда бўлади. Масалан, у буғдой, сули, арпа, пиёз, лола, ялтирош кабиларда учрайди.

Баъзи ўсимликларнинг қўшимча илдизлари бўлиб, у поянинг ер юзасига яқин қисмида ҳосил бўлади. Масалан, макка-жўхори, картошка, карам, помидор ва бошқаларда.

Илдизида жуда кўп тукчалар бўлади. У ана шу тукчалари ёрдамида тупроқда эриган озиқ моддаларни сўриб олиб, юқорига (поя ва шохчаларга) узатиб беради.

Барг. Барг ўсимликларнинг асосий вегетатив органи. Ўсимлик илдизи ёрдамида озиқлангани каби барглари ёрдамида ҳам озиқланади. Фотосинтез ва транспирация (сув буғлаши) каби муҳим ҳаётий функциялар баргда кечади.

Барг барг пластинкаси билан барг бандидан иборат. Баъзи ўсимликларнинг барглари бандсиз бўлади. Улар пояга барг пластинкасининг пастки қисми билан бирикади. Масалан, лола, алоэ, традесканция ва бошқа ўсимликларнинг барги банденз бўлади. Айниқса, у барг пластинкаси остида яхши билиниб туради.

Барглар оддий ва мураккаб бўлади. Битта барг бандида битта барг бўлса, буни оддий барг дейилади. Масалан, терак, урик, ток, ғўза, лола, буғдой, чинор барглари. Битта барг бандида бир нечта барг пластинкаси бўлса, буни мураккаб барг деб айтилади. Масалан, акация, каштан, гледичия, қулупнай, ловия, нұхат ва бошқалар.

Ўсимликларни баргига қараб бир-биридан ажратиш мумкин. Баъзи ўсимликларнинг барг пластинкаси бутун (урик, лола) бўлади. Баъзи ўсимликларнинг барг пластинкасининг чети майда тишли (олма, қайрағоч) бўлади. Баъзилари даги ўйиқ барг энининг 1/4 қисмигача (ғўза, ток) боради. Бундай барг ўйма барг дейилади. Баъзилари даги ўйиқлар ўртадаги томиргача (сабзи, шувоқ) боради. Буни қирқма барг дейилади. Барг пластинкасининг шаклига қараб овал, тухумсимон, юраксимон, лентасимон, найзасимон, қалами ва бошқа формалар бўлади.

Барглар поядаги навбат билан (ғўза, фикус, ёронгул, терак), қарама-қарши (ялпиз, райхон, фуксия, чиннигул), ҳалқасимон (самбитгул) жойлашади.

Поя. Поя — ўсимликнинг шох, барг, гул ва мевалари жойлашган асосий органй. Поя илдиз билан барглар орасида моддалар ҳаракатини таъминлайди. У ер устида баландга кутарилиб, баргларни ёруғликка тутиб туради.

Ўсимликларни фақат баргларига қарабгини эмас, балки поясининг ташки кўринишига қараб ҳам фарқ қилиш мумкин.

Дараҳт ва буталарнинг пояси ёғоч поя, кўп йиллик ва бир йиллик ўтларнинг пояси ўт поя. Улар тик ўсади, масалан, буғ-

дой, маккажұхори, ғұза, райқон кабилар. Баъзан үсимликларнинг пояси метаморфозлашган (шакли үзгартылған) бўлиб, сув ва озиқ моддаларни түплаш (картошка, кактус), ҳимоя (янтоқ, дўлана тиконлари), илашиш (ток, чирмовуқларнинг жингалаги), вегетатив қўпайиш (ажриқ, қулупнай поялари) вазифаларини бажаради. Баъзи үсимликлар (қовун, қовоқ, бодринг, тарвузлар) нинг пояси ерда судралиб ҳосади. Айрим үсимликларнинг пояси калта бўлиб, ер юзасидан кўтарила олмайди. Бундай үсимликлар (қоқиёт, зуптурум, лавлаги, сабзи — биринчи йили ва бошқалар) нинг барглари илдиз олди тўпбаргини ҳосил қилиб, ер юзасидан бошланади.

Пояларнинг бўйи, йўғонлиги турлича. Масалан, йўсин поясининг узунлиги бир неча см, диаметри бир неча мм бўлгани ҳолда, секвоялар поясининг узунлиги 150 м, диаметри 10—12 м, лианалар пояси 200—300 м келади.

Кўпгина илашувчи, чирмашувчи ва яшил девор ҳосил қилувчи манзарали үсимликлардан паркларда, хиёбонларда, болалар боғчасида, шийпон ва тураг жойларда турли мақсадларда, «яшил» ҳайвонлар ҳосил қилиб фойдаланиш мумкин.

**Гул.** Гул — ёпиқ уруғли гулли үсимликларнинг генератив (жинсий урчиш) органидир. Гул гулкосача, гултож, чангчи ва уруғчилардан ташкил топган. 1. Гулкосача — гулнинг сиртида биринчи қаторга жойлашган баргчалардан иборат. Косачабарглар яшил рангли, үсимлик турига қараб сони ҳар хил булади. Баъзи үсимликларда (райқон, мармарак, нұхат) косачабарглар бир-бири билан қушилиб, бошқаларида (турп, шафтоли, ўрик) бирикмайди, айримлари косача ҳосил қиласади. 2. Гултож — косача баргларнинг ички қаватига жойлашган гулбарглардан иборат. Ранги ҳар хил: қизил, сариқ, пушти, оқ, қирмизи ва ҳоказо. У ҳам туташтож (печак, карнайгул, картошка) ва айритож (ўсма, айқитован, наъматак) булади. 3. Чангчи — учинчи қаватни ташкил қилиб жойлашади. Сони бир ва бир нечта булади. У чанг (микроспора) ҳосил қиласади. 4. Уруғчи — марказда жойлашган бўлиб, уруғкуртак (микроспора) ҳосил қиласади.

Косача билан гултож гулқўргон деб айтилади. Гуллар гул ҳосил қилувчи новданинг учидаги якка-якка ёки тўпгул ҳосил қилиб жойлашган булади. Якка гулли үсимликларга олма, нок ва олхўрилар киради. Баъзи үсимликларни гули сояронсимон (сабзи, укроп), баъзилари сўта ва бошоққа үхшайди (маккажұхори, буғдой), баъзилари оддий шингил (карам, редиска, ачамбити), баъзилари мураккаб шингил (сирень, оқ акация, ток), баъзилари саватча (кунгабоқар, бутакұз) шаклида булади.

**Мева.** Мева ёпиқ уруғли үсимликларнинг уруғли органи бўлиб, уруғланиш натижасида ҳосил булади. Меваларнинг катталиги, шакли ва ранги ҳар хилдир. Мевалар серсов ва қуруқ булади. Серсов меваларнинг эти юмшоқ, серсов булади. Улар данакли (ўрик, шафтоли, олча) ва уруғли (олма, қовун, бод-

ринг) ларга булинади. Қуруқ мевалар тузилишига қараб бир неча хилга булинади: ёнгоқ мевалилар — пүсти қаттиқ, ёғоси-мон (ёнгоқ, ўрмон ёнғоги), писта мевалилар — пүсти дағал (кунгабоқар, маҳсар), донли мевалилар — пүсти юпқа (арпа, буғдой, шоли), қанотчали мевалилар — уруғида қанотсимон пардаси бор (шумтол, қайрағоч, заранг). Буларга яна барғак мевалилар (саллагул, испарак, тасмачұп), құзоқ мевалилар (турп, шолғом, индов), құзокча мевалилар (ұсма, жағ-жағ, қатрон), күсак мевалилар (ғұза, құкнори, лолақизғалдоқ) киради.

Булардан ташқари ҳұл, серсув мевалар, резавор мевалар ҳам бор. Масалан, узум, помидор, қулупнай, тут, итузум кабилар.

Мевалар мазаси жиҳатидан ҳам ҳар хил: ширин, нордон, аччиқ, чучук, заҳарлы бұлади. Шу сабабли уларни истеъмол қылғанда хусусиятini, таъмини, фойдалы ва заарарлигини аниқлаб кейин фойдаланиш керак.

Яшаётган теварак-атрофимизда, боғчалар ёнида, участкаларда, жамоа ва давлат хұжаликлари далаларида, дарё ва каналлар бүйіда беҳисоб үсимликлар флораси мавжуд. Улардан намуналар түплаб, гербарий тайёрласак болаларни маҳаллий материаллар билан таништириб боришимизга катта имкон яратылади.

Үсимликни аниқлаш учун уни аввало қайси оиласа мансублигини билиш керак. Уни топиш йұли «аниқлагич» китобида берилған.

Лекин шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда ва бошқа жумхуриятларда ҳам битта үсимлик турли жойда турлича ном билан аталади. Масалан, ўзбеклар — учма, оташак, қўйтикон деса, тожиклар хоригўспанд, қозоқлар — ушме деб аташади. Ҳатто бир үсимликни жумхуриятимизнинг турли вилоятларида, турли шаҳар ва ноҳияларида турлича ном билан аташади.

Проф. С. С. Саҳобиддиновнинг айтишича, ширица загнутая деган үсимлик Тошкентда — ёввойи гултоҗихүрөз, Андижонда — эшак шура, Фарғонада — мачин, Марғилонда — мажит, Қирғизистоннинг Учқўрғон ноҳиясида мачитак деб юритилади. Бу ҳол үсимлик турларини аниқлаш ишларини ғоят қийинлаштиради. Шунинг учун ҳар бир үсимлик тури аниқ бир илмий номга эга бўлиши шарт.

Ҳозир барча үсимлиklärغا илмий ном берилган. Сиз ҳам ундан кенг фойдаланиб, үсимлиklärни аниқлашда уни қўллашингиз керак. Энг муҳими үсимлиklär ҳозир икки ном билан аталади. Бинар номенклатураси деб ном олган бу қўш сўзнинг биринчиси үсимликнинг қайси авлодга мансублигини, иккинчиси эса индивиднинг қайси турга мансуб эканлигини кўрсатади. Масалан, Rosa тагасандicada биринчи сўз — Rosa — Наъматак авлодининг номи, иккинчи сўз — тагасандica турнинг номи бўлиб, «самарқандли» демакдир. У русчасига Шиповник Самарқандский, ўзбекчасига Самарқанд наъматаги дейилади.

Құшном үсімлік турларини биридан иккінчисини ажратиши-  
га, улар орасидаги фарқын ажрата билишга катта ёрдам бе-  
ради.

Үсімліклар дунёсінің үларнинг вегетатив түзилишига, кү-  
пайишига, хилларига, озиқланиш үсулларига қараб асосан  
икки гурухға, тубан ва юксак үсімлікларга бүлинади.

### ТУБАН ҮСІМЛІКЛАР

Хозирғи замон систематикасида тубан үсімліклар әңг катта  
гурухлардан ҳисобланиб, у үз ичига 200 минг дан ортиқ түрни  
олади. Тубан үсімліклар, деб айтилишига сабаб үларнинг ҳа-  
қықиіт поя, барг, илдиз ва мевалари тараққиіт этмаган булиб,  
илдизини — ризоид, мевасини — спора, поясини — таллом ёки  
қаттана деб аталади.

Тубан үсімліклар келиб чиқиши жиҳатидан содда организм-  
лардир. Уннинг дастлабки вакиллари бактериялар — темир бак-  
терия ва күк-яшил сувұтлардан микроколеус булиб, үларнинг  
қолдиқлари топилған.

Тубан үсімлікларнинг асосий қисми сув мұхитидан яшайды.  
Бу үларнинг яшаши, күпайиши учун намнинг қанчалик катта  
аҳамияттаға эга әканлигини күрсатади. Үлар баланд тоғларда,  
музларда, қор тағида, жуда иссиқ булоқларда, ҳавода,  
тупроқ остида, сувда, турли мұхитда үсіб нормал ҳаёт кечира  
олади. Бу үларнинг нақадар мураккаб турли экологик ша-  
роитларда яшаб, ҳаёт кечирганини, эволюцион тараққиетіда  
үзига хос организмлар әканлигини күрсатади.

Шуни айтиш керакки, ҳозирғи күнга қадар фанда ерда ҳаёт-  
нинг пайдо булиши тұғрисида турли тортишув, баҳслар булиб  
келаётгандылығында сабаб шуки, оддий бир ҳужайрали организм-  
лардан ҳам олдин ҳужайрасыз организмлар — вирусларнинг  
мавжудлиги турли мулоҳаза ва муаммоларни көлтириб чиқа-  
ради. Бизнинг вазифамиз ҳаётдаги бу мураккаб жараёнға тан-  
қидий күз билан қараб, үларни ечиш, фанда, биологияда ҳали  
очилмаган муаммоларнинг күплигини айтиб, үларни ечиш ёш-  
ларимизнинг олдіда турған әңг мұхим вазифалардан бири әкан-  
лигини тушунтиришdir.

Тубан үсімліклар үзларининг түзилиши, ҳаёт кечириши,  
озиқланиши, күпайиши билан үсімліклар дунёсінің ғоят тур-  
ли-тұман әканлигини түлиқ исботлайды. Чунки үлар орасида  
жуда майды, бир ҳужайрали вакилларидан тортиб микроцистис-  
тисга үхшаш, узунлиғи 70 м ва ундан ҳам узун бұладыған му-  
раккаб түзилишига эга бұлған, танағы «поя», «барг» ва «илдиз»  
ларға ажралған турлары ҳам бор. Масалан, ламинария, фікус,  
саргассиум ва бошқалар. Үлар ташқы түзилишидан юксак үсім-  
лікларға үхшаса-да, түзилиши билан үлардан кескин фарқ қи-  
лади.

Үмуман тубан үсімліклар табиатда, инсон ҳаётіда жуда  
мұхим аҳамияттаға эга. Шунға күра үларнинг хусусиятлари билан

ҳар бир бўлимни ўтганда, унинг вакиллари билан танишганда батафсил тўхталиб ўтамиш.

Тубан ўсимликларнинг келиб чиқиши, ҳаёт тарзи, озиқланиши, кўпайиши, тараққиёт йўллари ва вегетатив органларининг тузилишига қараб, уларни қўйидаги бўлимларга ажратиш мумкин:

1. Бактериялар.
2. Қўк-яшил сувутлар.
3. Яшил-сувутлар.
4. Диатом сувутлар.
5. Қўнғир сувутлар.
6. Қизил сувутлар.
7. Шилимшиқлар.
8. Замбуруглар.
9. Лишайниклар.

Мазкур бўлимлар билан танишишни энг содда тузилган ва қадимги кекса организмлардан бўлган бактерияларни ўрганишдан бошлаймиз.

### Бактериялар

Жуда майдо, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган микроскопик организмларни *бактериялар* деб аталади (юнон. «микрос» кичик демакдир). Бактериялар жуда ҳам хилма-хил бўлиб, уларда ҳужайраларининг катта-кичиклигини микронлар билан ўлчанади<sup>1</sup>. Бактерияларнинг энг йириги олтингугурт бактерияси бўлиб, унинг катталиги 50 микрондан ошмайди.

Бактериялар бундан 300 йил муқаддам Антон Левенгук томонидан аниқланган. Улар бир ҳужайрали, баъзан ипсимон, шарсимон — кокклар, таёқчасимон — бациллалар, букилган бактериялар — спираллар шаклида бўлади.

Микроскоп кашф этилгандан кейин улар ўрганила бошланди. Айниқса, 1932 йилда электрон микроскоп кашф этилиши муносабати билан, у обьектларни 20 000 марта, экранда эса 100 000—200 000 марта катта қилиб кўрсатадиган бўлди. Электрон микроскопда ҳатто фильтрдан ўтиб кетувчи вирусларни ҳам куриш мумкин.

Бактериялар табиатда кенг тарқалган. Ер юзининг ҳеч бир жойи йўқки, унда бактериялар бўлмаса. Электрон микроскоп кашф этилгандан кейингина уларни ҳар томонлама ўрганиш имкони вужудга келди.

Бактериялар хивчинлари ёрдамида ҳаракат қиласди. Хивчинлари битта, иккита ва кўп бўлади. Улар оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Бўлинган ҳужайра, қулай шароитга тушса, ҳар 20—30 минутда бўлинниб туради. Агар бактериянинг бирор ҳужайраси учун мувофиқ шароит яратилса ва у беш сутка тўхтовсиз кўпайса, ундан ҳосил бўлган бактериялар Ер шаридаги

<sup>1</sup> Микрон ( $\mu$ )—0,001 мм.

барча океан ва денгизлар, сув ҳавзаларини ишғол этиши, ҳатто ерларга сифаслиги ҳам мумкин. Аслида эса бундай бўлмайди. Чунки уларга қулай шароит яратилмайди.

Бактериялар споралар ҳосил қилиб, ноқулай шароитда ўзи ни сақлаб қолади. Споралари ноқулай шароитда чидамли бўлиб, у  $150^{\circ}\text{C}$  иссиқликда ва  $-200^{\circ}$  совуқда ҳам, турли заҳарли химикатларда ҳам ҳалок бўлмайди. Баъзи маълумотларга қарраганда ноқулай шароитда споралар 10 йиллаб сақлана олади.

Бактерияларга қўёшнинг «ультрабинафша нурлар»ни салбий таъсир қиласди. Улар озиқланиш усулига кўра: гетеротроф, сапрофит ва паразит бактерияларга бўлинади.

Улар орасида мустақил озиқланувчи автотроф турлари ҳам бор. Улар ўзига керакли углеродни яшил ўсимликларга үхшаб Қўёш энергиясидан фойдаланган ҳолда карбонат ангидрид ҳисобига олади. Буларга яшил бактериялар ва пурпур бактериялар киради.

Хемотроф бактериялар карбонат кислотани ўзлаштиришда кимёвий энергиядан фойдаланади. Бундай бактерияларнинг анерганик моддалардан органик моддалар ҳосил қилиш жараёнига хемосинтез дейилади.

Бактерияларнинг кислородга булган муносабати ҳам ҳар хил. Баъзи бактериялар кислород етарли бўлган мұҳитда нормал ҳаёт кечиради. Бундай бактериялар *аэроб бактериялар* дейилади. Баъзи бактериялар бунинг акси бўлиб, кислородсиз мұҳитда яхши яшайди. Бундайларни *анаэроб бактериялар* деб аталади.


Бактериялар гуруҳининг энг катта синфларидан бири актиномицетлардир.

Актиномицетлар табиатда кенг тарқалган. Улардан кўпгина антибиотиклар; стрептомицин, биомицин, террамицин, колимицин, нистатин каби дорилар,  $\text{B}_1$ ,  $\text{B}_2$ ,  $\text{B}_6$ ,  $\text{B}_{12}$  витаминлари олинади.

**Бактерияларнинг табиатда ва кишининг ҳаётидаги роли.** Бактериялар бўлмагандан эди, ер юзини ўлимтик моддалар, ўсимликларнинг қуриган қисмлари, хазонрезлика тушган барглар босиб кетарди. Бактерияларнинг табиатда ва кишилар ҳаётидаги ролини, аҳамиятини айтиб адo қилиш қийин. Бактерияларнинг табиатда моддалар алмашинувидаги ролининг ўзи бир жаҳон аҳамиятга молик. Ҳали унинг фанга маълум бўлмаган турлари ҳам кўп.

Инсон бактерияларнинг фаолиятидан турли мақсадларда, саноатда сут кислотали, мой кислотали, сирка кислотали, пектин моддаларнинг бижгишида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигига илдиизда тўпланадиган азотбактерлар, тугунаклар, турли дорилар, витаминлар олинади.

Бактерияларнинг зарари ҳам катта. Баъзи бактериялар ўсимлик, ҳайвон ва одам ҳужайраларида яшаб уларда турли ~~касалликларни~~ келтириб чиқаради. Улар ҳатто организмни но буд қилишга олиб боради. Бундай бактериялар *патоген* — ка-



1-расм. Бактериялар- А. Паразит бактериялар (юқоридан пастга) терлама; сил; дифтерия бактериялари. Б. Чиритувчи бактериялари. В. Сүтқислотали бактериялар.

терлама; сил; дифтерия бактериялари. Б. Чиритувчи бактериялари. В. Сүтқислотали бактериялар.

ни аниқлади ва унга вируслар деган юмни берди.

Хозир ўсимлик ва ҳайвонларнинг бир қанча вирус касалликлари аниқланган. Организмларнинг вируслар билан касалланишига вироз деб аталади. Вирус касаллиги билан баъзи ғалла ўсимликларидан сули, буғдой, сабзавотларда помидор ва бошқалар касалланади. Касалликка чалинган ўсимлик ёки ҳайвонлар дарҳол йўқ қилинади, акс ҳолда у тез тарқалиб кетиши мумкин.

Боғча шароитида болаларни турли юқумли касалликларга чалинтирмаслик учун гигиена қоидаларига риоя қилиш, теварик-атрофни тоза тутиш, нотаниш ва медицина справкаси бўлмаган кишиларни боғчага, группага киритмаслик керак.

### Сувўтлар

Сувўтлар деганда бир неча сувўтларни ўз ичига олган тубан ўсимликларнинг катта бир қисми тушунилади. Булар кўк-яшил сувўтлари, яшил сувўтлар, диатом сувўтлар, қўнғир сувўтлар, қизил сувўтлардан иборат бўлиб, улар сув муҳитида яшashi ва ҳаёт тарзи билан бошқалардан фарқ қилади.

Сувўтлар энг содда тузилишга эга. Уларнинг ҳаммаси микроскопик ўсимликлар бўлиб, жуда кам турларинигина оддий кўз билан куриш мумкин.

Бир ҳужайрали сувўтларга мисол қилиб хроококк (кўк яшил сувўтдан), хлорелла, хломидамонада (яшил сувўтлардан), пиннуллария (диатом сувўтлардан) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бир ҳужайрали сувўтлар ҳар хил тузилишга эга бўлиб, шарсимон, дуксимон, ноксимон, думалоқ шаклларда бўлади.

саллик туғдирувчи бактериялар дейилади. Баъзи бактерия ўта заҳарли модда ишлаб чиқади. Масалан, Клостридиум ботулинум ботулин деб юритиладиган кучли заҳар ишлаб чиқади.

Шундай бактериялар борки, уларни оддий микроскоп билан ҳам кўриб бўлмайди. Бу хилдаги бактериялар кўпайиш қобилиятига эга бўлиб, уларни бактериофаглар деб аташади.

Чечак, қизамиқ, грипп каби касалликларни келтириб чиқарувчи микроблар аниқланган (1-расм). 1892 йили ботаник Д. И. Ивановский (1864—1920) кузатиш ишлари олиб бориб, фильтран ҳам ўтиб кетадиган бактериялар борлиги-

Хужайраси ташқи томондан қобиқ билан қопланган. Ҳужайра ичидағы протоплазма пұстга ёпишган ҳолда бұлади, унинг ичіда битта еки бир неча ядро жойлашади. Фотосинтез маҳсулоти сифатида асосан крахмал, баъзиларида ёғлар тұпланади.

Бир ҳужайралыларнинг типик вакили хлорелладир. Хлорелла — шарсімон ёқи түхумсімон тузилишга эга бұлиб, чучук сувларда ва бошқа субстратларда тар-қалған (2-расм). Буларни яшил сувұтлары дейишлиши-га сабаб, уларнинг ҳужайрасида соф, тиниқ яшил рангли пигментлар күп, хроматофорида асосан хлорофилл бұлади. Хлорелла шундай тузилишга эга бұлиб, гүлли үсімлікларда хлорофилл қандай вазифаны бажарса, хроматофор ҳам шундай вазифаны бажаради.

Хлорелла ҳам нафас олиб, сувдан кислород ютади ва сувга эса карбонат ангирид қиқарады. У оддий бұлинеш йүли билан күпаяди. Бунда ҳужайра ичидағы суюқлик тахминан бир хил келадиган бир неча қысмларга бұлинади. Бұлинишдан кейин она ҳужайра қобиғи ёрилади ва ёш хлореллалар сувга чиқиб үсәди ва мустақил яшай бошлайди.

Қулай шароитда хлорелла жуда тез күпаяди. Ҳосил бұлған ҳар бир ёш ҳужайра бир суткадан кейин яна күпаяди. Хлорелланың ҳар бир ҳужайраси бир ойдан кейин бир неча миллионға етади.

Ноқулай шароитда хлорелла қалин пұст билан ұралиб спора-га айланади. Қулай шароитда у спорадан чиқиб яна күпая бошлайди.

Хлорелла — кишилар ҳаётида муҳим аҳамияттаға эга. У космик фазони үзлаштиришда, космонавтлар кабинасини кислород билан таъминлашда ва космонавтлар овқатига солищ учун ишлатилади. Бундан ташқары ипакчиликда тут барғини хлорелла сувига ботириб фойдаланылғанда күп пилла олиш имконияти вужудға келади. У чорва молларининг ем-хашагига құшиб берилғанда озиқнинг хушхұрлығы ортади, чорва молларининг вазни ошади.

Күп ҳужайралы сувұтлар ҳам табиатда кенг тарқалған. Уларни күп ҳужайралы дейишлишига сабаб таналари бир неча үнлаб ҳужайралардан ташкил топған. Күп ҳужайралы сувұтлар колония, ипсимон, лентасимон, баргсимон шохланған шаклда бұлади,



2-расм. Хлорелла:

1 — айрым ҳужайраси; 2 — хлорелла ның күпайышы; 3 — етілған хлореллалың таш-қарнға чиқыши.

Күп ҳужайрали сувўтларга вакил сифатида қўйидагиларни: осциллятория (кўк-яшил сувўтлардан), вольвокс, улотрикс, вошерия (яшил сувўтлардан), мелозира (диатом сувўтлардан), ламинария, диктиота, фукус (қўнғир сувўтлардан), порфира, батрахоспермум (қизил сувўтлардан) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Кўп ҳужайрали сувўтларнинг ҳам ҳужайра тузилиши, унинг ичидаги органоидлари худди бир ҳужайралиарникига ўхшайди. Шунга кўра уларни яна такрор характерлашга ҳожат қолмайди.

Кўп ҳужайрали сувўтлар ҳам табиатда кенг тарқалган. Уларнинг вакиллари чучук сувларда, кўпинча дарё, денгиз ва океанларда ўсиши билан характерланади. Айниқса, қўнғир ва қизил сувўтларнинг вакиллари денгиз, океанларда кўп ўсади. Шу сабабли бу бўлимнинг вакиллари бошқа сувўтлардан тузилиши, тараққиёти ва ҳаёт тарзи билан ҳам фарқ қиласди. Унинг кўпгина вакиллари яхши ривожланади. Масалан, ламинария баргининг эти йирик ҳужайралардан, пўсти майда ҳужайралардан тузилган, поя ва барглари ўтказувчи механик ва ассимиляцион тўқималардан иборат. Уларнинг бўйи эса 5—10 см дан 20—25 м гача боради.

Кўп ҳужайрали сувўтлар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди.

Вегетатив қўпайиши талломининг бир қанча қисмларга бўлиниши билан боради. Жинссиз қўпайиши эса зооспоралар воситасида кечади. Зооспоралар ҳосил бўладиган жой — зооспорангий деб аталади. Зооспорангийда бир ёки бир қанча зооспоралар ҳосил бўлади. Улар зооспорангийдан чиқиб, маълум масофагача хивчинлари ёрдамида сузуб боради. Сўнгра тўхтаб хивчинини ташлайди ва ўсиб янги индивидга айланади.

Сувўтлардан энг кўп тарқалганлари яшил сувўтлар, диатом, қўнғир ва қизил сувўтлардир. Улар чучук сувларда, дарё, кўлларда ва океанда кўп учрайди. Диатом сувўти икки палладан иборат. Остки палласини гипотека, уни ўраб турган устки палласини эпитетка деб аталади. Масалан, пинуллария шундай тузилган. Қўнғир сувўт дейилишига сабаб, уларнинг хромотофорида хлорофилдан ташқари, яна каротин, ксантофилл, айникса жигарранг ламинарик, фукоксантин пигментларининг бўлиши ҳужайрага қўнғир тус беради. Масалан, эктокарпус, ламинария бунга мисол бўла олади. Қизил сувўтлар дейилишига сабаб улар сувнинг чуқур (50—200 м) қатламларида ўсиб, хроматофорида хлорофилл, каротин ва ксантофиллардан ташқари яна қўшимча кўк тусли фикоциан ва қизил тусли фикоэритрин пигментлари бўлади. Бу пигментларнинг турли нисбатларда қўшилишидан қизил сувўтларнинг ранги қизил, пушти ва оч бинафша рангларда бўлади.

Сувўтларнинг табиат ва кишилар ҳаётидаги аҳамияти. Сувўтлар табиатда чучук сув, кўлмаксув, ариқ, ҳовуз, кўл, дарё, денгиз ва океанларда, ҳатто нам тупроқларда, дарахтларнинг

ковакларида, хонадаги аквариумларда кенг тарқалган. Уларнинг табиат учун келтирадиган фойдаси жуда катта.

Сувўтлар балиқларнинг ва бошқа хилма-хил жониворларнинг асосий озиқи ҳисобланади. Агар сувўтлар бўлмагандан дарё, дengiz, океан, ҳатто кичик аквариум суви сасиб, унда ҳаёт бўлмасди.

Сувўтлардан ҳосил бўладиган органик моддалар ҳам қимматли аҳамиятга эга. Шунингдек сувўтлар сувдаги биоценозлар мутаносиблигини сақлаб туради, чунки сувдаги кислород ва карбонат ангидриднинг миқдори уларга бевосита боғлиқ бўлади. Бу сувўтларнинг табиатдаги роли, аҳамиятидан бир қисми, холос. Ҳали биз билмаган, ўрганилмаган томонлари қанчадан-қанча.

Сувўтларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам бекиёс катта. Кишилар улардан озиқ-овқат, дорилар, чорва моллари учун ем-хашак, дехқончиликда ўғит сифатида, саноатнинг турли соҳаларида хом-ашё сифатида фойдаланишади.

Корея, Хитой ва Японияда сувўтлардан ламинария, порфира, немалион, ульва, носток, хлорелла ва бошқалар истеъмол қилинади. Чунки улар оқсил, углевод ва витаминларга бой бўлади. Арктиканда яшовчиларни витамин С билан таъминлашда ҳам сувўтларнинг роли катта. Масалан, Сандвич оролларида усадиган 115 тур сувўтдан 60 турини аҳоли истеъмол қилади.

Қишлоқ хўжалигида сувўтлар қимматли ўғит саналади. Уларнинг таркибида фосфор, калий, азот кўп бўлиб, тупроқ унумдорлигини оширади.

Саноатда сувўтлардан йод, бром олинади. Масалан, уларнинг 1 кг кулидан 5 г дан 20 гача тоза йод чиқади. Сувўтларни қуруқ ҳайдаш йўли билан кўмир, смола, креозит, ёғоч спирти, ацетон олинади. Қўнғир сувўтлардан альгин кислота олинади.

Қизил сувўтлардан (геледиум, лауренция, филлофора, анфельциядан) агар-агар олинади. Агар-агар лабораторияда бактерия ва замбуруғларни кўпайтириш учун муҳит сифатида, озиқ-овқат саноатида мармелад, музқаймоқ тайёрлашда ишлатилади.

Планктон сувўтларнинг ва бошқа микроорганизмларнинг ҳалок бўлган ва ҳавза тагига чўккан чиринди қолдиқларидан қуруқ ҳайдаш йўли билан смола, газ, кокс, бензин, керосин, оғир мой, лак, органик кислоталар, аммиак ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Диатом сувўтлардан саноатда чинни идишларга жило беришда, ёки «тоғ уни» деб аталадиган дengiz остидаги катта тоғ чўқмаларидан саноатда изоляция материали сифатида фойдаланилади.

### Замбуруғлар

Замбуруғлар тубан ўсимликларнинг алоҳида хлорофиллсиз бир бўлимидир. Улар тайёр органик моддалар ҳисобига яшаб, гетеротроф организмлар ҳисобланади. Замбуруғлар тупроқда,

ұсымларда, ҳайвонларда ёки уларнинг қолдиқларида ҳа-  
кечиради.

Хозирги пайтда замбуруғларнинг 100 мингдан ортиқ ту-  
маълум. Улар бошқа тубан үсімліктердан фарқ қиласы.  
Фарқ тана тузилишида, ҳужайра таркибда хлорофиллинг бу-  
маслигидадир.

Замбуруғларнинг вегетатив танаси мицелий деб аталады.  
Мицелий эса гифа деб аталувчи ингичка ипчалар йиғиндисида  
иборат. Мицелий ҳужайралари пуст, протоплазма ва ядрода  
таркиб топган. Уларнинг ядрои жуда майда. Ҳужайрасид  
запас озиқ модда сифатида крахмалга яқын гликоген, ёғ том-  
чилари ва волютин учрайди.

Замбуруғлар мицелийсининг тузилиши ва күпайишига қараб  
тубан ва юксак замбуруғларга бўлинади. Тубан замбуруғлар-  
нинг мицелийси яхши тараққий этмаган, унда тусиқлар бўлмайди,  
вегетатив танасида бир қанча ядрои бор, яхлит, битта  
кatta ҳужайрадан тузилган. Уларнинг ҳужайра пусти клетчат-  
кадан иборат бўлиб, ҳеч қандай пластидлар бўлмайди.

Юксак замбуруғларда мицелий яхши ривожланганда кўп  
ҳужайрали бўлади. Ҳужайраси бир, икки, баъзан кўп ядро-  
лидир.

Замбуруғлар үзига хос йўл билан озиқланади. Яъни улар  
озиқ моддаларни бутун вегетатив танасининг ҳамма сатҳи билан  
субстратдан сўриб олади. Ташқи муҳитдан озиқ моддалар олиш  
баъзан шу вазифани бажаришга мослашган гифалар, ризоидлар  
ва сурғичлар ёрдамида ҳам боради. Масалан, пўпанак замбу-  
руғи озиқ моддаларни ризоидлари билан, занг, қоракуя замбу-  
руғлари эса сурғичлари билан сўриб олади.

**Замбуруғларнинг кўпайиши.** Замбуруғларнинг қуруқлик-  
да яшашга мослашганлиги, уларнинг кўпайишига ҳам катта  
таъсир қиласы. Айниқса кўпайиш органи мицелий яшаган суб-  
страт ичидан бўлмасдан, унинг сиртида яъни очиқда — ҳаво му-  
ҳитида вужудга келган. Бу уларнинг ҳар хил экологик шаронти-  
да яшашга мослашидан келиб чиқсан.

Замбуруғлар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўллар билан  
кўпаяди.

Замбуруғлар бўлими мицелийсининг тузилиши, кўпайиши,  
тарқалиши каби хусусиятларига қараб қўйидаги беш синфга  
бўлинади:

1-синф. Архимицетлар — мицелийси мутлақо бўлмайди ёки  
фақат бошланғич ҳолда бўлади.

2-синф. Фикомицетлар. Мицелийси яхши тараққий этган.

3-синф. Аскомицетлар. Мицелийси бўғимли, кўп ҳужайрали.

4-синф. Базидомицетлар. Мицелийси бўғимли, ҳужайрали.

5-синф. Такомиллашмаган замбуруғлар. Мицелийси бўғим-  
ли, кўп ҳужайрали.

Булардан 1 ва 2-синфлар тубан замбуруғлар, 3 ва 4-синф-  
лар юксак замбуруғлар, 5-синф эса ҳали тўлиқ үрганилмаган.

Замбуруғлар табиатда кенг тар-  
калган. Улар асосан нам ерларда,  
унумдор, чирндинга бой тупроқлар-  
да кўп учрайди. Уларнинг баъзи  
вакиллари билан танишамиз.

Мотор замбуруғи фикомицетлар  
синфининг вакили бўлиб, нам жой-  
да қолган нон, сабзавот, меваларни  
опик майин момик билан қоплай-  
ди (3-расм). Буни баъзан оқ пў-  
панак ҳам дейилиб, унинг мицелий-  
си субстратнинг ичидаги ва устида  
тараққий этади. Яшаш муҳитидаги  
озиқ камайса улар жинсий йўл би-  
лан кўпайишига ўтади.


Мазкур замбуруғни боғча ошҳо-  
наларидаги нон, сабзавот ва мева-  
лар устида кўп кўриш мумкин.

Замбуруғларнинг табиатда ва  
кишилар ҳаётидаги аҳамияти. Зам-  
буруғлар табиатда кенг тарқалган  
бўлиб сапрофит, паразит ва симби-  
оз ҳолда ҳаёт кечиравчи организм-  
лар ҳисобланади. Уларни нам туп-  
роқли, чирндинга бой ерларда, ӯр-  
монларда, дарахтлар тагида учра-  
тиш мумкин.

Замбуруғларнинг табиатдаги  
аҳамияти жуда катта, чунки улар  
тупроқ унумдорлигини оширишда  
ва табиатда моддалар алмашинуви-  
да актив иштирок этадилар. Замбу-  
руғлар бактериялар билан бирга ор-  
ганик моддаларни анорганик моддаларга айлантиришда ҳам  
кatta роль ўйнайди. Тупроқда яшовчи мукор замбуруғлар, аспер-  
гиллар ва такомиллашмаган замбуруғлар бактериялар билан  
бирга тупроқдаги органик моддаларни чиритиб, тупроқни унум-  
дор қиласы. Замбуруғларнинг яна бир хусусияти, бу уларнинг  
микориза ҳосил қилишидадир. Микориза — «замбуруғ илдиз»  
билин ҳамкорликда симбиоз ҳолда яшайди. Улар ҳам тупроқни  
унумдор қиласы.

Замбуруғларнинг инсон ҳаётидаги роли бекиёс каттадир.  
Замбуруғлар витаминларга бой бўлиб, хушхур овқат маҳсулоти  
ҳисобланади. Ейиладиган замбуруғларга қўзиқорин, шампиньон,  
масленок, груздъ, подосиновик, подберезовик, оқ замбуруғ, ли-  
сичка, рижик, қўзидумба, гунфуш кабилар киради.

Хозирги пайтда замбуруғларнинг вегетатив кўпайишини



3; расм Мотор замбуруғи:  
А — спорали бошчаси; Б — умумий  
кўриниши.

яхши билган одамлар шампион, құзықоринларни махсус теплицаларда күпайтириб, қишда ресторандарга чиқаришмоқда.

Замбуруғларнинг яна бир яхши хусусияти ачитувчи бұлғанлигидир. Ҳозирги пайтда улардан спиртли ичимликлар тайёрлашда, нон ёпишда кенг фойдаланилади. Замбуруғлар медицинада ҳам кенг құлланилмоқда. Улардан олинадиган антибиотик дорилар: пенициллин (пенициллиум замбуруғидан), стрептомицин (стрептомициум замбуруғидан), мицетин (виолацсуз замбуруғидан), шох күя (клавицепс замбуруғидан) кабилар киши саломатлиги йўлида кенг фойдаланиб келинмоқда. Биргина пўпанак замбуруғида 40 га яқин ферментлар бўлади. Уларнинг 15 хилидан ҳозирги вақтда енгил ва озиқовқат саноатининг 25 тармоғида фойдаланилмоқда.

Замбуруғлар орасида заарли, заҳарли турлари ҳам бор. Уларни ейиладиган замбуруғлардан ажратса билиш керак. Бундай замбуруғларга: дендродихиум токсиниум, стахиботрис салтернанс, аспергиллус нигер, гүнг замбуруғи, оқ поганка кабиларни кўрсатиш мумкин.

Кўпина замбуруғлар қишлоқ хўжалиги экинларига ҳам катта зиён етказади. Масалан, занг замбуруғи, қоракуя замбуруғи, шох-куя, ғалла фузариуми каби замбуруғлар буғдой, арпа, маккажӯҳори донларига катта зиён етказади.

Замбуруғларнинг яна бир заарли томони улардан турли хил юқумли касалликлар тарқалишидадир. Масалан, кал, темиратки, «замбуруғ касаллиги» (оёқларга тушади) ва бошқалар инсон саломатлигининг душманидир. Булардан ташқари ҳайвонларга, үсимликларга тушадиган бир қанча касалликлар борки, улар бу мавжудотларга катта зиён етказади.

## Лишайниклар

Замбуруғлар билан сувутларнинг ҳамкорликда яшашидан ҳосил бўлган симбиоз организмлар *лишайниклар* деб айтилади.

Лишайник таркибидаги замбуруғларга асосан халтачали замбуруғлар, сувутларидан яшил ва кўк-яшил сувутлари киради. Яшил сувутларидан кўпроқ цистококк, хлорелла, плеурококк, трентеполия, кўк-яшил сувутлардан носток, хроококк, глеокапса ва бошқалар кириши аниқланган.

Табиатда кенг тарқалган лишайниклар ҳамкорликда бир-бирига ёрдам бериб яшайди. Уларнинг таркибидаги сувути — автотроф, ҳужайрасида хлорофилл бор. Хлорофилл органик модда ҳосил қилиб, у билан замбуруғни таъминлаб туради. Замбуруғ эса — фотосинтез қила олиш қобилиятига эга эмас, лекин сувни олиб беради ва минерал модда ҳосил қилиб, у билан сувутларни таъминлаб туради. Бундан ташқари замбуруғлар сувутни қуёшнинг ўта ёруғидан ва иссиғидан сақлайди. Умуман олганда бу икки мустақил организм бир-бирига ёрдам бериб, ҳамкорликда бир-бирига шароит яратиб ўсади.

Лишайниклар тузилишига қараб З гурухга бўлинади:

1) ёпишқоқ ёки пүстлоқсімон лишайниклар; 2) баргсімон лишайниклар; 3) бутасімон лишайниклар.

**1. Ёпишқоқ лишайниклар.** Содда тузилған, ҳамма ерда тарқалған. Улар чангсімон ва пүстлоқсімон бўлиб, субстратга маҳкам ёпишиб олади. Ёпишқоқ лишайниклар қояларда, тошларда ва дарахт пүстлоқларида ўсади (4-расм). Буларга мисол қилиб тош хина, ксантория ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

**2. Баргсімон лишайниклар.** Булар бирмунча ривожланган бўлиб, субстратга ингичка ризоидсімон ўсимтаси билан бирикади. Субстратдан уларни бутунлигича ажратиб олса бўлади. Буларга мисол қилиб адирларда, тоғларда ўсадиган пармелія, арчазорларда ўсадиган пелтигра пармелія ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

**3. Бутасімон лишайниклар.** Булар анча ривожланган, бутага ўхшаш шохлайди, субстратга ризоидлари билан бирикади. Буларга мисол қилиб тоғларда учрайдиган кладония ва шимолда ўсувчи буғу лишайниги, дарахтларнинг шохларига ўралиб пастга осилган ҳолда ўсадиган пармелія — ёлли лишайникларни ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ботаник П. А. Генкелнинг тадқиқотларига кўра лишайниклар таркибида замбуруғ ва сувўтлардан ташқари учинчи компонент сифатида азот тўпловчи бактериялар (азотобактер) бўлади. Азотобактерлар фаолияти натижасида ҳосил бўлган аминокислоталардан замбуруғ ва сувўтлар озиқ сифатида фойдаланилади.

Демак, лишайниклар келиб чиқиши ва озиқланиши жиҳатидан ҳар хил организмлардан ташкил топган бўлиб, улар ҳар қандай шароитда ҳам яшашга мослашган симбиоз организмлардир.

Лишайниклар асосан вегетатив йўл билан кўпаяди. Лишайникларни талломи мурт бўлиб, у офтобда қуригач осон уваланади ва шамол таъсирида атрофга тарқалади, тушган ерида эса яна ўсаверади.

**Лишайникларнинг табиатда ва инсон ҳәётидаги аҳамияти.**



4-расм. Лишайниклар:  
1 — тошдаги лишайник; 2 — дарахт пўстлоғидаги лишайник.

Лишайниклар табиатда кенг тарқалган бўлиб, уларни ҳамма ерда: тоғ-тошларда, музликларда, денгиз қирғоқларида, дарахт ва буталар танасида ва ерда ҳам учратиш мумкин.

Лишайниклар қоя ва тошларда ўсиб, тупроқ ҳосил қилувчи организмлардан ҳисобланади. Уларнинг фаолияти натижасида вужудга келадиган кислота ҳар қандай тошни ва тоғ жинсларини нуратиб ва майдалаб, тупроққа айлантиради.

Лишайниклар инсон ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга. Улардан кўпчилиги озиқ сифатида жуда қадрланади. Масалан, буғу лишайниги Россиянинг шимолида буғучиликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У бу ерда катта майдонларни қоплаб, буғуларнинг севимли озиғи ҳисобланади.

Лишайниклар дори олишда (цетрация, пармелия ва пелтигериядан), витамин С (цетрация), «Дуб моҳи» деб аталадиган эверния, парфюмерия саноатида эфир мойлари олиш учун хом ашё сифатида ишлатилади.

А. Л. Қурсанов, Н. Н. Дъячковлар лишайниклардан кладония, цетрация, алекториялардан саноат аҳамиятга эга бўлган глюкоза олдилар. Бу глюкоза кондитер саноатида, медицинада катта аҳамиятга эга.

## ЮКСАҚ ҮСИМЛИКЛАР

Юксак үсимликларни тубан үсимликлардан фарқ қиласидиган энг муҳим томонларидан бири уларнинг қуруқликда яшашидир. Юксак үсимликлар узоқ эволюция натижасида сув муҳитидан чиқиб, қуруқлик муҳитига мослашди. Юксак үсимликларнинг янги муҳитига мослашуви уларнинг органларида, анатомик тузилишида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бу ўзгаришлар уларнинг қуруқликнинг ҳар хил шароитига мослашишига олиб келди.

Қуруқлик муҳитига яшашга мослашган ва анча тараққий этган үсимликлардан ёпиқ уруғлилар бўлди.

Юксак үсимликлар тубан үсимликлардан органлари яхши такомиллашганлиги, танасида тўқималарнинг ривожланиши ва илдиз, поя, барг, гул, меваларнинг ҳосил бўлганлиги билан фарқ қиласиди.

Үсимликларнинг сув муҳитидан қуруқликка чиқиши кўпайиш органларини ҳам ўзгаририб юборди. Юксак үсимликларда чангчиларининг тузилишида ва физиологик хусусиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, юксак үсимликларда муртакли уруғ ҳосил бўлдики, бу жуда узоқ тарихий ривожланишнинг натижасидир.

Юксак үсимликлар морфологик ва анатомик тузилиши жиҳатидан ўзига хос бўлиб, ҳар хил шаклдадир. Ҳозир, улар, ер юзидағи үсимликлар қопламишининг энг ҳукмрони ҳисобланади. Сув муҳитига яшаш улар учун иккинчи даражали бўлиб, у жуда кам вакиллардагина учрайди.

Хозир ер юзида 300 000 дан ортиқ юксак үсімликлар тури бор, уларнинг кўпчилигини ёпиқ уруғилар ташкил қиласди.

Юксак үсімликлар тузилиши, кўпайиши, тарқалиши жиҳатидан маълум даражада бир-биридан фарқ қилувчи қуийдаги бўлимларга бўлинади:

- 1) Йусинлар (моҳлар)
- 2) Псилофитлар
- 3) Плаунлар
- 4) Понабаргилар (бўғимлилар)
- 5) Папаротниклар (қирққулоқсимонлар)
- 6) Очиқ уруғилар
- 7) Ёпиқ уруғилар (гулли үсімликлар).

Булардан дастлабки олтитаси (кatta бир гурӯҳ) архегониал үсімликлар, еттинчиси эса фақат ёпиқуруғилар ёки гулли үсімликлар деб аталади. Чунки буларда архегония бўлмайди. Қолган олтитасида эса кўп ҳужайрали жинсий органи бўлиб, буни архегония деб аталади.

Үсімликларнинг сув муҳитидан қуруқликка чиқиши бу уларнинг эволюцион тараққиёти натижаси бўлиб, буни билиш, ўрганишнинг катта илмий, амалий аҳамияти бор.

### **Йусинлар (моҳлар)**

Бу бўлимга энг содда тузилишга эга бўлган илдизсиз үсімликлар киради. Уларнинг юксак вакилларида поя ва бағилар яхши ривожланган, тубан вакилларида эса танаси таллом ҳосил қилиб үсади. Субстратга озиқ сўриш ризоидлари воситасида бирикади.

Йусинлар асосан зах ерларда, ботқоқлик, ўрмон, нам ўтлоқларда үсади. Улар автотроф үсімликлар бўлиб, бўйи 20—30 см га боради.

**Кўпайиши.** Йусинлар жинсиз, жинсий ва вегетатив йўллар билан кўпаяди. Вегетатив кўпайиши йусинларда махсус куртак ёйиш, ерусти новда чиқариш, танасининг қисмларга бўлиниши билан боради.

**Тарқалиши.** Йусинлар табиатда кенг тарқалган. Арктиканинг энг чекка жойларидан тортиб жанубда энг баланд тоғларгача кутарилиб боради. Улар лишайниклар билан бирга дараҳтларда, поянинг пастки қисмida үсади, қуруқликка чидамли бўлади.

Йусинлар икки синфа: жигарсимон ва баргли йусинларга бўлинади. Йусинларнинг типик вакиллари сифатида маршанция, пеллия, какку зиғири, торф ҳосил қилувчи — сфагнум, фунария, тортула ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Йусинларнинг характерли ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттирган, флорамизда кўп учрайдиган вакили какку зиғири орқали танишиш мумкин.

Какку зиғири ўрмон, ботқоқлик ва пичанзорлардаги зах ерларда қалин чим ҳосил қилиб үсади. Бўйи 15 см га бориб, тик

ұсади, шохланмайды. Илдизи йүқ, ризоидлар ердамида субстратта ёпишиб олади. Барглари ингичка, ланцетсімон. Баргнинг устки томонида махсус ассимиляторлар бор. Бу углеродни ассимиляция қилиш вазифасини бажаради.

**Аҳамияти.** Йүсінлар табиатда кенг тарқалған. Улар лишайниклар сингари янги ерларни үзлаشتаришда биринчи тарқалувчи үсимликлардир. Сув йүсінлари юмшоқ субстрат ҳосил қиласы. Балиқлар унга үз увидириқларини құяды ва ёш личинкаларнинг яшаши учун мувофиқ шароит вужудға келади.

Ботқоқликларда катта-катта торф майдонлари ҳосил қиласы. Торфдан инсонлар турли мақсадларда: ёқишида, қышлоқ хұжалигіда ерларни үғитлашда, ҳайвонлар остига солища, қуритилиб идишлар тәгига юмшоқ түшамалар сифатыда фойдаланылади.

Йүсінларнинг фойдасы билан бир қаторда зарари ҳам бор. У сув ҳавзаларини ботқоқликка айлантиради, яйлов ва үтлоқларни яроқсиз ҳолта келтиради.

### Плаунлар

Мазкур үсимликлар юксак спорали булиб, баргларининг майда бұлиши билан характерланади. Пояси майда барглар билан қопланған, паст бүйли, үтчил, Улар плаунлар, лепидодендронлар ва полушиклар синфига булинади.

Плаунларнинг типик вакили сифатыда тұқмоқсімон плаун, селагинелла, липедодендрон, сигиллария кабиларни күрсатиш мүмкін.

Тұқмоқсімон плаун доим яшил булиб, бүйи 70 см га етадиган үтчил үсимлик. Поясиuzun, ер бағирлаб ұсади ва дихотамик шохланған. Пояси ва ён шохлари ҳам майда барглар билан қопланған, пастки қисмінде ингичка илдизлари бор. Споралари спорангий ичіда етилади. Пишиб етилған споралар ташқарига чиқади ва ундан янги плаун ұсади. Үннің спорасыдан медицина ва пиротехника (мушак-ракета тайёрлаш) да фойдаланылади.

Плаунларнинг инсон ҳаётидаги роли кам. Лекин табиатдаги үсимликлар қопламида мұхым аҳамиятта зәға булиб, ернінг унумдорлыгини оширишда катта роль үйнайды. Үннің вакиллари ер юзасининг ҳар хил зоналарыда, тропик ва қарағай үрмөнларыда зич булиб ұсади.

### Понабаргиллар (бұғимлилар)

Мазкур бұлим вакиллари поясининг тартиб билан бұғим ва бұғим оралиқларига жойлашиши орқали таърифланади. Шу бұғимларда майда, редукцияланған барглар түп-түп булиб жойлашади.

Понабаргилларнинг типик вакили сифатыда қирқбұғимлилар синфига киругочи ботқоқ ёки дала қирқбұғимини олиш мүмкін.

Дала қирқбұғими күп йиллик үсімлик бўлиб, далаларда үсувчи бегона ўт ҳисобланади. Айниңса, у үлкамизнинг ўрмон зоналарида күп тарқалган. Унинг үсиши, ривожланши үзига хос. Ёзда бир-биридан фарқ қылувчи икки хил новда ҳосил қнлади. Баҳорда құнғир доғли новда чиқаради. Бу новда бўғим ва бўғим оралиқларига бўлинган. Барглари яхши ривожланмаган, майда, ингичка, учи ўтири, тұпбарг ҳосил қилиб үсади. Унинг юқори учи спора бошоги ҳосил қилади. Бу жинссиз кўпайиш органидир. Ундан спорангий етишади. Улардан антеридий ва архегоний тараққий этади. Улар уруғланиб янги қирқбўғим үсиб чиқади.

Қирқбўғимлиларнинг амалий аҳамияти йўқ. Агрономия соҳасида ашаддий бегона ўт, чорвачиликда эса ўтлоқ ҳамда яйловларга катта зарар етказувчи ўт ҳисобланади.

### Папоротниклар

Папоротниклар ҳам қадимги үсімликлардан ҳисобланади. Ҳозирги папоротниклар тузилиши мураккаб ҳамда пояси калта бўлиб, бўғим оралиқлари камроқ ривожланганлиги билан ҳарактерланади. Бу уларнинг бошқа үсімликларга нисбатан ривожланганлиги, уруғли үсімликларга ўхшаб кетиши билан фарқ қилади. Папоротниклар дастлабки папоротниклар ва қирқкулоқлилар синфига бўлинади.

Папоротникларга опиоглассум, анграптесис, ўрмон қирқкулоғи, дарахтсизон папоротник, салвиния ва марсилия кабилар киради. Булар ичиде күп учрайдигани салвиниядир. Салвиния сув бетида сузиб юрадиган үсімлик. Пояси ингичка, горизонтал жойлашган, шу поядан уч қатор барглар чиқади, уларнинг икки қатори сув юзасида, бир қатори эса сувга ботиб туради. Сувга ботиб турадиган барглар узун-узун, ипсизон тилимларга бўлинган ва тукчалар билан қопланган. Булар илдизга ўхшайди, лекин салвинияда ҳақиқий илдиз йўқ. Қўпайиш споралар воситасида рўй бериб, улар барглар асосига жойлашган шарсизон споракарпийлар ичиде туради. Салвиния Россиянинг Европа қисмидә кўп учрайди.

Папоротникларнинг инсон учун аҳамияти кам. Хайвонлар ҳам улардан озиқ сифатида кам фойдаланади. Лекин улар орасида баъзи заҳарли турлари ҳам бор. Ўрмон папоротниги илдизидан гижжа туширадиган дори сифатида фойдаланилади.

### ОЧИҚ УРУҒЛИЛАР

Очиқ уруғлиларнинг бошқа үсімликлардан фарки, уларнинг уруғ ҳосил қилиб, шу уруғлардан кўпайишидадир. Уларда барг, поя, илдиз яхши ривожланган. Уруғлари шакли ўзгаришта учраган уруғкортакдан пайдо бўлади. Уруғкортак ва уруғ очиқ спорагилларда жойлашган. Бундай қараганда улар худди очиқ ликопча устида жойлашганга ўхшайди. Шу сабабли уларни

очиқ уруғлилар деб аталади. Бу белгиси фақат улар учун хосдир.

Очиқ уруғлиларнинг бундай ривожланиши уларнинг эволюцион тараққиётидаги силжиши бўлиб, мураккаблашиб, ташқи мухитга мослашиб борганини курсатади.

Ҳозирги очиқ уруғлилар орасида ўтчил формалари бўлмай, улар фақат бута ва дараҳтлардан иборатdir. Уларнинг ҳозир 600 дан ортиқ тури маълум. Очиқ уруғлилар ўз тузилишига кура уч синфга: 1) Саговниклар; 2) Қуббалилар; 3) Қоплагич уруғлиларга бўлинади.

Очиқ уруғлиларга арча, қарағай, қора қарағай (ель), тилогоч, писта, кедр, гинкго, эфедра, сарв, туя ва бошқа ўсимликлар киради.

Саговниклар синфига мансуб ўсимликлар тропик ва субтропик минтақаларда тарқалган. Буларга мисол қилиб саговникини олиш мумкин. У йўғон танали, баланд бўйли дараҳтдир. Поясининг учидаги жуда йирик, патсимон қалин-қаттиқ барглар тож каби жайлешган. Пояси мураккаб тузилган. Унинг пояси ўзакдан иборат, пўстлоғи яхши тараққий этган.

Қуббасимонлар синфига мансуб ўсимликлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар асосан дараҳтлардан иборат. Уларнинг типик вакилларидан гинкго, оддий қарағай ва сарвларни кўрсатиш мумкин.

Оддий қарағай жуда йирик дараҳт бўлиб, бўйи 40 м га боради. Ташқи кўриниши ўзи яшаб турган шароитга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шоҳларининг учидаги ҳар йили янги чиқарган новдалар бўлади. Бу новдалар икки хилдир: бир хили узун ва қўнғир тангачалар билан қопланган бўлса, иккинчи хили калта бўлиб, уша тангачалар қўлтиғидан жой олади ва учдан иккита нинабарг чиқаради. Уларнинг шоҳлари нинабарглар билан қопланган. Шунинг учун ҳам қарағайнини нинабаргли дараҳт деб айтилади.

Уларнинг илдизлари бақувват бўлиб, ерга чуқур кириб боради. Шу сабабдан, у сувсиз қуруқ тупроқларда ҳам ўса олади, сувни кам талаб қиласди. Шунинг учун ҳам ундан чўл, дашт зоналарида, сув кам бўладиган боғча ҳовлиларида, участкаларида фойдаланиш мумкин.

Бу синфнинг характерли вакилларидан яна бири арчадир (5-расм). Арча тоғ ёнбағирларида, нами кам бўладиган тупроқларда ўсади. Арча дараҳтининг бўйи 20 м гача боради. Танаси кул ранг ёки қизғиши пўстлоқ билан қопланган.

Арча доим яшил ўсимлик, чунки барглари икки-уч йил сақланади ва бир вақтда тўкилмай, бутун йил давомида навбати билан тўкилиб туради. Шунинг учун ҳам у йил ўн икки ой ям-яшил бўлиб туради.

Арча ёруғсевар ўсимлик. У жуда секин ўсади ва бир неча йилдан сўнг вояга етади.

Арча шамол ёрдамида чангланади. Уруғланиши учун сувнинг бўлиши шарт эмас. Уруғланган тухум ҳужайрасидан

куртак ривожланади. Унда илдиз пояча, куртакча ва бир нечта уруғпаллани күриш мумкин.

Очиқ уруғлилар уруғлари ёрдамида күпаяди. Уруғлар спораларга нисбатан анча яхши ҳимояланган ва ташқи таъсиротларга чидамли бўлади.

Буларнинг ҳаммаси очиқ уруғлиларнинг катта эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини, уларнинг ҳозирги вакиллари бир неча юз миллион йиллар давомида ташқи муҳитга, экологик шароитга мослашиш натижаси эканлигини кўрсатади. Шунингдек, очиқ уруғлиларнинг қуруқ, дашт, тоғ шароитларида ўсишга мослашганлиги, уруғи ёрдамида күпайиши, танасидаги барги, илдизи ва поясидаги, анатомик тузилишидаги ўзгаришлар уларнинг анча ривожланганлигини, юксак тараққий этганлигини кўрсатади. Буларни ўрганишдан мақсад боғча тарбиячиларини экологик муҳитнинг роли билан, тирик организмларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши маълум қонуниятлар асосида эканлиги билан таништиришдан иборатdir.

### **Очиқ уруғлиларнинг табиатдаги ва кишилар ҳаётидаги аҳамияти.**

Очиқ уруғлилар табиатда кенг тарқалган. Уларни дашт, тоғ зоналарида ва ер юзининг бошқа бир қанча жойларида учратиш мумкин.

Уларнинг табиатдаги аҳамияти янада катта. Чунки улар тупроқ пайдо бўлишида, унумдорлиги ошишида, табиатда моддалар алмашинувида, карбонат ангидрид газини ютиб, атмосферани кислород билан таъминлашда актив иштирок этади. Булардан ташқари турли биоценозлар ҳосил қилиб, унда тирик организмларнинг яшаси, күпайиши, ўзаро алоқаси, табиат мутаносиблигини таъминлашдаги ролини алоҳида кўрсатиш ўринлиdir.



5-расм. Арчанинг умумий кўриши (1) ва фудда мевалари етилган шохчаси (2).

Очиқ уруғлиларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам беқиёс каттадир. Аввало шуни айтиш керакки, бу бўлимга кирувчи ўсимликларнинг аксарияти манзарали дараҳтлардир. Масалан, сарв, қайрағоч, арча, түя, қалам дараҳти, тисс, кедр ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар боғчаларда, кучаларда, хиёбонларда, корхоналар идоралари олдида, боғча, мактаб участкаларида хушманзара, гўзал чирой бериш учун экилади. Бундан ташқари уларнинг ёғочлари жуда мустаҳкам бўлганлигидан токарлик ишида, қимматли қурилиш материаллари ва ёқилги сифатида ишлатилади. Улардан қорамой, қатрон, скрипидар, қофоз, сунъий ипак олинади. Нинабарглилардан витаминалорилар тайёрланади. Эфедра (қизилча) экстракти бод билан оғриган касаллар учун ваннага ишлатилади. Мева берувчи диамара ўсимлигидан диамара лаки олинади.

### ЕПИҚ УРУҒЛИЛАР (ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР)

Епиқ уруғлилар ер юзидағи ўсимликлар дунёсининг ярмидан кўпроғини ӯз ичига олади. Улар ҳамма ерда тарқалган. Турли шароитларда: қуруқ, чўл, дашт, тоғ ва сувда ӯсади. Булар бошқа ўсимликлардан кескин фарқ қиласиди. Фарқи шундаки, таналари мураккаб тузилган, гулида тугунча, устунча ва оғизчадан иборат уруғи бор. Тугунчасининг ичидаги уруғкуратак бўлади. Уруғкуратакни тугунча деворлари қоплагб тургани учун ҳам бу ўсимликлар ёпиқ уруғлилар деб аталади.

Мазкур ўсимликлар чанглангандан кейин уруғ, тугунчадан эса мева ҳосил бўлади. Тугунча ичидаги уруғкуратаклар ва мевалар ичидаги уруғлар турли шароитда: иссиқ ва совуқ, қуруқ ва нам, зааркунанда ва касалликлардан яхши ҳимояланган бўлади. Демак, уруғларнинг ёпиқ булиши уларни ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларидан сақлади.

Епиқ уруғлиларнинг бошқа ўсимликлардан яна фарқи шундаки, уларда гул тузилиши жуда яхши ривожланган. Уларнинг гули гулкоса, гултоҷ, чангчи, уруғлардан иборат бўлиб, бу бошқа ўсимликларда учрамайди. Шу сабабли ёпиқ уруғлиларни гулли ўсимликлар деб ҳам юритилади.

Епиқ уруғлиларнинг ер юзида устун чиқиши ва тарқалиши ердаги ҳайвонлар оламининг ӯзгаришига сабаб бўлган. Бу ӯзгариш ҳашаротлар, ҳашаротхўрлар, сут эмизувчи ҳайвонлар ва қушларнинг, кейинчалик эса йиртқич ва меваҳур ҳайвонларнинг тез эволюция қилишига сабаб бўлган. Ӯз навбатида ёпиқ уруғлиларда ҳам шакл, химизм ва функциялар эволюция жараённада мослашиш томонга қараб неча марталаб ӯзтариб борди. Бу ўсимликлар бўлан ҳайвонот олами ўртасидаги мураккаб ва хилма-хил ӯзаро муносабатлар борлигини ва унинг натижасида юзага келганлигини курсатади. Ёпиқ уруғлиларнинг устун чиқиши Ер юзидағи тирик организмларнинг тақдирида бурилиш ясади — зўр революция бўлди.

Ёпиқ уруғлилар иккى синфга: иккى паллалилар ва бир паллалиларга булинади.

## Икки паллалилар синфи

Икки паллали ўсимликлар синфи аввало эмбрион тузилиши билан характерланади. У икки палладан иборат. Муртак (эмбрион) поясининг ўсиш конуси бўлган уруғпаллалар ўртасида жойлашган бўлиб, муртакнинг ўзида барг бошланғичи хосил бўлади ва у шу барглар билан қўшилиб куртакка айланади. Шу куртакдан бўлгуси ўсимликнинг асосий танаси ўсиб чиқади.

Икки паллалиларнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар: муртак икки паллали, илдизи ўқилдиз, поясидаги камбий иккимамчи йўғонлашишга эга, ўtkazuvchi найлар пояди айланади шаклида жойлашган, барглари турли шаклда, кўпинча мураккаб баргли, гулқўргони икки қават, гуллари кўпинча 5 аъзоли.

Икки паллалилар синфи 120 минг тур ва 284 оиласи ўз ичига олган. Улар ер юзидағи ўсимликларнинг асосий қисмини ташкил қиласди. Бу синфга кирувчи оиласаларнинг асосийлари қўйидагилардир: магнолиядошлар, зиркдошлар, айиқтовондошлар, атиргулдошлар, олмадошлар, қайниндошлар, қорақайиндошлар, толдошлар, гулхайридошлар, узумдошлар, соябонгулдошлар ва бошкалар.

**Айиқтовондошлар оиласи.** Бу оила 1200 га яқин турни ўз ичига олиб, купчилик вакиллари ўтлардан иборатdir. Барглари оддий, бироз кертикли, пояди спираль ҳолда жойлашган. Гуллари ҳам ҳар хил тузилган: баъзиларида актиноморф (тўғри), баъзиларида зигомоф (нотўғри). Чангчилари кўп.

Оиласаларнинг типик вакилларидан бири ер бағирлаб ўсувчи айиқтовондир. У нам жойларда кўп учрайдиган ўт бўлиб илдизи ўқилдиз, ёнидан учталик ёпирма барг чиққан. Гули қўш гулқўргонли, 5 аъзоли, оч сариқ рангли.

Айиқтовонларнинг бир қанча турлари бўлиб, улар заҳарлидир. Дори буладиган ўсимлик турларидан горицвет ва парни сингари вакилларидан фойдаланилади.

Бу оила табиатда кенг тарқалган. Унинг пеон, исфарак, седана каби турлари манзарали гул сифатида кўп экиласди.

**Атиргулдошлар оиласи.** Бу оиласига мансуб ўсимликлар морфологик ва биологик тузилиши жиҳатидан турли-тумандир. Филогенетик жиҳатдан айиқтовондошлар оиласига яқин туради. Унинг айрим вакиллари баргларини кузда тўқади, доим яшил турлари дараҳт, бута, кўп йиллик ва бир йиллик ўтлардан иборат. Гуллари якка, баъзан тўпгул ҳолида, асосан 5 аъзоли, баъзан 4—6 аъзоли бўлади. Гултожиси кўпинча турли рангда, қизил, сариқ, пушти ва ҳоказо. Меваси ҳар хил: баргчалар, ёнгоқчалар, данакли мевалар кўринишидан булади.

Унинг типик вакили атиргул ёки наъматакдир (6-расм). Атиргул бута, ҳозир унинг бир қанча (600 дан ортиқ) навлари яратилган. Ҳеч бир ҳовини, бояча участкасини, мактаб боягини учратмайсанки, унда атиргул экilmagan булса. Улар манзарали ва хушбўй ҳид таратишдан ташқари, доривор, витаминаларга бой бўлади, гулчиликда энг яхши пайвандтаг сифатида фонда-



6-расм. Атиргул

ланилади. Атиргулнинг бир қанча турлари: итбурун, қизилатиргул, оқхаргул, харгул, наъматак, қунғирнаъматак, гулираъно ва бошқалар мавжуд. Улардан қизилатиргул катта аҳамиятга эга, ундан атиргул ёғи олинади. Бу энг кимматли эфир-мойли гул мойидир.

#### Гулхайридошлар оиласи.

Икки паллалиларнинг кенг тарқалган ўтчил ва буталардан иборат оиласидир. Бу оиласага киругвчи ўсимликларнинг барглари панжасимон ўйма булади. Гуллари йирик, оқ, сариқ ёки пушти рангда. Чанчилари жуда кўп. Меваси кўпчилигида кўсак.

Ўзбекистонда унинг 6 туркуми ва 17 тури бор. Бунинг типик вакиллари гулхайри, ғўза, каноп, тугмачагул, пахтагул, гулҳамишабаҳор, гулибахмал, бўритароқ ва бошқалардир. Буларнинг кўпидан

тола олинади ва дори тайёрлашда фойдаланилади. Манзарали ўсимлик сифатида ҳам кўп экилади.

Мазкур оиласининг ҳаммамизга таниш бўлган бир тури — ғўзадир (7-расм). Ғўза — бўйи 90—140 сантиметрга етадиган, бир йиллик ўсимлик. У тола олиш учун экиладиган энг муҳим техника экинларидан ҳисобланади. Ғўзанинг илдизи ўқилдиз, ерга 70—150 см гача кириб боради. Пояси тик ўсуви. Барглари яшил, 3—7 бўлакчали. Гули икки жинсли, оч сариқ, сариқ ёки оқ тусли. Фунчаси шона деб аталади. Меваси 3—5 чаноқли кўсак. Битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахта толасининг оғирлиги 3—4 дан 8—9 граммгача. Ҳар қайси чаноқда 7—9 чигит булади. Таркибида 22—26% мой, оқсил ва углеводлар бор.

Ғўза ёруғлик, иссиқлик ва озиққа нисбатан жуда талабчан. 1—2° совуқда майсалари, 3—5° совуқда эса катта ёшдаги ўсимликлари ҳам нобуд бўлади. Унинг ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай ҳарорат +28, +32° дир.

Ғўзадан тола олинади. Пахта толасида ип йигирилади. Ундан хилма-хил газмоллар тўқилади, шунингдек автомобиль фидираклари учун корд, тўр, қайиш ва ўрамалар тайёрланади. Чигитдан мой олинади. Озиқ-овқат учун ишлатилади. Ундан маргарин, глицерин, совун, стеарин, сурков мойлари олинади. Чигитни тозалашдан чиқадиган чиқиндилардан целялюзла,

спирт, линолеум, киноленталар тайёрланади. Баргидан сирка, олма, лимон кислоталари олинади. Фұза асал берувчи үсімлик ҳамдир. 1 га майдондаги ғұзадан 30 кг асал олиш мүмкін.

### Бир палладилар синфи

Бир палладиларнинг ургапалласи битта, гуллари З аъзоли, асосий илдизи барвакт қуриб кетади ва құшимча илдиз системаси юзага келиб, уни *попук илдиз* деб аталади. Поянинг күндаланг қирқимида тартибсиз жойлашган үтказувчи боғламлари туташ бұлади, уларда камбий бұлмайды. Натижада иккіламчи йүғонлашиш рүй бермайды, барлгари параллел томирли, узун лентасимон асоси билан пояга бирикиб туради.

Бир палладилар орасида дарахтсимон формалари кам учраб, күпчилиги үтлардир.

Бир палладиларнинг гул тузилиши ва вегетатив органлари анча содда. Құпчилиги үзидан ва шамол воситасида чангланади. Олимларнинг фикрича бир палладилар иккى палладилардан келиб чиққан.

Бир палладиларнинг турлари бироз кам булиб, улар чұл, үтлоқ, дашт, саванна, катта дарёлар соҳилидаги серсув ерларда кенг тарқалған.

Бу синф үз ичига 12 тартиб, 50 оила, 30 000 дан ортиқ турни олған. Мазкур оиласардан энг характерлілари қуйидагилардир: пиёзгүлдошлар, чұчомагулдошлар, пальмадошлар, ғалладошлар, қиёқдошлар ва бошқалар.

**Пиёзгүлдошлар оиласи.** Бу оиласа мансуб үсімліктарні характерлы белгиси пиёзбошчасининг бўлишидадир. Құпчилик вакиллари үтлардан иборат булиб, камдан-кам вакиллари дарахтсимон үсімліктардир. Барлары узун, ланцетсимон ёки чизиқсімон, параллел томирланған.

Гуллари иккى жинсли, түпгүл, ҳосил қилади. Улар шингил, бошоқ, соябон, супургисимон қўринишда. Гулқўрғони гултожи-симон, 6 та чангчиси 3 тадан иккى қатор доира ҳосил қилиб жойлашган. Құпчилиги шамол ёрдамида чангланади. Меваси құсакча ёки резавор мева. Ер ости новдаси пиёзбошчали ва илдизпояли. Илдизи попук илдиз.

Пиёзгүлдошлар Ер юзида кенг тарқалған. Булардан пиёзгүл,



7- расм. Фұза:

1 — ғұзаниң үмумий құрғичити; 2 — гул сочаси билан үралған шонасі; 3 — гули; 4 — яшил құсаги; 5 — етіл ган құсаги.

лола, бойчечак, спаржа, ошпиёз, жайдари пиёз, сумбул, марваридгул, алоэ ва бошқалар энг кўп тарқалган.

Пиёзгулдошларнинг кўпчилиги (пиёз, жайдари пиёз) бизда ҳамма жойда экилади ва кенг тарқалган ўсимликлардан ҳисобланади. Барглари найсимон, ичи ковак. Гулпоясининг ўртаси қабариқ, тўпгули шарсимон, гуллари майда, кўкимтири-оқ; четдан чангланади. Меваси — уч хонали кўсакча, ичида қора ранг уруғлари бўлади. Жайдари пиёзниң навлари жуда кўп. Улар ачиқ, чучук бўлади. Ранги оқ, сариқ, пушти, қизгиши-бинафша тусда бўлади. Пиёз таркибида витамин, фитонцидлар ва эфир мойи бор. Ундан қимматли озиқ сифатида фойдаланилади. Пиёзгулдошлар оиласининг кўпгина вакиллари манзарали гул сифатида (лола), баъзилари хона ўсимликлари сифатида (спаржа, алоэ) ўстирилади.

**Фалладошлар оиласи.** Фалладошлар бирпаллалилар синфининг энг катта ва характерли оилаларидан бири ҳисобланади. Оиланинг кўпчилик вакиллари бир йиллик ва кўп йиллик ўтлардир. Пояси ингичка (0,3—0,5 см), цилиндрсимон, бўғим-бўғим. Бўғим оралиқларининг ичи бўш — ковак, сомон-чўпдир.

Барглари икки қатор бўлиб, навбатма-навбат ўрнашган. Улар поянни ўраб турадиган цилиндрсимон ўрама баргдан ва ингичка пластиникадан иборат. Поя пастки қисмидан, яъни ер тагидан ёки баъзилари ер устидан шохлайди. Бу шохланиш 3—5 та, баъзан 10—12 та гача бўлиши мумкин. Илдизи попук илдиз.

Унинг баъзи вакиллари илдизпоя ҳосил қиласи. Масалан, буғдойик, ялтирибош ва бошқалар.

Фалладош ўсимликларнинг гуллари йигилиб, оддий тўпгул бошоқ ҳосил қиласи. Тўпгул ўқида калта бандли мураккаб бошок (жавдар, буғдой, арпа), супурғисимон тўпгул (сули, қўнғирбош, ялтирибош), бошоқсимон супурги тўпгул (сохта бошоқ, жига) бўлади. Меваси дон.

Фалладошлар қадимги экин бўлиб, маданий экинлар ичида биринчи бўлиб маданийлаштирилган. Чунки у инсонлар учун асосий озиқ манбаи ҳисобланган. Бу оиланинг типик вакилларига буғдой, арпа, сули, маккажӯхори, тариқ, қамиш, чалов, бетага, шоли, оқ жӯхори, қўноқ ва бошқалар киради.



8-расм. Буғдой:

1 — ўсимликнинг умумий кўрининиши  
2 — ётилган бошоги.

Хозир ғалладошлар оиласига 550 га яқин авлод, 6700 дан ортиқ тур мансубдир. Ер юзида ғалла экинларидан буғдой (8-расм) экмаган мамлакат бұлмаса керак. Ҳамдустликка аъзо давлатларда буғдойнинг бир қанча янги серҳосил, қасалликларга чидамили навлари (4000 дан ортиқ) яратилған.

Жаҳон деҳқончилигида, шунингдек үлкамизда ҳам буғдойнинг иккі тури: юшоқ буғдой ва қаттиқ буғдой катта аҳамиятга эга.

Ёпиқ уруғлиларнинг табиатдаги ва кишилар ҳәтидаги аҳамияти. Ёпиқ уруғларнинг табиатта ва инсонлар ҳәтидаги рөли, аҳамияти күриб чиқылған үсимликлардан устун туради. Ёпиқ уруғлиларнинг пайдо булиши ер юзидағи инсонлар ва ҳайвонлар ҳәёти, тараққиети билан чамбарчас боғланғандир.

Ёпиқ уруғлиларда гулнинг ҳосил булиши ва уннинг эволюцияси ҳашаротларнинг ривожланишига сабаб бұлған. Ҳашаротлар гул нектаридан озиқланиб, уларни чанглантирган. Ер юзидағи барча ҳайвонлар, жоноворлар үсимликлар билан озиқланади.

Ёпиқ уруғлиларнинг инсонлар ҳәтидаги аҳамияти ниҳоят-да кattадир.

Инсонлар фойдаланадиган озиқ-овқат экинлари, донли, мебали, сабзавот, витаминли, эфир-мойли, манзарали ва техника экинларнинг ҳаммаси ёпиқ уруғлиларнинг вакилларидир. Қоғоз, қурилиш материаллари, авиация соҳасида, хұшхұр ичимликлар тайёрлашда, саноат учун хилма-хил хомашёлар етказиб беришда, медицинада, юқори сифатли асал олишда ҳам ёпиқ уруғлилар асосий манба булиб хизмат қилади.

Ёпиқ уруғлиларнинг эволюцион тараққиетига назар ташласақ, уларнинг бирламчи белгилари үрнига иккиламчи белгилари ҳосил булиб, улар мураккаб тузилишга зәга бұлған (бир гуллардан мураккаб тұпгуллигига, доим яшил барглидан ҳар йили баргини тұқадиганиңа, содда гулқұрғонлигидан құшалоқ гулқұрғонлигига, бир үйидан иккі үйилигі, гули иккі жинслидан гули ҳар хил жинслилигі, күп йиллик үсимликтан бир йиллик үсимлилікка айланиши), ташқы экологик мұхитта мослашған үсимликлар әканлигини күриш мүмкін.

Ёпиқ уруғлилар ҳозир ер юзида энг ривожланған, бутун үсимликлар оламининг ҳукмрон гурухи ҳисобланади. Улар инсонлар, ҳайвонлар ва барча тирик мавжудотлар билан чамбарчас боғланған ҳолда үсади, ривожланади.

## ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Ер юзидағи ҳайвонот олами ҳам үсимликлар сингари кенг тарқалған. Уларни шимолий муз құтбларидан тортиб жанубий кенгликларгача, шунингдек, чүл, дашт, тоғ зоналарida ҳам учратыш мүмкін.

Ҳайвонот олами жуда ҳам хилма-хилдир. Хозирги пайтда ер юзида 1500 мингдан ортиқ ҳайвон турлари маълум. Ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, тузилиши, хулқ-атвори, күпайиши, ривож-

ланиши, келиб чиқиши, табиатда ва инсон ҳәётидаги ролини ўрганадиган фан зоология деб аталади.

Ҳайвонлар билан үсимликлар мураккаб тузилишга эга булиб, уларнинг умумий ҳұшашлик томонлари ҳам бор. Масалан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳужайралардан тузилган, иккаласы ҳам озиқланади, үсади, ривожланади, күпгина ҳәёттің жараёнлари ҳам жуда үхашаш кетади. Буларнинг ҳаммаси ҳайвонлар билан үсимликлар бир-бирига қариндош эканлигини, улар бир негиздан тарқалғанлигини күрсатади. Лекин шу билан бирга улар ўртасида катта фарқлар ҳам бор. Масалан, ҳайвонлар — гетеротроф, үсимликлар эса автотроф организмлардир. Ҳайвонлар юради, ҳаракат қиласы, ноқулай шароитдан қулай шароитта үтиб олади. Үсимликлар эса бир хил шароитта экиладими, уша ер шароитига мослашса үсади, мослаша олмаса нобуд булади. Шунинг учун ҳам ҳайвонлар сони үсимликларга нисбатан З баробар ортиқдир.

Ҳайвонот олами иккита катта булимга: умуртқасизлар ва умуртқалиларга бўлинади. Ҳар қайси булим ҳам ўз навбатида типларга, ҳар бир тип синфларга, синфлар туркумларга, туркумлар оиласаларга, оиласалар авлодларга, авлодлар эса турларга бўлинади.

Ҳайвонларни системага солиш ихтиёрий равишда группаларга ажратиш билан эмас, балки бу иш уларни ҳар томонлама ва батафсил ўрганиш асосида қатъий илмий системага мувофиқ амалга оширилган.

Хозир ҳайвонот олами маълум таксономик бирликлар асосида қўйидаги системага бўлинади: Энг содда ҳайвонлар, булатлар, көвакичилар, яssi чувалчанглар, юмалоқ чувалчанглар, ҳалқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар, иннатанилилар ва хордалилар типи.

Шўлардан дастлабки тўққизта типи умуртқасиз ҳайвонлар, ўнинчи типи эса умуртқали ҳайвонлар деб аталади.

Қўйида уларнинг айрим, характеристери типлари билан танишамиш.

### ЭНГ СОДДА ҲАЙВОНЛАР ТИПИ

Мазкур типнинг вакиллари энг содда тузилишга эга бўлган бир ҳужайрали ҳайвонлардан иборат. Уларни содда ҳайвонлар деййлишига сабаб ҳам танасининг битта ҳужайрадан ташкил топганлигидадир.

Энг содда ҳайвонларнинг купчилиги микроскоп остида куринадиган жуда майда организмлардир. Уларнинг катталиги 50—100 мм дан 1—2 мм гача бўлади. Содда ҳайвонлар ер юзида кенг тарқалган. Уларни ҳамма ерда: чучук ва шур сувда, нам тупроқларда, ҳовуз, ариқ, кўлмак сувларда, денгиз ва океанларда, баъзи вакилларини ҳатто ҳайвон ва одам организмида ҳам учратиш мумкин.

Бир ҳужайрали ёки содда ҳайвонларнинг танасини ташкил

этадиган ҳужайранинг кўп ҳужайралилардан фарқи шундаки, у битта ҳужайрадан иборат бўлса ҳамки мураккаб тузилишга эга булиб, мураккаблиги ҳужайра айрим қисмларининг дифференциалланганлиги, уларнинг ҳар хил функцияларни бажаришга лаёқатланганлигидадир. Ҳужайранинг баъзи қисмлари ҳаракатлантириш вазифасини бажарса, баъзилари овқат қабул қилиш ёки овқат ҳазм қилишга, бошқалари эса ортиқча сувни ва диссимилиация маҳсулотларини ҳужайрадан чиқариб юборишга мослашган. Ҳужайранинг ихтисослашган бу қисмлари *органелла* ёки *органоидлар* деб аталади. Буни унинг типик вакили бўлган инфузория ҳужайрасида куриш мумкин. Ҳужайра таркибида бир ёки бир нечта ядро, протоплазма, вакуоллар бўлади.

Жинссиз кўпайганда инфузория ҳужайрасидаги ядро иккига бўлинади. Ундан иккита янги организм ҳосил бўлади.

Энг содда ҳайвонлар жинссиз ва жинсий йуллар билан кўпаяди. Лекин уларда жинсий кўпайишга нисбатан жинссиз ҳайвонот оламининг илк мавжудоти эканлигидан далолат беради. Бунинг яна бир исботи шуки, кўп ҳужайрали ҳайвоннинг ҳужайралари дифференциалланган булиб, муайян вазифани бажаришга мослашган. Улар маълум бир томонга ҳар хил дараҷада ихтисослашган. Битта ҳужайрадан ташкил топган содда ҳайвонларнинг ҳужайраси эса ана шуларнинг ҳаммасини бир ҳужайра ичидаги жойлаштириб, барча ҳаётӣ вазифаларни бажаради ва мустақил яшашга қодир бўлади.

Содда ҳайвонлар олами ниҳоятда катта ва хилма-хиллар. Ҳозирги вақтда уларнинг тури 15 000 тадан ортади. Булардан ташқари табиатда уларнинг хили аниқланмаган, айни пайтда паразитлик қилиб яшайдиган жуда кўп турлари ҳам бор. Содда ҳайвонларга амёба, инфузория-туфелька, эвглена, вольвокс ва бошқалар киради.

Амёба ифлос сувли ҳавзалар тагида яшовчи, катталиги 0,2—0,5 мм келадиган майдо организмидир. «Амёба» ўзгарувчан деган маънени билдириб, у ҳамиша ўз шаклини ўзгартириб турди.

Амёбанинг ҳужайрасида ядро, протоплазма ва овқат ҳазм қилиш вакуоласи бор. Тана тузилиши содда, ёлғон оёқлар чиқариб бир жойдан иккинчи жойга ҳаракат қиласи. Бу вақтда улар озиқни ўраб олиб, овқат ҳазм қилиш вакуоли ҳосил бўлади ва унинг воситасида озиқланади.

Амёба бутун танасининг юзаси билан нафас олиб, сувда эриган кислород протоплазмага сизиб ўтади.

### СОДДА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТАБИАТДАГИ ВА КИШИЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Содда ҳайвонлар узоқ тарихий тараққиёт йулини босиб ўтган бир ҳужайрали организмлардир. Улар турли шароитда: чучук сувларда, денгиз ва океанларда яшаб, табиатдаги кўпгина

тирик мавжудотларнинг, балиқларнинг емиши булиши билан қимматлидир.

Уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти камроқ. Фақат баъзи паразит вакиллари (безгак паразити, дизентерия амёбаси) инсон организми қонида яшаб оғир жароҳатларга олиб келади. Безгак касали билан оғриган беморнинг тана ҳорорати 2—3-куни 40—41° га қадар кўтарилади, қалтироқ босади. Уни асосан безгак чивини юқтиради. Касаллик кўпинча ёз ойларида учрайди. Болалар боғчаларида тозаликка риоя қилиш, безгак билан оғриган болалар сезилса дарров врача мурожаат этиш керак.

Бир вақтлар МДҲда, айниқса Ўрта Осиёда безгак касали кенг тарқалган эди. Ҳозир бизда безгак касаллиги батамом туғатилган.

### КОВАКИЧЛИЛАР ТИПИ

Ковакичлилар тубан даражада тузилган кўп ҳужайралиларнинг энг характерли типларидан биридир.

Ковакичлиларнинг ӯзига хос белгилари бор. Улар қуйидагилардир:

1. Радиал-нурсимон симметрия тузилишли ҳайвонлар фақат ковакичлиларга хос. Масалан, унинг вакили гидра танаси юзаси бўйлаб хаёлан тик ўқ ўтказилса, унинг пайпаслагичлари бу ўқ атрофида худди ҳар томонга тараалган ёруғлик нури сингари жойлашади. Буни *нурсимон* (шуъласимон) симметрия деб аталади.

2. Икки қаватли типда тузилиш ковакичлилар тузилишидаги иккинчи характерли белгисидир. Унинг типик вакили гидрадир.

*Гидра* — чучук сувларда яшайди. Унинг танаси икки қаватли тузилишга эга бўлиб, ташқи — эктодерма ва ички — энтодермадан иборат.

Эктодермадаги ҳужайралар тананинг ташқи томонида жойлашгани учун ташқи таъсиротларга жавоб бериш, яшаш, озиқланиш, ташқи таъсиротлардан сақланиш, ҳаракат қилиш ва кўпайиш каби вазифаларни бажаради. Эктодерма қоплағич вазифасини бажариш билан бир вақтда сезиш, ҳаракатланиш, овқат тутиш ва ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради, энтодерма эса овқат ҳазм қилиш ва ҳаракатланиш вазифасини бажаради.

Бу уларнинг анча ривожланганлигини, эволюцион тараққиёт натижасида таналари мураккаб тузилишларга эга бўлиб бораётганини кўрсатади.

### ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ

Бу тип умуртқасиз ҳайвонлар бўлимида анча тараққий этган ва яхши ривожланганлиги билан фарқ қиласди.

Ҳалқаличувалчангларнингтана тузилишидаанча үзгаришлар бўлиб, бу улар танасининг сегментациялашгани, яъни уларнингтанасианча сегментлардан иборатлигидадир.

Ҳалқаличувалчангларнингтанасиустки томондан қоплагич тўқимабилан қопланган. Уларда бутўқимадан ташқари, мускул тўқимаси, нерв тўқимаси ва бошқатўқималарбор.

Ҳалқаличувалчанглар—целомик ҳайвонлардир. Уларнингтанасида тубанчувалчанглардабулмайдиган иккиласми тана бўшлифи бўлади. Ана шутана бўшлифи ташқисегментларга мувофиқравища кўп ё оз даражада парда билан ажралади. Пардаларни ташкилэтадиган ҳужайраларучинчи ўрта қаватни ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам уларни уч қаватли ҳайвонлардеб айтилади. Буни ёмғирчувалчангинингтанасида яққолкўришмумкии. Ўрта қават ёмғирчувалчангитана бўшлигинингхамма жойини қоплайди, ҳазм қилишсистемасиорганларини ўраб олади, тери-мускулхалтасиниички томондан қоплабтурди. Ҳужайраларнингбу қаватичувалчанглардан тортиб,хаммакўп ҳужайрали ҳайвонлардабўлади.

Ҳалқаличувалчанглардаовқат ҳазм қилишорганлари яхши ривожланган. Озиқофиздан(ёмғирчувалчангимисолида) ҳалқуморқали қизилўнгачгаутади. Оғиз, ҳалқум, қизилўнгач, жиғилдон, ошқозонваичаковқат ҳазм қилишорганлариниташкил этади.

Чувалчангларнингқоринтомонида ингичка, эластик, калтатуклари бор. Улар ер юзасида ҳаракат қилишда ваин қазишда ёрдам беради. Ана шукалта, сийрак тукларнинг бўлиши ҳалқаличувалчанглартипигахосхусусиятдир.

Ҳалқаличувалчанглардақонайланишистемаси яхши ривожланган, асаб системаси ҳаманча яхши тараққийэтган.

Умуман ҳалқаличувалчангларактивовқатланишхусусиятигаэгабўлган, анчаривожланган ҳайвонлардан ҳисобланади.

### Бўғимоёқлилартипи

Бўғимоёқлилартипиумуртқасиз ҳайвонлар ичидавюксак тузилишгаэгабўлганлиги биланхарактерланади. Бутипнингвакиллари бутун ҳайвонотоламинингучдан иккисининиташкил қиласди. Агар ер юзидаги бутун ҳайвонларсони1,5млндан ортиқ бўлса, шунинг1млнданкўпрофи бўғимоёқлиларга тўғри келади.

Бўғимоёқлилархилма-хил, ер юзасининг ҳамма ерида; денгиз ва океанларда, қуруқликда, ўмон, чўлвтоғлардакенгтарқалган. Бутуларнинганчатаракқийэтгантип эканлигиникирсатади.Хуш, бўғимоёқлиларнингбунчаликхилма-хилвакўп бўлишига, турлишароитга мослашиб олишига ва ер юзасидакенгтарқалишига сабаб нимадеган ҳақли савол туғилади.

Бунинг сабаби қуйидагилардир:

1. Танасини қоплагич билан қопланганлиги. Ҳашаротлар синфининг бутун танаси хитинли кутикула билан қопланган. Хитинли кутикула қаттиқлигидан ташқари, танасидан ортиқча сувни буғланишига йўл қўймайди. Бу бўғимоёқлиларни қуриб қолишидан сақлайди.

2. Оёқларининг бўғимларга бўлинганлиги. Бўғимоёқлилар ўз аждодлари ҳалқали чувалчангларнинг ташқи сегментларини сақлаб қолган ҳолда бўғимли оёқлар ҳосил этган. Уларнинг усти қаттиқ хитин қоплагич билан қопланган. Бўғим оёқлиларнинг танаси учта қисмга: бош, кўкрак ва қоринга бўлинган. Уларнинг бундай қисмларга ажралиши ҳашаротлар синфида юқори даражага етди.

3. Мускулатурасининг мавжудлигига. Бўғимоёқлиларда тери-мускул қопи бўлмайди. Уларда мускул тутамлари кўринишдаги ихтисослашган мускулатура ривожланган. Тананинг турли қисмларини мускул тутамлари ҳаракатга келтиради.

Кўпчилик бўғимоёқлиларда, айниқса ўргимчаксимонлар ва ҳашаротларда сезги органлари ва асаб системаси яхши ривожланган. Уларнинг ҳаракатчанлиги ва актив равишда озиқлашиши шу органларнинг ривожланишига боғлиқ.

Бўғимоёқлиларнинг тузилишида тана бўшлигининг мавжудлиги, қон томирлар системасининг туташмаган (очиқ) бўлиши, танасининг сиртдан сегментларга бўлинганлиги бўғимоёқлилар учун хос белгилардир.

Буларнинг ҳаммаси бўғимоёқлиларнинг анча ривожланганлиги ва шунинг учун ҳам ер юзида кенг тарқалганлиги, турларининг кўплиги ва хилма-хил бўлишини кўрсатади.

### Ҳашаротлар синфи

Бўғимоёқлилар типининг энг катта ва характерли синфи ҳисобланади.

Ҳашаротлар ер юзасида кенг тарқалган. Уларни энг шимолий кенгликдан тортиб экваторгача бўлган хилма-хил зоналарда, қисман денгиз ва океанларда учратиш мумкин.

Табиийки, уларнинг ер юзи бўйлаб бундай кенг тарқалишига сабаб, уларнинг хитинли скелет қоплагичи; бўғимли оёқлар ва мускуллар борлиги сабаб бўлган. Бундан ташқари, қадимги ҳашаротлар қуруқликка чиққанидан кейин янги хусусият касб этган. Кўкрак сегментларидаги тери бурмалиридан қанотлар пайдо бўлган ва уларнинг ёрдамида ҳавога кутарилган. Бу эса уларнинг тарқалиши учун катта имконият очиб берган.

Ҳашаротлар юксак даражада тузилган бўғимоёқлилардир. Улар хилма-хил бўлиши билан бирга турли шароитда яшаб, турлича мураккаблашган группаларни ҳосил қилган. Булар ҳозирги ҳашаротлар орасидаги содда группалар ва юксак ҳашаротларни бирлашитирувчи группалардан иборатdir.

**Танасининг тузилиши.** Ҳашаротларнинг ўзига хос хусусияти

шундаки, уларнинг танаси уч қисмга; бош, кўкрак ва қорин қисмларига бўлинган.

Бош ҳамма ҳашаротлар учун хос бўлган қисмдан иборат бўлиб, унда оғиз ва сезги органлари жойлашган. Бунга май қўнғизининг бош тузилиши мисол бўлади.

Қўнғиз бошининг икки ёнида бир жуфт мураккаб қўзи бор. Ҳар қайси қўзи бир неча минглаб содда кўзчалардан тузилган. Кўзлари олдида бир жуфт мўйлови бўлади. Ҳар бир мўйлови учида бир нечтадан кенг пластинкалар бор. Бу пластинкалар хид билиш органи ҳусобланади. Пластинкалар эркакларида урғочиларидагига қараганда яхшироқ ривожланган.

Овқатнинг ҳар хиллигига қараб ҳашаротларнинг оғиз органлари ҳам узгаради. Масалан, суюқ овқат (гул нектари) билан озиқланганда кўпгина пардақанотлиларнинг оғизлари суюқ овқат билан озиқланишга мослашган. Чивинлар ва қандалалярнинг оғизлари эса санчиб-сўрувчи оғиз аппаратига айланган.

**Кўкраги.** Ҳашаротларнинг кўкраги уч қисмдан: кўкрак олди, кўкрак ўртаси ва кўкрак орқасидан иборат. Уларнинг ҳар бирида бир жуфтдан оёғи бўлади. Ҳар бир ҳашаротда б тадан оёғи бўлади. Бундан ташқари, кўкрагининг ўрта ва орқа бўғимларида қаноти жойлашади. Кўп ҳашаротлар уча оладилар, улар озиқ қидириб ёки душмандан сақланиш учун узоқ масофаларга учишади. Учиш эркак ҳашаротларга урғочиларини тошиш учун ҳам хизмат қиласди.

Қанотлар ҳамма ҳашаротларда ҳам булавермайди. Дастлабки қанотсиз тубан ҳашаротларда қанотлар бўлмайди. Аслида қанотлилар групласига кирадиган, лекин паразитлик қилиб ясашга мослашиши натижасида қанотлари йўқолиб кетган баъзи ҳашаротларда (бит, бурга, ёғоч қандаласи ва бошқаларда) қанотлар бўлмайди.

**Қорни.** Ҳашаротларнинг қорин бўғимлари одатда 11 та булади. Лекин қорин бўғимлари камайиб 9 тага тушиб қолади ва ҳатто бундан ҳам оз бўлади. Кўпинча қорин кўкракка қўшилиб кетган. Масалан, май қўнғизининг қорни кўкраги билан ҳараратказис бириккан.

Ҳашаротлар қорнида ривожланган ҳақиқий оёқлар бўлмайди. Баъзан ҳашаротларда оёқrudimentlari ёки шакли ўзгарган оёқлар бўлади. Буни бирламчи қанотсизларда кузатиш мумкин.

**Овқат ҳазм қилиш органлари.** Ҳашаротларнинг овқат ҳазм қилиш органлари оғиз, қизилўнгач, ошқозон, ичак ва сўлак безларидан иборат.

Ҳашаротлар хилма-хил ўсимлик ва ҳайвон турлари билан озиқланишга мослашганлиги туфайли, уларнинг органларини бирмунча мураккаб ва шу билан бирга анчагина хилма-хил тузилганлигини кўриш мумкин.

Ҳашаротлар озиқланиш усулига қараб ҳам бир неча груп-

пага бўлинади. Масалан, гўштхўр ҳашаротлар, ҳаммахўр ҳашаротлар, ўсимликхўр ҳашаротлар, паразит ҳашаротлар ва бошқалар.

**Ҳашаротларнинг кўпайиши.** Ҳашаротлар асосан жинсий пул билан кўпаяди.

Эркак ҳашаротларнинг ҳид билиш органлари яхши ривожланган, чунки улар ургочиларини ҳидига қараб топадилар. Бардорда май қўнгизининг қоронги тушиши билан кўплаб учиб юрганини кўриш мумкин.

Ҳашаротларнинг кўпайиш органи қорин қисмида жойлашган бўлади. Ургочисида иккита тухумдан бўлиб, уларда жуда кўплаб тухум етилади. Эркак ҳашаротда жуда кўп сперматазоидлар етиладиган бир жуфт уруғдан бўлади. Ривожланиши икки хил бўлиб, тўла ўзгаришли ва чала ўзгаришли ривожланишдан иборат.

Тўла ўзгаришли ривожланишда тухумдан вояга етган ҳашаротга ўхшамайдиган личинка чиқади. Личинка зўр бериб озиқланади, ўсади, сўнгра ҳаракатсиз фумбакка айланади. Фумбакда личинканинг тўқима ва органларининг вояга етган ҳашарот тўқима ва органларига айланишидек мураккаб жараён содир бўлади, натижада фумбакдан вояга етган ҳашарот чиқади.

Ҳашаротнинг тўрт босқичли: тухум — личинка — фумбак — вояга етган ҳашарот даврини ўтиши *тўла ўзгаришли ривожланиши* деб аталади. Қўнгиз, капалак, асалари, чумоли ва бошқа ҳашаротлар шундай ривожланади.

Баъзи ҳашаротлар тухумидан ташқи тузилиши, ҳаёт тарзи ва озиқланиши жиҳатидан вояга етган ҳашаротларга ўхшайдиган личинка чиқади. Майда личинкалар озиқланади ва ўсади, вақт-вақти билан пўст ташлаб, вояга етган ҳашаротга ўхшаб қолади. Бунда фумбак ҳосил бўлмайди.

Ҳашаротнинг уч босқичли: тухум — личинка — вояга етган ҳашарот даврини ўтиши *чала ўзгаришли ривожланиши* деб аталади. Суварак, чигиртка, қандалалар ва бошқалар шундай ривожланади.

Ҳашаротлар вояга етгандан кейин ўсмайди ва пўст ташламайди. Ҳашаротларнинг бир қанча туркумлари борки, улар табиатда кенг тарқалган, амалий аҳамияти катта бўлган ҳайвонлардир. Масалан, ниначилар, тўғри қанотлилар, тангачаканотлилар ва қўнғизлар.

Ниначилар туркуми жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг типик вакили чиройли ниначидир. У чучук сувларда, гулзорларда учиб юриб кўпгина зараарли ҳашаротларни териб ейди. Унинг қанотлари бир жуфт чиройли, болаларни яхши кўради.

Тўғриқанотлилар туркумига узунлиги 5—6 см келадиган, калта мўйловли, йирик ҳашаротлар кириб, олдинги қанотлари узун, энсиз, қаттиқ ва тўғри бўлади, шунинг учун тўғри қанотлилар деб ном берилган. Орқа оёклари узун, сакрайдиган қай чигирткаси бунинг типик вакилидир.

Чиғиртқа ғалла ва полиз әқинларига катта зиёң етказади. Ҳозирги вақтда үлкамизнинг бөг ва далалари бу зааркунанда-дан ишончли равища ҳимоя қилинган.

Тангачақанотлилар туркумiga капалаклар мисол бўлиб, уларнинг турли-туман чиройли ранги фақат катталарни эмас, балки болаларни ҳам үзига жалб этади. Гулдан-гулга кўниб учётган гузал капалакни кўриб, унинг кегидан завқ билан қувлаб, ана тутаман, мана тутаман деб чопиб юрган болакайларни кўриб ким завқланмайди дейсиз.

Ҳозир боғларда учеб юрган, карам ёки оқ капалаклар бу туркумнинг типик вакилидир. У ёзда ва баҳорда полиз ва далаларда учеб юради. Капалак қанотлари үзига хос рангли бўлиб, тангача доғлар билан қопланган. Шунинг учун ҳам бу хилдаги капалаклар *тангачақанотлилар* деб аталади.

Бу туркумнинг энг характерли вакилларидан яна бири тут ипак қуртидир. Унинг танаси қалин тук билан қопланган. Уни ипак олиш учун одамлар узоқ йиллардан бери купайтириб келишади. Уни уй ҳайвонларига айланган деса бўлади. Чунки улар учиш қобилиятини йўқотган, табиатда учрамайди.

Ундан олинадиган маҳсулот — ипак катта аҳамиятга эга. Ипакдан газмол тайёрланишидан ташқари медицинада, авиа-цияда ва бошқа мақсадларда кенг фойдаланилади.

Қаттиқ қанотлилар ёки қўнғизлар туркуми — ҳашаротларнинг турлар сони жиҳатидан энг катта туркумдир.

Қўнғизларнинг характерли хусусияти — уларнинг биринчи жуфт қанотларини қаттиқ бўлишидир. Қўнғизларнинг типик вакили май қўнғизидир. Унинг биологияси юқорида батафсил берилган.

Қўнғизлар ҳам фойдали, ҳам заарлидир. Фойдали тури тугмача қўнғизидир. Заарли турларидан май қўнғизи, баргхўр қўнғизлар қишлоқ ҳўжалиги әқинларига ва мевали боғларга катта зарар етказади.

**Ҳашаротларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти.** Юқорида айтилганидек, ер юзида ҳашаротлар жуда кенг тарқалган. Улар ҳамма ерда: сувда, қуруқликда, чўлда, тоғда, музликларда ва хуллас тирик организм яши мумкин бўлган ҳамма жойда учрайди.

Шундан кўриниб турибдики, табиатда, ундаги биологик жараёнларнинг боришида, моддалар алмашинуvida, ўсимлик ва ҳайвонлар тараққиётида, табиат мувозанатида уларнинг роли бекиёс каттадир.

Кўпчилик ҳашаротларнинг ҳаёти ўсимликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг кўпчилиги ўсимликларнинг барги, илдизи, меваси, уруғи, пустлоғи ва бошқа органдари билан озиқланати. Ўсимликхўр ҳашаротлар тўсатдан кўпайганда жуда катта территориядаги ўсимликларни заарлайди ёки бутунлай сб битиради. Масалан, чигиртка ва қандалалар яқин-яқинча Ўзбекистонда қанчадан-канча ғалла әқинларига заар етказган. Шунингдек, уларнинг ўсимликлар ҳаётидаги роли ҳам

кatta. Құрғина үсімліклар ҳашаротхұр ҳисобланади. Ер юзида бундай үсімлікларнинг тури 500 дан ортади. Бизларда эса ҳашаротхұр үсімліклардан 18 тури учрайди. Масалан, ненентес, дарлинтония, дионея, альдрованда кабилар барги, гули ёрдамида ҳашаротларни тутиб ейди. Бундан ташқари түкли арилар, асаларилар, паша, капалаклар ва құнғизларнинг баъзи турлари гулли үсімлікларни четдан чангланишида катта роль уйнайды.

Ҳашаротлар (чумолилар, құнғизлар) тупроқ пайдо булишида актив иштирок этади. Улар үсімліклар билан озиқланар әкан, үзлари ҳам бошқа ҳайвонлаңға (масалан, ҳашаротхұр қүшларга) озиқ булади. Гүрков құнғиз ва гүнг құнғизлари каби ҳашаротларнинг табиатдаги санитарлық аҳамияти ҳам алоҳида дикқатта сазовордир. Инсон кундалик ҳаёти ва амалий фаолиятида ҳар хил ҳашаротларга дуч қелади. Уларнинг бир қисми фойдалы бұлса, бошқаси заарлидир. Фойдалы ҳашаротлар қаторига маданий ва қимматли ёввойи үсімлікларнинг чангланишига ёрдам берувчи ва асалдор ҳашаротлар, тупроқ пайдо қылувчы ва санитар ҳашаротлар, үсімлік зааркунандаларини қириб битирувчи паразит ҳамда йильтүркіч ҳашаротлар ва бошқалар киради. Қейинги пайтларда қышылар зааркунандаларга қарши курашда биологик методдан (хонқизидан) кенг фойдаланиб гұза, полиз, бояғ экинларини муҳофаза қылмоқдалар.

Заарлы ҳашаротлар ҳам бор. Бу хилдаги ҳашаротлар экинларни, үрмөн ва мевали дараҳтларни ва бошқа қимматли үсімлікларни заарлайды. Озиқ-овқат маңсулотларини, техника хомашёси (ёғоч, тери ва бошқалар) ни, жұндан тайёрланған кийим-бошларни (куя капалагининг құртлари) ейди ва уларни ишдан чиқаради. Иморат ёғочларини ва мебелларни, ҳатто шпалларни емирадиган ҳашаротлар оз әмас.

Бундан ташқари қон сүрувчи ҳашаротлар (чивин, сұна ва бошқалар) сигирлар сутини камайтиради, инсоннинг яшаши, ишлаши ва дам олишига халақит беради. Безгак чивини касал одамдан соғлом одамға безгак паразитини юқтиради, пашшалар эса ичак касалліктерини келтириб чиқаради.

## ХОРДАЛИЛАР ТИПИ

Ер юзидағи ҳамма умуртқали ҳайвонлар хордалилар типига киради. Уларни хордалилар дейишлишига сабаб хордалиларнинг үқ скелети тубан группаларда ва барча умуртқалиларнинг эмбрионларда хордадан иборат булади. Қейинчалик эса улар умуртқа поғонасига айланади.

Хордалилар — иккіламчи бүшлиқли ҳайвонлардир. Ҳамма хордалилар учун хорда, орқа нерв нағи ва жабра ёриқларининг мавжудлігі характерлидір. Орқа нерв нағи деярли ҳамма хордалиларнинг бутун ҳаёти давомида сақланади. Умуртқали ҳайвонларда орқа нерв нағининг олдинги уида бош шаклі

ланади. Сувда яшовчи хордалилар жабра, қуруқликдагилари упка билан нафас олади.

Баъзи хордали ҳайвонлар (бош скелетсизлар, тұғарак оғизлилар, икки хил нафас олувчилар ва бошқалар) да хорда умр бўйи сақланади. Уларнинг типик вакили сифатида ланцетникини олиш мумкин. Ланцетник танасининг орқа томони бўйлаб хорда бир-бирига зич ёпишиб турган алоҳида ҳужайралардан иборат тифиз эластик ўқ жойлашган. Хорда ички скелет вазифасини бажаради. У ички органлар учун таянч ҳисобланади ва ланцетникнинг танасини маълум даражада эластик қилиб туради. Бу уларнинг яшашида, ҳаракат қилишида катта аҳамиятга эга.

Умуртқалиларнинг танаси ўқ скелет, бош скелет ва оёқ скелетларига бўлинади. Булар ҳам ўз навбатида бошка қисмлардан иборат бўлиб, умуртқалиларнинг юксак тузилганидан далолат беради.

Умуртқалиларнинг тана тузилиши, танасининг қоплағичлари (териси), скелети, мускуллари, нерв системаси, бош мия, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш органлари, қон айланиш системаси, айриш органлари, гавда бўшлиғи анча ривожланган, ташқи муҳитга мослашган, узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган мураккаб организмлардир. Умуртқалилар балиқлар, сувда ҳам қуруқда яшовчилар, судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчилар синфларига бўлинади.

### Балиқлар синфи

Умуртқалилар кенжা типининг жағли бош скелетларига мансуб энг катта синфидир. Балиқлар бутун ҳаёти давомида сувда яшаб, жабралари орқали нафас олувчи ва сувда ҳаракатланишга мослашган сув ҳайвонидир. Сувда балиқларнинг ҳаёти учун зарур бўлган эриган ҳолдаги кислород, органик ва анерганик моддалар булади. Балиқлар тана ҳарорати бекарор бўлган совуқ қонли ҳайвонлардир. Ўлар неча миллион йиллар мобайнида сувнинг газ, туз каби кимёвий таркибига, босим, ҳарорат каби физик хоссаларига кўнишиб, сувда яшаш учун бир канча фойдали хусусиятлар касб этган. Балиқларнинг гавдаси бош, тана ва думдан иборат. Бундан ташқари уларнинг бир қанча шаклдаги формалари: лентасимон (қилич балиқ), япалоқ (камбала), илонсимон (угорь) ва бошқалар бор. Балиқларнинг танаси суюк тангачалар билан қопланган. Ҳар бир тангача олд чеккаси билан терига кириб туради. Балиқ ўсиб катталашган сари тангачалар ҳам катталашади. Тангача ташқи томондан шилимшиқ қават билан қопланган. Шилимшиқни тери безлари ажратади. Шилимшиқ балиқ танасининг сувга ишқаланишини камайтиради ва муҳофаза қиласи.

Балиқларнинг ранги терисининг остки қаватидаги пигментларга боғлиқ, бу яшайдиган жойига мосланишидир. Масалан, очиқ сувларда яшайдиган балиқларнинг усти кўк, қорни кумуш ранг бўлиб, улар ғанимининг кўзига пастдан ҳам, тепадан ҳам

яхши кўринмайди. Баъзи балиқлар, айниқса олабуга танасининг ранги атроф-муҳитга жуда боғлиқ бўлади. Сувнинг туви қорамтири бўлган ўрмон кўлларида у тўқ рангли бўлади, баъзан у ерларда ҳатто жуда қора олабуғалар ҳам учраб қолади. Олабуга кўпинча сувдаги ўтлар орасида яшириниб олади. Ён томонларидағи тиккасига кетган қора йўлли яшил ранги уни бу ерларда сезилтирмайди.

Балиқлар сузгич қанотлари ёрдамида ҳаракатланади. Қўрак ҳамда қорин жуфт сузгич қанотлари бурилиш ва гавдани муаллақ тутиб туриш, дум сузгич қаноти эса бошқариш ва олдинга ҳаракат қилиш вазифасини бажаради, тоқ сузгич қанотлари актив ҳаракатда кам иштирок этиб, мувозанат сақлаб туришга қатнашади.

Балиқларнинг озиғи турли-тумандир. Ёш балиқлар микроскопик ўсимлик ва жониворлар билан, қизилқанот каби балиқлар эса ўсимлик ҳамда ҳайвонлардан иборат аралаш озиқ билан овқатланади.

Балиқлар турли катта-кичикликда бўлади. Уларнинг Филиппин оролларида тарқалган энг кичиги 1 см катталиқда бўлиб, энг каттаси (кит-акула) 15 м гача боради. Баъзи майда балиқлар 1—2 йил яшаса, камбала 60, белуга 100 йил яшайди.

Балиқлар бир неча донадан (баъзи акулалар), 300 млн гача (оїбалиқ) увилдириқ ташлайди. Баъзи балиқлар тирик бола туғади. Лекин уларнинг тухум ҳужайраси кўпинча сув ҳавзасининг қуриб қолишидан нобуд бўлади, личинкаси ва майда балиқлари ҳам фанимларидан қирилиб кетади. Шу сабабдан улар ўз наслларини сақлаш учун ғамхўрлик қиласидилар. Насли ҳақида ғамхўрлик қиласидиган балиқ турлари, одатда кам миқдорда увилдириқ ташлайди, лекин уларнинг увилдириғи, личинкаси ва майда балиқлари бунчалик кўп миқдорда нобуд бўлмайди.

Балиқларнинг ўз наслини сақлаш, уларга ғамхўрлик қилиши жуда қизиқ. Масалан, уч игнали тиканбалиқнинг эркаги сувўтлардан уя ясади ва ўша жойга урғочилари ташлаган увилдириқларни қўриқлайди. У тиканларини ёзиб, уяга яқинлашаётган балиққа ғазаб билан ташланади, уясини ифлосликтан тозалайди. Қўрак сузгич қанотлари ёрдамида у ерга тоза сув ҳайдайди. Эркаги бир неча кун давомида майда балиқларни қўриқлайди ва унинг уядан узоққа тарқалиб кетишига йўл қўймайди.

Денгиз отчаси деган балиқнинг эркаги уя қурмайди, балки тухумини қорнидаги махсус халтачада олиб юради.

Балиқлар скелет тузилишига қараб, тогайли ва сүякли балиқларга бўлинади. Тогайли балиқларга: акула ва скатлар, сүякли балиқларга бакралар, карпсимонлар, панжа қанотлилар ва бошқалар киради.

Улар озиқланиш усулига кўра йиртқич ва ўтхўр балиқларга бўлинади. Типик йиртқич балиқларга акула, чуртап, лаққа, судак, елимбалиқ, лосось кабилар киради. Буларнинг баъзилари (судак, акулалар) ўз ўлжасини қувлаб тутади, бошқалари

(лиққа) эса үлжасини бир жойда пойлаб туриб яқынлашгани да тутиб олади. Типик ўтхұр балиқларга қизилкүз уклейка, қизилқанот ва күргина карпсимонлар киради. Ўтхұр балиқлар-нинг күпчилиги планктонхұрлар булиб, сув тубидаги организмдар билан озиқланади. Балиқлар турли сув шароитида яшайды. Денгизларда, чучук сув ҳавзаларида сув юзасига яқын ва сув тубида, юқори ва паст ҳароратли сувда ва ҳоказо. Улар-нинг яшаш шароити, озиқ таркиби, ҳар хил душманларнинг мавжудлиги балиқлар тузилишидаги ва хулқ-атворидаги турли-туманликка олиб келган.

Балиқларнинг сув юзасида яшаб, сув оқими билан бирга оқадиган — ҳаракат қиладиган турлари ҳам бор. Уларни планктон балиқлар дейилади. Буларга күпинча карпсимонлар (санан, товонбалиқ, лещ, қизилкүз ва бошқалар) киради.

Балиқларнинг аҳамияти. Балиқларнинг табиатда ва инсон ҳәётидаги роли жуда катта. Балиқлар ҳамма сув ҳавзаларида тарқалиб, сув муҳитини нормал сақлашда, ундаги үсимликлар учун, табиатда моддалар алмашинуvida катта роль үйнайды.

Балиқларни инсон ҳәётидаги роли ҳаммага маълум. Жаҳон бүйича йилига ўрта ҳисобда 50 млн. тоннадан ортиқ балиқ овланади. Озиқлик аҳамиятига күра бу миқдор 650 млн бош қорамол подасига түғри келади. Овланадиган балиқлардан сифатли озиқ-овқат, ёғ, витаминалар олинади. Чорва молларини боқищ учун балиқ уни олинади, балиқ саноати чиқиндиларидан ўғит сифатида фойдаланилади.

Бизда 150 дан ортиқ балиқ тури овланади. Энг күп овландиган балиқлар сельдсимонлар, карпсимонлар, лососсимонлар, бакрасимонлар ва бошқалар. Балиқ гүшти ва увидирифи сифати жиҳатидан кишилар соғлигини мустаҳкамлашда, парчез овқат сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Балиқ овлаш Ўзбекистонда ҳам йил сайн тараққий этмоқда. Ҳозир қимматли балиқларни овлаш, уларнинг яшаш зонасини сақлаш ва турларини күпайтириш чоралари күрилмоқда.

### **Сувда ҳам қуруқда яшовчилар синфи**

Бу умуртқали ҳайвонлар типининг энг характерли синфи ҳи-собланиб, сув муҳитидан қуруқликка чиққан бириңчи организмлар қаторига киради. Уларнинг ҳәёти сув билан чамбарчас боғлиқлиги, шунингдек личинкасининг тузилиши ва яшаш шароити мазкур ҳайвонларни балиқлардан келиб чиққанлигини күрсатади.

Олимлар сувда ҳам қуруқда яшовчиларни бундан 300 млн. йил илгари келиб чиққанлигини аниқлаганлар. Чучук сувда яшовчи панжа қанотли балиқлар уларнинг аждоди бўлган. Панжа қанотлиларнинг бу аждоди саёз кўл ва дарёларда яшаган, сузгич қанотлари ёрдамида бир сув ҳавзасидан иккинчисига ўрмалаб ута олган. Ерда яшайдиган дастлабки умуртқали ҳайвонлар — сувда ҳам қуруқда яшовчи думсиз ҳайвонлар

сувда ҳам қуруқда яшовчи қадимги думли ҳайвонлардан келиб чиққан.

Буни исботлайдиган далиллар жуда күп. Уларнинг қолдикларини, ўхшаш белгиларини ҳозирги замон ҳайвонларида тұлиқ учратиш мүмкін.

Сувда ҳам қуруқда яшовчилар ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшаши билан харалерланади.

Уларнинг типик вакиллари сифатида бақалар, ҳар хил тритонлар, саламандралар, қурбақаларни күрсатиш мүмкін.

Булардан бақа ҳамма жойда кенг тарқалган вакилидир. Улар зах ерларда, ботқоқликларда, ўрмонларда, үтлоқларда, чучук сув ҳавзаларида ёки сувда яшайды. Бақалар турлы ҳашаротлар, асосан, құнғизлар ва құшқанотлилар билан озиқланади. Баъзан ургимчакларни, қорин оёқли моллюскалар эса майда балиқларни ҳам ейди. Бақа пана жойда қимирламай үлжасини пойлаб ётади.

Бақалар йилнинг иссиқ вақтида актив булади. Куз келиши билан улар қишлишта кетади. Қишини сув ҳавзалари тубида үтказади ёки чуқурларга, кемирудчиларнинг инларига, тош уюмлары тагига яшириниб олади.

Бақанинг мускул системаси балиқларниң қараганда анча мураккаб түзилган. Бақа фақат сувда сузмай, балки қуруқликда ҳам ҳаракатланади.

Улар увидириқ қуйиш билан күпаяди. Үрғочилари сувга балиқ тухумига ўхшаш увидириқ құяды. Эркаклари унга таркибида сперматозоид бүлган суюқлигини туширади. Бир-икки ҳафта үтгач ҳар бир тухумнинг қобиги бүртиб, тухумдан бақа личинкаси — итбалиқ чиқади. Итбалиқлар сув юзасига кутарылиб ҳаво юта бошлайды. Маълум вақтдан кейин думи қисқарып кетади. Улар қирғоққа чиқиб, бақалар каби ҳайвонот озиғи билан озиқланади.

Бу туркумга яна табиатда кенг тарқалган қурбақалар ҳам киради. Қурбақаларни териси ғадир-бұдур ва дағал булади, зағарлы суюқлик ажратади. У күзга ёки оғизга тушса ялликлантиради. Бошқа тузилишлари бақага ўхшайды. У мамлакатимизнинг Европа қисмида, Узоқ Шарқда ва Үрта Осиёда тарқалган.

Сувда ҳам қуруқда яшовчиларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Сувда ҳам қуруқда яшовчиларнинг табиатдаги роли бенихоя катта. Улар баъзи мүйнали ҳайвонларға озиқ булади. Масалан, қора сассиққұзан билан норка ейдиган озиқнинг учдан бир қисмини бақалар ташкил этади. Үрдаклар, турналар, лайлаклар каби күпгина фойдалы қушлар бақалар ва итбалиқлар билан озиқланади. Лаққа, құрттан, олабуға каби овланадиган балиқларнинг ҳам емиши бақалардир. Бақалар ёзда қуруқликда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади, қишлиш учун сув ҳавзаларига түпленади.

Күпгина сувда ҳам қуруқда яшовчиларнинг озиғи касалликларни тарқатадиган ва паразит чувалчангларнинг оралиқ хұ-

жайини ҳисобланган икки қанотли ҳашаротлар ва моллюска-  
лардир.

Улар умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади, боғларга, полиз ва далаларга, ўрмон ва ўтлоқларга кўп фойда етказади. Заарли ҳашаротларни, қўнғизларни териб ейди. Уларнинг яна бир фойдали томони шундаки, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, медицина институтларининг лаборатория-лари бақаларсиз тажриба ўтказа олмайди.

### Судралиб юрувчилар синфи

Бу ҳақиқий қуруқликда ҳаёт кечиравчи умуртқали ҳайвонларнинг биринчи синфи. Судралиб юрувчиларнинг гавдаси бошдан оёғигача мугуз тангачалар билан қопланган. Улар сувда ҳам куруқда яшовчилардан бир қанча белгилари билан устун туради: 1) бош мияси яхши тараққий этган; 2) артериал қон билан веноз қон юракда бир-биридан ажралган ҳолда бўлади; 3) кукрак қафасининг кенгайиши муносабати билан нафас олиши қовурғалар ёрдамида амалга ошади; 4) маҳсус сийдик йўли — буйраги юзага келган; 5) тухум қўйиш йўли билан кўпайди; 6) скелети тўла равишда сүякка айланган.

Буларнинг типик вакилларига калтакесак, тошбақа, илонлар киради.

Калтакесак — катталиги 15—20 см келадиган судралиб юрувчи кичик ҳайвон. Танаси мугуз тангачали куруқ тери билан қопланган. Калтакесак даштларда қўёш иситадиган қуруқ жойларда, ўрмонларда, тош устларида яшайди. Улар ҳашаротлар билан озиқланади. Калтакесакларнинг эшитиш қобилияти жуда кучли. Ўрмалаб келаётган ҳашарот чиқарган жуда секин овозни ҳам у дарҳол сеза олади. Калтакесакни икки жуфт оёғи бор, уларнинг олдинги ва орқа оёқларида бақаларникидаги каби бўлимлар бўлади. Ҳар қайси оёғида бештадан бармоги бўлиб, улар орасида парда бўлмайди.

Калтакесаклар тухум қўйиш билан кўпайди. Тухуми урғочиси ичиди уруғланади. Ички уруғланиш қуруқликда яшайдиган умуртқали ҳайвонларга хосдир. Май-июнь ойларида калтакесакнинг урғочиси 5 тадан 15 тагача овалсимон тухум қўйиб, уларни чуқурчага кўмиб қўяди. Тухумдан ёш калтакесак чиқади.

Калтакесакни боғчадаги террариумларда сақлаш мумкин. Бунинг учун унинг биологик хусусиятини яхши билиш керак.

Жонли табиат бурчагида сақланадиган, болалар севиб парвариш қиласидиган судралиб юрувчилардан яна бирни тошбақадир.

Тошбақа — судралиб юрувчиларнинг анчагина ўзгарган вакили бўлиб, ўзига хос пассив муҳофаза органи — сүяк косаси (қалқони) ни хосил қилган. Агар бирор хавф туғилиб қолса, у боши, оёқлари ва думини дарров косаси ичига тортиб олади. У шу йўл билан душмандан ҳимояланади. Тошбақаларнинг тиши бўлмайди. Улар турли шикаст ва жароҳатларга ҳамда оч-

ликка жуда чидамли бўлади. Тошбақаларнинг кўпчилиги йилнинг ноқулай вақтларида уйқуга кетади. Улар тухум қўйиш йўли билан кўпаяди, тухумлари одатда қаттиқ оҳак пўстли бўлади. Тошбақалар ўзининг ҳаёт кечиришига қараб иккита экологик гуруҳга бўлинади: а) серҳаракат ва асосан ўсимликлар билан озиқланадиган қуруқлик тошбақалари ва б) кўпинча йиртқичлик билан ҳаёт кечирадиган, серҳаракат сув тошбақалари.

Ўрта Осиёда яшайдиган оддий ўтхур тошқабаларни болалар боғчаларида сақлаш ва кўпайтириш мумкин. Бунинг учун уларнинг биологиясини яхши билиш керак.

### Қушлар синфи

Қушлар тана тузилиши жиҳатидан судралиб юрувчиларга жуда яқин бўлиб, гавдасининг ҳарорати доимий ва учишга лаёқатланган.

Қушларнинг гавдаси ҳам худди судралиб юрувчиларники каби бош, бўйин, тана ва оёқларга бўлинади.

Қушлар тарихий тараққиёт натижасида судралиб юрувчиларга нисбатан анча ривожланган ва уларда прогрессив белгилар пайдо бўлган. Бу белгилар қўйидагилардир: 1) кўрув ва эшитув органларининг прогрессив равишда тараққий этганлиги, 2) гавда ҳароратининг доимо бир хил бўлиб туриши, 3) қушларнинг ҳавода учишга нисбатан мураккаб комплекс мосламаларининг мавжудлиги.

Қушлар бошқа тип ҳайвонлардан фарқи ҳам шундаки, улар учишга мослашган. Қушларнинг ҳавода учишга ёрдам берадиган энг асосий мосланишлари бор. Улар қўйидагича: 1) гавдасининг сўйри шаклда ва оёқларининг енгил бўлиши; 2) олдинги оёқларининг қанотга айланиши, икки оёқда юриш лаёқати билан мураккаб думғаза пайдо бўлиши; 3) ҳавода осон ҳаракатланишини таъмин этадиган ва дифференцияланган мураккаб пат қоплағичининг юзага келиши; 4) сүяклари енгил бўлиб, ичи ҳавога тўлиб туриши; 5) тишларининг шох тумшуқ билан алмашинганлиги ва бошқалар.

Хозирги пайтда қушларнинг 8600 га яқин тури бор. Улар умуртқалилар ичиде балиқлардан кейин энг кўп синфи ташкил этади. Қушлар кўп бўлса-да, лекин уларнинг умумий белгилари бир-бирига ўхшаб кетади. Бу синф учта катта туркумга: 1) кўкрак тожсизлар, 2) кўкрак тожлилар ва 3) пингвинларга бўлинади.

Кўкрак тожсизларга тuyaқшлар киради. Улар учиш лаёқатини йўқотган ва тамомила югуриб юришга утиб олган примитив гуруҳdir. Бу гуруҳга Америка ва Австралия тuyaқшлари киради.

Пингвинлар туркумига пингвинлар мисол бўлади. У учмайди, лекин жуда яхши сузади ва шўнгийди. Пингвинлар Антарктидада яшайдиган ва қутб совуқларига мослашган қушлардир.

Лекин совуқ оқими билан бирга улар анча жанубга, баъзи жойларда эса экваторгача боради.

Күкрап тожилилар туркуми ҳам кенг тарқалган қушлардан хисобланади. Улардан энг характерилари товуқсимонлар, каптарлар, турналар, каккулар, чумчуқсимонлар, тувалоқлар, тұтилар, күкқарғалар ва бошқалардир.

Каптарлар туркуми. Бу туркумга атросфимизда күп учрайдиган каптарлар киради. Унинг типик вакилларидан ёвойи күккаптар, говкаптар ва фурракларни курсатиш мүмкін. Улар мисолида бутун қушлар синфига умумий характеристика берса бўлади, Унинг кенг тарқалаган вакили күккаптардир.

Күккаптар мисолида қушларнинг ташқи тузилиши билан таниши мүмкін. Унинг гавдаси патлар билан қопланган, бу патлар гавдасини ёпиб туради ва унга суйри шакл беради. Танаси барча қушлардагидек тухумсимон шаклда бўлади. Бози кичик, юмaloқ шаклда. Бошининг учидаги тумшуғи жойлашган. Тумшуғи икки қисмдан: юқориги — тумшуқ усти ва пастки тумшуқ остидан иборат. Устки тумшуғининг асосида бурун тешиклари бор. Бошининг икки ёнида йирик юмaloқ кўзлари жойлашган, улардан орқароқда, патлари остида қулоқ тешиклари бор. Олдинги оёқлари — қанотлари учун хизмат қилади.

Каптар ерда орқа оёқларининг бармоқларига таяниб юради. Учидеги кетаётганида йиғиштириб олади, думи — руль вазифасини, қанотлари — парвоз қилиш ва қушни ҳавода бир текис олиб юриш вазифасини бажаради.

Қушлар терисининг юққалиги, патлардан ташкил топған ўзига хос шох қоплағичнинг борлиги ва безлар бўлмаслиги билан характерланади. Лекин бундан дум устидаги бези мустасидир. Дум бези ўзидан ёғ ажратади, қуш тумшуғи ёрдамида патларини шу ёғ билан ёғлайди. Натижада патларга сув юқмайди.

Патнинг ингичка қаттиқ ўзаги бўлади. Унинг икки томонида кенг, бирмунча юмшоқ елпифич патлар бор. Уларнинг ичи ҳаво билан тўла бўлади. Қуш ана шу қанотлари ёрдамида учади.

Қушлар тухумларини уяга қўяди, уяни кўпинча урғочилари, баъзан эркаклари қуради, күп вақтларда улар бирга бўлишади. Каптарлар оддий уя қуради. Қизилтүш ва саъваларнинг уяси ярим шарсимон бўлиб, ташқи томондан шох ва лишайниклар билан қопланган бўлади.

Қушлар ҳар хил миқдорда тухум қўяди. Йиртқич қушлар (масалан, бургутлар, пингвинлар) битта, каптар, мусича иккита, чумчуқ 7—8 та, читтак 15 тагача, каклик 30 тагача, товуқлар 60 тагача тухум қўяди.

Уларнинг тухум босиши ҳам турлича. Баъзан ота-оналари тухумини галма-галдан босади, товуқлар билан урдакларда фақат урғочиси босади.

Қүшлар — деярли учиб юрувчи ҳайвонлардир. У овқатини учиб юриб топади ёки ерга қараб овқат излейди. Қүшларнинг учишга бўлган лаёқати уларни денгиз, океан, тоғларга, чўлларга тарқалишига имкон яратган. У уча олиши туфайли душманидан қутилади, тез овқат топади, узоқ-узоқларга, қиши пайтлари иссиқ ўлкаларга учиб кета олади.

Шунингдек, қүшлар ўтроқ қүшлар, кўчиб юрувчи қүшлар ва учиб кетувчи қүшларга булинади.

Утроқ қүшлар йил бўйи, бутун ҳаёти давомида бир жойда яшайди. Баъзилари ёзда қишиғамини еб, овқат тўплайди. Масалан, ўрмон тўрғайи ёнғоқларни ерга кўмиб кўяди. Читтаклар эса уруғ ва ҳашаротларни пустлоқ ёриқларига ҳамда дараҳт шохларидаги лишайниклар орасига яширади ва қишида ейди. Утроқ қүшларга қизилиштон, қарқур, каклик, қарға ва бошқалар киради. Кўчиб юрувчи қүшлар гала-гала бўлишиб, йилнинг турли фаслларида кўчишади, қишида кенг тарқалишади ва баҳорга келиб жанубга кўчиб ўтишади. Улар ўзларига мос мӯтадил иқлимини топиб яшайдилар. Буларга қора ялоқлар, снегирлар, чумчуклар киради.

Учиб кетувчи қүшлар кузда ҳаво совий бошлиши билан иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар. Улар гала-гала, тўда-тўда бўлиб учадилар. Учиш давомида йўлда тўхтаб, дам олишади, озиқланишади ва яна учишини давом эттиришади. Буларга қалдирғочлар, лайлаклар, ўрдаклар, оққүшлар ва бошқалар киради.

Қалдирғоч ҳаётининг кўп қисмини парвозда, ҳаводаги ҳашаротлар (майда пашшалар, чивинлар, қўнғизлар) ни тутиш билан ўтказади. Улар ер юзи бўйлаб ҳам, баланд ҳавода ҳам учади. У жуда тез учувчи қүшлардан ҳисобланиб, секундига 28 м тезликда учади. Қалдирғоч учиши билан бирга ер юзидағи, ҳаводаги ҳашаротларни чақонлик билан тутиб олиб ейди. Унинг қанотлари узун ва учли, думи айри бўлади. У ерда камдан-кам юради. Қўпинча симёғочлар устида қуниб дам олади. Тухумини уйларнинг шипига қурган уяларига қўяди. У қишида учиб кетувчи қүшларга киради. Эрта баҳорда яна учиб келади.

Қүшларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Қүшлар ер юзида энг кўп ва кенг тарқалган ҳайвонлардир. Қүшларнинг парвоз этиш қобилияти табиат тараққиётида, эволюцион босқичда муҳим роль ўйнайди. Улар турли маданий ва ёввойи ўсимликлар уруфини баланд тоғларга, бир қитъадан иккинчи қитъага, ҳатто шимолий музликларга тарқалишига бевосита сабабчи бўлган. Бу билан ўсимликларнинг бир жойдан иккинчи жойга тарқалишига имкон яратилган. Ўсимликлар янги жойга тарқалибгина қолмай, у ерларда усиб тоғларнинг нурашида, тупроқ пайдо бўлишида, унинг унумдорлигини ошишида актив иштирок этган.

Бундан ташқари қүшлар ҳаёти давомида турли хил заарли ҳашаротларни териб еб, жонли табиат тараққиётига катта ҳисса қўшган, табиат мутаносиблигини бошқариб турган.

Қүшларнинг инсон ҳәётидаги роли ва аҳамияти жуда чек-сизdir. Қүшлардан турли мақсадларда фойдаланиб келинади. Масалан, уй паррандаларидан олинаётган маҳсулот мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида гоят катта роль ўйнайди. Уларни етти хазинанинг бири деб беҳуда айтилмаган. Товуқ гўши, туҳуми, пари, пати ҳақиқатдан ҳам катта хазинадир.

Овланадиган қүшлардан олинаёдиган маҳсулотларнинг жуда қимматли аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага маълум. Қүшлар зарарли ҳашаротларни, кемирувчиларни қириб, ниҳоятда катта фойда келтиради.

Уй паррандаларидан товуқ, фоз, ўрдак, курка, цесарка ва бошқаларнинг ролини ҳәётда ким билмайди, дейсиз.

Қүшлар манзарали мақсадларда ҳам кишилар томонидан жуда қадимдан фойдаланиб келинади. Масалан, каклик, бедана, канарейка, булбул, тўтиқуш, капитар кабилардан айниқса кенг фойдаланилади. Қүшлардан овчилик мақсадларида ҳам фойдаланиб келинади. Ов эса спорт демакдир. Бундай қүшларга тустовуқ, каклик, булдуруқ, қирғовул, ёввойи ўрдак, ёввойи фозлар киради. Сор, лочин, кобчик, бургут каби қүшлардан ов қилишда фойдаланиб келинган ва ҳозир ҳам фойдаланилади.

Қўпгина йирткич қүшлар (қарчифай, қирғий, жиголтой) ҳам борки, улар майда кемирувчиларни, юқумли касалликлар (ўлат, сариқ ва бошқалар) ни тарқатувчиларни кўплаб қириб, инсонга катта фойда келтиради.

Шунинг учун ҳам қүшларни асрash, муҳофаза қилиш муаммоси давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Бунда ҳамма-ҳамма иштирок этиши, айниқса боғча болаларини тўғри тарбиялаб, бу ишга кенг жалб этилиши лозим.

### Сут эмизувчилар синфи

Сут эмизувчилар номидан ҳам маълумки, улар ўз болаларни сут билан боқади. Бу умуртқали ҳайвонларнинг энг юксак ривожланган синфидир. Борди-ю ҳайвонот олами шожара дарахтига ухшатиб тузилса, унинг энг пастида, бошланишида бир ҳужайрали содда ҳайвонлар тургани ҳолда, унинг энг юқорисида сут эмизувчилар туради.

Сут эмизувчиларнинг юксак даражада ривожланганигини сабаби уларда барча орган системаси ҳаммадан кўра кўп дифференциланган, бош мияси жуда катта. Бош мияда марказий, яъни ярим шарлар айниқса яхши ривожланган. Уларда эшиитув ва ҳидлов органлари жуда тараққий этган. Овқат ҳазм қилиш органлари: оғиз ва тишлар (курак тиш, озиқ тиш ва қозик тишлар) нинг аниқ қисмларга булиниши, уларнинг ҳаёт тарзини ўзгартирган.

Энг муҳими уларнинг — иссиққонлик хусусиятини касб этиши, яъни гавда ҳароратининг доимо юқори ва бир хил бўлишидир. Бу хусусият сут эмизувчиларда қоннинг аралаш бул-маслиги, терморегуляция мосламалари мавжудлиги туфайли юзага келган.

Сут эмизувчиларнинг овқат ҳазм қилиш, нафас олиш ва қон айланиш системалари яхши такомиллашганлиги туфайли, уларда моддалар алмашинуви ва ҳаёт фаолиятининг барча томонлари кучайган.

Сут эмизувчиларнинг тез тарақкий этганлигига яна бир сабаб — уларнинг тирик бола туғиши (фақат баъзи тубан сут эмизувчиларгина тирик бола туғмасдан тухум қўяди), эмбрионнинг она қорнида махсус орган — йўлдош орқали боғланганлиги, бола туғулганидан кейин эса сут билан озиқланишидир. Ана шу хусусиятлар сут эмизувчиларнинг болаларини кўпроқ яшаб кетишига имкон туғдирган.

Сут эмизувчиларнинг териси пишиқ ва эластик бўлади. Уларнинг танаси жун билан, шунингдек йўғон ва узун қилтиқ жун ҳамда ундан қисқароқ ва юмшоқ жун ости тивити билан қопланган. Дағал ва пишиқ қилтиқли жун терини жароҳатланишдан сақлайди. Жун остида ҳаво кўп бўлиб, тана иссиқлигини яхши сақлайди.

Кўпчилик сут эмизувчилар терисида тер безлари ҳам бўлади. Тер таана юзасидан буғланиб, уни совитади. Тер билан бирга танадан ортиқча тузлар ва мочевина ҳам чиқиб кетади. Шундай қилиб тер безлари қўшимча айриш органи вазифасини ҳам бажаради.

Сут эмизувчиларнинг тиши кўпчилик судралиб юрувчиларнидан фарқ қилиб, илдизли бўлади ва махсус чуқурчада жойлашади.

Сут эмизувчилар табиатда кенг тарқалган. Уларнинг баъзи вакиллари, кўршапалаклар — узоқ оролларда, китлар ва тюленлар эса океанларда, ёввойи қўйлар ва эчкилар Антарктида қитъасида Тибет тоғининг 6 минг м баландликларида, оҳулар подаси Арабистоннинг гиёҳсиз қоқ чўлларида яшайди.

Сут эмизувчиларнинг бунчалик кенг тарқалганлиги уларнинг умумий юксак тузилганлигидан далолат беради. Уларда моддалар алмашинувининг юқори даражага етганлиги, гавда ҳароратининг доимийлиги ва баланд туриши, сут эмизувчиларни қуруқликда яшовчи тубан ҳайвонларга қараганда бевосита иқлим омилларига камроқ боғлиқ қилиб қўйган. Айниқса нерв системасининг юқори даражада тузилганлиги хулқ-атворининг мураккаблашиб, шартли рефлекслар ҳосил қилиб ташки таъсиротларга мослашиши ва жавоб бериш хусусиятларини келтириб чиқарди. Ана шу хусусиятлари уларни ер юзида кенг тарқалишига ва ташки муҳитга мослашишига олиб келди.

Сут эмизувчиларни яшаш муҳитига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: а) ер остида яшовчи сут эмизувчилар, б) дараҳтда яшовчи сут эмизувчилар, в) учиб юрувчи сут эмизувчилар, г) сувда яшовчи сут эмизувчилар.

Ер остида яшовчи сут эмизувчиларга асосан кемирувчилар киради. Улар олдинги оёқлари билан ерни ковлаб, ўзига уя қиласади. Буларга юмронқозиқлар, суғурлар, дала сичқонлари, кротлар (кўрсичқонлар), сўқирсичқонлар киради.

Дарахтда яшовчи сут эмизувчилар оёқлари, құллари, думлари билан дарахтларга чирмашиб олади. Буларга маймунлар, чала маймунлар, чумолихұрлар, ялқовлар, халталилар ва бир-қанча кемирудукчилар ҳамда ҳашаротхұрлар киради.

Учиб яшовчи сутэмизувчиларга фақат күршапалаклар киради. Улар мевалар билан озиқланиб, кундузи дараҳт шохлари орасыда дам олиб, кечаси учеб юради.

Сувда яшовчи сут эмизувчилар гурухига қысман сувда яшашга мослашган (норка, құндуз, оқ айқ, сув каламуши, ўрдакбурун каби) формалардан тортиб, бутун умрини сувда ўтказадиган (китлар, дельфинлар, бобр, вихухоль каби) турлари бор.

Хозирда мавжуд бұлған йұлдошлилар үн еттита туркумга булинади. Улардан энг характерлілари билан танишамиз.

**Ҳашаротхұрлар түркүми.** Бу йұлдошли сут эмизувчиларнинг энг примитив түркүмидир. Мазкур түркүмга киравчы сут эмизувчилар майда бўлади. Уларга типратикан, ерқазар, крот, виҳухоль кабилар мисол бўлади.

Типратикан тиконли шарга ұхшаш ўралиб олиб, ғалати бир тарзда ұзини душмандан ҳимоя қиласи, улар ҳашарот ва кемирудукчиларни еб, қишлоқ хұжалигига катта фойда келтиради. Бундан ташқари у илон, бақа ва калтакесакларни ҳам тутиб ейди, құшларнинг ердаги уяларини вайрон қиласи, уларнинг боласини ҳам еб қўяди.

Типратикан табиатда жуда кенг тарқалган. У тунги ҳайвон. Кундуз күнлари инларида бекиниб, ов қилиш учун кечаси чиқади. Қиши бошланиб озиқ етмай қолса, у ўз инига кириб яширинади ва шу ерда узоқ уйқуга кетади. Бу вақтда унинг тана ҳарорати пасаяди, нафас олади, юраги секин ва зўрға уради. Баҳор келиб, ҳаво исий бошлаши билан яна уйқудан туриб ҳаётини давом эттиради.

Типратикан болаларнинг севимли ҳайвонларидан бири. У вақтида овқатлантириб турилса, боғча шароитида табиат бурчагида узоқ яшайди. Лекин уни албатта қишки уйқуга қўниб юбориш керак. Бунинг учун боғча ҳовлисида уя ясад үнга куйиб юборилса, у эрта баҳоргача бутун организми караҳт булиб ухлайди.

**Кемирудукчилар түркүми.** Кемирудукчилар үз овқатини кемириб ейди. Шу сабабли улар асосан тишеларнинг тузилиши билан характерланади. Пастки ва устки курак тишелари ўткир, озиқни шу тишелари ёрдамида узид олади ва жағ тишелари ёрдамида майдалайди. Курак тишелари йирик ва ўткир, жуда қаттиқ озиқдан ўтмаслашмайди, чунки олд томони қалин эмаль қавати билан қопланган бўлади.

Кемирудукчилар сут эмизувчилар синфининг энг катта түркүмидир. Унинг типик вакиллари олмахон, дала сичқонлари, юмрон-қозиқлар, каламушлар, жайралар, бобрлар, құшоёқлар, денгиз чүчқалари, нутрия ва ондатралардир.

Олмахон — Африка, Европа ва Жанубий Осиёдаги ўрмонларда яшайди. У фақат дараҳтларда ҳаёт кечириши билан характерланади. Ўткир тирноқлари билан дараҳтларга ёпишиб олади. Дараҳт ковакларида ёки ўт-улонлардан тўқилган инларда яшайди. Мева, уруг, ҳашарот ва бошқалар билан озиқланади. Россиянинг Европа қисмидаги, Кавказ, Қозогистонда ва Урта Осиёнинг тоғли районларида сичқонсимон олмахон, боғ олмахони, ёнғоқзор олмахони, ўрмон олмахони учрайди. Қишида уйқуга кетади. Май ойида 3—6 тагача бола туғади, уларни сут билан боқади.

Олмахон ов қилинадиган қимматли ҳайвон. Қемирувчиларнинг ҳам фойдаси, ҳам зарари бор. Купгина вакиллари — олмахон, ондатра, нутрия, бобр мўйнали ҳайвон сифатида катта аҳамиятга эга. Аммо баъзи вакилларидан юрмонқозиқ, сичқон, қўшоёқ каламушлар қишлоқ хўжалигига катта зиён етказади.

**Товушқонсимонлар туркуми.** Қуёnlар бу туркумнинг энг характерли оиласидан ҳисобланиб, улар асосан ёввойи, қуёни ва уй қуёни (товушқон) дан иборат вакиллардан ташкил топган.

Товушқон оқ, малла ва қора рангли бўлиб, мамлакатимизда кенг тарқалган. Товушқон ерни ковлаб ер остида ҳаёт кечиради. Унинг танаси бошидан оёғигача узун ва юмишоқ жунлар билан қопланган, бу жунлар қалин мўйна ҳосил қилади. Товушқоннинг териси ҳам юпқа, шоҳ қатлам ва жуда қалин, пишиқ ва чўзилувчан бўлади.

Пастки ва устки жағларида ўткир курак ва озиқтишлари бор. У мева, ўсимлик, айниқса илдизмевалар (сабзи, карам, лавлагини) жуда яхши кўради.

Бир йилда 2—3 марта 2 тадан 10 тагача бола туғади. Боласи жун билан қопланган бўлиб, юра олади. Ёш товушқонлар тез усади. Орадан 6—8 кун ўтгач, улар мустақил яшай бошлийди. Товушқон болалар боғчасида кўпайтирилладиган сут эмизувчилардан. Уни участкадаги тирик бурчакда асраш ва кўпайтириш мумкин.

Қуён далаларда, тоғ этакларида, чулларда яшайди. Қуёnlар дашт шароитига мослашган. Улар далаларда буталар тагига ин қуриб яшайди. У жуда тез чопади, ўз душманларидан қочиб улгуради. Улар далаларда ўсимликлар билан, уларнинг пустлоғи билан озиқланади. Қуёnlар одатда йилига 3—4 марта, 4—12 тадан бола туғади. Қуёnlардан овлаш мақсадида фойдаланилади. Улардан мазали гүшт, тери ва жун ( момиқ) олинади.

**Йиртқичлар туркуми.** Мазкур туркум вакиллари яшаёт тарзи ва ташқи муҳитга мослашишига кура, ҳатто ташқи киёфаси буйича ҳам йиртқич ҳайвонлардир. Улар катта ва ўткир қозиқтишлари, бўртмали ва уткир қиррали кесувчи озиқтишлари ҳамда кичик курактишлари билан ажралиб туради. Йиртқичтишларининг мавжудлиги, тирноқларининг кучли тараққий эт-

ганлиги билан бошқа ҳайвонлардан фарқ қиласи. Құзлари үткір, үзлари бақайбат, серқарапада булади.

Йиртқичлар табиатда катта роль үйнайды. Улар бирқанча сичқонсимон кемириувчиларни ва касал ҳайвонларни тутиб ейди. Бу туркумга бир неча оила киради. Улар сиртлонлар, мушуклар, сувсарлар, айқулар, итлар ва бошқалардир.

Йиртқичлар туркумининг энг типик вакиллари мушук, ит, бури, тулки, айқ, арслон, йүлбарс, қоплон, ильвири, гепард, силовсин, соболь ва бошқалар киради.

Булардан ҳаммамиз учун таниш ва болалар севиб парварыш қиласидиган вакилларидан бири мушукдир.

Мушук — мушуксимонлар оиласига кириб, унинг боши юмалоқ, құзлари йирик, мүйловли, оёғининг тирноқлари үткір, устисти майнин жүн билан қопланган. Үнинг яхши күрган овқати сичқондир. Шу жиҳатдан ҳам у одамларга катта фойда келтиради.

Мушук ёввойи турларидан хонакилаштирилган. Уларда куриш, ҳид билиш қобилияты яхши тараққий этган. Щлжасини пойлаб, тусатдан ҳужум қилиб тутади.

**Жуфт түеклилар туркуми.** Жуфт туеклилар туркумiga оёғида тирноқ урнинг мугуз — жуфт туек ҳосил буладиган ҳайвонлар киради. Улар оёқларинин ғармоғи жуфт сонда — иккита ёки түртта булади. Жуфт туеклилар туркумiga чүчқа, бегемот, буғу, алқор, жирафалар, антилопа, әчки, құй, қорамол, кийик, лось ва бошқалар киради.

Жуфт туеклилар асосан үсимликлар билан озиқланадиган үсимликхүр ҳайвонлар булиб, күпчилигининг бошида шохи бор. Масалан, буғу ва лоснинг шохлари ҳар йили баҳорда янгиланиб, үсиб чиқади. Лекин күпчилик хонакилаштирилган жуфт туеклилар (сигир құй, әчкилар) нинг шохи янгиланмайды, умрининг охирigача сақланади.

Жуфт туеклилар туркуми туекларининг тузилишига күра уcta кенже туркумга: кавш қайтармайдиганлар (чүчқалар, бегемотлар), қадоқ оёқлilar (туялар, ламалар), шохлилар (жирафалар, буғулар, сигирлар ва ҳоказолар) га булиниади.

Ҳамма жуфт туеклиларнинг ошқозони мураккаб булиб, күп камералидир. Ҳазм булиши қийин бұлған озиқлар бундай ошқозонда яхши ишланади.

Жуфт туеклиларни баъзан кавш қайтарувчилар деб ҳам юритишади.

Кавш қайтарувчи жуфт туеклилар кишилар ҳаётida катта аҳамиятта эга. Уларнинг сути, гүшти, жуни, терисидан кишилар узоқ вақтлардан бери фойдаланиб келгандар.

**Тоқ туеклилар туркуми.** Бу туркумга үсимликхүр йирик сут эмизувчилар киради. Уларнинг оёқлари учыда битта туеклари булади. Шунинг учун ҳам улар тоқ туеклилар деб аталади. Тоқ туеклиларга от, әшак, қулон, зебра, оқ каркидон ва бошқалар киради.

От инсон томонидан қадимда хонакилаштирилган тоқ туёкли сут эмизувчи ҳайвондир. Ундан кишилар турли мақсадларда, миниш учун улов сифатида, жангларда душман билан уришиш мақсадида, сутидан доривор қимиз тайёрлашда, гүшти ва терисини олиш учун фойдаланиб келишган. От тик қад-қоматли, зийрак, сирти ингичка ва калта жунлар билан қопланган Ранги ҳар хил: сариқ, қора, олачипор, қизғиши бўлгани учун уларни саман, фир, кўк, буз, тарғил деб аташган.

Бизда йилқичилик яхши ривожланган. Айниқса тоғли районларда кўплаб йилқичилик фермалари ташкил қилинган. Ёвойи Пржевальский отидан тортиб, жаҳонга машҳур қора байир, Будённий зот отларгача халқимиз ҳаётида кенг фойдаланиб ва кўпайтириб келинмоқда.

**Хартумлилар туркуми.** Хартумлилар туркуми ер юзида унчалик кўп эмас. Бу туркумга Хиндистон фили билан Африка фили киради.

Хартумлиларнинг тумшуғи чўзилиб, устки лаби билан бурни қўшилган, гўштдор хартум ҳосил қилган. Қурак тишлари ўзгариб дандон деб аталадиган катта тишларга айланган. Оёқлари калта, беш бармоқли, бармоғи учиди кичик туёқчаси бор. Бўйининг баландлиги 3,5 м гача, оғирлиги 5—7,5 тонна. Териси калта ва сийрак тукли. Бир кунда 100 км гача йўл босиши мумкин. Янги туғилган боласининг массаси 90—100 кг га боради.

Филлар ўсимлик шох-шаббалари, барги ва меваси билан бир кунда 100 кг гача озиқланади, 70 дан 80 йилгача яшайди. Филдан юқ ташишда ҳам фойдаланилади. Гўшти овқатга ишлатилиди. Фил суюгидан, думидан, қаттиқ қилидан, терисидан турли буюмлар тайёрланади. Филни муҳофаза қилиш мақсадида қуриқхоналар ташкил этилган.

Уни болаларга кўрсатиш учун зоопаркларда сақлайдилар.

**Приматлар (маймунлар) туркуми.** Приматлар туркуми сут эмизувчилар ичидаги энг юқори туради. «Приматлар» атамаси «биринчилар» деган маънени билдиради.

Приматларда кўзларининг ўткир бўлиши, биринчи бармоғи бошқа бармоқларига қарши турадиган тутгич панжалари борлиги, йўлдошининг яхши ривожланганлиги уларнинг энг характерли белгиларидан ҳисобланади. Улар асосан ўсимликлар билан озиқланади, лекин серсув меваларни жуда хуш кўради.

Приматлар (маймунлар) қалин ўрмон чакалакзорларида яшайди. Ўрмонда яшайдиган барча маймунлар ўткир тирноқлари билан дараҳт шохларига тирмашиб олади. Уларнинг бармоқларида чангларни ясси тирноқлар ривожланган. Кўзлари, купчилик бошқа ҳайвонлардаги каби, бошининг икки ёнида жойлашмасдан, балки олдинга қараб йуналган бўлади. Улар шохдан-шохга сакраб, етилган меваларни териб ейди, душманидан сақланади.

Маймунлар тирик бола туғиб күпаяди. Боласининг кўзи очиқ бўлиб, мустақил юра олмайди, онасига маҳкам ёпишиб олади.

Маймунлар тўда-туда бўлиб яшашади, туда бошида кучлироқ эркаги туради, қолганлари унга бўйсунади.

Маймунлар икки кенжак туркумга: кенг бурунли маймунлар ва тор бурунли маймунларга бўлинади. Американинг тропик ўрмонларида кенг бурунли маймунлар яшайди. Уларнинг тирик вакили — ўргимчаксимон маймундир. Илашувчан узун думи, оёғи туфайли у ана шу ном билан аталган.

Африкада ва тропик Осиёда тор бурунли маймунлар яшайди. Унга мартишкалар, павианлар, гиббонлар, одамсимон маймунлар (шимпанзе, орангутан, горилла) киради.

Одамлар ҳам сут эмизузвчилар синфига, маймунлар туркумiga, тор бурунли маймунлар кенжак туркумiga киради. Одам тирик мавжудотлар ичидаги энг юксак тараққий этган зотдир. Ижтимоий ҳаёт билан бирга меҳнат ва нутқнинг ривожланиши одам эволюциясининг энг муҳим омиллари бўлган.

Сут эмизузвчиларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги роли. Сут эмизузвчиларнинг табиатдаги роли беқиёс катта. Уларнинг ёввойи турини ҳам, хонакилаштирилган зотлари ҳам табиатга, унинг тараққиётига маълум даражада таъсир этади. Ҳашаротхўрлар, кемирузвчилар, йиртқичлар табиатда яшаб ўсимликларни кемиради, барги, поя ва илдизмеваларини ейди. Бўри каби йиртқичлар эса касал ҳайвонларни еб табиат мутаносиблигини сақлашда, баъзи касалликларни тарқалмаслигига катта роль ўйнайди.

Улар ўсимликларни еб, гўнги билан ерни бойитади. Ерқазар, сичқонлар эса тупроқни ковлаб, унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишида актив иштирок этади.

Сут эмизузвчиларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам жуда катта. Уни бир неча қисмга бўлиш мумкин. Масалан, мўйначилик, йилқиличик ва чорвачилик соҳаларида етказадиган фойдаси ҳаммага маълум.

Бизда овланадиган асосий ҳайвонлар: олмахон, сувсар, ондатра, қундуз, тулки, қўён, шимол буғуси, ёввой чўчқа, кийик, алқор ва бошқалар жуда катта аҳамиятга эга. Улар турли мақсадларда қимматбаҳо мўйнаси, гўшти, териси, ёфи, жуни, шохи учун овланади.

Чорвачилик соҳасида қўлга киритаётган ютуқларимиз янада чексиз. Булар йилқиличик, қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, эчкичилик кабилардан иборат. Чорва молларидан олинадиган бебаҳо маҳсулотлар: сут, гўшт, ёғ, тери, жун ва бошқалар халқимизнинг бойлиги ҳисобланади.

Инсон ҳаётини, турмушини буларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хозирги пайтда жумҳуриятимизда чорва моллари зотини янада яхшилаш, кўпайтириш, сермаҳсул зотлар яратиш учун тинимсиз илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамла-

катимизда ва жумҳуриятимизда маҳсус қорамолчилик, йилқи-чилик, мўйначилик хўжаликлари, йирик чорвачилик фабрика-лари ташкил қилинмоқда.

Сут эмизувчиларнинг роли бекиёс экан, навбатдаги муҳим вазифа уларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, баъзи ёввойи турларини иқлимлаштиришдан иборат бўлмоғи лозим. Кўпгина қимматли ҳайвонларни нотўғри овлаш ва шафқатсизларча муносабатда бўлиш оқибатида улар бутунлай ер юзидан йўқолиб кетди. Масалан, Америка бизонлари ва Европа зурлари деярли бутунлай йўқ бўлиб кетган. Ҳозир ҳам кўпгина қимматли мушуксимонлар, каркидонлар, йиртқичлар, ҳатто одамсимон маймунлар ҳам камайиб кетган.

Бизнинг вазифамиз уларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб, ёшларни табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялашимиз керак.

### III боб. ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ЕР ЮЗИДА ВА БИОЦЕНОЗЛАРДА ТАРҚАЛИШИ

#### ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРНИ БИОГЕОГРАФИК ЖИҲАТДАН УРГАНИШ

Биогеография — биология фанининг бир соҳаси бўлиб, организмларнинг ер юзида географик тарқалиш қонуниятларини ўрганади. Чунончи у Ер шарининг турли жойларида тарқалган ҳайвон ва ўсимлик турлари гуруҳларининг ҳилма-хил бўлиш сабабларини аниқлайди. Шунингдек, тундранинг ўсимлик ва ҳайвонлари нима учун дашт ва чўллардаги ўсимлик ва ҳайвонларга қараганда бошқача бўлишини изоҳлаб беради. Организмларнинг тарқалиш ҳозирги замон ва тарихий экологик шароитга алоқадор бўлгани учун биогеография, экология, палеожуғрофия, эволюция ва палеонтология каби фанлар ҳам бир-бири билан узвий боғланган.

Планетамиздаги тирик организмларнинг тарқалиши географик муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳар қандай тирик организм жуғрофий муҳитга мослашиб, ривожлана боради. Тирик организм билан географик муҳитнинг ўзаро муносабатларини маҳсус фан — экология ўрганади.

Тирик организмни ўраб олган, унинг ҳолатига, ривожланишига, кўпайишига бевосита ёки бавосита таъсир кўрсатадиган барча жонсиз ва жонли табиат элементлари ташки муҳит ҳисобланади. Ўша муҳитнинг организмга таъсир этувчи элементлари экологик омиллар деб аталади.

Экологик омиллар ўз хусусиятлари жиҳатидан абиотик ва биотик деб аталувчи иккита гуруҳга бўлинади. Бу омиллар юқорида (I бобда) батафсил баён этилган.

Абиотик омиллар шу организмга таъсир этувчи жонсиз табиат элементлари — ёруғлик, ҳарорат, намлик, шамол, субстрат, ҳаво, сув ва бошқалардир.

Биотик омилларга атрофдаги тирик мавжудотларнинг организмга кўрсатадиган турли-туман таъсиrlари киради. Кейинги вақтларда инсоннинг табиятга кўрсатаётган таъсири кун сайнин ортиб бормоқда ва табиий ҳолатини ўзгартириб юбормоқда. Шу жиҳатдан қараганда инсон фаолиятининг ҳам маҳсус омил дейиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам биргина жумхуриятимизда кейинги пайтда Мирзачўл, Фаргона водийси, Қарши, Малик ва Нурота даштларининг ўзлаштирилиши фикримизнинг жонли гувоҳидир. Бу катта майдонлардан ташқари жумхуриятимиз жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан ўзлаштирилаётган ёки фойдаланиб, кейинчалик ташлаб қўйилган ерларни, иморат, йўл, иншоот, фабрика-заводлар қуриш учун фойдаланган ерларни санаб адодига етиш қийин.

Планетамиздаги тирик организмларнинг ҳаёти ташқи муҳитга, яъни экологик омилларга боғлиқ. Организм муҳитсиз яшай олмайди. Организм (ўсимлик ва ҳайвон) лар ҳам ўз навбатида муҳит билан узлуксиз моддалар алмашинув жараённада атрофдаги географик шароитга таъсир этиб, табиий муҳитни ўзгартиради. Муҳитда рўй берадиган ўзгаришлар эса, ўз навбатида организмлардан ҳам янги муҳитга мосланишларини келтириб чиқаради. Масалан, фотосинтез туфайли кислородга бой ҳозирги атмосфера вужудга келган. Атмосферанинг вужудга келиши ҳозирги организмларнинг шу шароитга мослашиб яшашига олиб келган. Ўсимлик ва ҳайвонлар эволюция жараённада ўша турпроқ шароитига мослашган. Организмлар билан муҳит ўртасидаги узвий алоқанинг энг яхши кўрсаткичи ҳам организмнинг ўша муҳитга мослашишидир.

Муҳитга мослашиш организмнинг ҳамма хусусиятларини — шакли, ранги, физиологик вазифалари, яшаш тарзи, хусусиятлари, характеристери ва бошқаларни ўз ичига олади.

Организмнинг муҳитга мослашиши — органик дунёнинг ривожланиш жараённада узоқ давр давомида табиий танланишнинг тарихий самарасидир. Қайси тирик организм муҳитга мослаша олмаса, у яшай олмайди, фақат мослашганларигина яшаб қолади. Масалан, чўл шароитида, унинг жазирама иссиқлигига, сувсизликка, чўл гармселларига, қизиган қўмларига бардош бера оладиган саксовул, қандим, черкез, боялиш каби ўсимликлар, калтакесак, түя, қўм чарх илони, холдор чипор илон, қизилқулоқ, тошбақа каби ҳайвонларигина яшай олиши, ҳаёт кечириши мумкин. Бу ўсимликларнинг ёки ҳайвонлардан биронрасини сернам, тундра ёки тайга зонасига олиб борилса, у жойда яшай олмай нобуд бўлади. Ёки аксинча сернам, салқин жойда ўсан ўсимлик ёки боқилган ҳайвонни чўл зонасига олиб келинса ёки қўйиб юборилса улар бу иқлим шароитида яшай олмай нобуд булиши табиийдир.

Ҳайвонлар рангининг улар яшайдиган муҳит рангига ўхшаш булиши ҳам табиятга мослашишидир. Шимолий қутбда яшовчи ҳайвонлар ранги (оқ айик, оқ қўён) оқ бўлса, чўл ҳай-

вонлари (туя, юмронқозиқ) чүл қумининг рангиде бўлади. Бу шундан далолат берадики, организмлар органик дунёнинг ривожланиш жараённда узоқ давом этган табиий танланишинг маҳсули сифатида ташқи муҳитга мослашган. Дарҳакиқат, шу организмлар яшаёт учун курашиб, ташқи муҳитга мослашишга мажбур бўлган. Акс ҳолда улар нобуд бўлишлари мумкин эди.

Хулоса қилиб айтганда, тирик организмларнинг ер юзида тарқалиши табиий қонуният асосида бўлиб, ҳар бир тирик организм ўзи яшаб турган муҳитга мослашиб сақланиб қолган ва узининг эволюцион ривожланишини давом эттирган.

Ер юзида 0,5 млн ўсимлик тури ва 1,5 млн ҳайвонот тури мавжуд бўлиб, улар планетамиз бўйича ҳамма ерда бир текисда тарқалмаган, табиий шароитига қараб жойлашган. Табиий шароити қулай бўлган жойларда (тупроғи нам, серёғинли ерларда) ўсимликлар қалин ва тури кўп, аксинча, шароити ноқулай бўлган ерларда (тундрада ёки чўлларда) ўсимлик тури кам ва сийрак бўлади. Ҳайвонот олами ҳам табиий шароитга мослашиб яшайди. Улар югурниш, юриш, сузиш, судралиш, учиш каби хусусиятлари туфайли ер юзининг ҳамма ерида учрайди. Ҳайвонларнинг ҳаракат қилиб бир жойдан иккинчи жойга кўчиши уларнинг кўпроқ ўзгаришига ва ўша муҳитга мослашишига сабаб бўлган.

Ер юзида ҳар бир ўсимлик ва ҳайвонот турининг маълум территорияда тарқалганиллигига унинг «ареали» деб айтилади. Ареал ўсимлик ва ҳайвоннинг маълум тури, туркуми ёки оиласи тарқалган майдон. Ареал турли катталикда бўлиши мумкин. Одатда маълум бир тур ареалига нисбатан оила ареали каттароқ бўлади. Бир ареалдаги ўсимлик турлари, шу ареалда бир текис бўлмай, ўз ҳаётига қулайроқ майдончаларда кўпроқ, ноқулай майдончаларда эса камроқ бўлиши мумкин. Масалан, чинорнинг тарқалган ареали Ўрта Осиё ва Кавказ, ғўзанинг ареали эса МДҲ, Миср, Африка, Хитойдир.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг турли шароитда яшашини ва миқдорини илмий жиҳатдан ўрганиш фан ва ҳужалик учун, инсон учун катта аҳамиятга эга. Бундай текширишлардан олинган илмий хулосалар одатда ўсимлик ва ҳайвонлардан тўғри фойдаланишда катта ёрдам беради.

Табиятда табиий ареал, сунъий ареал, космополит ареал, туташ ареал каби ареаллар фарқ қилинади.

Ареал узоқ йиллар давомида табиий йўл билан ҳосил бўлган ўсимликлар майдони бўлса, сунъий ареал бевосита кишилар таъсирида ҳосил қўлинган ўсимликлар майдони. Масалан, Мирзачул бундан 30—40 йил муқаддам чули биёбондан иборат бўлиб, саксовуллар кенг тарқалган бўлса, эндиликда боғроғлар, пахтазор, полиз майдонлари ҳосил бўлдики, бу сунъий ареалдир.

Ареалларнинг чегараси, катта-кичиклиги турли омилларга боғлиқ. Бундай омиллар қаторига иссиқлик, намлик, тупроқ

ниради. Үсимлик ва ҳайвон турларини тарқалишида ана шу омиллар катта роль йыйнайды. Баъзан бир майдондаги турлар орасида ҳам яшаш учун кураш кетади. Бунинг натижасида шу майдонда бир тур майдони камайса, иккинчи тур майдони кенг гаяди. Ҳар бир ареалнинг ўз тузилиши, ўз тарихий тараққиёт йўли бор. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ареалдаги үсимликнинг яшashi учун ҳамма шароит етарли бўлганми, унинг ёнида бирга ҳамкорликда ўсуви үсимликлар бўлганми, ана шуларни ўрганиш керак бўлади.

Үсимлик ва ҳайвонлар ареалини тарқалишида, майдонини кенгайишида инсоннинг роли бекиёсdir. Масалан, Н. И. Вавилов маданий үсимликларнинг келиб чиқиш ареалини аниқлadi. У 100 дан ортиқ маданий үсимликлар ватанини аниқлаб берди.

Ҳозир биологлар, ботаниклар, селекционерлар, қишлоқ хужалиги мутахассислари маданий үсимликларнинг қайси тури қаердан тарқалганини, қайси экологик шароитда ўсишини ўрганиб, улардан юқори ҳосил олишда, янги навлар яратишида кенг фойдаланмоқдалар.

Ташки мұхит ва турли омиллар таъсирида маълум майдондан йуқолиб кетган ёки ҳозир жуда кам қолган ҳайвон ва үсимлиkhўrlар ҳам бор. Буни фанда *реликтлар* деб аталади. Реликтлар илгари кенг тарқалган, ҳозир айrim районлардагина сақланиб қолган қадимги геологик даврнинг фауна ва флораси вакилларидир. Усиш шароити илгариги шароитга деярли ўхшашлиги учун кам ўзгарган ҳайвон ва үсимликлар *консерватив реликтлар* деб аталади. Масалан, Кавказнинг игнабаргли ўрмонларида, яъни ўзгармаган шароитда яшайдиган тұқай чумчуги ёки пицунда қарағайи бунга мисол бўла олади.

Үсимлик ва ҳайвонларни ўрганишда реликтнинг аҳамияти каттадир. Чунки бу организмлар узоқ геологик даврнинг маҳсулидир.

Маълумки, территория учун характерли бўлган үсимлик турларининг тарихан таркиб топган қопламига үсимликлар *флораси* дейилади. Маълум географик жойнинг үсимликлар флораси шу жойга тааллуқли бўлиб, унинг ҳозирги табиий шароити, ўтмиши билан боғлиқ ва у ер юзидағи бошқа флоралар билан муносабатда бўлади. Флора тушунчаси маълум территориядаги барча үсимликларни қамраб олади. Масалан, Ўзбекистон флораси, Тожикистон флораси, Кавказ флораси ва бошқалар.

Ҳар бир флорани билиш унинг түр ва туркумига оид таркибини аниқлашга асосланган. Инвентаризациянинг барча турлари бўйича маълум белгиларига кўра флорани элементларига ажратади. Масалан, бир флорага кирувчи үсимликларнинг географик тарқалиши, бир-бирига ўхшашлиги, генетик нуқтаи назардан яқинлиги ҳисобга олинади. Ҳар қайси флоранинг мұхим белгиси унинг систематик структураси, унинг таркибиға кириувчи турли систематик группа вакилларининг бирлашишидир.

Ўсимликлар сингари ҳайвонлар оламининг маълум террито-рия буйлаб тарқалишини ҳайвонлар фаунаси деб аталади. Фауна ҳайвонларнинг турли групласидан ташкил топган булиб, у ёки бу ҳудуднинг ҳайвонот оламини тарихий ривожланиш жа-раёнида вужудга келади. Масалан, тундра, тайга, урмон, дашт, чалачўл, чўл каби ҳайвонот оламлари бор. Ҳар бир ҳудудни ўз фаунаси бўлади. Фауна таркибини ўрганиш натижасида унда-ти турлар бойлиги аниқланади ва шунга кура бутун ер шари ёки унинг айрим ҳудудлари фаунистик районлаштирилади. Фанда турли систематик категориялардаги маълум даврга оид ҳайвонларни ифодалаш учун «Фауна» атамасидан фойдалани-лади. Ҳозир Қирғизистон фаунаси, Ўзбекистон фаунаси, Қозо-гистон фаунаси ва ҳоказо.

Флора ва фаунани ўрганиш катта илмий, амалий аҳамиятга эга. Ҳозир ҳар бир вилоят, жумҳурят, зона, воҳада қанча ва қандай аҳволдаги ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси борлигини, уларнинг биологиясини ўрганиш жуда муҳимdir.

Ер юзидағи баъзи ўсимлик ва ҳайвон турлари маълум жой-ларда тарқалиб, бошқа районларда учрамайди. Бундай ўсимли-к ва ҳайвон турлари эндемик деб аталади. Эндемик ўсимлик ёки ҳайвон тури, турлари, туркумлари, оиласлари булиши мум-кин. Буларга ўсимликлардан оқ лола, анзур пиёз, пуфанак, Нурота астрагали, ҳайвонлардан Туркистон агамаси, Туркистон геккони, қум бўғма илони, хўжасавдогар, кўк суфур ва бошқа-лар киради.

### ФИТОЦЕНОЗЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ер юзида ўсимликлар бир-бирларидан ажралган ҳолда эмас, балки гуруҳ-гуруҳ булиб ўсади. Бир хил шароитда бир-бирига мослашган ҳолда жамоа булиб яшайдиган ўсимликлар мажмунини фитоценозлар деб аталади. Фитоценознинг маълум таркиби ва структураси булиб, ундаги ўсимликлар ўзаро ҳамда ҳайвонлар билан биргаликда мавжуд бўлади. Инсон баъзан ўсимликлар қолламига таъсир этиб уни ё кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

Фитоценозларни ташкил қилувчи ўсимликлар ўз ҳаёт фао-лиятида муҳитни ўзгартира олади, яъни микроиқлим ҳосил қиласди. Улар ўзи учун зарур бўлган ресурсларни ўзлаштириш, ташки муҳитга моддалар алмашинуви маҳсулотларини чиқара-ди (диссимиляция), тупроқ ва унинг юзасида ўсимлик қолдиқ-лари чириб, тупроқ таркибини ўзгартиради. Фитоценоз биоцен-оз ва биогеоценознинг ўнг актив қисми ҳисобланиб, қўёш энергиясини, атмосферадаги азотни ўзлаштиради, ҳайвонлар билан биргаликда энергиянинг ўзгариши ва моддаларнинг ай-ланиш жараёнларида қатнашади. Фитоценоз ўзгарувчан, йил фаслига қараб куриниши, йиллар оша таркиби, турлари ва структураси ўзгариб боради. Бир фитоценоз бошқа фитоценоз билан алмашинади.

Ер юзида фитоценозлар абиотик, биотик ва антропоген омиллар таъсирида бир текис жойлашмасдан, қутблардан экватор томонга ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар бевосита географик мұхитга боғлиқдір. Чунки қутблардан экватор томонға борған сари Қүёшнинг иссиқлиги ва ёруғлиги ўзгариб, ортиб боради. Натижада абиотик омилларнинг хусусиятлари ҳам ўзгариб бу әңг аввало ўсимликлар түркүмларининг шу йұналиш бүйлаб ўзгаришига сабаб бұлади. Ер юзидағы әңг типик фитоценозлар қыйидагилардир: тундра, тайга, аралаш ва барғли ўрмонлар, дашт, чүл, субтропик, тропик ва саванна.

Тундра ўсимликлар фитоценози, асосан Шимолий ярим шарда жойлашиб, Евросиё ва Шимолий Америка материкларининг шимолий чеккаларida учрайди. Тундрада экологик омилларнинг ноқулайлығы сабабли, 500 дан ортиқ ўсимлик тури бұлиб, улар ер бағирлаб ўсиши билан харктерланади. Тундраның асосий ўсимликлари мох, лишайник, брусника, голубика, клюква, пакана қайн, пакана толдир. Тундрада ўсимликлар сиyrak бұлғанлығидан ҳар гектаридан атиғи 40—80 ц гача биомасса олиш мүмкін.

Тайга фитоценози фақат шимолий ярим шарда булиб, у шарқда Тинч океани қирғоқларидан бошлаб, ғарбда Канада қирғоқларигача узлуксиз давом этади.

Бу зонанинг ўсимликлари мезофил типли, игнабарғли ўрмонлардан, буталардан ва ўтлардан иборат. Тайгада асосан игнабарғли дараҳтлардан қора қарағай (ель), оқ қарағай (пихта), кедр, тилоғоч кабилар ўсади. Шимолий Америкада эса құға, веймут ва дуглас қарағайлари ҳам учрайди. Бу ерда яна буталар ва ҳар хил ўтлар ўсади. Тайгада ўсимликлар анча зич ўсіб гектарига 500—550 ц гача биомасса ҳосил қиласи.

Аралаш барғли ўрмонлар фитоценози Шимолий Ярим шарда Ғарбий Европани, МДХнинг урта қисмини ва Осиёнинг Тинч океан қирғоқларини, Шимолий Американинг Буюк күллар атрофини ўз ичига олади. Бу ерларда экологик шароитлар анча құлай бұлғанлығидан ўрмонларда ўсадыган ўсимликларнинг тури күпdir. Игнабарғлилардан қарағай, оқ қарағай, майда барғлилардан қайн, тоғ терак, кенг барғлилардан дуб, бук, заранг, шумтол, жұка, тис, қайрағоч, монголия дуби, Амур жұкаси, баҳмал дараҳт, Манжурия ёнғоғи, ёввойи ток ўсади. Шимолий Америкада дуб, каштан, лола дараҳти, сариқ қайн ва бошқалар ўсади. Аралаш ва кенг барғли ўрмонлар тағида буталар, ўтлар анча қалин ўсіб гектарига 3000—5000 ц гача биомасса беради.

Дашт фитоценозининг ўсимликлари асосан ксерофит харктерида бұлиб, Евросиёда, Шимолий Америкада кенг тарқалған. Дашт ўсимликлари Жанубий ярим шарда Жанубий Америкада, Африканынг жанубида ва Австралиянынг ғарбда учрайди. Даштда баҳор фаслида лола, гулсапсар, пиәз, қиёқ, оч сариқ наврұзгұл каби эфемер ва эфемероид ўсимликлар барынан гуллайди. Інде эса улар ҳаво иссиғидан сарғайып қола-

дп, сунгра чалов, бетага, шувоқ, себарга, сариқ бұтакүз, астралал кабилар ўз вегетациясини давом эттиради. Даشت үсимликтари гектарига 150—300 ц гача биомасса ҳосил қиласы.

Чүл фитоценозларининг үсимликлари ксерофит — қуруқ иқлим шароитига мослашгандыр. Бу ерларда йиллик ёғин жуда кам бұлиб, асосан қишлоға бақор фаслида ёғади. Бундай жойларга Қызылқұм, Қорақұм, Арабистон, Саҳрои Кабир, Мексика, Жанубий Америкадаги Атакама чүллари киради.

Чүл үсимликларининг илдизи чуқур, баъзи турларини ерости сувигача (мас. янтоқ) бориб етади. Уларнинг таналари оқ тукчалар билан қолланған, барги майдада, тиканга айланған. Баъзиларининг танаси калта, йүғон бұлиб, үзида сув түплайды.

Чүл шароитида, айниқса Ўзбекистон чүлларыда бир йиллик эфемерлар ва эфемероидлар күп үсады. Улардан ранг, қорабош, ялтирибош, читир, астралал, себарга, эспарцет құзигул ва бошқалар күп үсады.

Бу зонанинг үсимликлари серёғин йиллари гектар бошига 25—27 ц гача биомасса ҳосил қиласы.

Субтропик зона фитоценозининг үсимликлари тоғлар билан үралған, совуқ ҳаво массалари кам таъсир этадиган ерларда, яъни Урта денгиз атрофларида, Қора денгизнинг Қрим, Кавказ соҳилларыда, Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган. Бу ерлар нам билан яхши таъминланған, қиши унчалик совуқ эмас, ёзи илиқ бұладыған жойлардир. Шу сабабли ҳам бу ерларнинг үсимликлари қишин-ёзин ям-яшил бұлиб туради. Бу ерларда магнолия, лак дараҳти, қора қарагай, пакана пальма, яшил дуб, бамбук, шамшод, секвоя, чирмовуқлар, лаврлар, арча, цитрус үсимликлари ва бошқа дараҳтлар күп үсады.

Бу зонада гектарига 1500—2000 ц гача биомасса ҳосил қиласы.

Саванна фитоценози экваторнинг иккала томонида, ундан унчалик узоқ бұлмаган жойларда — полоса шаклида Африкада, Жанубий Америкада, Осиёнинг жанубида жойлашган. Бу ерда ёғин ёзда бұлиб, қиши қуруқ келади. Дараҳтлардан баобаб, соябонсимвон акациялар, ёввойи шакарқамиш үсады. Бу ерларда гектарига 800—1500 ц гача биомасса ҳосил қилинади.

Тропик фитоценоз үсимликлари экваториал иқлими ерларда жойлашган. Тропик үрмөнлари Африкада, Марказий ва Жанубий Америкада, Осиёнинг жануби-шарқида ва Океания оролларыда учрайди.

Бу зона нам билан яхши таъминланғанлығидан үсимликлари тиғиз жойлашиб, бир неча қават бұлиб үсады.

### БИОЦЕНОЗЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ер юзида бир жойнинг үзида шарт-шароити бир хилдаги муҳиттеге мослашиб олған бирга яшайдыған жамики тирик организмлар (үсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар) групласыны биоценозлар деб аталади. Биоценозлардаги үсимлик ҳам-

да ҳайвонлар доим бир-бирига маълум муносабатда, алоқада бўлади. Уларнинг шу муносабати ҳаёт кечириш шароитига ҳам таъсир кўрсатиб туради. Яшаш шароити бир хил бўлган ўтлоқлар, ўрмонлар, суғориладиган ерлар ва шолипоялар бионозларга мисол бўла олади. Биоценоз биогеоценознинг бир қисми ҳисобланади. Биоценоз асосини тирик модда ҳосил қиласидиган яшил ўсимликлар ташкил этса ҳам, лекин тирик организм моддани истеъмол қилувчи ҳайвонлар ва микроорганизмлар биоценозда албатта иштирок этади. Демак, биоценоз таркибини ташкил қиласидиган барча турлар ўзларининг яшаши ва кўпайиши учун зарур бўлган ҳамма нарсани мазкур биотопдан олади. Биоценоз доим ривожланиб боради ва бу ривожланиш жараёни, одатда узоқ давом этади, бундан бир биоценоз аста-секин иккинчи бир биоценоз билан алмашинади. Масалан, чўл биоценозини ўзлаштириш натижасида ундаги янтоқлар, саксовулзорлар ўрнига боғлар ёки дехқончиликнинг бошқа турлари ривож топиши мумкин. Бу, албатта сунъий равишда ҳишилар таъсирида ҳосил қилинган биоценозлардир. Лекин ҳаётда табиий алмашинадиган биоценозлар ҳам бўлиши мумкин. Бу жуда узоқ тарихий ҳаёт жараёни натижасида бир неча юз йиллар давомида ҳосил бўлиши мумкин.

Биоценозларнинг муҳим белгиси — экологик шароитда бир галикда ҳаёт кечирадиган турлар сонининг ўз-ўзидан бошқарилишидир. Масалан, ўсимлик турлари иқлим ва тупроқ шароитига боғлиқ ҳолда оз ёки кўп бўлади. Ҳайвон турларининг сони эса асосий озиғи ҳисобланган ўсимликларнинг оз-кўплигига боғлиқ. Ўсимликлар билан озиқланадиган бир хил ҳайвонлар йиртқич ҳайвонлар учун ўлжа бўлади. Хуроса қилиб айтганда, биоценоз ўсимликлари қанча кўп бўлса, унинг ҳайвонлари ҳам шунча кўп ва хилма-хил бўлади.

Турлар ўртасидаги муносабатларнинг икки ва ундан кўп тур учун қулайлик туғдирадиган хили ўзаро ёрдам дейилади. Масалан, ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликларда чанг бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка олиб ўтилади ва шу билан ўсимликларнинг четдан чангланишини таъминлайдиган ҳашаротларга муҳтожлик содир бўлади. Бошқа ҳолларда турлар орасидаги ўзаро муносабатлар бир-бирига қарама-қарши тарзда бўлади. Масалан, йиртқичликда бир тур ҳайвонлар бошқа тур ҳайвонларни ейди. Иккала тур ташки муҳитнинг бир хилдаги шарт-шароитидан фойдаланса-ю, ўша шарт-шароит миқдори чекланиб қоладиган бўлса, бундай турлар ўзаро рақобат тарзидаги муносабатга ўтади. Масалан, ўсимликлар ёруғлик ва тупроқдаги минерал моддалар учун рақобатлик қиласиди. Шоҳ-шаббаси яхши ривожланган ўсимликлар ёруғлик нурини кўпроқ олиб, тезроқ ўсади ва барглари остида қолиб ўсаётган ўсимликларни босиб кетади. Бир хил ўлжа билан озиқланадиган йиртқич ҳайвонларнинг ҳар хил турлари ўртасида ҳам ана шундай рақобат қиласидиган ўзаро муносабатлар бўлади. Бирга ҳаёт кечиришнинг бошқа формалари ҳам бор.

Масалан, симбиоз, комменсализм (ҳамхұраклик), паразитизм ва хоказо.

Биоценозни үрганиш амалий жихатдан мұхим ақамият касб этади. Масалан, қимматбақо мүйнали хайвонларни янги яшаш мұхитига күчириш ва қишлоқ хұжалик заарқунандаларига қарши кураш олиб бориша биоценоз қонунларини билиш катта роль үйнайды.

Организмнинг мұхитга мос көлиши ва шу мұхитда яшashi унинг ҳаёт формаси дейилади. Масалан, гигрофит, ксерофит, мезофитлар ва бошқалар үсимликларнинг ҳаёт формалари ҳисобланади. Ҳайвонларнинг ҳам ҳаёт формалари бұлиб, уларни бир қанча аломатларига қараб класификацияға ажратиш мүмкін. Масалан, ҳайвонлар озиқланишга қараб, үтхұр, гүштхұр, йиртқич каби турларға булинади. Ҳайвонлар шунингдек, яшаш шароитига қараб қуруқликда, дараҳтда, сувда яшовчиларға булинади. Биоценозлар бир-биридан таркиби ва структурасининг ҳусусиятлари билан фарқ қиласы. Қуруқликдаги биоценоз структурасыда үсимликлар, деңгизде эса ҳайвонлар күпчиликни ташкил қиласы. Биоценозлар организм турларининг оз-күплиги, тузилишининг мураккаб-содалығы, жинсларнинг оз-күплиги, турлар гурухларнинг харakterи, сутка ва мавсум давомида үзгариши, бир жойда яшайдыган ва күичиб юрадыган ҳайвонларнинг нисбати, организмларнинг атрофдаги шароитга мослашиш харakterи ва бошқа бир қанча аломатларига қараб бир-биридан фарқ қилинади.

Биоценозларда үсимликлар яруслар буйлаб үсады. Масалан, үрмөнлар биоценозида бир неча қаватни күриш мүмкін. Даражтлар энг баланд — I ярус, бута ва чалабуталар — II ярус, күп йиллик үсимликлар — III ярус, бир ва иккى йиллик үсимликлар — IV ярус, эфемер ва эфемероидлар, замбуруғлар — V ярус ҳосил қилиб үсады.

Ерүегілік үсимликлар ҳаётiga таъсир этганидек, ҳайвонлар ҳаётiga ҳам таъсир этади. Масалан, баъзи ҳайвонлар кундузи тирикчилик қылса, бошқаси кечаси озиқ излады. Күн билан туннинг алмашиниб туриши шу биоценозда яшайдыган ҳайвон ва үсимлик ҳаётiga таъсир этиб, организмларни унга мослаشتыради ёки ҳалок этади.

Ер устидаги яруслардан ташқари, ер ости яруслари ҳам бұлади. Биоценоздаги баъзи организмлар күп, гурух-гурух, баъзилари кам, якка-якка бўлиб, ўзаро мутаносибликни ҳосил қиласы, бир-бирини ривожланишига ёрдам беради.

Бундан кўриниб турибидики, ер юзидағи биоценозлар маълум қонуният асосида ҳосил бўлган ва шу асосда тараққий этади.

### Тундра биоценози

Бизда тундра зонаси Шимолий Муз океани билан чегаралыш бўлиб, жанубда Қола ярим оролининг шимоли-шарқий қирғоғи, Канин ярим оролининг жанубий қисми, бошқа томо-

ни Тинч океани соҳилларига бориб тақалади. Тундра (финча *тунтури* — ўрмонсиз, яланг, қир дегани) нинг майдони Арктика музликлари билан чегарадош.

Тундра зонасининг қиши совуқ бўлиб, 8 ой давом этади, ёзи қисқа ва салқин, тупроғи сернам булади, кўпинча музлар билан қопланиб ётади. Бу зонанинг тупроғи торф-глейли бўлиб, чириндиси кам, ўзи нордон, ери қишин-ёзин музлаб ётади.

Бундай экологик шароит табиий ўсимликлар қопламига таъсир этади. Ўсимликлари кам, борлари ҳам сийрак, паст бўйли, ер бағирлаб усади. Мазкур зонада 300—400 ўсимлик тури мавжуд бўлиб, уларда буталардан голубика, брусника, водяника, багульник, пакана қайин ўсса, ўсимликлардан моҳ, лишайник, замбуруғ, ягель, каклик ўти кабилар усади.

Тундра зонасининг ҳайвонот олами ~~ҳам~~ ўзига хос бўлиб, бу ерда қутб тулкиси, лемминг, оқ айик, бўри, оқ қуён, оқ сичқон, қора тишли ер қазар, латча, туёклилардан қор қўйи, қўй-хўқиз, шимол буғуси, қушлардан чумчуқсимонлар, оқфоз, япалоққуш, оқ каклик, оқсор, кичик оққуш, оқ турна, балиқлардан — лосослар, даллия бор, сувда ҳам қуруқда яшовчи-лардан эса бақалар учраб туради. Судралиб юрувчилар йўқ. Ҳашаротлардан икки қанотлилар (чивин), арракашлар, қўнғизлар, капалаклар, оёқдумлилар ва бошқалар тарқалган. Сутэмизувчилар тури кам учрайди. Шимол буғуси хонакилаштирилган. Оқ тулки, оқ сичқон, латча ва қушлар овланади. Зоомассасининг 90 процентчаси умуртқасиз ҳайвонларга тўғри келади. Аҳолиси буғучилик, балиқ овлаш, мўйнали ҳамда денгиз ҳайвонларини ов қилиш билан шуғулланади.

Тундра зонасининг бундай биоценози ўзига хос бўлиб, соvuқ иқлим шароитига мослашган ҳайвон ва ўсимликлардан, микроорганизмлардан ташкил топгандир.

## Ўрмон биоценози

Ўрмонлар зонаси ғарбда Балтика денгизидан, шарқда Тинч океан қирғоқларигача чўзилиб кетган. Бу зона ер юзида Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг экваториал, субэкваториал, тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларида тарқалган.

Ўрмонлар зонаси мамлакатимизда жуда катта территорияни ишғол қилганилигидан иқлим шароити ҳамма жойда бир хилда деб бўлмайди. Зонанинг ғарб томонида ўртача континентал иқлим бўлса, шарққа борган сари континенталлиги ортиб боради. Тинч океан қирғоқларида эса муссон типли иқлим билан алмашинади.

Бу зонанинг қиши совуқ, ёзи иссик бўлади. Ёғин ҳам кўп бўлиб, унинг йиллик миқдори 200—300 мм дан 500—900 мм гача боради.

Ўрмон зонасининг тупроғи подзол, тоғли қисмлари эса тоғ-подзол тупроқлардан иборат. Россия текисликларининг

тупроғи қумли қатлами бұлғанлигидан баъзи жойлари ботқоқ-лашган. Бу зонада чимли-подзол ва құнғир, сур тусли тупроқлар бор.

Үрмөнлар зонаси үсимликлар турига бой бўлиб, дараҳтла-ри қалин, баланд, бир неча яруслар ҳосил қилиб ўсади.

Бу зонанинг үсимликлар тури 1800 дан ошади. Энг харака-терли үсимликлардан: корея кедри, корея қора қарағайи, Си-бирий оқ қарағайи, шарқий тисс, Манжурия ёнғоги ва зарангি, Амур жўкаси, нок, амур сирени, ёввойи қалампир, ўтлардан женшень, чирмовиқлар — лианалар, кулранг ва қора ольха, тоғтерак, ботқоқликларда багульник, моликбош, клюква, морошка ва паст бўйли қарағайлар ўсади.

Үрмөнлар зонаси ҳайвонлар дунёсига ҳам бой. Бунинг са-баби ҳайвонларнинг яшashi, кўпайиши ва ўзларини душман-ларидан муҳофаза қила олиши учун шароитнинг мавжудлиги-дандир. Булардан кўпчилиги дараҳтларда хаёт кечиришга яхши мослашган. Сут эмизувчилардан ялқовлар, маймунлар, бир қатор кемиравчилар, тийинлар, учқурлар, қуёнлар, ҳашаротхўрлар, йиртқичлар, қора айиқ, ўйлбарс, ўрмон мушуги, ёнотсимон ит, қоплон, шер, қушлардан тўтиқуш, қизишлиштон, тукан, гарб булбули, ўрмон турғайи, қораялоқ, қирғовул, за-ғизон, тертер кабилар, судралиб юрувчилардан хамелеон, чипор илон, калтакесак, геккон, агамалар, сувда ҳам қуруқда яшовчилардан бақаларнинг бир неча тури, ҳашаротларнинг жуда кўп турлари: капалак, асалари, құнғиз, чивин, чумоли-лар яшайди.

Үрмөнлар зонаси озиқ-овқат, доривор, асаларичилик, овчи-лик, муйначилик, ёроч тайёрлаш, ем-ҳашак манбаи сифатида инсонлар хизматидадир.

Үрмон биоценози бошқа биоценозлардан үсимлик, ҳайвон, микроорганизм ва турли-туман жониворларнинг кўплиги ва ранг-бараглиги билан фарқ қиласи. Бу биоценоз ўзига хос табиии мураккаб комплексга эга бўлиб, унда кечётган ҳаёт жараёнлари, ўзаро кураш, мутаносиблик биоценоз қонунлари-нинг ҳақиқий тимсолидир.

### Дашт биоценози

Дашт зоналари Россия текислигини, Фарбий Сибирь текис-лигининг жанубий қисмини, Кораденгиз бўйи пасттекислигини, Азов бўйини, шимолий Қавказни, Шимолий Қримни, Қозогис-тоннинг шимолини ва бошқа жойларни ўз ичига олади.

Дашт зонасининг иқлими бироз қуруқ, йиллик ёғин миқдо-ри 250—450 мм атрофика. Ёзи иссиқ, қиши совуқ, ёғин бир меъёрда тушмайди. Баъзи йиллари кўп, баъзи йиллари кескин камайиб кетади.

Бу зонанинг асосий тупроғи қора тупроқ, лекин жанубий қисмида тўқ каштан тупроқлар ҳам мавжуд. Тупроғи чиринди-га бой, баъзи жойларда оддий қора тупроқ ҳам учрайди.

Дашт зонасининг ўсимликлари ўзига хос бўлган, қурғоқчилик ва совуққа чидамли кўп йиллик ўтлардан иборатdir. Улардан асосан чалов, бетага, чиллакоёқ, қорқоқ, шувоқ, эркўт, чўп арпаси, каррак, эфемер ва эфемероидлардан ранг, қорабош, қомғоқ, эспарцет, гулсапсар, кўк бинафша, сариқ ва лола, тяқорин кабилар ўсади. Дарёга яқин жойларда тол, терак, дуб, заранг, жийда, қарағайлар учрайди. Лекин булар инсонлар томонидан экилган ўсимликлардир.

Шуни айтиш керакки, дашт зонасининг кўпчилик қисмидан ҳайдалиб маданий экинлар экиб фойдаланилади. Бу ерларга арпа, буғдој, кунгабоқар, тариқ, ток кабилар устирилади. Шунга кўра кўпгина табиий ўтлар, ерлар ҳайдаб ташланган.

Дашт зонасининг ҳайвонот олами ҳам ўзига хос. Бу ерда кишиларнинг бевосита аралашуви натижасида кўпгина ёввойи ҳайвонлар қирилиб кетган. Ҳатто уларнинг баъзи турлари, масалан, антилопа, ёввойи от (тарпан) умуман йўқ булиб кетган.

Дашт зонасининг ҳайвонлари сийрак булиб, улардан қуйидаги туёқлилар: сайғоқ, бурама шохли антилопа; кемирувчилардан юмронқозиқ, қушёқ, байбаксуғур, курсичқон, дала сичқони, ола кўзак, қуён; йиртқичлардан бўри, тулки, қарсак, бурсиқ; қушлардан бизғалдоқ, тувалоқ, кичик турна, қорақуш, бургут, тўргай, бедана, човли; судралиб юрувчилардан илон, калтакесақ, эчкемар кабилар учрайди.

Дашт биоценози ксерофит ўсимликлар, дашт ҳайвонлари асосида ташкил топган, қуруқ иқлимли шароитга мослашган организмлар биоценозидан иборатdir. Бу биоценознинг бошқа биоценозлардан фарқи ҳам шундадир.

#### Чўл биоценози

Чўл зонасига Россиянинг жанубий районлари, Урта Осиёнинг Қизилқум, Қорақум чўллари, Қозогистон ва Каспий бўйи паст текислигининг жанубий қисми киради.

Бу зона иқлимининг ўта қуруқлиги, иссиқлиги, қишининг ўта совуқ булиши ва ёзининг ўта иссиқлиги билан бошқа зоналардан фарқ қиласи. Бу ерда ёз ойлари бирон марта ўтм ёмғир ёғмайди. Ёғин асосан қиш ва баҳор фаслларида тушади. Ёзги иссиқ гармселлар, шамоллар, қумларнинг кўчиб юриши фақат чўллар учун хосдир.

Зонада йиллик ёғин миқдори 200 мм дан ошмайди. Баъзи жойларда эса ҳатто 50 мм ни ташкил этади. Рельефи паст тоғлар, текисликлар, берк кул ботиқларидан иборат. Бу зона орқали оқар сувлар, дарё, куллар оқиб утмайди. Уларни баъзи дарёлар (Сирдарё, Амударё, Нил, Хуанхе ва бошқалар) гина кесиб утади.

Тупроғи қум, қумоқ, шўрхок ва тақир ерлардан иборат. Тупроғи ҳамма ерда бир хилда эмас. Рельефга ва ер ости сувининг хусусиятига кўра, чўл зонасида қўнғир, бўз-қўнғир ва бўз тупроқлар тарқалган. Умуман чўл зонасининг тупроқлари яхши ишга солинмаган тупроқлардир.

Чүл зонасининг ҳарорати баланд, ёз ойларида +45°, +50° га етади, баъзи жойларда (Кушка, Чоржўйда) +60° ни ташкил этади. Бундай шароитда иссиқсевар ўсимликлар, жумладан ғуза яхши ўсади. Бу зонада дараҳтлар деярли йўқ ҳисоб. Фақат дарё ва каналлар бўйида баъзан жийда, терак, пакана тол, турангил, юлғун учрайди. Кенг тарқалган ўсимликларига оқ ва қора саксовул, черкез, қизилча, қандим, чуғон, куёнсуяқ, боялиш, балиқкўз, янтоқ, шувоқ, қомғоқ, исириқ, илоқ, ранг, ялтирибош, шувоқ, қомғоқ ва бошқалар киради. Умуман чўл зонасида 1700 дан ортиқ ўсимлик тури учрайди.

Чўл ўсимликларининг тузилиши ҳам ўзига хос. Бўйи паст танаси, барглари, меваси оқ туклар билан қопланган, барги кўпинча майда, ингичка тиканга айланган. Улар танасининг оқ тукчалар қопланишига сабаб ёзги иссиқни, қўёш нурини қайтаришдан иборатdir.

Чўл зонасининг ҳайвонот олами ҳам ўзига хос. Чунончи, ҳайвонлари чўлга, сувсизликка, кўчма қумлар ва тақирларга мослашган. Чўл зонасининг ўсимликлари сийрак булишига қарамай бу ерда хилма-хил ҳайвонлар яшайди. Чўл ҳайвонлари сувсизликка турлича мослашган. Баъзи турлари (калтакесак, ўқилон, ҳашаротлар) кундузи ҳаво иссиқ пайтида инларига кириб, қоронғу тушгач овқат излаб ташқарига чиқади. Баъзи турлари 5—8 кунгача (туя) сувсиз яшай олади. Бошқа бирлари (жайрон, қулон) тез югуриш хусусиятига эга булиб, соатига 70—80 км тезликда югуриб, ўзлари учун сув излайди.

Чўл зонасида сут эмизувчилардан: жайрон, қулон, сиртлон, чўл мушуги, чипор мушук, қумсичқон, чўл юмронқозиғи, судралиб юрувчилардан: юмалоқ бошли калтакесак, эчкемар, калтакесак, ўқилон, агама, чўл бўғма илони, заҳарли чархилон, чўл тошбақаси; қушлардан: хўжасавдогар, тувалоқ, чўл қарғаси, чўл чумчуғи, қирғовул, қум чумчуғи, супитургай, қирғий, жиблажибон, кемирувчилардан: сертук қўшоёқ, кичик қўшоёқ, кўрсичқон, сариқ юмронқозиқ, қуён; йиртқичлардан: чиябўри, ёввойи чўчқа, тўқай мушуги, тулки, шоқол ва бошқалар; ҳашаротлардан: ари, чумоли, бий, қорақурт, фаланга, чайён кабилар учрайди.

Чўллар биоценози қуруқ иқлим шароитидаги типик биоценозидир. Ҳам ўсимликлари, ҳам ҳайвонлари иссиқ шароитга мослашган мураккаб комплексли биоценоз хисобланиб, узок табиий курашиш натижасида шу ҳолга келган.

### Чучук сув биоценози

Ер юзидағи чучук сувлар шур сувларга нисбатан кам. Чучук сувларга дарё, кўл, ҳовуз, чашма ва сув омборлари сувлари киради.

Оқар сувлар ҳар хил моддаларни оқизиб ва юмалатиб олиб кетади. Одатда органик моддаларнинг бир жойдан иккинчи жойга олиб кетилиши организмларнинг ривожланишига имкон беради ҳамда бу ҳол баъзан фаунага зарар етказади. Дарё

Сұлттарининг тез ёки секин оқиши, озиқ ва кислороднинг олиб  
датылған дарёларнинг органик дунёсига катта таъсир қиласы.  
Дарё туғи қаттық жинслардан: тош, гил, лойқа, қум ва үсим-  
ликлердан иборатлиги туфайли уларнинг биоценозлари бир-  
бирларидан кескин фарқ қиласы. Маълумки, дарёлар унчалик  
кур бўлмайди, суви чучук, ёруғлик дарё тубигача етади.  
Дарёларнинг қуий оқимларida юқори оқимларига қараганда  
ник кўп бўлади. Лекин сув сатҳи кўпинча үзгариб туради.  
Дарё сувлари баҳорда кўпайиб, оқими тезлашади. Баъзан сув  
амайганда дарё тубининг айрим жойлари кўриниб, қуриб  
колади ва бу ҳам уша жойдаги организмларнинг нобуд бўли-  
шига олиб келади.

Дарёларга қараганда кўлларда үсимлик кўп. Кўлларнинг  
туби, асосан, лойқадан иборат. Лойқада ниҳоятда хилма-хил  
жониворлар яшайди. Кислород кўлларда чуқурликка тушган са-  
ри дарёлардагидек бир хил тарқалган эмас, чунки кўлларда сув  
дарёлардаги каби яхши аралашиб турмайди. Кўллар орасида  
шур сувли кўллар ҳам учрайди. Шур сувли кўллар үз навба-  
тида шурлиги ва унда эриган тузларнинг таркибиға қараб ҳам  
бир-бираидан фарқ қиласы. Хулоса қилиб айтганда, кўлларнинг  
органик дунёси — биоценози ҳаёт формалари жиҳатидан дарё-  
ларнинг органик дунёси — биоценозига нисбатан анча фарқ  
қиласы.

Чучук сувлар биоценози бир неча қатламдан иборат бўлиб,  
сувнинг юза қисми, яъни биринчи қатлами қуёш ёруғлигидан  
яхши исигани учун ҳам ҳаёт мураккаб, хилма-хил. Бу ерда  
куплаб сув ўтларини, микроорганизмларни, ҳашаротларни,  
ҳатто учеб юрган сув қушчаларини ҳам кўриш мумкин. Қуёш  
ёруғлиги кам тушиб, сувни қачалик кам иситса, уша ерда  
ҳаёт формалари — тирик оранизмлар: үсимликлар, балиқлар,  
микроорганизмлар ва бошқалар нисбатан кам ва ўзига хос  
бўлади.

Чучук сувлар биоценозига Амударё, Сирдарё, Орол денги-  
зи, Каттақўғон, Пачкамар каби сув омборлари, кичик кўл ва  
чашма сувлари киради. Уларни ўрганишнинг ҳам илмий, ҳам  
амалий аҳамияти бор, сув шароитидаги биоценознинг қуруқ-  
ликдаги бисценоздан фарқи структураси ва таркибини ўрга-  
нишга имкон яратилади.

### ТАБИАТДА МАВСУМИЙ ҮЗГАРИШЛАР

Табиатдаги мавсумий үзгаришлар деб ҳар йили бир вақт-  
нинг ўзида такрорланиб турадиган табиий ҳодисаларга айти-  
лади. Бу бевосита йил фаслларининг ҳосил бўлишидан келиб  
чиқадиган ҳаётни жараёндир. Йил фаслларининг ҳосил бўли-  
ши табиат қонуниятларидан бири бўлиб, у Ернинг Қуёш атро-  
фидин бир йилда бир марта тўла айланиб чиқишидан ҳосил  
бўлади.

Үсимлик ва ҳайвонлар йил фаслларига қараб мослашади  
на ташқи қиёфаларини үзгартиради. Масалан, куз фаслида

ўсимликларнинг барги саргаяди, тўкилади, ўсиш жараёни секинлашади, қалин пўст билан ўралади. Ҳайвонлар ҳам ташқи қиёфасини ўзгаририб баъзилари иссиқ ўлкаларга учиб кетади, баъзилари ўзларига қишки озиқ тўплайди, қишки уйқуга кирди. Бу ўсимлик ва ҳайвонларнинг бир мавсумдан иккинчи мавсумга мослашувидир.

Табиатдаги мавсумий ҳодисалар ва уларнинг сабаблари тўғрисидаги билимлар системаси фенология дейiplади.

Фенология деганда ўсимликларнинг куртакларини бўртишидан бошлаб ўсиши, поя бериши, барг чиқариши, фунчалashi (шоналаши), гуллаши, уруғ ва меваларининг пишиб этилиши, баргларининг сарғайиши ва тўкилиши (ҳазонрезлиги), қушларда эса баҳорги учиб келиши, уя солиши, тухум қўйиши, жўжа очиши ва учиб кетишигача бўлган даврлар тушунилади.

Фенологик кузатишлар агрометеорологик кузатувларнинг таркибий қисмидир. Мавсумий ҳодисаларни фенологик кузатишлар воситасида ўрганиш ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсининг бир йил мобайнида ташқи муҳит билан боғлиқ ҳаракати тўғрисида кўп маълумотлар беради. Бу маълумотлар жамланиб, картага туширилади. Биология, география ва қишлоқ хўжалиги фанлари фенология маълумотларидан кенг фойдаланади. Кўп йиллик фенологик маълумотлар асосида ўлка ўсимликлари ўрганилади, табиат календари тузилади ва шу асосда ўёки бу жойнинг мавсумий ўзгаришларини аниқлаш имкониятига эга бўлинади.

Фенологик қонуниятлар асосида қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича қилинадиган мавсумий ишлар (экиш, суфориш, ўриш, зааркундаларга қарши курашиш) ва тадбирларнинг маҳаллий календари тузилади. Бундай календарлардан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқишида, ўсимлик ва ҳайвонларнинг касалликлари ҳамда зааркундаларига қарши курашишда, асаларичилик ва бошқаларда фойдаланилади.

Фенологик кузатишнинг аҳамияти яна шундаки, у жуда бой, аниқ маълумотлар беради. Ч. Дарвин табиий танланишда табиатнинг ролини, биологиянинг асосий қонуни бўлган — организмнинг бирлиги ва унинг муҳит билан чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлайди.

Ҳар бир боғча тарбиячиси фенологик кузатиш олиб бориши, табиат календари тутиши ва ундан фойдалана билиши керак. Бунинг учун ҳар бир группа учун табиат календарини тузиб, илиб қўйиш зарур. Бунда стрелка қилиб очиқ ҳаво, ёмғирли, қорли, булутли ёки Қуёш чараклаб турса уни акс эттириб, болалар ёрдамида ҳавонинг ҳолатини стрелкани айлантириб кузатиб боришлари мумкин. Табиат календари ёрдамида болалар табиатда бўладиган мавсумий ўзгаришлар билан танишадилар, унинг содир бўлиш сабабларини ўрганадилар ва энг муҳими, табиат билан танишиб, унинг қонуниятларини билб оладилар.

## IV бөб. ИНСОН ВА ЖОНЛИ ОРГАНИЗМЛАР

Инсон күз очиб ақлинни танибдики, табиат қучоғида яшайды, ҳаёт кечиради. У табиат яратган битмас-тұғанмас бойлик-лардан үз әхтиёжларини қондирис мақсадида фойдаланади.

Табиатдаги мавжуд биоценозлар инсоннинг бевосита таъсири натижасида үз шаклини, майдонини үзгартирмоқда. У сунъий рельеф шакллари ясайды — құрғонлар, кутармалар, туғонлар қуради, каналлар, ариқлар зовурлар қазиб, биоценозларнинг умумий ҳолатига таъсир қиласы.

Одамнинг жонли табиатта таъсири ниҳоятда катта ва хилма-хилдир. Бу таъсир: 1) сон-саноқсиз организмларни йүк қилиншда; 2) организмларни урчитишида ва уларни күпайтиришда; 3) организмларнинг яғни зот ва навларини яратишида, 4) ҳайвонлар ва үсимликларни Ер юзи бүйлаб тарқалиши кабиларда намоён бўлади.

Бундан бир неча аср илгари Ер шаридаги үрмонлар майдони 7200 млн гектарга етар эди, ҳозирги вақтда унинг майдони 4100 млн гектардан ошмайди. Ер шаридаги маданий үсимликлар экиладиган майдон 9500 млн гектардан ортиқроқни ташкил этади. Бу ерларнинг қарийб ярмисига 4 хил экин: буғдой — 20%, маккажұхори — 10%, шоли — 9% ва сули 7% экилади. Инсон ер шаридаги манзаралы үсимликларни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси бўлиб 1500 хилдан ортиқ үсимлик тури ва жуда куплаб ҳайвон зотларини урчиши натижасида маълум географик муҳитга эга, яхши мослашган ва экишдан ҳамда урчишидан киши үз олдига қўйган мақсадларда энг яхши жавоб берадиган (гүшт, жун, сут, тола, мева, үсимлик мойи, доривор, витаминылы ем-хашак) үсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиб, ўзи яшайдиган муҳитда күпайтириб борди. Одам 30 мингдан ортиқ буғдой, 10 мингдан ортиқ олма нави, 400 тача қорамол, 250 дан ортиқ қўй, 150 та от, 400 тача ит зоти ва бошқаларни яратди.

Бу шуни кўрсатадики, инсон доимо изланишда, яратишида-дир. Мавжуд табиий биоценозлар ҳам инсон таъсири остида үзгариб, янги-янги географик муҳитни, үсимликлар қопламини ҳосил қилмоқда.

Табиат яратган кўргина биоценозлар ҳозир үз ташқи қиёфасини үзгартирмоқда. Бундай олиб қарагандага, ҳозир ер юзида инсон оёғи етмаган, у ернинг үсимлик ёки ҳайвонот оламини маълум даражада үзгартирмаган бўлсин.

Ҳозир тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, табиатимизда инсон қадами етмаган жой йўқ. Инсон қаерда ҳаёт кечириб яшар экан, у ўша муҳитнинг үсимлигига, ҳайвонот оламига маълум даражада таъсир қиласы.

Инсон қўли билан яратилган, янги экинлар экиб ўзлаштирилган, турли хил дараҳт, буталар, үсимликлар экилган майдонларни биоценозлар деб айтилади. Ҳозирги вақтда бизнинг

ўлкамизда, серқүёш Узбекистонимизда бундай биоценозлар сони жуда кўп. Ҳар йили уларнинг сони, тури ва майдони кўпайиб бормоқда. Биргина Ўзбекистоннинг ўзида Фарғона водийсида, Қарши ва Бухоро чўлларида, Сирдарё, Хоразм воҳаларида ўзлаштирилган чўллар, унинг ўрнига барпо этилган янги ўрмонзорлар, пахтазорлар бунинг ёрқин далилидир.

Бундай биоценозлар фақат катта-катта майдонларда эмас, кишлоқ ва шаҳарлар ичидаги ҳам барпо этилмоқда. Бунга мисол қилиб ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда 3—4 тадан барпо этилган парклар — боғларни, дам олиш хиёбонларни кўрсатиш мумкин. Масалан, биргина Тошкент шаҳрида ана шундай боғлардан 4 таси, Самарқанд шаҳрида 3 та, Каттақўрғон район марказида 2 та, Нурота район марказида 1 та ва бошқа ўнлаб, юзлаб боғларни мисолга келтириш мумкин.

Мавжуд биоценозларда экилаётган турли хил дараҳт, бута, кўп йиллик ва бир йиллик ўсимликлар ҳам неча асрлар мобайнида кишилар томонидан ёввойи ўсимликларни иқлимлаштириб маданийлаштирган. Маданий ўсимликларнинг ватани жуда кўп. Улар Ер шарининг турли иқлими зоналарида экилиб маданийлаштирилиб, кейин турли воситалар ёрдамида бошқа мамлакатларга, қитъаларга тарқатилган. Буни биринчи бўлиб таникли ботаниқ, биология фанлари доктори, профессор Николай Иванович Вавилов (1887—1941) аниқлаб, маданий ўсимликларнинг ватанини, қайси ердан тарқалганини очиб берди. Масалан, буғдой, карам, пиёз, лавлаги, шолғом, нұхат, зигир, зайдун дараҳтларининг ватани Африка, Миср, Хитой ва Шарқий Европа бўлган, ғўза, ток, олма, арпа, каноп каби ўсимликларнинг ватани Марказий Осиё бўлса, бодринг, шоли, тут, апельсин, шакарқамаш кабиларнинг ватани — Хитой, Япония, Хиндистон бўлган. Мандарин, чой, тариқ, турп, сояларнинг ватани Шарқий Осиё деб, маккажӯҳори, қалампир, ошқовоқ, тамаки, помидор, қовун дараҳти кабиларнинг ватани Марказий Америка, картошка, какао, ананас, бўёғли дараҳтларнинг ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Умуман, Н. И. Вавилов маданий ўсимликларнинг ана шулардан иборат 8 та манбаи мавжудлигини аниқлаб берди.

Ўсимликлар дунёси — ердаги ҳаёт манбай, деб бежиз айтилмаган. Агар ер юзида ўсимликлар бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмас эди. Автотроф ҳисобланган бу жонли организмлар ердаги жамики жонзотнинг, ҳайвонлар, микроорганизмлар, одамларнинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Анорганик моддаларни органик моддаларга айлантириш қобилиятига эга бўлган ўсимликлар Қуёш ёруғлигидан фойдаланиб, фотосинтез жараёнини амалга оширади.

Кислороднинг ҳосил булиши Ерда ҳаётнинг мавжудлигини, унинг ривожланиб туришини таъминлайди.

Ўсимликлар атмосфера ҳавосининг газ таркибини бошқаради. Атмосфера ҳавоси таркибида  $\text{CO}_2$  камлиги (0,03%) ўсимликлар ҳаёти билан боғлиқдир, яъни ҳозирги атмосфера ҳа-

восининг жонли организмларнинг узоқ геологик даврлар мөбайнидаги ҳаёт фаолиятининг натижасидир.

Ўсимликлар ҳавони карбонат ангидрид билан бойитади ва чангдан тозалайди, ҳавони инсон ҳаёти учун фойдали фитонцидлар — учувчан моддалар билан таъминлайди. Маҳаллий иқлим ва микроиқлим кўп жиҳатдан ўсимликларга боғлиқ.

Ўсимликлар айрим фойдали қазилма бойликларнинг ҳосил булишида ва тупроқ қопламишининг таркиб топишида актив иштирок этади. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқатнинг катта қисмини, саноат учун хом ашёни, чорва моллари учун ем-хашакни ўсимликлар беради. Кўпчилик дори-дармонлар ўсимликлардан олинади.

Ўсимликлар ер юзидаги оқар сувлар ва ер ости сувлари режимига таъсир кўрсатади. Тупроқни шамол ва сув эрозияларидан сақлайди.

Ўсимликлар кўпчилик ҳайвон ва паррандалар учун ҳаёт макони ҳисобланади. Табиий географик комплексларнинг морфологик ва функционал структураси ўсимлик дунёси характеристига боғлиқ. Ўсимликларнинг инсонга маънавий озиқ бериш хусусияти — эстетик завқ бериш манбаси эканлиги, меҳнат таълими беришда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини айтиш керак.

### ОЗИҚ-ОВҚАТ ЎСИМЛИКЛАРИ

Инсон ҳаётида озиқ-овқат бўладиган ўсимликлар жуда катта аҳамиятга эга. Ер шарида кишилар дастлабки ҳаёт кечириш даврларида ёк улар озиқ-овқат бўладиган ўсимликларни излаб топганлар, уларни маданийлаштирганлар. Озиқ-овқат бўладиган ўсимликлар инсон ҳаётининг турли эҳтиёжларини қондирган. Шу сабабли уларни парваришлаш, кўпайтириш кишиларнинг энг муҳим ишларидан бўлиб келган. Масалан, ўсимликлардан углеводлар, турли витаминлар, мойлар ва бошқа нарсалар олинган.

Озиқ-овқат бўладиган ўсимликларга буғдой, шоли, арпа, тариқ, жӯхори, нӯхат, мош, ловия; ҳўл меваларга: олма, ўрик, нок, шафтоли, беҳи, ёнғоқ, олча кабилар, резавор-мевалиларга: ертут, шотут, балхи тут кабилар; сабзавотларга: помидор, бодринг, сабзи, карам, бақлажон, қалампир, пиёз лавлаги кабилар; витаминлilarга: петрушка, сабзи, помидор, бодринг, лимон, апельсин, узум, ўрик, олма, анжир, қовун, тарвуз, салат; исмалоқ, отқулоқ кабилар; ёқимли-хушбўй ўсимликларга ялпиз, райҳон, кийикўт, қизиларча, қорақанд, зира, кашнич, маврак, арпабодиён кабилар киради.

Буғдой озиқ-овқат ўсимликлари ичida биринчи ўринда туради.

Буғдой дунёдаги ғалла экинлари майдонининг қариёб ярмини эгаллайди. У ер юзининг деярли ҳамма жойида экилади. Буғдой энг қадимги маданий ўсимликлардан бири. Бизда буғ-

дойнинг ажойиб навлари жуда куп. Масалан, «Қизил буғдой», «Қизил шарқ», «Красная звезда», «Қылтиқсиз — 1», «Ватан», «Сурхон-5688» каби навлари экиласди.

Шоли — галладошлар оиласига киравий, Ўзбекистоннинг энг характерли озиқ-овқат экинларидан бири. Шоли бошқа галладошлардан сув муҳитида ўсиши билан фарқ қиласди.

Шоли жумҳуриятимизда қадимдан экиласди. Ўзбекистонда шоли асосан Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ўстириласди. Экиладиган асосий навларига Узрос — 7», «Узрос — 7—13», «Ўзбекистон — 15», Арпа шоли, «Дубовский — 129» кабилар киради.

Шолидан ўзбек халқининг севимли миллий таоми-палов тайёрланади.

### ВИТАМИНЛИ ҮСИМЛИҚЛАР

Витаминлар үсимликларнинг барги, гули, илдизи, меваси, пояси таркибида бўлади. Витамин А — каротин моддаси қизил забзи, салат, исмалоқ, отқулоқ, кўк пиёз, карам, помидор, ўрик, олхўри кабиларда, В группа витаминлар карам, картошка, пиёз барги ва буғдой мағзизда, витамин С асосан, наъматак мевасида, витамин Д замбуруғларда, витамин Е галлада, витамин К яшил баргларда, помидорда бўлади. Уларнинг энг кўп тарқалган вакилларидан бири сабзидир.

Сабзи соябонгулдошлар оиласига мансуб, икки йиллик үсимлик. Биринчи йили тупбарг чиқариб илдиз мева, иккинчи йили гулпоя чиқариб уруғ беради. Илдиз меваси серсов, навига қараб думалоқроқ, цилиндрический бўлиб, оғирлиги 40—200 г кслади.

Сабзи таркибида 1,1% азотли моддалар, 0,2% ёг, 9,2% углеводлар, 25 мг% каротин ва А, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР витаминлари бор. Шунга кўра сабзи ҳам витаминли, ҳам севимли озиқ-овқат үсимлиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда сабзининг мушак, сариқ мирзойи, қизил мирзойи, мирзойи мушак, шантан каби навлари экиласди.

### ХУШБҮЙ ҮСИМЛИҚЛАР

Айрим үсимликларнинг органларида (гули, уруғи, меваси, барги ва бошқалар) ёки танасида хушбўй моддалар (кўпинча эфир мойлари) мавжуд. Үсимликларнинг хушбўйлиги эфир мойларининг миқдори, таркиби ва сифатига боғлиқ. Одатда уларни эфир мойли ёки хушбўй үсимликлар деб аташади. Хушбўй үсимликлар озиқ-овқатга солинади ва дори тайёрлашда, атторликда, пазандачиликда фойдаланилади. Хушбўй үсимликларнинг 1000 дан зиёд тури маълум бўлиб, Ўзбекистонда эса 233 тури бор. Буларга атиргул, ёронгул, марварақ, зира, арпабодиён, ялпиз, лимонут, жамбил, лавр, розмарин ва бошқалар киради.

Зира — соябонгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик хуш-

бүй зиравор ўсимлиқ. Бүйи 40—60 см. Поясининг ярмидан юқориси шохланган. Илдизи тугунакли. Барги ипсимон бўлакларга бўлинган. Гуллари оқ, майда. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг адирларида кўп ўсади. Уруғи майда, қорамтири-қўнғир, жуда хушбуй. Таркибида 2,75—3,0% эфир мойи бор.

Арпабодиён — соябонгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда оддий арпабодиён экилиб, унинг пастки барглари бўйраксимон, йирик, арра тишли, юқоригила-ри ипсимон бўлакчаларга бўлинган. Гуллари майда, оқ, мурракаб соябонга тўплланган. Унинг меваси таркибида 3,2%, баъзан 6% гача эфир мойи ва 28% гача бошқа мойлар бор. Эфир мойи таркибида 90% гача анетол бўлади. Арпабодиён меваси ва эфир мойи озиқ-овқат сифатида кенг истеъмол қилинади.

## ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Инсон қадимдан доривор ўсимликлар билан ўз касалликларини даволаб келган. Ўсимлик маҳсулотлари ва улардан тайёрланган дорилар турли касалликларда маълум миқдорда ичирилади. Табобат илмининг шохи Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний bemорларни даволашда асосан ўсимликлардан тайёрланган дорилардан фойдаланганлар.

Ўсимликлардан тайёрланган дори ҳалқ табобатида жуда қадрланган. Ҳалқ уни эъзозлаган. Дарҳақиқат, бу табиий. Чунки ўсимликлардан тайёрланган дори организмда ~~хел~~ қандай асорат қолдирмайди. Шуни айтиш керакки, мавжуд фойдаланиб келинаётган доривор ўсимликлардан ташқари, ҳали ҳайтимиизда, биз яшайдиган муҳитда ўз сирини инсондан яшириб келаётган, уларнинг хусусияти ҳали фанга, ҳалққа, табобат дарғаларига маълум булмаганлари анчагина. Шунга кўра бизнинг ҳам вазифамиз мавжуд шифобахш ўсимликларни топиш, уларни аниқлаш, асрар, қўриқлашдан ташқари, бу соҳада очилмаган, ўрганилмаган доривор ўсимликларни излаб, уларни ёшларга таништиришдан иборатdir.

Ўзбекистонда ўсадиган асосий шифобахш ўсимликларга исириқ, анор, чойт, андиз, қоқиут, зубтурум, отқулоқ, лагохилус, оққурай, омонқора, наъматак, жағ-жағ, тоғ рапиён, гулхайри, аччиқмия, янтоқ, шувоқ, ўрик, бодом, ёнғоқ, писта, жийда, жилонжийда кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хозир ер юзида доривор ўсимликларнинг 12 мингдан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 577 тури аниқланиб, шундан 115 тури илмий медицинада ишлатилмоқда.

Доривор ўсимликларни йигишда, уларнинг қайси органи кераклигини билиб, сўнгра йиғиш мақсадга мувофиқдир. Барги, танаси, гули йиғилганда гербарий қилиниб, яхшилаб қу-

ритилади. Илдизи, пиэзбоши, меваси йигилганда аввал қуритиң махсус идишларга солиб түпланади.

Доривор ўсимликлардан күпчилигини боғча участкаларида экиб құкартииш мүмкін. Масалан, наъматак, зубтурум, қоқиұт, отқулоқ, жағ-жағ, анжир, ўрик, беҳи, узум, ёнғоқ, балхи тут ва башқалар.

Оққурай — дуккакдошлар оиласига мансуб, күп йиллик ўсимлик. Үннинг илдизи ва мевасидан песни даволашда құлланыладиган псорален препарати олинади. У халқ медицинасида кенг құлланылади. Оққурай асалга бой ўсимлик ҳамдир.

Исириқ — тұятовондошлар оиласига мансуб, күп йиллик ўсимлик. Үндан 15 хил алкалоид ажратып олинаётір. Шунингдек, үндан гармалин, гармин, леганин, дезактивациян алконоидлари олинади.

Халқ табобатида исириқдан тайёрланған қайнатмадан бод, құтириш ва башқа касаллilikларни даволашда фойдаланылади. Исириқдан тайёрланған дамлама безгак, тутқаноқ, томоқ оғриғи, асаб, үйқусизлик каби касаллilikларга қарши дори сифатида ишлатылади.

Исириқни халқимиз минг дардга даво, деб бежиз айтмаған. Айниқса, үннинг қуриган барғ, поя ва мевасини қиши пайтлари кишилар махсус идишларда тутатыб, грипп касалиға қарши фойдаланышған.

Анор — анордошлар оиласига мансуб, күп йиллик бута Илдиз пұстлогидан гижжани ҳайдашда, мева ширасидан меъда-ичак касаллilikларини даволашда фойдаланылади. Илмий медицинада илдиз ва поя пұстлогидан олинған препараттар лентасимон гижжаларни ҳайдашда ишлатылади. Мева пұстлогидан меъда-ичак касаллilikига буриширувчи дори сифатида фойдаланылади.

Анжир — тутдошлар оиласига мансуб, күп йиллик бута Барғи тери касаллilikларини даволаш, сұгал ва теридаги доғларни йүқотиша ишатылади. Анжир меваси жигар, талоқ касаллilikини даволашда, сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланыб келинған. Үннинг хом мевасини қуритиб, майдалаб, куқунини бошдаги яраларни даволашда ишлатышған. Мева ширасини буйрак-тош касаллilikини даволашда ва құкрак касаллilikларыда оғриқ ва йұтал қолдирувчи дори сифатида ишлатындар.

Илмий медицинада анжир мевасидан тромбоэмоля касаллigidи, барғидан олинған псоберандан пес касаллilikини даволашда фойдаланылған.

Балхи тут — тутдошлар оиласига мансуб дараҳт. Халқ табобатчилигіда барғ қайнатмаси ангинада, мевасини ва мева ширасини оғиз ва томоқдаги шишиларни, дизентерияни даволашда ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланылади. Үннинг меваси витаминга бой бўлиб, жигар касаллiği, камқонликда қадимдан кишилар томонидан фойдаланиб келинған.

## ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ

Саноатнинг турли тармоқлари учун хом ашё сифатида устиянилган ўсимликларга техника экинлари дейилади. Техника экинларига толали (ғұза, каноп, зигир, жут), крахмалли (картошка, батат), қанды (шакарқамиш, қанд лавлаги), мойли (күнгабоқар, канакунжут, ерөнгоқ, соя, махсар, хантал), ошловчи (скумпия, бадан, эман), пұқакли (пұқакли дуб, амур баҳмал дарахти) ва бошқа ўсимликлар киради.

Техника экинларидан ғұза, зигир, рами ва канопдан тола олиш билан бир қаторда мой ҳам олинади, рүяқ, күкноридан доривор сифатида фойдаланылади.

**Ғұза** — гулхайридошлар оиласига мансуб, бир йиллик ўсимлик. У қимматбаҳо техника ўсимлиги ҳисобланыб, тола берувчи муҳим хом ашё экини сифатида әкілади.

Пахта толасидан кийим тиқиңда фойдаланишидан ташқары электр, авиация, автомобиль саноатларыда ишлатылады. Газламалар олинади. Үндән портловчи моддалар, қофоз, пахта, ип, ойна, кинолента, сунъый ипак ҳам олинади. Унинг чигитидан совун, техник мой, турли хил химиявий моддалар олинади.

**Зигир** — зигирдошлар оиласига мансуб, бир йиллик техника экини. Толаси ва мойи учун әкілади. Пүстлөгидан лента шаклида тола ажратып олинади. Гектаридан 7—8 ц тола ва үшанча миқдорда уруғ ҳосили беради. Зигир толасидан автомобиль, авиация, резинка ва пойабзал саноатыда, уруғидан озиқ-овқат саноатыда фойдаланылади. Бизда зигирнинг 5 түри әкілади.

**Каноп** — ғұзадошлар оиласига мансуб, луб толали, бир йиллик ўсимлик. Үзбекистонда асосан Тошкент вилоятіда үстірилади. Унинг **куруқ** поясидан 16—18% гача тола чиқади. Каноп толаси ингичка, майнан ва пишиқ, үндән асосан қоп, үров материаллари, брезент, каноп тайёрланади. У асосан субтропик мамлакатларда үсади.

## ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИ

Чорва моллары истеъмол қыладынан ўсимликлар *ем-хашак экинлари* деб айтыванды. Ем-хашак экинлари ўз навбатыда табиий ем-хашак экинлари ва маданий ем-хашак экинларига бўлинади.

Табиий ем-хашак экинларига биз яшайдын муҳитда, табнатда узоқ вақтлардан бери үсиб келаётган ва чорва моллары: қўй, эчки, сигир, от, тuya, эшаклар севиб истеъмол қыладиган табиий ўсимликлар киради. Бундай ўсимликлар каррак, читир, қўнғирбош, шувоқ, нухатак, янтоқ, изень, чалов, саксо-вл, шўра, қашқарбеда, қандим, чўғон ва бошқалардир.

Бу хилдаги табиий ем-хашак ўсимликлари жумҳуриятимиз яйловларидан, қир-адирларда, баъзан боғчалар атрофида үсиб ётади.

**Маданий-ем-хашак** экинлари деб чорва молларига бериш учун кишилар томонидан экиладиган ўсимликларга айтилади. Буларга себарга, беда, маккажұхори, оқжұхори, хашаки лавлаги, ғалла сомони, рапс, арпа, сули, райграс, шабдор, эспар-цет кабилар киради. Ем-хашак экинлари таркибидаги озиқ бирлиги билан, яғни уларнинг таркибида қанчалик протеин, азотсиз экстрактив моддалар, ёғ, минерал моддалар, клетчатка ва құритилмаганда күп миқдорда каротин, витамин А, С, Е ларнинг борлиги билан қадрланади.

**Қаррак** — мураккабгулдошлар силасига мансуб, бүйи 60—100 см га етадиган күп йиллик ўсимлик. Барглари қирқилган, учи тиканли, остки томони оқ тукчалар билан қопланган.

Чорва моллари уни бутун йил давомида баҳорда ҳам, куз ва қиша ~~ҳам~~ иштача билан ейди. Чорвадорлар ҳар йили карракни йиғиб олиб, ундан катта ғарамлар уядилар ва қиши бүйи күй, әчки ҳамда қорамолларни хашак билан таъминлайдилар.

**Шувоқ** — мураккабгулдошлар оиласига мансуб күп йиллик чала бута. Бүйи 40—80 см гача етади. Барглари майды, оқ тукчалар билан қопланган. Шувоқнинг ёвшон, эрмон, шеролгин, оқшувоқ, жусан каби турлари ~~ҳам~~ булиб тоғ этакларида ва چұлда күп ўсади. Шувоқ чорва моллари учун түйимли озиқ ҳисобланади. Уни чорва моллари йил бүйи истеъмол қилади. Чорвадорларнинг фикрича шувоқзор яйловларида боқылған қоракүл құйларидан энг қимматли шабдор, антиқа, сур, күк, қора қоракүл терилар олинади.

**Беда** — дуккакдошлар оиласига мансуб, бүйи 50—120 см га етадиган күп йиллик ўсимлик. Гули сариқ, яхши ривожланган. Ҳозир унинг 100 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 20 га яқин беда тури учрайди. Булардан 5 таси экилади. Шулардан «куқбеда», «сариқ беда», «Тошкент — 3182», «Тошкент — 1», «Самарқанд» деб номланган турлари бутун республикамиз бүйлаб экилади. Уни барча чорва моллари йилнинг ҳамма фаслида хуш күриб ейди. Ундан күплаб ем-хашак олинади. Чорвачилик асосан беда ҳисобига ривожланмоқда. Беда асалга бой ўсимликлардан ҳисобланади.

**Маккажұхори** — бошоқдошлар оиласига мансуб, бүйи 3—4 м гача борадиган бир йиллик ўсимлик. Илдизи патаксимон, барглари кенг наштарсимон. Сутаси донли, сер шира бұлади.

Уни чорва моллари севиб ейди. Айниқса маккажұхоридан тайёрланған силос чорва молларининг қишки хүшхұр емиши ҳисобланади. Маккажұхорининг ватани Марказий ва Жанубий Америка. Унинг 117 нави маълум. Ўзбекистонда маккажұхорининг ВИР-338, ВИР-42, ВИР-156, Краснодар 1—49 дурагайлари экилади ва юқори ем-хашак ҳосили олинади.

## АСАЛЧИЛ ҮСИМЛИКЛАР

Асалчил үсимликлар деб гулидан шира (нектар) олувчи үсимликларга айтилади. Улар гуллаш даврига қараб кўкламги, ёзги ва кузги турларга бўлинади. Улар табиатда табиий ҳолда ўсиб ётади, кишилар томонидан маданий ҳолда турли мақсадларда экилади. Асалчил үсимликларни ўрмон, боғ, дала, ўтлоқ, тоғларда, мевали, резавор-мевали, дон, ем-хашак, мойли, техника, доривор үсимликлар сифатида ўстирилади. Ўлкамизда 1000 дан ортиқ асалчил үсимликлар тури бор. Шулардан 400 га яқини Ўзбекистонда учрайди. Бундай асалчил үсимликларга оққурай, ғұза, бұтакұз, беда, эспарцет, қашқарбеда, бурчоқ, олма, олча, олхұры, оқ акация, заранг, аргуфон, полиз ва сабзавот экинлари, доривор үсимликлар киради. Асаларилар 1 га майдондаги ғұзадан 50 кг, 1 га бедазордан 270 кг, 1 га олмазордан 45 кг, 1 га майдондаги сабзавот ва полиз экинларидан 30 кг асал тўплаши мумкин.

Эспарцет — дуккакдошлар оиласига мансуб, бўйи 30—60 см га етадиган бир йиллик асалчил үсимлик. Гули пушти-қизил, куп гулли узун шингилга йигилган. Ҳашаротлар, айниқса асаларилар ёрдамида чангланади. Ундан юқори сифатли асал олинади. У тоғ этакларида, чул зоналарида күп усади.

Қашқарбеда — дуккакдошлар оиласига мансуб, бўйи 1—3 м га етадиган икки йиллик үсимлик.

Пояси сершох, барги учбurchакли, гуллари майда, сариқ ёки оқ шингилга йигилган. Ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Асалчил үсимлик. У тупроқнинг унумдорлигини ҳам оширади. Шу сабабли ундан ерларни алмашлаб экишда кенг фойдаланилади.

## МАНЗАРАЛИ ҮСИМЛИКЛАР

Манзарали (декоратив) үсимликлар инсон яшайдиган муҳитни, шароитни безатувчи, кишига эстетик завқ берувчи үсимликлардир. Улар шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, истироҳат боғлари, боғчаларни, мактабларни ва турар жойларни безатиш учун ўстирилади.

Манзарали үсимликлар биологик хусусиятлари ҳамда агротехника талабларига қараб, дараҳт ва буталарга, кўп йиллик, икки йиллик, бир йиллик, пиёзбошли ва бошқа гуруҳларга бўлинади.

Манзарали дараҳт ва буталарга япроқли, игна баргли, доим яшил ва баргини тўкувчи үсимликлар киради. Хиёбонларга, ўйл ёқаларига, ҳовуз ва қўл бўйларига эман (дуб), каштан, чинор, акация, оқ қайнин, мажнунтол, терак, сарви, оқ қарағай, дўлана, арча, боғча шийпони ва айвони атрофларига илашиб ўсувлilar — ток, чирмовуқ ва бошқалар экилади.

Кўп йиллик манзарали үсимликларга истироҳат боғлари, хиёбонларда, боғча участкаларида ўстириладиган, сергул, сер-

барг ва меваси манзарали ўсимликлар киради. Илиқ иқлимли мамлакатларда кўп йилликларнинг қишида, очиқ далада қоладиган ва кўчириб олиб иссиқ хонада сақланадиган хиллари бор. Баъзи кўп йилликлар совуқ иқлимли районларда бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади. Масалан, агератум, петуния, настурция ва бошқалар. Улар баҳорда илдизи, илдизпоя, туғунаги, пиёзча куртаклари ёрдамида ўстирилади.

Икки йиллик манзарали ўсимликлар гуллари хушманзара булиб, биринчи йили тўпбарг, иккинчи йили гул ва мева ҳосил қиласди. Бу гуруҳга, шунингдек, икки йиллик сифатида ўстириладиган баъзи кўп йиллик ўсимликлар ~~хам~~ киради. Булардан асосан гулзор барпо этишда фойдаланилади. Ўсимлик уруғидан, баъзан қаламчасидан кўпайтирилади.

Бир йиллик манзарали ўсимликлар уруғидан экиладиган ва ўсув даври бир йил давом этадиган ўсимликлардир. Буларга қўқонгул, хинағул, тирноқгул, кўкноригул, настурция, петуния, тамакигул, баҳмалгул, икомея, гултоҷижӯroz,райхон, хушбўй нұхат ва бошқалар киради.

Пиёзбошли манзарали ўсимликлар пиёзгулдошлар, чучмомагулдошлар оиласига мансуб булиб, манзарали боғдорчиликда кўпайтирилади. Буларга бойчек, лола, қизил лола, нарғис, гулисумбул, пиёзгул ва бошқалар киради. Улар асосан пиёзбошчалари ёрдамида кўпайтирилади.

### ХОНА ЎСИМЛИКЛАРИ

Ҳозирги пайтда ҳеч бир хонадон, ҳеч бир корхона, болалар боғчаси йўқки, унинг деразаси ёнида ранг-баранг гуллар бўлмаса. Хона ўсимликлари уйга безак, чирой беради.

Хона ўсимликлари камдан-кам ~~ҳолда~~ уруғидан кўкаради. Улар хона шароитида яхши кўкариб гулласа ҳамки, кам уруғ беради. Хона ўсимликлари асосан вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Бунинг учун кўпгина ўсимликлар шохчаси, барги, пиёзчаси, туғунаги, қаламчаси ёрдамида кўпаяди. Хона ўсимликлари келиб чиқиши жиҳатидан субтропик ва иссиқ ўлкаларнинг ўсимлигидир. Илиқ ўлкаларнинг иқлимига мослашган хона ўсимликлари бу ерга келтирилгандан кейин ~~ҳам~~ ўз ватанидагидек иқлим шароитига эга бўлади. Хонада қуёш ёруғлиги кучли эмас, иссиқлик ўртача даражада бўлади. Хона ўсимликларининг дала, участка, очиқ майдондаги ўсимликлардан фарқи ҳам ана шунда.

Хонада ўстириладиган ўсимликларнинг тури жуда кўп булиб, уларга ёронгул, бегония, хлорофитум, кактус, алоэ, сансевьера, каланхоэ, бриофиллум, кливия, циперус, хитой атиргули, хонаки ток, сеткрезия, аспидистра, сарсабил, бальзамин, колеус, қирққулоқ, традесканция, фукция, цикламен ва бошқалар.

Бу ўсимликларни сувга нисбатан бўлган талабига қараб З гуруҳга булиш мумкин: сувни кам, ўртача ва кўп талаб қиласдиган ўсимликлар, сув кам талаб қиласдиганларига сансевьера,

кактус, алоэ, бриофиллюм; уртача талаб қиласынларига цикламен, фикус, фиалка, сеткрезия, плюш, кливия, каланхө, ёронгул, хонаки тоқ, бегония, аспидистра, сарсабил, күп сув талаб қиласынларига циперус, хлорофитум, фукция, традесканция, колеус ва бошқалар киради.

Сув кам талаб қиласын (чүлда үсүвчи) ва серсув үсимликлар (кактус, алоэ), циперус, хлорофитум, фукция, сабур, агавалар жанубга қараган деразаларда яхши ривожланади Шимолга қараган деразаларда ҳар хил қирқүлоқлар, игна баргли үсимликлар үсади. Хонада баъзи үсимликлар, масалан, лимон, қалампир ва мандаринлар ҳам үстирилади.

### ЗАҲАРЛИ ҮСИМЛИҚЛАР

Заҳарли үсимликлар ўз органларида алколоидлар, глюкозидлар ва органик кислоталар сақлайди. Үсимликларнинг заҳарлилиги уларнинг таркибидаги химиявий моддаларнинг турига ҳамда миқдорига боғлиқ. Алкалоидлар углеродли биримлардан ташкил топган бўлиб, таркибида азот моддаси сақлайди ва ишқорий муҳитда бўлгани туфайли кислоталар билан туз ҳосил килиш қобилиятига эга. Шу сабабли, кўпинча алкалоидлар үсимликлар таркибида туз ҳолида учрайди. Глюкозидлар фермент ёки сув таъсирида қанд ва аглютин моддаларига парчаланади. Кўпчилик глюкозидлар юракнинг иш фаолиятига таъсир этади.

Заҳарли үсимликлар таркибида отқулоқ, филикс, лимон, олма, янтар ва бошқа органик кислоталар бўлади. Бу кислоталардан энг заҳарлиси синил кислота бўлиб, аглютин каби таъсир қиласи. Шунингдек, баъзи эфир мойлари ҳам инсон организмига таъсир этиб, бошни оғритади ва кўнгилни айниятади.

Агар үсимликлардаги заҳарли моддалар ҳайвон ёки одам организмига ўтиб қолгудек бўлса, улар организмга ҳар хил таъсир қилиб, нерв системасининг фаолиятини ўзгартиради ҳамда заҳарлайди.

Үсимлик таркибидаги заҳарли моддалар ҳам уларнинг үсиш шароитига, ривожланиш даврларига, ёшига ҳамда тарқалишига қараб ўзгариб туради. Масалан, оқпарпи үсимлиги заҳарли бўлиб, у ҳар йили манзарали үсимлик сифатида үстирилганда, бир неча йилдан сўнг заҳарсиз үсимликка айланиши мумкин. Заҳарли үсимликларни билмаслик ва уларга етарли эътибор қилмаслик натижасида заҳарланиш ҳоллари рўй бериши мумкин. Айниқса, унинг баъзи турлари боғча ҳовлиларида, участкаларида үсиб ётади. Болалар билмасдан уни ушлаши, оғзига солиши мумкин. Бу ёмон оқибатларга олиб келади, албатта. Шу сабабли биз қўйида жумҳуриятимиз териториясидаги энг кўп тарқалган айрим заҳарли үсимликларни эслатиб ўтамиз. Улар балладонна, бангидевона, пиретрум, учма, айнқотовон, қизғалдоқ, аччиқмия, оқпарпи, кампирчопон, какра,

оқмия, сутлама, тұгмабош, қорамуг, мингдевона, тошбиюрғын  
ва бошқалардир.

**Учма** — айиқтовондошлар оиласига мансуб, бүйі 3—10 см  
келадиган бир йиллик үт. Барги бандли, панжасимон, уч бў-  
лакли. Гуллари майда, оч сариқ рангли. Меваси тукчали, ўроқ-  
симон эгилган, учли. У март-апрелда гуллаб, уруғи май ойида  
пишади. Учма жумхуриятимизнинг ҳамма вилоятларида, тоғ  
этагида, ариқ буйларида, бօғча ҳовлиларида, деворлар атро-  
фида учрайди. Унинг меваси заҳарли булиб, қуритилгач, за-  
ҳарлилик хусусиятини йўқотади.

**Кампирчопон** — гавзабондошлар оиласига мансуб, илдизи  
яхши тараққий этган, пояси тарвақайлаб үсадиган кўп йиллик  
усимлик. Ўсимликнинг танаси, барги, гули қалин, майнин тук-  
лар билан қопланган. Барги узун (3—8 см), гули кўқимтири  
рангли, кейинчалик пушти ранга айланади. Кампирчопон май-  
ионъ ойларида гуллаб, уруғи июнь-июлда пишади. Заҳари  
унинг уруғи таркибида бўлади. У чорва моллари, айниқса  
одамлар учун хавфли булиб, тоғ этакларида буғдой, арпа ичи-  
да ва ариқ буйларида кўп үсади.

**Бангидевона** — томатдошлар оиласига мансуб бир йиллик  
үт. Пояси говак. Барги йирик, тиҳсимон қиррали, гуллари оқ.  
Меваси яшил тиканлар билан қопланган тухумсимон қўсак.  
Майдан сентябрь ойигача гуллайди, июлдан бошлаб меваси  
етила бошлайди. Экинлар орасида, ташландиқ ерлар ва ахлат  
тўклиладиган жойларда, йўл ёқалари, уватларда, бօғча ҳовли-  
сида, участкасида ўсиши мумкин. Барги, пояси ва илдизи, ай-  
ниқса меваси заҳарли. Унинг мевасини болалар билмай еб  
қўйса оғир оқибатларга олиб бориши мумкин. Баргидан тай-  
ёрланган дорилар нерв системасини тинчлантирувчи сифатида  
спазмга қарши, наркотик препаратлар сифатида невралгия ва  
ревматизм касалликларини даволашда ишлатилади.

### ХОНАКИЛАШТИРИЛГАН ҲАЙВОНЛАР

Инсон ўз ҳаётий ва хўжалик эҳтиёжларини қондириш мақ-  
садида ёввойи ҳайвонларни уй шароитига ўргатган. Ҳайвон-  
ларни хонакилаштириш бундан 10—15 минг йилча илгари бош-  
ланган деб фараз қилинади.

Ҳайвонларни хонакилаштириш жамият ишлаб чиқарувчи  
кучлари тараққиётида муҳим босқич булиб, чорвачиликнинг  
ривожланишига олиб келади.

Дастлаб ҳайвонлар қаочон ва қаерда хонакилаштирилгани  
ҳақида асосан, ибтидои одам яшаган жойларни қазиб, улар-  
дан олинган маълумотларга қараб хулоса чиқарилган. Қазил-  
ма топилмалар мезолит даврида ит, неолит даврида чўчқа, қўй,  
эчки, қорамол, кейинроқ от хонакилаштирилганлигидан дало-  
лат беради. Ҳайвонларни хонакилаштириш дастлаб Яқин ва  
Ўрта Шарқдан, кейинроқ Нил, Дажла, Ганг, Ҳинд, Амударё,  
Хуанхэ, Енисей ҳавзалари каби қадимдан деҳқончилик қилиб  
келинган ерлардан келиб чиқсан бўлса керак.

Мавжуд ҳамма уй ҳайвонлари ёввойи ҳайвонлардан келиб қан, лекин ташқи кўриниши, хулқ-одати, ички тузилиши ва маҳсулдорлиги билан ёввойи ҳайвонлардан фарқ қиласди. Бу фоқлар одам курсатган таъсир натижасидир. Уй ҳайвонлари га қорамол, қўй, эчки, шимол буғуси, туя, лама, буйвол, қўос, от, чўчқа, ит, мушук, қуён, денгиз чўчқаси, товуқ, ўрдак, из курка, цесарка, кантар, асалари, ипак қурти ва бошқалар киради. Аквариум ва ҳовузларда кўпайтириладиган баъзи балиқлар (зогора балиқ, маринка, олтин балиқ), «манзарадор» күшлар (канарейка, товус, каклик), лаборатория ҳайвонлари ҳам уй ҳайвонларига киради.

Катакда боқилаётган баъзи ҳайвонлар: холдор буғу, тулки, олмахон, нутрия, каклик, бедана кабилар ҳам аста-секин хона-килаштирилмоқда.

Қўпчилик ҳайвон зотлари одам эҳтиёжига қараб хонаки-лаштирилган ва етиширилган. Инсон дастлаб онгсиз, кейин-чалик максадга мувофиқ равишда ҳайвонлар маҳсулдорлиги-ни оширди. Масалан, ёввойи товуқ йилига 15 та тухум қилгани холда, ҳозир эса 300 тагача тухум қиладиган товуқ зотлари бор. Ёввойи қорамол йилига юз литрча сут берган, ҳозир хар бир сигирдан ўртacha 3500—4000 л дан сут соғиб олин-мокда.

Ҳайвонларни хонакилаштириш республикамизда қишлоқ хў-жалигининг бир канча тармоқларини кескин ривожлантиришга йўл очиб берди. Масалан, асаларичилик, ипакчилик, балиқчи-лик, паррандачилик, ҳайвонотчилик соҳилларини ривожланиши билан бир қаторда уй ҳайвонлари зотларини кўпайтириш истиқболлари очилди. Ҳозирги пайтда республикамиз тарақ-қиётини қишлоқ хўжалигининг бу соҳаларисиз тасаввур қилиш қийин.

**Асаларичилик** — қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси. Асал, асалари мўми ва асалари заҳари олиш ҳамда ҳашаротлар билан чангланадиган экинларни чанглатиш учун асалари боқи-лади. Асаларичилик билан ҳамма ерда, шу жумладан Ўзбекистонда шугулланилади. Асалари оилаларини кўпайтириш учун маҳсус жой ажратилади. Одатда бундай жой асалариларни қишида асрашга ҳам мўлжалланган бўлади. Бунинг учун атро-фи дарахт ва буталар билан уралган, шамол тегмайдиган жой-лар танланади. Мазкур дарахтлар айни вақтда асалчил ўсим-ликлар ҳам бўлиши керак. Шу билан бирга, улар асалари қутиларини офтобдан сақлайди. Асал олиш учун эрта баҳорда асалари қутилари тоғ этакларига, олмазор, бедазор ва ғўза пайкаллари яқинига олиб чиқилади ва то кеч кузгача шу жойда сақланади.

**Ипакчилик** ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, у ипак қурти боқиш, ипак қуртининг янги зотлари ва дурагай-лари етишириш, пилладан мўл ҳосил олиш йўлларини ишлаб чиқиш билан шугулланади. Ипакчилик ипак қуртининг асосий озиқ базаси бўлган тутчилик билан боғлиқ.

Ҳамдүстликдаги мустақил давлатларда етиштириладиган пилланинг 50% дан кўпроғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Олимлар ипак қуртининг оқ пилла үрайдиган серҳосил зот ва дурагайларини, тутнинг мул барг ҳосили берадиган навларини етиштиридилар, тут етиштириш агротехникаси бўйича катта ишлар қилинган.

**Балиқчилик** халқ хўжалигининг сув ҳавзаларида балиқ запасини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан шуғулланувчи, янги балиқ зотларини етиштириш, бошқа жойлардан олиб келинган балиқларни янги шароитга ўргатиш, сув ҳавзаларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, вояга етган балиқларни овлаш билан шуғулланувчи соҳа. Баъзи табиий сув ҳавзаларида ноқулай шароит вужудга келиши билан уларнинг балиқ запаси камайиб кетди. Масалан, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дельталарида сув режимининг ўзгариши оқибатида балиқлар камайиб бормоқда. Бизда зогорабалиқ, лаққабалиқ, қора балиқ, чуртсан балиқ, сазан, карп, олабуға балиқлари кўпайтирилиб, улардан юқори сифатли маҳсулотлар олинади.

**Паррандачилик** — етти хазинанинг бири бўлиб, чорвачиликнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Гўшт, тухум, пат ва пар етиштириш учун парранда боқилади. Гўшти учун боқилган 2—2,5 ойлик товуқ жўжаси 1,4—1,6 кг келади. Товуқлар эса 5—6 ойликдан тухумга киради. Ҳар бир товуқ йилига ўртacha 250 та тухум қиласи. Битта ўрдакдан бир йилла 70—100 жўжа (170—200 кг гўшт), 1 та курка наслидан 100—200 кг, битта ғоз наслидан эса 70—160 кг гўшт етиштириш мумкин. Парранда гўшти ва уларнинг тухумлари юқори калорияли маҳсулот саналади.

## ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Йигирманчи асрнинг бошларига келиб инсоннинг хўжалик фаолияти шунчалик кенгайиб кетди, бу ўз навбатида теварак-атрофимиздаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига катта таъсир курсатди. Инсон бу даврда мавжуд ўсимликларни беаёв қирқиши, ёқиши, янги ерлар очиш учун катта-катта ўмонзорларни йўқ қилиш билан шуғулланади. Худди шунингдек ҳайвонот оламига ~~ҳам~~ чанг солинди. Овчилик мақсадида қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар, туёқли жониворлар, қушлар, балиқлар қириб юборилди. Бу ~~ҳол~~ табиат мувозанатига таъсир қилмай қолиши мумкин эмас эди.

1914 йилда академик И. П. Бородин ташаббуси билан табиатни муҳофаза қилиш доимий комиссияси тузилди. Шундан кейин бошқа мамлакатларда ҳам шунга ўхшаш илмий ва ижтимоий ташкилотлар тузила бошланди. 1948 йилга келиб улар бирлаштирилиб, бутун дунё табиатни ва табиий ресурсларни

муҳофаза қилиш ҳалқаро иттифоқи (международный союз охрани природы) тузилди. Бу ташкилотнинг дастурига мувофиқ бўун дунё олимлари олдига бир неча йил давомида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қирилиб кетиш хавфи остида бўлган турарини аниқлаш, уларнинг биологиясини, тарқалиши ва сончи ни аниқлашдек муҳим вазифа қўйилди.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда инсоннинг табиатдан иштаги фойдаланиши оқибатида табиатда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқдаки, бу биринчи навбатда инсоннинг соғлиғига, унинг нормал ҳаёт кечиришига, келгуси авлод ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳаётий кузатишлар, илмий хулосалар асосида тўлиқ исботланган.

Бизнинг республикамизда табиатни муҳофаза қилиш масаласи давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим иш деб қаралади.

Ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилишнинг илмий аҳамияти шундаки, селекция ишларида, янги ўсимлик навларини ва ҳайвонлар зотларини яратишда, амалдаги муҳим навлар ва зотларнинг сифатини янада яхшилашда катта аҳамият касб этади.

Атроф-муҳитни, шу жумладан ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш муаммоси инсоният учун ҳеч қачон ҳозирги кундагидек ҳаётий аҳамиятга эга бўлган эмас. Кишилар табиатдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиб, унинг табиий манзарасини ўзgartириб, асрлар давомида ташкил топган биоценозига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳаётда ўсимликларсиз ҳайвонот оламини, ҳайвонот оламисиз ўсимликлар дунёсини, буларсиз инсоният тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Бу масалада жонли организмлар бир-бiri билан шундай чамбарчас боғланганки, булар бир-бiriни тўлдиради, бири бирига хизмат қилади. Бу табиат қонунидир.

Биз баъзан ўсимликларга нисбатан иштаги муносабатда буламиз, уларни беаёв қирқамиз, ёқамиз, синдирамиз. Лекин улар бизга шунчалик яхшилик қиласиди, баъзида бизлар уни унутуб қўямиз.

Шунга кўра олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири ана шу нодир, қирилиб, йўқолиб бораётган ўсимликларни асраш ва сақлаб қолишдан иборатdir. Бунинг учун ташкил этилган Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган, муҳофазага муҳтоҷ ўсимликларни аниқлаб, уларни асрашимиз ва кўпайтиришимиз керак бўлади. Бундай ўсимлик турларининг сони 400 атрофида бўлиб, улар набобот оламининг 10—12% ини ташкил этади.

Эндиликда табиатга, шу жумладан ўсимликлар дунёсига нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлишга чек қўйиш пайти келди. Бунда ўлкамизнинг барча фуқаролари каби тарбиячилар, талабалар ҳам актив иштирок этишлари шарт.

Муҳофазага муҳтоҷ ўсимликларга етмак (бех), бозулбанг, анзур пиёзи, қизил лола, оқ лола, сариқ лола, ровоч, саллагул,

широқ, омонқоға, жөвқосин, аңжир, гули Салим, өқ парпи, сүгур ўт, чиннингул, чилонжийда ва бошқалар киради.

Ўсимликлар сингари ҳайвонот дунёси ҳам муҳофазага мухтож. Ўзбекистон ҳайвонлари кейинги пайтда шафқатсиз ов қилиниши оқибатида уларнинг кўнгина турлари қирилиб кетмоқда. Илмий маълумотларга қараганда жумҳуриятимиз фаунаси жуда бой ва ранг-баранг булган.

Ҳайвонлар ўсимликларга, табиатга таъсир этишидан ташқари инсон ҳаётида ~~хам~~ катта роль уйнайди. Кишилар ўзларига керакли булган жуда кўп хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни ҳайвонлардан олади.

Ҳайвонлар дунесининг табиатдаги, инсонлар ҳаётидаги роли жуда катта булишига қарамай куплаб ов қилиниши натижасида уларнинг қимматли турлари қирилиб кетган. Ҳозир ҳам кўнгина ҳайвонлар ва паррандаларнинг ҳаёти хавф остида бўлиб, улар муҳофазага муҳтож. Буларга алқор, жайрон, оққўруқ, қўён, тулки, бўри, қоплон, мархўр, бирқозон, бургут, лочин, лайлак, каклик, тустовуқ, қирғовул, бедана, тувалоқ, ўрдак, силовсин, қум чумчуги, кобра, эчкемар ва бошқалар киради.

Ўзбекистонда тури камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонларни қўриқлаш ҳамда купайтириш мақсадида бир нечта қўриқхоналар ва заказниклар ташкил этилган.

Уларга Зомин тоғ-ўрмон, Чотқол тоғ-ўрмон, Пайғамбаророл, Бодайтўқай, Қоракўл, Қизилқум, Зарафшон, Ваганзи, Қозилсув, Мироқи, Нурота, Абдусамад, Арнасой каби қўриқхоналар киради.

Мазкур қўриқхоналардан ташқари бизда заказниклар ҳам ташкил қилинган. Заказниклар ихтиёрида қўриқхоналардагидек барча табиий комплекс эмас, балки унинг алоҳида элементлари: ўсимликлар, ҳайвонлар ёки баъзи бир ҳайвон турларини муҳофаза қилиш ва кўнайтириш учун маълум муддатга белгиланган ҳудудлар бўлиб, бу хилдаги ерлардан хўжаликда маълум мақсадда фойдаланишга руҳсат этилади. Масалан, Самарқанд область Жомбой районидаги Жомбой тустовуқ заказниги. Бу заказник тустовуқларни қўриқлаш мақсадида 1958 йили ташкил этилган. Бу ерда тустовуқлар учун озиқ—жийда, жирганоқ, ҳар хил мевали дарахтлар, ўтлар бор. Ташкил этилган йили заказнишка 250 га яқин тустовуқ бор эди. 1960 йилга келиб уларнинг сони 1700 га, 1970 йилда эса 2500 га етди.

Заказниклар вақтингачалик ва доимий бўлиши мумкин. Вақтинчалик заказникларда ов қилинадиган ҳайвонлар сони маълум миқдорга етгунга қадар қўриқланади ва сўнгра ундан ов мақсадларида фойдаланишга руҳсат берилади.

Доимий заказниклар ва ўсимликларни, ҳайвонларни ёки табиатнинг гўзал манзарасини доимий муҳофаза қилиш учун ташкил этилади. Бу хилдаги заказниклар сони 1500 дан ортади.

## Иккинчи булим

### ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

#### У 6 б. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Еш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда болаларни табиат билан таниширишнинг аҳамияти каттадир.

Ёшларга тарбия берар эканмиз, энг аввало тарбиянинг шу кечакундуздаги аҳамиятини, зарурлигини, ҳам жамиятимиз учун, ҳам инсоннинг шаклланишидаги ролини илмий асосда тушунтириб беришимиз керак.

Ёшларни тарбиялашда, дастлаб умумий тарбиянинг уз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини билиб олишимиз керак.

Умумий тарбияни сингдиришда табиат элементлари, унинг бойликлари, жонли ва жонсиз табиатдаги материалистик нуқтаи назардан фойдаланиб, ёшларни унинг сир-асрорини тұлық билиб олишга, ўрганишга ва улардан оқилона фойдаланишга ўргатишимиз лозим.

Еш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш болалар боғчаларининг ва мактабларнинг олдида турган энг муҳим вазифадир. Бу гояни амалга оширишда уларни табиат билан танишириш ҳам асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Табиатдаги барча тириклик жараёнлар маълум қонуният асосига қурилган бўлиб, уни билиб, ўрганиб олишимиз, ундан оқилона фойдаланишимиз керак.

Ҳақиқатдан ҳам шахсни ҳар томонлама шаклланиши бизнинг жамиятимиздагина амалга ошади. Чунки ёшларни ўсиши, ўлғайиши учун она табиатнинг ҳамиша бағри очиқ. Биз йилнинг қайси фаслида тоққа, тоғ этакларига, қир-адирларга, дарё, ҳовуз, каналлар бўйларига сайдра бормайлик, ҳамиша у ерларнинг хуш манзара, хуш ҳавосини куриб, баҳри дилимиз очилади. Табиат гўзалликларидан эстетик завқ оламиз, бу бола онгининг ривожланишига, унинг ҳар томонлама камол топишига чексиз имкониятлар очиб беради.

Дарҳақиқат табиатнинг ўз қонуниятлари борки, биз унинг одир бўлиш сабабларини билмасдан, моҳиятини тушунмасдан туриб, ёшларга табиат ҳақида тўғри тушунча бера олмаймиз.

Бир вақтлар ваҳима, даҳшатга айланган қўёш, ойнинг тутилиши, эндиликда илфор фан буларнинг барчасини сирини очиб берди. Ҳатто бизда Ой ва Қуёшни қачон, қайси вақтда, қанча вақтга тутилишини 5—10 йиллаб олдин айтиб беради.

Богча шароитда болаларни табиат билан таништириш йишинг бир манзарасини йилнинг тўрт фаслида кузатиш жараеннида, болаларга бунинг ҳосил бўлиш сабабларини, нима учун куз, қиши, баҳор ва ёз бўлишини айтиб бериш зарур.

Ёшларни табиатнинг қопунийтларн билан таништиришнинг аҳамияти шундаки, уларнинг тўғри ўсиб улграйништа, табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларни илмий асосда тушунишга олиб келади. Бу боланинг шакланишида, табиатга, она-ватанига табиат бойликларига бўлган меҳр-муҳаббатини оширади.

Болаларни ҳар томонлама тарбиялаш дегандан, уларни ўзишиб турган муҳитни тоза сақлаш, қўриқлаш, кўкаламзорлаштириш каби хислатлар ҳам киради.

Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш айрим кишиларнинг иши деб қарамасдан бу ҳамманинг иши бўлиб, уни ёшликтан, болалар борчаларидан бошлаш янада яхши самаралар беришини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Богча ёшидаги болаларни ҳар томонлама тарбиялашда табиат билан таништиришнинг ўзига хос тарбиявий хусусиятлари бор. Бу жараённи турли воситалар, методлар, йўллар билан амалга ошириш мумкин. Масалан, болаларни экспурсия, кузатиш, сайдир қилиндириш орқали табиат билан таништириш мумкин. Бу ҳаммага таниш, маълум бўлган методлардир. Фақат ана шу методларни такомиллаштиришимиз, маълум бир мақсадга қартишимиз, ҳар бир табиат билан таништирилганда бола онгида, билими ва тушунчасида табиат ҳақида янги бир тушунча, янги бир ғоя қолмоғи керак. Шунинг учун ҳам тарбиячилар изланувчан, ўз устларида тинмай ишлайдиган, унга топширилган вазифанинг қанчалик муҳим эканлигини ҳис қилган кишилар бўлиши керак.

Табиат ранг-баранг. Унинг имкониятлари ҳам чексиз. Биз тарбиячилар ана шу ранг-барангликни, имкониятларни кўрашиб шимиз, улардан тарбия жараённида оқилона фойдаланишимиз керак.

Оддий бир мисол. Xона ўсимликлари, гуллари бор. Уларни парвариш қилиш болаларга топширилиб, болаларни қизиқтилаётган қиз ёки ўғил боланинг исмини ёзиб қўйилса қандай яхши бўлади. Тарбиячи ҳар куни болаларга уни кўрсатиб, «қаранглар Наргизанинг марваридгули ўзига ўхшаб ҳар куни очилиб, сочилиб барглари яшил бўлиб бораёттир» дейилса, биласизми, бунинг Наргиза учун қанчалик тарбиявий аҳамияти бор. У группадаги бошқа болаларга билинтиrmай тарбиячи сўзини эшитганда «беихтиёр яйраб бир жилмайиб, кулиб қўяди». Бизга мана шуниси керак. Боланинг жилмайиши, кулиши, бола учун янги бир қўёш чиққандай. Уша пайтда бола организмида қанчалик физиологик ўзгаришлар содир бўлади, унинг қобилиятидан яшириниб ётган имкониятлари, таланти ривож топади.

Биз нима учун болаларни ҳар томонлама камол топтириш керак деймиз. Чунки инсон организмидаги ҳамма ишни қила ола-диган имкониятлар бор. Фақат биз тарбиячилар уни вақтида парвариш қилсан, уни ўсиб вояга етиши учун шароит яратсан, у албатта куртак ёзиб ҳосил беради. Масалан, дунёга донг таратган америкалик шахматчи Фишерни биласиз. Уни шахматчи бўлишига холаси сабабчи бўлган. Фишер З ёшга кирганда ўшиг түғилган кунига холаси шахмат совға қилади. У 4 ёшигача шахмат доналарини шахмат доскаси устида териб, юриш йўлларини ўрганади. 5—6 ёшида оиласидагиларни шахматдан ютади. 7—8 ёшида мактабда шахмат чемпиони деганном олади. 10 ёшида шахматчи деганном бутун штатга тарқалади. Хуллас, қарабисизки, у дунё чемпиони даржасигача кўтарилади.

Кўрдингизми, Фишерда шахматга бўлган таланти, қобилияти холасининг бир турткиси билан очилиб, у ўз имкониятини, элга, халққа, дунёга таратди. Бу тасодифий, албатта. Аммо тасодифлар ҳам баъзан катта янгиликлар, очилмаган қирраларни кашф этиши мумкин. Борди-ю холаси шунга шахмат эмас, бошқа бирор нарса совға қилганда ажаб эмасди, унинг шахмат соҳасидаги таланти ривожланмай, «ёпик қозон ёпик лигича» қолиб кетиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам болани боғчада тарбия қилар эканмиз, «у њеч нарсани билмайди», «у ҳали ёш» «у ҳали бу нарсаларнинг фарқига бормайди» деб ўлаш катта хатоликдир.

Бола организми у туғилган кунданоқ шаклана боради. Фақат бу ерда ҳамма болаларнинг имкониятлари, организмининг физиологик ҳолати ҳар хил эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Негаки болалар турли оиласаларда, турли шароитда туғилади. Уларнинг ота-оналари ҳам турличадир. Шу боис тарбия жараёнда ҳам биз ана шу турличалик атамасини њеч эсдан чиқармай, «нима учун бу бола бунча инжиқ» «нега бу бунча маҳмадона», нега бу бола бунча латта», «нега бу бола бунча тинмас» деб ранжитмаслигимиз керак. Болаларни табиат билан таништираётганда ҳам уларнинг ана шу хусусиятларини, характеристикини, қизиқишини ҳисобга олиб, сўнгра тарбия бермоғимиз лозим.

Болаларни тарбиялашда табиатдан фойдаланишинг методлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар биридан вақти соати билан группадаги болаларнинг ўш хусусиятларини ҳисобга олган боҳолда фойдаланиш керак бўлади. Масалан, кичик ёшдаги болаларни табиат билан таништириб, таълим-тарбия беришда купроқ хона ўсимликларини парвариш қилиш, сув солиш, баргларини артишдан бошлаш керак. Бу группа болалари билан боғча участкасига чиқиб об-ҳавони кузатиш (ёмғир, қор ёғишини, қўёшнинг чарақлаб туришини, шамолнинг эсишини), ўсимликларни урганиш (участкада ўсадиган 1—2 дарахтни), гулларни (гуллаш пайтини) ва уларнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб, (гуллаш пайтини) ва уларнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб, дарахтларнинг яшил ва паст бўйлилиги, дарахтларнинг баланд ва ўтларнинг яшил ва паст бўйлилиги, дарахтларнинг

баргларининг кўп бўлишини айтиб, уларнинг хусусиятлари билан таништирилади.

Участкада қушлар билан ҳам таништирилиб, уларни учеб келишини, дараҳтлар шохига қуниб, унинг пўстлоғини чўқишини, товуш чиқариб сайрашини, учишини кузатадилар.

Катта группа болалар билан эса бутунлай бошқа ишлар: кўпинча йил фаслларининг бир-биридан фарқи, жонли организмларнинг ҳаёт шароитлари, уй ва ёвойи ҳайвонлар ҳақидаги билимлари синаб кўрилади. Бу ёшда ўз ўлкасининг табиатини севиш ва уни асраш руҳида таълим берилади. Айниқса, ўсимликларни ҳайвонларни сева билиш, теварак-атрофдаги табиат гўзалликларидан завқлана билиш руҳида тарбияламофимиз керак.

Энг муҳими, болаларни табиатда ўзини тута билиши, дам олган жойини ифлосламаслик, гуллаётган ўсимликларга эҳтиёт бўлиш, ҳайвонларни асраш, чумоли уйларини бузмаслик, қушларни кўрганда уларни эҳтиёт қилиш, тош отмаслик кераклиги каби таълим-тарбия гоялари тушунтирилиши зарур.

Боғча участкасида ва унинг атрофида эса маҳаллий ўсимликлар билан танишиш, полизларда сабзавот экинлари ўстириш каби ишларни бажариш керак. Болалар бу ёшда 6—7 гулли ўсимликларнинг барг ва гул тузилишига қараб фарқ қила олишлари, ғалладошлардан 2 турини, замбуруғларнинг 3—4 турини, 2—3 та дала ўсимликларининг номини билишлари керак. Маҳаллий ҳайвонларни яхши билишлари, айниқса 4—5 та қишлоғчи ва 3—4 та учеб кетувчи қушларни (ранги, катта-кичиклиги, товуши, ҳаракат қилишини), 2—3 та капалакни, қунғиз, ниначи, чумоли, асалари, қурбақа, калтакесак кабиларни билиши, уларнинг яшаш мұхитини, ҳаракат қилиш йўлларини (сузиши, сакраши, дараҳтларга тирманиши, учиши ва шунга ўхшашларни) фарқлайдиган, биладиган бўлишлари керак.

## БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Маълумки, турли болалар психологияси турличадир. Бунинг боиси уларнинг турли оиласда тарбияланганлиги, турли шароитда ўсанлиги ва энг муҳими, бола организмининг ҳолатига боғлиқ. Баъзи ирсий касалликлар билан касалланган болаларнинг боғчада бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Улар психологоқ жиҳатдан ўзига хос характеристерга эга бўладилар. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу хусусиятларини мукаммал билиб олишимиз, бола организмининг нақадар соғлом, ё носоғлом эканлигини аниқлаб, тарбияни шунга қараб олиб боришимиз зарур.

Педагогика ва психологияга доир адабиётларда шу нарса ёритилганки, болалар боғчасида руҳий томондан осойишта болалар билан бир қаторда асаби дарров тутоқиб кетадиган болалар ҳам кўп бўлади. Хўш, бу асабийлашиш қаердан пайдо бўлади? Маълумки, агар боланинг эҳтиёжи қондирилмаса, бу-

нинг натижаси шу бўладики, бола ғазабланади ва тажовузкор бўлади, аламини болалардан, катталардан, ҳатто буюмлардан олади. Бола эҳтиёжини қондирмаслик унда салбий руҳий ҳолатни туғдиради, бу эса боланинг тараққиётига ёмон таъсир қилиши мумкин. Шундан вазият такрорланаверса, болада хатти-ҳаракатнинг бу формалари осонлик билан мустаҳкамланиб қолади, чунки боланинг миясида болага таъсир қиладиган маълум қўзғовчилар билан бу қўзғовчиларга боланинг реакцияси уртасида алоқалар системаси ҳосил бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, болада маълум реакциялар системаси — шартли рефлекслар ҳосил бўлади.

Физиология фанида эса икки хил рефлекс борлигини кўпчилик билади: шартсиз (түгма ва наслдан-наслга ўтган рефлекслар), шартли (хаёт жараённада ҳосил бўлган ва мия фаолияти туфайли мустахкамланган) рефлекслардир.

Биз бола психологиясининг бу хусусиятларини билган ҳолда, унинг организмида фойдали шартли рефлексларни ҳосил қилишимиз керак. Бундай, барқарор бўлиб қоладиган кундадлик тартибга (вақтида овқатлантириш, ҳамиша бир вақтда ухлатиш, мунтазам сайр қилдириш, ҳар куни аквариумдаги балиқларга овқат бериш кабилар) ва катталарнинг кичикларга меҳрибонлиги, педагогик жиҳатдан моҳирона муносабатда бўлишлари болада бир қатор тўғри шартли рефлексларни ҳосил қилади. Бу бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу даврда боланинг барча руҳий жараёнлари жадал ривожлана бориб, унинг ташқи муҳит, табиат билан бўлган муносабатларида анчагина ўзгаришларни юзага келтиради. Уларда ҳар нарсанни билишга эҳтиёж ва қизиқишлар пайдо бўлиб, бу бола организмининг ривожланишидан далолат беради. Боғча ёшидаги болаларда ижтимоий интеллектуал ва ахлоқий эҳтиёжлар яқъол кўрина бошлияди. Биз болаларнинг психологик бу ҳолатини, интилишини, организмнинг физиологик ҳолатини яхши билиб, таълим-тарбия жараённада кенг фойдаланишимиз керак.

## БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ТАРБИЯ

Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни табиат билан таништириш методикаси «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастурис» асосида олиб борилади.

Болани табиат билан таништириш, уни табиатга эҳтиёкткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш болалар боғчасининг энг муҳим вазифасидир.

Дастурда берилганидек, боғчаларда болаларни табиат билан таништириш методи ва формалари муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда ҳар бир ёш группадаги ишнинг мазмуни, формалари, метод ва усуллари мавсумлар бўйича олиб борилади. Болаларни кундадлик ҳаёт табиат бурчагидаги меҳнат ва кузатишларга, участкадаги меҳнат ва кузатишларга маълум мақсадга йўналтирилган сайрларда табиат билан таништириш масалаларида

батафсил ўргатилади. Ҳар бир мавсум учун асосий мақсади кўрсатилган машғулотлар ўтказилади. Бунинг учун тарбиячини болаларни кузатишга, табиатдаги воқеа-ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга ўргатадиган машғулотлар ҳамда билимларни умумлаштириш ва системалаштиришга мўлжалланган машғулотларни ўтказишга тайёрлаш лозим.

Турли ёш группаларидағи болаларни табиат билан таништиришга бағишлиланган билимларнинг структураси болалар боғчасидаги у ёки бу ёш группасидаги ишнинг мазмуни ва ташкил этилишининг узига хослигини акс эттиради. Чунончи, кичик ёш группалардаги машғулотлар рўйхатига болалар муассасасининг участкаси, унинг яқинига жойлашган истироҳат боғи, хиёбон бўйлаб маълум мақсадда қилинадиган сайдлар ҳам киритилган. Булар боғча болаларидан унча кўп жисмоний ҳаракатларни талаб қўлмайди. Маълум мақсадга йўналтирилган сайдларнинг билиш мазмуни ҳам ҳажми жиҳатидан унча катта эмас. Бироқ унда ҳам болалар табиат билан танишадилар. Шунга кўра маълум мақсадга мувофиқ уюштирилган сайдлар кичкинтойларни экспурсияларда иштирок этишга тайёрлади. Ўрта группадан бошлаб экспурсиялар машғулот турларидан бирига айланади, мақсадли сайдлар эса кундалик ишни ташкил этиш формаларидан бири булиб қолади.

Болаларни табиат билан таништириш методикаси боғча шароитида хилма-хил бўлиб, бунда болаларнинг ёш хусусиятлари, табиат ҳақидаги тушунчаси ҳисобга олиниб, элементар тушунчалардан тортиб (кичик группалар), энг мураккаб табиат ҳақидаги тушунчаларни ва табиатда буладиган воқеа-ҳодисаларни (мактабга тайёрлов группаси) билиб олишга ўргатади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача тарбия муассасаларида болаларни табиат билан таништириш методикасининг ана шундай узига хос форма ва усувлари билан биз чегараланмаслигимиз керак. Мавжуд метод ва формаларни ўзгартириш, янги янги метод ва формаларни топиш, ҳаёт тажрибаларини умумлаштириб ҳар бир тарбиячи узининг яшайдиган муҳити, шароитига мос усувларни топиб тарбияламоқлари керак. Ҳар бир тарбиячи ижодий изланувчан, кузатувчан ва ҳаётдан илҳом оладиган киши бўлмоғи керак.

### ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ МАЛАҚА ОШИРИШИ

Мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари ҳам мутасил ўз билимларини ошириб турмоқлари зарур. Вақт-вақти билан ўз билимини ошириш учун, таълим-тарбиядаги янги метод, форма ва усувлар билан танишиш учун маҳсус ташкил қилинган малака ошириш курсларида ўқиб келадилар.

Малака ошириш курсларида тарбиячиларни табиат билан таништириш методикаси бўйича дарслар лекция, суҳбат, ҳикоя методлари асосида ўтилади. Ҳар бир тингланган дарсларини амалий машғулотлар орқали мустаҳкамлайдилар. Мактабгача

тарбия муассасаларида практикада булиб, «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» асосида машғулотлар олиб борадилар. Табиат билан таништириш методикасини, усулларини ўрганиб оладилар.

Малака ошириш курсларида мактабгача тарбия ходимларини табиат билан таништириш методикаси курсининг вазифаси тарбиячиларни, ходимларни табиат ҳақидаги янги билим ва тушунчалар билан, табиат соҳасида яратилган янгиликлар билан, фан-техника соҳасида эришилган ютуқлар билан таништиришдан ва уларнинг бу соҳадаги малака ва кўникмаларини оширишдан иборатdir.

### **КУРСНИНГ ЎРНИ, АҲАМИЯТИ ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ**

Мактабгача тарбия ходимларини етиштиришда бу курснинг уз ўрни ва аҳамияти бор.

Маълумки, ҳалқимиз, давримиз ҳар томонлама камол топган, фан негизларини илмий нуқтаи назардан тушунган кадрларни етишишини талаб қиласди. Бундай хислатларга эга бўлган кишилар боғча шароитидан мустаҳкам пойдевор қуриб вояга етишиши мумкин. Ана шундай ёшларни тарбиялашдаги предметлардан бири «Болаларни табиат билан таништириш методикаси»dir.

Бу фаннинг ёшларни тарбиялашда ўзига хос устунлиги, аҳамияти бор. Унинг устунлиги шундаки, у ҳаётий фан. Ҳаётийлиги шундаки, дунёда ҳеч бир инсон йўқки, у оддий ишчими, вазирми, усимлик, ҳайвонот олами билан қизиқмаса, ишхонасида, уйида гул ўстирмаса.

Тарбия бу мураккаб жараён, серқирра. Уни туғри амалга оширишнинг аҳамияти катта. Ёшларни табиат воситасида ватанпарварлик, ақлий, ахлоқий, эстетик, атеистик, жисмоний жиҳатдан тарбиялаш мумкин. Тарбия ишлари болаларнинг актив фаолияти жараёнида — ўйинлари, унинг қулидан келган меҳнати, турли машғулотлари давомида, болалар учун тушунарли бўлган табиатдаги ҳодиса ва воқеалар билан, жонажон ўлка табиати билан таништириб бориш жараёнида амалга оширилади.

Тарбия ишларини шундай йулга қўймоқ зарурки, болалар табиатни севадиган, унинг гўзал манзарасидан завқ оладиган, табиатнинг қадр-қийматига етадиган бўлсин, бу билан табиат инъом этган бойликлардан оқилона фойдаланадиган кишилар бўлиб етишсан.

Ёшларни тарбиялашда ўзига хос кўп қирралилик мавжуд бўлгани сингари табиатнинг ҳам ўзига хос кўп қирралари бор. Фақат биз уни кўра билишимиз, ундан оқилона фойдаланишимиз, уни очмоғимиз керак. Табиатшунос олим И. В. Мичурин айтганидек, «Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб турга олмаймиз, уни табиатдан ундириб олиш бизнинг вазифамиздир».

Ҳаётда бирор фан йўқки, у мустақил бўлиб, ўз олдига қўй-

ган вазифани ягона ҳал қила олса. Табиат билан таништириш методикасининг вазифаси ёшларни тарбиялаш соҳасига қартилган. Демак, у педагогиканинг бир қисми. Тарбия ҳақида сўз юритадиган бўлсак унинг қондош бир қанча фанлар билан узвий боғлиқлигини кўрамиз. Чунки бу фан ҳақида гапириладиган бўлса, у бошқа фанлар; философия, биология, педагогика, психологиянинг атамаларидан фойдаланиб таълим-тарбия ишларини олиб боради. Шунинг учун ҳам у бу фанлар билан чамбарчас боғлангандир.

Биология — табиат билан таништириш методикасининг узагини ташкил қиласди. Жонли ва жонсиз табиат, табиатдаги воқеа-ҳодисалар, усимлик ва ҳайвонот дунёси биология фанинг ўз олдига қўйган мақсади ҳисобланади. Табиат билан таништириш эса унинг бошланғич тармоғидир.

Болаларни табиат билан таништириш инсонни биологик эволюция предмети сифатида ўрганувчи физиология билан чамбарчас ва бевосита боғланган.

Бола организмининг тузилиши, олий нерв системаси, ички органлар, тана тузилиши, боланинг антропометrik маълумотлари, ёшига қараб ҳосил бўладиган ўзгаришлар табиат билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Боланинг ана шу хусусиятларини билмасдан туриб уларни табиат билан таништириш мумкин эмас. Бундан кўриниб турибдики, бу икки фан бир-бiri билан қон-қардош. Улар бири бирини тўлдиради, мустаҳкамлайди.

Шундай экан, болалар психологияси ҳам табиат билан таништириш методикаси курси билан узвий боғлиқ эканлигини куриш мумкин.

Маълумки, ҳар бир одам шахсининг ўзига хос хусусиятлари, яъни эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари, истеъоддлари, тэмперамент типлари, характеристик хислатлари бўлади. Бу хусусиятларнинг ривожланиши, шаклланиши бевосита бола яшайдиган муҳитга, теварак-атрофга, табиатга боғлиқ.

Демак, бола психологиясининг ривожланиши табиат билан чамбарchas боғланган булиб, улар бир-бируни туғдиради, мустаҳкамлайди.

### ЎҚУВ КУРСИНИНГ ВАЗИФАСИ

Бола шахсининг шаклланишида табиат, унда бўладиган воқеа-ҳодисалар, табиат қонуниятлари муҳим роль йўнайди. Ёшлар ана шулар билан танишар экан ҳам ақлий, ҳам эстетик, ҳам жисмоний, ҳам атеистик, ҳам табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбияланадилар.

Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш жараёнида табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда булишини таркиб топтиришга катта эътибор берилади.

Ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш учун аввало олий ўқув юртларида, педагогика билим юртларида таълим олаётган

бўлғуси мутахассисларнинг ўзлари, табиат билан таништиришнинг моҳияти, зарурати, олдига қўйган вазифасини яхши англаб олган ва тушунган бўлишлари керак. Буни эса ана шу курсни ўқиш, ўрганиш жараёнида эгаллаб оладилар.

Курснинг мақсади ҳам янги жамиятнинг онгли қурувчилари бўлган ёшларни табиат ҳақидаги мукаммал билимларни эгаллашга, ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилиш методлари билан танишишга, энг муҳими табиатни кузатиш, унинг гўзалликларини кура билган тақдирдагина уларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик ва ғамхуруна муносабатда бўлишни тарбиялашдан иборат. Талабаларда табиатга, жонажон ўлкамиз, она-Ватанга бўлган муҳаббат худди мана шу асосда шаклланади.

Курснинг олдига қўйган асосий вазифаси болаларни табиат билан таништиришнинг мавжуд методларидан, илфор тажрибалидан, тарихий материаллардан, назарий билимларни ўзлаштириб олишдан иборатдир.

Айниқса ўлкамизда қайта қуриш кетаётган ҳозирги даврда талабаларнинг мустақил ишлашини яхшироқ ташкил этиш, бу муҳим ишда уларнинг активлигини ошириш зарур. Ҳозирги вақтда талабалар ва тарбиячиларнинг маънавий, ахлоқий, эстетик тарбияси билан боғлиқ бўлган масалаларнинг кенг комплекси юзага келмоқда. Биз бурилиш даврида яшамоқдамиз.

Мактабгача тарбия билим юртларида ҳам болаларни табиат билан таништиришнинг ўз дастури ва методлари бор. Ҳар бир талаба уни тулиқ эгаллаган бўлмоғи лозим. Билим юртларининг дастури ва дарс ўтиш методларини билмасдан туриб у ерда таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун собиқ СССР маориф министрлиги тасдиқлаган «Педагогика билим юртларининг дастури» мавжуд.

Худди шунингдек, талабалар мавжуд болалар боғчасидаги болаларни табиат билан таништириш соҳасидаги янги иш тажрибаларини ҳам ўрганиб олишлари зарур. Буни улар уша боғчаларда практикада бўлган даврларида ўрганадилар, ўзларига керакли маълумотларни ёзиб оладилар. Энг муҳими, болалар боғчаларида болаларни табиат билан таништириш масаласи қандай йўлга қўйилгани, методкабинетлар қандай жиҳозланганлиги, ҳар бир ёш группада табиат бурчагининг ташкил қилиниш методлари, уларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини ўрганадилар. Бунинг учун улар мавжуд «дастур»дан фойдаланадилар. Бу дастур ҳар бир мактабгача тарбия талабаси учун иш фаолиятининг бош мезонидир. Фақат уни ҳар бир тарбиячи ўз шароитини, ўз боғчасини, экологик шароитини ҳисобга олган ҳолда қўшимчалар киритиб олиши мумкин.

Бугунги талаба — эртанги мутахассис. Шундай экан ҳозирги талабаларга қўйилаётган талаб янада каттадир. Чунки давримиз, ҳаётимиз доимо ривожланишда. Фан-техника соҳасида, таълим-тарбия соҳасида янги-янги қирралар очилмоқдаки, биз

мутахассислар уларнинг ҳаммасини ўзлаштирган, билиб олган бўлишимиз керак. Акс ҳолда биздан етук мутахассис етишмайди.

## VI б о б. ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИНинг ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Таълим-тарбиянинг ўз олдига қўйган мақсади ва вазифаларини яхши билмасдан туриб ёш авлодни табиат билан таништиришда уларни мақсадга мувофиқ тарбиялаб бўлмайди. Бунинг учун халқ манфаатларини акс эттирувчи тарбиянинг мақсадлари тўғрисидаги тасаввур қандай вужудга келган ва бу тасаввурлар кейинчалик қандай ривожланганлиги ҳамда педагогик томондан қандай таъриф ва тавсиф берилганини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Шуни айтиш керакки, ҳаётда ҳар бир фаннинг юзага келиши ҳаётий зарурат натижасидир. Болаларни табиат билан таништириш методикаси ҳам ана шундай ҳаётий заруратнинг маҳсулидир. Бу фан ўз олдига ана шу табиат элементлари воситасида ёшларни тарбиялашни мақсад қилиб қўяди. Тарбия эса педагогиканинг бош вазифасидир.

### БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ ЁРДАМИДА ТАРБИЯЛАШ ҲАҚИДА ФАРБ ПЕДАГОГЛАРИ

Тарихда педагогика назарияси асосларини шакллантиришда қадимий Грециянинг атоқли философлари Платон ва Аристотель, италиялик педагог Марк Фаби Қвинтилианларнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Лекин ёшларни табиат элементлари воситасида тарбиялаш энг аввало фарbdаги илфор педагогларнинг тарихидан бошланди. Илмий педагогиканинг ривожланишини бошлаб берган, мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбиясига катта эътибор билан қараган фарб педагогларидан бири Ян Амос Коменский бўлди.

**Я. А. Коменский.** Улуғ чех гуманист-педагоги А. Я. Коменский (1592—1670) католик динига ва феодаллар зулмига қарши чиққан «Чех биродарлари» жамоаси йўлбошчиларидан бири эди. Ў билишнинг уч манбаи — сезги, ақл ва эътиқодни тан олиб, сезги органларига алоҳида эътибор берди. Унинг фикрича, табиий мавжудот бўлган инсон доимо ривожланишдадир. Шу сабабдан ҳам у тарбия туфайли «ҳар қандай болани инсон қилиб етиштириш» мумкин, деб таъкидлаган эди.

Коменский назарий — билиш масалаларига материалист сифатида ёндошли. Биринчи булиб у тарбияни табиат билан уйғунлаштириш фоясини, яъни тарбияни асослашда табиат (ҳаёт) га, унинг умумий қонуниятларига таяниш фоясини илгари сурди.

Коменский табиатга монандлик принципини табиат ва инсон ривожланишидаги универсаллик, муштараклик борлигини аниқлаб, инсон камол топишининг (болалик, ўсмирилик, ўспиринлик, етуклик) даврларини характерлаб, улар орасида олти ой давом этадиган дастлабки даврга алоҳида эътибор берди. Унинг қимматли фикри шундаки, бола организмида жадал жисмоний усиш ва ҳис-туйғу органларининг ривожланиши рўй берадиган мана шу даврда ёш болалар оналар мактабида, педагогик қобилияти бўлган ва уз тарбияланувчиларини севадиган доно, ғамхур оналар раҳбарлигидаги оиласида тарбияланышлари керак.

Коменскийнинг мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбияси туғрисидаги «Оналар мактаби» деган маҳсус асари мактабгача тарбия ёшига оид дунёда биринчи дастур ва қўлланма бўлди. Унинг фаолиятга интилиш, меҳнатга муҳаббат, табиатни севиш, ҳаққонийлик, озодалик, хушмуомалалик ва шу сингари фазилатларни тарбиялаш соҳасидаги тавсиялари жуда қимматлидир.

Коменский оналар мактаби болаларга конкрет тасаввурларни тўплаши учун ёрдам бериши керак, деб айтади ва у мактабгача тарбия ёшидаги болалар эгаллаши зарур бўлган атроф-муҳит ҳақидаги, табиат ҳақидаги оддий билимларнинг кенг доирасини батафсил чизиб берди. Унинг фикрича, табиатшунослик соҳасида етти яшар бола олов, ҳаво, сув ва ер, ёмғир, қор, муз, қўроғин, темир ва шу сингарилар нима эканлигини билishi, Қўёш ва Ой, юлдузларни фарқлай олиши, қайси пайтда кунлар узун ва қайси пайтда қисқа булишини билishi керак. География соҳасидаги билимлар эса шаҳар, қишлоқ, дала, боғ нима эканлигини тушуниш, ўз қишлоғи ёки шаҳарнинг номини беплишни ўз ичига олишдан иборат булиши ва бундан ташқари, йил фаслларини, «соат», «кун», «ҳафта», «ой», «йил» атамаларини тушуниши керак, деб таълим берди.

Коменскийнинг педагогика, таълим-тарбия, фалсафа, табиат, илоҳиётга оид 250 дан ортиқ асари бор. Булардан йириклари «Буюк дидактика» (1632), «Пансофия мактаби» (1651), «Оналар мактаби» (1632), «Яхши ташкил этилган мактаб қонунлари» (1653), «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг акси» (1658) кабилардир.

Я. А. Коменскийнинг бундан қарийб уч ярим аср муқаддам яратган назарияси ёшларни тарбиялаш, табиат билан таништиришдаги дастлабки қадам бўлди.

**Ж. Ж. Руссо** (1712—1778)— француз философ-маърифатчиси. У таълим-тарбия соҳасида ўзига хос назария яратган. Материянинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини ва объектив мавжудлгини Ж. Ж. Руссо тан олган, лекин материянинг мөҳиятини билиб бўлмайди, деб ҳисоблаган.

Руссонинг ижтимоий-сиёсий ғоялари унинг дунёқарашининг асоси ҳисобланади. У киши бирон-бир жамиятда яшashi керак, «табиий ҳолат»га қайтиб бўлмайди, деб ҳисоблаб, табиатга

яқин идеал жамият ҳақидаги ғояни илгари суради. Унинг фикрича, тарбиянинг асосий мақсади меҳнатсевар кишиларни етиштиришdir.

Руссонинг педагогик асарларида, айниқса унинг «Эмиль ёки Тарбия тұғрисида» деган роман-трактатида тарбия ва ёшларни тарбиялашда табиатнинг роли атрофлича ёритилган. У ушбу асарида болаларни меҳнатга тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги фикрни айтib, ёшларни тарбиялашда жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбиянинг аҳамиятини, табиат билан мулоқотда булининг аҳамиятини таъкидлади. Бу ғоялар үз даврининг актуал, фалсафий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрларидан саналади.

**И. Г. Песталоцци** (1746—1827) — Швейцариянинг таниқли педагог-демократи, мактабгача тарбия назариясини ривожлантиришга катта ҳисса құшганлардан бири.

Песталоцци тарбия системаси олдига болаларни гармоник жисмоний меҳнат, ахлоқий ва ақлий камол топтириш вазифасини қўйди.

Ақлий тарбия соҳасида у педагогика тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган иккита муҳим қоидани айтган. Биринчиси, таълим жараёнида күргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш зарурлигини исботлаш ва тарғиб қилишdir. Песталоцци ҳиссий пдрокни билишнинг бошланиши деб ҳисоблар ва шунинг учун у болаларда табиатни кузатиш маданиятини шакллантириш зарур, деб талаб қиласди. Иккинчиси ривожланувчи таълим ғояси эди. Унда таълим жараёнини шундай ташкил қилиш керак эдики, бу нарса маълумотларни тұплашгагина эмас, балки болаларнинг қобилиятини ривожлантиришга олиб борсин, уларни келажакдаги мустақил фаолиятга тайёрласин.

Песталоцци фикрича, тарбиянинг мақсади инсонларнинг барча табиий кучлари ва қобилиятларини ҳар томонлама ҳамда үйғун ўстиришдан иборат. Унинг элементар маълумот назариясига күра тарбиялаш оддий элементлардан бошланиб, астаскин мураккаб даражагача күтарилиб бориши керак. Унинг «Гертруда үз болаларини қандай қилиб ўқитади (1801), «Оналар китоби» (1806), «Оққуш құшиғи» (1826) каби асарлари педагогика фанини ривожлантиришда, тарбиячиларнинг маърифатпарварлик фаолиятларида катта аҳамиятга эга бўлди.

**Ф. Фребель** (1782—1852) немис педагоги, үзининг мактабгача тарбия назарияси билан катта донг таратган.

Ф. Фребель тарбия деганда инсондаги тұртта туғма инстинктни: фаолият, билиш, бадий ва диний инстинктларнинг ривожланишини тушунарди. У бола тарбиясида табиатта үйғунлик принципини кашф қилиб, бунда болалардаги илоҳий руҳни аниқлашдан иборат, деб биларди. Унинг фикрича, тарбия инсонга табиат инъом этган нарсага ҳеч нарса құшмайди, балки унда бўлган хислатларни ривожлантиради, холос.

Фребель табиатдаги чексиз ривожланиш ҳақида ва инсоннинг бутун ҳаёти давомида камол топиши ҳақидаги қимматли

ва мұхым фикрни кенг ташвиқ қылды. У болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини ошириб боришда тарбиячининг ролига, меңнат таълимига катта баҳо берди.

Унинг педагогикада катта ном чиқаришига сабаб, у биринчи булиб «болалар боғчаси» атамасини жорий этди. Болаларнинг тарбияланишида, етилиши ва ривожланишида мураббияларнинг роли катта эканлигини айтиб, боғчалар бир боғ-у, мураббиялар унинг «боғбони» деб тәъриф берди.

Фреbель болаларни тарбиялашда дидактик ўйинлар ва хилма-хил машғулотларнинг роли жуда катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу ўйинлар воситасида тарбия болаларнинг табиий хусусиятларидан келиб чиқиб, бу уларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди, дейди.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида Farbий Европада Фреbель ўзининг назарияси билан педагогика осмонида ёрқин юлдуз булиб порлади.

**М. Монтессори** (1870—1952) — атоқли италиялик психиатр врач ва педагог, империализм даврида ижтимоий мактабгача тарбия соҳасидаги ўзининг баъзи қимматли фикрлари билан ном таратган олим.

Монтессори ақлий тарбия ўрнига, түйғу органларини тарбиялашни биринчи ўринга қўйди ва бунинг учун ўзи дидактик материал ишлаб чиқди. Машқлар учун ақлий жиҳатдан заиф бўлган болаларга ишлатиладиган материалларни асос қилиб олди. Машқлар жараённида кўпинча предметларни шакли, вазни ва рангига қараб фарқ қилиш, хилма-хил овоз ва ҳидларни билиш куникмаларига қаратилган эди.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида чет эл мактабгача тарбия педагогикасида каттагина ўзгаришлар рўй берганлигини кўриш мумкин. Бу даврда табииёт фанлари — биология, физиология ва уларнинг асосида психология соҳасида эришилган муваффақиятлар муносабати билан педагогика ва унинг мұхим тармоқларидан бири бўлган мактабгача тарбия педагогикаси янада ривож топди. Бу соҳада баъзи хато ва камчиликларга йўл қўйилса-да (албатта бу даврнинг, жамиятнинг тақоозоси асосида), тарбия назарияси ўзининг қимматли фикр ва мулоҳазалари билан, илмий қарашлари билан мактабгача тарбия педагогикаси тарихида мустаҳкам пойдевор булиб ҳисобланади.

#### **БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ ЁРДАМИДА ТАРБИЯЛАШ ҲАҚИДА ИЛГОР РУС ПЕДАГОГЛАРИ**

**В. Одоевский** (1804—1869) болалар ёзувчisi, педагогика соҳасида қимматли фикрлар билдирган. Айниқса унинг «Фангача бўлган фан» деган китобининг Болаларга илк бор маълумот бериш даврида қўлланилган педагогик усуллар ҳақидаги тажриба» деган бўлимида болалар тарбиясида табиатдан фойдаланиш методини берди. В. Ф. Одоевский болани тарбиялаш

учун ботаникага мурожаат этади. У тарбиячига болаларни ўсимликлар билан танишираётганда биридан иккинчисига сұнгра учинчисига сакраб ўтманг. Фақат танишириш билан шуғуллансангиз, ҳамма ўсимликларни куриш учун сизнинг ҳам, боланинг ҳам умри бунга етмайди, дейди. Фақат болаларни ҳамма органлари яхши ривожланган ўсимлик билан таниширинг. Таниширганда ҳам бола уни ўз күзи билан күрсін, лекин сизнинг күзингиз билан әмас. Сиз фақат уни кузатиб, боланинг хатога йүл құймаслик чораларини күришингиз керак. Болалар бир неча ўсимликни кузатиб бұлғаң, уннинг фикрини жамлаш мақсадида күрганлардан холоса чиқаришга ёрдамлашынг. Сұнгра уни қулиға дарслекни беріб, күрганларини таққослашынг. Сұнгра уни қулиға дарслекни беріб, күрганларини таққослашынг. Лекин ундан ботаник ёки зоолог булып чиқади деб шошилманг, энг муҳими инсон булып етишсін, дейди.

В. Ф. Одоевскийнинг хизмати шундаки, болани тарбиялашда табиат билан таниширишнинг аҳамияти беқиёс катта эканлигини рус педагогикасида биринчи булып тавсия этди. Уни қандай амалга ошириш йүлларини үзи күрсатиб берди.

Болаларни табиат билан танишириш воситасида тарбиялашнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини беқиёс катта эканлигини рус демократлари үзларининг материалистик қарашларыда тұлық құллаб-құвватладилар. Улардан А. И. Герцен, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбовлар үзларининг илмий қарашларыда бола шахсининг шаклланишида табиатшunosликтиннинг роли катта эканлигини таъкидладылар.

**В. Г. Белинский** (1811—1848) — күзга күринган философ, танқидчи, публицист ва педагог. У баъзи тарбиячиларни, мутахассисларни бола тарбиясида табиат воситаларидан кам фойдаланаётганларини қаттық танқид қылды.

Болаларни тарбиялашда уларнинг психофизик хусусиятини ҳисобға олиб ҳар қайси бола тақдирiga алоҳида ёндошиш кераклигини, «бола табиатининг қонуниятларини» яхши билиш кераклигини уқтиради.

**А. И. Герцен** (1812—1870) — революцион демократ, философ-материалист, ёзувчи, педагог. Уннинг «Болалар билан суҳбат», «Табиатни урганиш ҳақида хат» асарларыда болаларни тарбиялашда ахлоқиј, ақлий ва жисмоний тарбиянинг роли катта эканлигини таъкидлаб, табиат воситасидан фойдаланишин алоҳида уқтиради.

**Н. Г. Чернишевский** (1828—1889) — революционер ва мутафаккир, ёзувчи, философ ва танқидчи. Уннинг материалистик қарашлари тарбия жараёнини тұғри амалга ошишида катта ёрдам берди.

**Н. А. Добролюбов** (1836—1861) — адабиј танқидчи ва публицист, материалист-философ, революционер-демократ. У ўзининг революцион-демократик қарашлари асосида тарбиянинг тараққиетига асос солди. Ёшларни ватанпарварлық, катталарға

хурмат, ватан бахт-саодати учун ҳамиша курашчи булиб тарбияланишларида даъват этди.

Рус демократларининг материалистик қарапашлари илғор рус педагогларининг ёшларни тарбиялашда табиатшунослик методикасининг илмий асосда ривожланишига катта ҳисса булиб күшилди.

**К. Д. Ушинский** (1824—1870), атоқли педагог, Россияда педагогикани ривожланишига муносиб ҳисса қўшган.

К. Д. Ушинский педагогика назариясининг асосини тарбиянинг халқчиллик фояси — тарихий жараёнда меҳнаткаш халқнинг яратувчилик кучини эътироф этиш ташкил қиласди, дейди. У «Инсон тарбия предмети сифатида» деган машҳур асарида ҳар бир боланинг ёш ва психик хусусиятларини албатта ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги энг муҳим қоидани олға сурди ва асослаб берди. Шунинг учун ҳам у «Педагогика инсонни ҳар жиҳатдан тарбиялашни истар экан, у аввало инсонни ҳар жиҳатдан ўрганиши керак», — деб ёзган эди.

К. Д. Ушинский мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлашда табиат билан таништиришга, эстетик ва ахлоқий тарбияга катта урин ажратди. Унинг фикрича, бола фақат ахлоқий тарбия туфайлигина одам бўлади. Бундан ташқари тарбияга доир асарлар баёнининг соддалиги, равшан ва юксак бадиийлиги билан ажралиб туриши керак, дерди. Унинг ўзи ҳам бунга қатъий амал қиласди. Шу сабабли унинг ёзган «Она тили» дарслиги ана шундай талабларга тўлиқ жавоб беради. Дарслик мазмунининг бойлиги, тили ва методикаси жиҳатдан ўз даврининг энг намунали ўқув китобларидандир. У ёшларни тарбиялашда табиат гўзаллигидан фойдаланишни айтди.

Болаларни табиатни севишга ва уни ўрганишга бўлган қизиқишини орттириш йўлларини кўрсатди. Болалардаги кузатиш қобилиятини ошириш, фикрлаш хусусиятини ривожлантириш, табиат ҳақида тўғри тушунчаларга эга бўлиш, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни пайқай билиш руҳида тарбиялаш кераклигини уқтириди.

**А. С. Симонович** (1840—1933) — ижтимоий-педагогик ҳараратнинг атоқли арбоби, ёшларни тарбиялашда боғча билан мактабнинг алоқасини яхшилаш кераклигини олға сурган олим. Шунинг учун ҳам болалар боғчасини «коила билан мактаб ўртасидаги боғловчи ҳалқа» деб ҳисоблаб, боғча болаларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш керак, деган эди.

У болаларни табиат билан таништиришда яратилган назария ва практикани бир-бири билан боғлаб болалар тарбиясида фойдаланиш керак, деб уқтириди.

Унинг «болалар боғчасининг мактаб билан алоқаси», «Ким тарбиячи бўла олади?» «Ватаншунослик», «Болалар боғчаси ҳақида» каби асарларида болаларни тарбиялашда табиат воситаларидан, теварак-атрофдаги предмет ва буюмлардан фойдаланиш кераклигини эслатиб ўтади.

А. С. Симонович ижодининг бош марказида ватаншунослик, ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, ҳикоя айтиб бериш, расм чишиш, конструкциялар қуриш ва бошқа иш турлари буйича на-мунали методик қўлланмаларни ишлаб чиқди ва болаларни шу руҳда тарбиялашга унади.

Е. Н. Водовозова (1844—1923) — болаларнинг севимли ёзувчиси, мактабгача тарбия педагогикасини ривожлантиришда муносиб ҳисса қушган олим. Е. Н. Водовозова мактабгача тарбия педагогикаси соҳасида К. Д. Ушинскийнинг фикрларини давом эттирди, уни янги foялар билан бойитди.

У мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашда табиатнинг ўзига хос роли борлигини, табиатни кузатиш — болаларни табиат билан таништиришнинг амалий методларидан бири эканлигини курсатиб берди. Тарбиячилар уни туғри ташкил этишлари кераклигини педагогик нуқтаи назардан исботлаб берди. Айниқса болаларни тарбиялашда уларни катталар меҳнати билан таништиришнинг таълим-тарбиявий аҳамияти бе-қиёс катта эканлигини тасдиқлади.

Е. Н. Водовозова фаолиятининг марказида ақлий ва ахлоқий тарбияга катта урин ажратади. Ақлий ривожланиш воситаси сифатида табиат билан таништиришга катта эътибор бериб, у ана шу таништириш планига теварак-атрофдаги ҳаёт билан, халқ меҳнати ва турмуши билан таништиришни киритади. Унинг «Болаларни ақлий ва ахлоқий тарбиялаш» деган асари Россияда болалар боғчаларининг тарбиячиларини тайёрлашда энг муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Л. К. Шлегер (1863—1942) — кўзга кўринган педагог-методист, мактабгача тарбия соҳасидаги таникли арбоб.

Л. К. Шлегер тарбиячиларини Москванинг ишчилар яшайдиган чекка районларида болалар боғчасида бепул ишлашдан бошлади. У ўша даврда тарбияда мавжуд бўлган Фребель ва Монтессориларнинг дидактик материалини қайта кўриб чиқди, болаларнинг ҳаётий планини тарбиявий ишнинг асосига айлантирди. Бу планда ўша вақтда тарқалган эркин тарбия назариясига амал қилиб, болаларга ўйин ва машғулотлар вақтида тўла эркинлик бериб қўйиш кераклигини айтди ва ўзи буни тажрибаларида синааб курди.

У ўзининг «Ёш болалар билан суҳбатлар учун материаллар», «Болалар боғчасидаги амалий иш» номли асарларида мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан суҳбатлар ташкил этиш методикаси, болаларни ўрганиш, индивидуал иш, сезги органларини ривожлантириш учун маҳсус машқлардан фойдаланишга доир қўмматли маслаҳатлар берди.

У болаларни тарбиялашда табиатдан фойдаланиш учун жисмоний иш билан шуғулланиш кераклигини, жисмоний иш жараёнида табиат элементлари билан танишиб олиш мумкинлигини олға суради. У бола тарбиясида купинча амалий иш билан шуғуллантириш кераклигини айтиб, бунинг асосида табиат билан таништиришнинг ўзига хос методини ишлаб чиқди.

Л. К. Шлегер ўз ҳаёттй тажрибалари асосида «Ҳар бир ёш үзининг шахсий ҳаётига эга» дейди. Демак, ҳар хил ёшдаги бола билан тарбия ишини олиб боргандада ҳушёр бўлиб, боланинг физиологик ўсиши, психик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Е. И. Тихеева (1867—1943)— талантли педагог-методист, маориф соҳасидаги жамоат арбоби.

Болалар тарбиясининг жонкуяри Е. И. Тихеева ўзининг тарбия соҳасидаги қарапашлари билан бошқа методистлардан ажралиб туради. У К. Д. Ушинскийнинг ғояларини жон дилидан кабул қиласди ва уни кенг тарғиб қиласди.

Е. Н. Тихеева мактабгача тарбияда эркин тарбия назариясига қарши чиқиб, болаларни тарбиялашда уларнинг олдида бир мақсад бўлиши кераклигини, кўр-кўрона тарбия бериш боланинг шаклланишида салбий таъсир этишини кўрсатади. У болаларни тарбиялашда табиат воситаларидан фойдаланиш кераклигини айтиб, шаҳарларда табиат билан таништириш учун имкониятлар йўқлигидан қаттиқ хафа бўлади. У «шаҳарлардаги баланд иморатлар, тифиз кўчалар, баъзи баланд тош уюмлари болаларни наосм онни, на қуёшни қўролмай доғда» юришларини айтиб, болаларнинг шаклланишида табиатнинг роли бекёс катта эканлигини айтади. Бунинг учун болалар ёнида, албатта боғча участкалари, майдончалари бўлиши кераклигини, болалар бу участкада табиат элементлари билан танишиши мумкинлигини уқтиради.

У, айниқса экспурсиялар уюштириш кераклигини, унинг болаларни табиат билан таништиришдаги ролини алоҳида қайд этиб, шаҳарларда буни уюштириш қийинлиги, фақат музей, виставкаларга олиб бориш билан шуғулланишларини ачиниш билан қайд этади.

Е. И. Тихееванинг педагогик фаолияти Улуғ Октябрь инқи lobидан кейин янада ривожланди. У Совет мактабгача тарбия системасида хам баракали ишлаб, қимматли фикр ва мулоҳазалар билдириди.

## VII боб. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Бола организмини ривожланиши туғилгандан бошлаб амалга ошади. Бу сезги аъзолари ва идрокнинг интенсив, жуда тез ривожланиши демакдир. Ана шу сезги аъзолари ва идроки туфайли теварак-атрофдаги нарсаларни, ҳидни, шаклни, унинг катта-кичиклигини, музикани, товушни, рангни кўради, сезади. Улар ҳақида фикр юритади. Сезги аъзоларига кўз, қулоқ, бурун, тери кириб, улар кўриш, эшлиш, ҳид, таъм, тери ва ҳараратни, идроклари эса ҳаётни билиш воситаси ҳисобланади. Болаларнинг психик тараққиётни ана шу сезги аъзолари ва идрокларининг қанчалик тараққий этганига боғлиқ. Бу сенсор тарбиянинг натижаси ҳамдир.

Хўш, сенсор тарбиянинг ўзи нима? «Сенсор» атамаси лотинча сўз бўлиб «сенсус» — «туйғу», «сезги», «идрок», «сезиш қобилияти» дан келиб чиққан. Сенсор тарбия ақлий тарбиянинг бир булаги бўлиб, бунда бола сезги аъзолари ва идрокларининг мақсадга мувофиқ равишда ривожлантириш ва мукаммаллаштириш тушунилади.

Сезги ва идрок қанчалик бой, яхши тараққий этган бўлса, инсоннинг теварак-атрофдаги, табиатдаги воқеа-ҳодисаларни шунчалик тез тушунадиган ва улар ҳақидаги маълумоти кенг ва кўп қиррали бўлади.

Маълумки, инсоният жамияти кўп асрлик ижтимоий меҳнат тараққиёти давомида одамга таъсир қиладиган (турли ташқи таъсиrotлар, ташқи муҳит, яшаш шароити натижасида) ташқи кўзготувчиларни ихчамлаштириб, сезадиган ва идрок қиладиган системага солган.

Бола ақлининг ривожланишида, сенсор тарбиясида табиатнинг роли бекёс каттадир. Инсон организмидаги сезги ва идрокнинг шаклланиши, ривожланиши бевосита табиат таъсирида вужудга келган бўлса ажаб эмас. Тасаввур қилинг, инсонни дастлабки шаклланаётган қадимги ибтидоий жамият даврида, яъни маймуннинг одамга айланишидаги илк бор тараққиёт даврида яшаш учун кураш натижасида инсон организмидаги ана шу сезги ва идрок қобилияtlари ривож топган. Ўша пайтда одамларнинг яшаш учун овқат топиши керак бўлган. Бу уларнинг куриш (олисни куриш, қаршисидаги маҳлуқни, ҳайвонни куриш, уларни фарқлай билиш) қобилиятини, эшитиш (ташқи душманлардан сақланиш, ов қилиш учун теварак-атрофдаги, яқин ердаги ов ҳайвонларининг юришини, қушларнинг товушини эшитиш) қобилиятини, таъм билиш (ейиладиган таомнинг ширин-аччиқлигини, иссиқ-совуқлигини, заҳарли ва заҳарли эмаслигини тил воситасида билиши) қобилиятини, ҳид билиш (овқатнинг ҳидланган-ҳидланмаганини, яқин атрофда овқат борлигини билиш) қобилиятини, ҳаракат (овқат топиш учун ўлжа кетидан чопиш, душмандан сақланиш учун қочиш, ишни бажариш учун тез ҳаракат қилиш) қобилиятини вужудга келтирган.

Демак, инсон организмидаги ҳосил бўлган ва инсоннинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган сезги ва идрокнинг вужудга келиши ва ривожланиши биологик жараёндир. Ана шу жараён ҳозирги ёшларни табиат воситасида тарбиялашда ҳам энг муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни ўсимликлар ёки ҳайвонот оламининг типик вакиллари (олма, ўриқ, чинор, тол, акация, терак, ёнғоқ ёки гуллар билан, ҳайвонлардан: қўй, сигир, ит, мушук, от, эшак, эчки кабилар) билан таништирганда уларнинг ташқи қиёфасини, гавда тузилишини, терининг жун билан қопланганлигини, уларнинг хатти-ҳаракати, югуриши, юриши, товуш чиқаришлари бола сезгиси ва идрокининг ривожланишига катта таъсир қиласди.

Эндигина тетапоя қадам ташлаётган боланинг мушук кетидан югуришини бир эсланг. У мушук думидан ушламоқчи булиб, гоҳ ийқилиб, гоҳ сурилиб қўлларини чузиб: қувончи бир дунё бўлиб, «га-галаб» югуриши бола организмидаги сезги ва идрокни бевосита янада тезроқ ривожланишига олиб келади.

Болалардаги сезги ва идрокни ривожлантиришда бирор мақсадни кўзлаб, мазмунли фаолият жараёнидаги амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай самарали фаолиятга ҳар хил ўсимлик баргини териш, уларнинг шакли билан танишиш ва рангини аниқлаш киради. Болалар билан боғча участкасига чиқиб уларни турли-туман гуллар билан таништириш, уларнинг рангини курсатиш ва сураш орқали сингдириш мумкин. Шу билан бирга турли қушларнинг сайраши турлича эканлигини айтиб, чумчук, зағча, булбул, қарға, олашақшақ, каклик, канарейка кабиларнинг товушини бир-биридан ажратада олиш, бир қуш сайраётганда «болалар бу қайси қуш», иккинчи қуш сайраса «бу-чи», бу қайси қушнинг товуши?»— деб болаларни эшитиш қобилиятларини ривожлантириш мумкин.

Биз тарбиячилар болаларнинг психологик ривожланишини яхши билиб, уларнинг сезги ва идрокларини ривожлантиришда табиат элементларининг роли катта эканлигини эсдан чиқар-маслигимиз керак.

Ясли ёшидаги болаларда рангларни сезиш, куриш, эшитиш, ҳид, таъм ва тери сезгилари жуда эрта бошланади. Шу сабабли уларнинг сезги ва идрокларини тарбиялашга қанчалик эрта киришилса, шунчалик катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Боладаги сенсор тарбиянинг ривожланиши унинг катта бўлганда ақлий жиҳатдан такомиллашувини таъминлайди. Бу эса инсоннинг ҳаётда зеҳнли, сезгир, ҳозиржавоб, теварак-атрофдаги, табиатдаги воқеа-ҳодисаларни тез фаҳмлайдиган, анализ қиласидаги кишилар бўлиб етишишида катта аҳамиятга эгадир. Машҳур чех педагоги Я. А. Коменский билиш жараёнидаги сезги аъзоларининг ролини жуда катта эканлигини таърифлаб: «Сезги аъзоларимиз онгимиздан ташқи оламга қаратада очилган дарчалардир. Биз онгимизда акс эттираётган ҳамма нарса ва ҳодисалар фақат мана шу дарчалар орқали онгимизга киради. Борди-ю, биронта дарча ёпилиб қолган булса (яъни биронта сезги аъзоларимиз ишдан чиққан бўлса), у пайтда биз шу сезги аъзойимиз билан боғлиқ булган нарсаларни тұла акс эттира олмаймиз»,— деган эди.

Жуда ҳаққоний айтилган бу ухшатма бола онгини ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бирортасини «ёспилиб» қолишига йул қўймаслигимиз керак.

Болалар боғчаси болаларни сезги аъзоларини ривожлантириш учун энг қулай жойдир. Чунки боғчаларда бунинг учун ҳамма имкониятлар ва шароитлар мавжуд. Шунинг учун ҳам тарбиячиларимиз буни эсдан чиқармаган ҳолда табиат инъом этган бойликлардан оқилона фойдаланишлари керак. Табиатнинг қайси қиррасини олиб қараманг, ўсимлик ёки ҳайвонот

дунёсими, жонсиз табиати — сув, тупроғими боланинг сезги органларини ривожланишида кенг фойдаланиш мумкин.

Боғчада болаларни идрокли қилиб тарбиялаш учун кузатувчанлик қобилиятини ошириш керак. Кузатувчанлик эса табиатни, йил фаслларини, об-ҳавони, ўсимлик ёки ҳайвонлар ҳаётини — фенологиясини кузатиш воситаларида амалга оширилади. Бундан ташқари экспкурсиялар ташкил қилиб табиат манзараларини кузатиш, қушларнинг учиши, товуши, ҳайвонларни кузатиш (юриши, товуши, чопиши) кабилар бола идрокини ошишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

## ТАБИАТ ЁРДАМИДА БОЛАЛАР ТАФАККУРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Техника, космос асрида яшаётган ёш авлодимизнинг тушунчаси, тафаккури анча ўткир. Икки ёшли болалар табиатда курган кўзга ташланиб турадиган ўсимлик, ҳайвонларни кўриб, идрок қилиб улар ҳақида тафаккур қиласди. Тафаккур боланинг боғча даврида жуда тез ривожланади. Бунинг сабаби бола бу даврда табиатнинг турли элементлари билан: ер, осмон, юлдуз, қўёш, қор, ёмғир ҳақида катталардан эшишиб, телевизорда кўрган эртакларидан хулоса чиқариш орқали идрок этиб, уларни тафаккур қиласди.

Ҳаётда, турмушда болаларни жуда қизиқувчан, ҳар нарсани билгиси келадиган, уни урганишга, билишга, узиники қилиб олишга интилаётганини биламиш.

Улар Ер каттами, Қуёш каттами? От каттами, фил каттами? Даражтлар нега катта? Осмондаги самолёт тез учадими, қуш тез учадими? Қорни ким ёғдиради? Қушлар қишида қаерда қишлийди? Шамони ким пулфляяпти? Булутлар қаёқقا кетаяпти? каби саволлар билан мурожаат қиласди. Болаларда бундай саволларнинг туғилиши табиий ҳол бўлиб, улар табиат ҳақида, унда бўладиган воқеалар, эртаклардаги аждаҳо, дев, ялмоғиз кампир, сеҳргар чол кабилар ҳақида билгиси келади. Биз тарбиячилар болаларнинг бу саволларига туғри, алдамасдан, мөҳиятини илмий асосда, табиат қонунлари нуқтаи назаридан тушунтириб беришимиз керак. Боғча ёшидаги болалар тафаккурининг характерли ҳусусиятларидан бири улар тафаккурининг конкрет образли бўлишидир. Улар ўз тушунчаларида, мулоҳазаларида абстракт тушунчани эмас, балки конкрет фактларга асосланади. Шу сабабли табиат ҳақида тушунча берганда абстракт маълумотлар ҳақида эмас, конкрет бола яшайдиган муҳитдаги ўсимлик, ҳайвонлар ҳақида, табиат элементлари ҳақида тушунча бериш керак. Масалан, шаҳар боғчалари шароитида кўпинча чинор, тут, тол, терак, акация каби дараҳтлар ўсади. Ана шу дараҳтларнинг биологияси ҳақида — ўсиши, ривожланиши, илдизи, уларнинг неча йил яшashi ҳақида конкрет тушунча бериш керак. Қишлоқ боғчаларида эса ўша Муҳитга мос бўлган, ўша боғча атрофида ўсадиган ўсимликлардан ёнгоқ, жийда, тол, тут, терак, олма кабилар ҳақида, уларнинг

еваларини курсатиб катта-кичкилиги, ранги, шакли, мазаси, эди ҳақида тушунча бериб, уларнинг мевасини болаларга тарқатиб, қайси ўсимликнинг меваси ширинлиги, катталиги, рангини сураб, бола идрокни ривожлантириш, шу асосда унинг тафаккурини ошириш мумкин.

Боғча ёшидаги болаларда (хусусан, катта группа болаларда) айрим нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгилариға қараб, умумлаштириш қобилияти юзага кела бошлайди. Масалан, олма урик, нок, олча, олхури, узум, анор, беҳи ва анжир расмларини түплаб мева деб атайдилар. Улар энди мева деган умумий тушунчадан ўз нутқларида эркин фойдалана оладиган бўладилар,— дейди психолог М. Воҳидов. Боғча болалари хилма-хил расмли ўйинлар жараённида баъзан тарбиячининг аралашуви ва болаларга умумлаштириш юзасидан (масалан, ҳайвонлар, ҳашаротлар, гуллар, қушлар, ўйинчоқлар ҳақида) турли вазифалар бериш яхши натижаларга олиб келади. Болалар бу нарсаларнинг энг муҳим белгилариға қараб гуруҳларга ажратадилар. Бу билан уларнинг фикрлаш тафаккури ошиб, болаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

### ТАБИАТ ЕРДАМИДА ТАРБИЯЛАШДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Боғча болаларининг илмий дунёқарашини табиат воситасида тарбиялаш ҳам умумий тарбиянинг бир қисмидир.

Хўш, дунёқарашнинг ўзи нима? Дунёқараш — инсоннинг табиатга, ижтимоий ҳаётга, Ватанга, хуллас, умуман дунёга қарши тушунилади.

Табиат воситасида ёшларни илмий дунёқарашини шакллантириш, табиат қонунларини, табиатда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни илмий асосда тушуниш демакдир. Бунинг маъноси шуки, жамият, қонуни бўлганидек, табиатнинг ҳам ўз қонуни бор. Жамият қонуни ўзгарувчан бўлиб, табиат қонуни ўзгармасдир. Табиат қонунларига йил фаслларининг ҳосил бўлиши, кечакундузнинг вужудга келиши, Ой ва қуёшнинг тутилиши, зилзилаларнинг рўй бериши, вулқонларнинг отилиши, ёмғир қорларнинг ёғиши, шамолларнинг ҳосил бўлиши ва ҳоказолар киради.

Биз ёшларнинг дунёқарашини тўғри тарбиялаш учун ана шу қонуниятларнинг содир бўлиш сабабларини, унинг моҳиятини тугри тушунтиришимиз зарур.

Ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантириш учун биз тарбияни мактабгача тарбия муассасаларидан бошлашимиз керак. Табиат билан танишириш — бу боғча шароитида болаларнинг табиат ҳақидаги илк тушунчаси бўлиб, бу уларнинг табиатга бўлган дунёқарашларининг элементар асосини ташкил қиласи. Ёш авлодни табиатга, она-Ватанга бўлган мөхр-муҳаббатини оширади. Ватан дейилганда ҳар бир инсон

яшайдиган муҳит, унинг ўсимлиги, ҳайвонот дунёси, суви, тупроғи, ҳавоси — барча-барчаси киради.

Нима учун биз она-Ватан деб айтамиз? Нега ота-Ватан дейилмайди? Бунинг сабаби шуки, инсон боласи кўз очиб, дунёга келган кундан бошлаб то 1—1,5 ёшгача (баъзан 3 ёшгача) она сийнасини эмиб, ундан озиқланиб вояга етади. Она боласини сутдан ажратгач, яъни у эстафетани Ватанга тонширади, уни умрининг охиригача ўз Ватани — ери боқади. Унга овқат, кийим-бош, ҳаво, сувни — ер, Ватани беради. Шунинг учун ҳам бу икки мұтабар ном ҳамиша бирга, бош ҳарф билан «Она-Ватан» деб ёзилади.

Биз ёшларга табиат воситасида таълим берар эканмиз, табиат Она-Ватан эканлигини, биз онамизни қанча эъзозласак, Ватани ҳам шундай эъзозлашимиз кераклигини айтиб, уларни дунёқарашини кенгайтиришимиз, онгини янги билим ва тушунчалар билан бойитишимиз керак.

### БОҒЧАДА БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Болаларни тарбиялашда табиат билан таништириш кичик ёшдаги иккинчи группадан бошлаб амалга оширилади. Табиат билан таништириш ҳар группанинг ёш хусусиятига қараб, оддийлигидан мураккабликка қараб боради. Агар кичик ёшдаги иккинчи группа 1—2 ўсимлик билан танишса, катта группадагилари 5—6 ўсимлик билан танишиб, унинг номини билади.

Боғчада болаларни табиат билан таништиришда асосий ролни тарбиячи ўйнайди. Тарбиячи болаларни табиат билан таништириш учун «Дастур»ни ўзининг асосий қўлланмаси қилиб олиб, у асосида ҳар бир группада таълим-тарбия ишини олиб боради.

Таълим-тарбия ишини йил фаслларига боғлаб, ҳар бир фаслда қилинадиган ишлар расмийлаштирилади. Ана шунга мувофиқ, боғча участкасидаги ўсимликлар билан, унинг тирик бурчагидаги хайвонлар билан, хона ўсимликлари билан, аквариум ва ундаги балиқлар хаёти билан танишиш каби ишларни амалга ошириш режалаштирилади. Бундан ташқари турли темаларда экскурсиялар уюштириш, боғ, тоғ этаги, дарё бўйларига, шаҳар чеккаларига саир қилиш жараёнларида ҳам табиат билан, ўсимлик, ҳайвонлар, ҳашаротлар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, капалаклар, қушлар билан таништирилади.

Тарбиячи булар билан болаларни таништирас экан, уларнинг илмий дунёқарашини, борлиқ ҳақидаги идрокини, жонли ва жонсиз табиатнинг хусусиятларини ўрганиб, улар ҳақида дастлабки тушунчалар беради, боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбияланишига асос солади.

Болаларни жамоат ва давлат ҳужаликлари далаларига экскурсияга олиб чиқиб, кишилар меҳнати манзараси билан таништириш зарур. Бунда болалар кишилар меҳнатини кўриб,

улар етиштирған полиз экинларини ёки боғларни томоша қилиб, улар мәхнатига ұрмат билан қарайдиган бұлады. Бу таништириш даврида илфорлар, Социалистик Мәхнат Қаҳрамонларининг номини, донгдор сут соғувчи, илфор чупон, ажойиб механизаторларнинг номини, иложи булса, уларни боғчаларга таклиф қилиб учрашувлар үтказиб, бирга расмларга тушириб, болалар орасида кенг тарғиб қилиш керак.

Боғча болалари буни күришлари билан уларнинг ҳам қалбіда мәхнат қилишга, «донгдор бобоси ёки опасидай» илфор булишга ҳавас үйғонади. Биз тарбиячиларнинг ҳам мақсадимиз болалар қалбіда ана шундай мәхнатта, табиатни севиши, уни қуриқлашга, табиат гүзәллигидан завқланишга ҳавас үйғотищдан иборатдир. Шунга амин булиш керакки, умид билан ва чин дилдан сепилған бу каби яхшилик уруғлари бир кун эмас, бир кун униб, вояга етади.

*Тарбия* — мураккаб жараён ва комплекс тарбия түри булиб, бунга болаларни ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, ватанпарварлық, мәхнатсөвәрлық, табиатни севиши ва муҳофаза қилиш ҳамда политехник жиҳатдан тарбиялашлар киради. Буни амалға оширишда бошланғыч пойдевор болалар боғчалари ҳисобланади. Бу тарбия турларининг бирини иккінчисидан ажратиш мүмкін эмас. Улар тарбия жараёнида бир-бирига уланған олтын занжирлар ҳисобланади. Уларнинг бирини үзиш, катта хатодир. Бундай бола тақдирида, тарбиясида кемтиклик ҳосил бўлиб вояга етади.

Шунинг учун тарбиячилар, жонкуяр педагоглар бу олтин занжирнинг бирини олиш эмас, унга тарбия турини үзида мұжассамлантырган, бола тарбиясида мұхым аҳамият касб этувчи яна бир олтин ҳалқани құшмоғи керак. Бундай кишини биз ҳақиқиқи инсон, ҳақиқиқи тарбиячи деб айта оламиз.

Шу ўринда машҳур электр пайвандчи, икki марта Социалистик Мәхнат Қаҳрамони Алексей Улесовнинг бир сүзини эслатмоқчимиз. У шундай дейди: «Ишлагинг келади, ишлаганда ҳам, жону дил билан, бутун кучни беріб ишлагинг келади. Ахир, үзимиз учун ишлаётірмизку, үз ҳалқимиз учун, азиз болалар учун катта баҳт-саодат яратадаётірмизку. Бунда қандай қилиб бир чеккада қараб тура оласан? Юрек жүш урмоқда, құлнинг үзи ишга чузилмоқда». Бу үз ишининг умумхалқ учун, ватан учун аҳамиятini чуқур тушуниб етган чин инсоннинг юксак ғоявийлигини, унинг дүнёқарашини жон дилдан үзлаштирганларнинг ёрқин далилидир.

Биз тарбиячилар ҳам үз шогирдларимизни ана шу Алексей Улесов каби чин ватанпарвар, мәхнатсөвәр, ишни жону дилидан севадиган қилиб тарбиялашимиз керак. Бунинг учун табиат воситаларидан, түрли хил күргазмали қуороллардан, табиатнинг барча имкониятларидан унумли фойдаланиб, болалар зеңкорлигини, активлигини, қызықувчанлигини, табиатни самимий, маъносига етиб, жон-дилдан севадиган кишилар қилиб тарбиялашимиз керак.

## VIII б о б. БОЛАЛАРНИ ҲАР ТСМОНЛАМА ТАРБИЯЛАШДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Янги жамият сари ишончли одимлар билан борар эканмиз, уни қуриш учун, асрлар давомида инсонлар орзу қилиб келгач бу улуғвор жамиятнинг олтин дарвозасини очиш учун ёшлар олдига жуда муҳим вазифалар қўйилади.

Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда табиат воситаларидан фойдаланиш катта самаралар беришини илфор педагоглар узларининг ҳаётий тажрибалари, илмий ва амалий назариялар орқали тулиқ асослаб бердилар.

**А. С. Макаренко** (1888—1939) ўзининг кўп йиллик педагогик фаолиятида ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш учун колективда ва коллектив орқали тарбиялаш, меҳнат тарбияси, тарбияда меҳнатнинг ва оиласнинг роли бениҳоя катта эканлигини илмий асосда исботлаб бердилар.

Унинг «Педагогик поэма», «Минорадаги байроқлар» номли асарларида ёш авлодни тарбиялашда ота-онанинг вазифаси, унинг обруси, болаларни тарбиялашда меҳнат ғояларини сингдириш, табиатни севиш, унда меҳнат қилиш умумий тарбиянинг таркибий қисмларидан бири эканлиги атрофлича баён этилган.

Бола шахсига ҳурмат, унинг яхши нарсаларни идрок қилишдаги потенциал имкониятларига хайриҳоҳлик билан қараш, яхшироқ булиш ва теварак-атрофдаги нарсаларга актив мусносабат кўрсатиш А. С. Макаренконинг педагогик фаолиятининг асоси эди. Тарбия ишига жон-дилдан берилар, уни ўзи учун шараф деб биларди.

Катта киши учун «фаолият, иш, хизмат» қандай аҳамиятга эга бўлса, бола учун ўйин, табиат қучогида сайр шундай аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблар эди А. С. Макаренко. У мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ўйиннинг катта таъсирини қайд этиб, боланинг шаклланишида, ўсишида, организмини ривожланишида бу тарбия методидан кўпроқ фойдаланиш керак, дейди. Ўйин материаллари сифатида ўсимликлардан, мевалардан, рангли лотолардан фойдаланиш яхши самара беришини таъкидлайди.

А. С. Макаренко педагогика соҳасида ўз мактабини яратди. Унинг назарий ва практик ишлари, таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлари халқ педагогикасининг шуҳратини оламга таниди.

**В. М. Сухомлинский** (1918—1970) қишлоқ мактабида ишлаб етишган, истеъдодли амалиётчи ва назариётчи педагогdir.

В. А. Сухомлинский ўзи учун хос булган педагогик тарбияда халқ оғзаки ижоди, табиат ва теварак-атрофдаги муҳиг, қишлоқ шароитидаги экологик имкониятларнинг тарбиявий таъсири масалаларини жуда чуқур ва ўзига хос равишда ишлаб чиқди.

У ўз ижодий фаолияти даврида 600 дан ортиқ мақола, 30 дан ортиқ асарлар яратди. Унинг асарлари орасида «Болаларга жоним фидо», «Гражданинни тарбиялаш», «Павлиш ўрта мактаби», «Коллективни тарбиялаш методикаси», «Ўқитувчига маслаҳат», «Ёш ўқитувчи билан суҳбат» кабилар таълим-тарбияни ўзида тулиқ мужассамлаштирган тарбиячиларнинг севимли кўлланмасига айланди.

В. А. Сухомлинскийнинг ҳам таълим, ҳар тарбия соҳасидаги яратган назарияси, методлари, фикр ва мулоҳазалари ҳозир педагоглар, тарбиячилар томонидан ҳаётда кенг қўлланилмоқда.

### ТАБИАТ ЁРДАМИДА АҚЛИЙ ТАРБИЯ БЕРИШ

Ёш авлодга ақлий тарбия бериш — умумий тарбиянинг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. «Ақлий камолот — бу ёшнинг ўсиб, тажрибанинг бойиб бориши муносабати билан ва тарбиявий ишлар таъсирида боланинг ақлий фаолиятида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг мажмуудир»<sup>1</sup>, — деб таъриф берилган мактабгача тарбия педагогикасида.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия беришнинг йўллари, методлари, усуллари бир қанчадир. Ана шу тарбия турлари орасида ёш авлодга табиат воситасида ақлий тарбия бериш алоҳида ўрин тутади. Ана шу усулда тарбия беришни бошлишдан олдин ёшларга табиат воситасида ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш кераклигини, бунинг учун уларнинг ақлий ривожланиши қонуниятлари ва имкониятларини билиш кераклигини унутмаслик зарур.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия беришни ўрта ва катта группа ёшидаги болаларга сингдиришдан бошлиш керак, дейди педагоглар. Дарҳақиқат, бу ёшдаги болалар организми физиологик жиҳатдан анча етилган, онги психологик жиҳатдан идрок қила олиш қобилиятига эгадир. Боғча болалари бу даврда теварак-атрофни, унда бўладиган воқеа-ҳодисаларни таққослайдиган, умумлаштира оладиган хусусиятларга эга бўладилар.

Шундай экан, ақлий тарбия беришдан кўзланган мақсад, мактабгача тарбия ёшидаги болаларда теварак-атрофдаги ҳаётнинг энг оддий ҳодисалари ҳакида тўғри тасаввурлар ҳосил қила билишдан иборат.

Табиат воситасида болаларга ақлий тарбия бериш биз яшайдиган муҳитдаги ўсимлик ва ҳайвонот олами билан таништириш, жонли ва жонсиз табиат ҳакида тушунча бериш йўллари билан амалга оширилади. Бунда болаларнинг табиат ҳакидаги, унинг элементлари, табиатда бўладиган ҳодисалар, ёмғир, юлдузлар, ой ҳақида, ер ҳақидаги тушунчаларини хона-

<sup>1</sup> Мактабгача тарбия педагогикаси. Т., «Ўқитувчи», 1981, 192- бет.

да машгулот пайтида сураб билиш мумкин. Шуни унутмаслик керакки, бу нарсалар, уларни шакли, содир бўлиши ҳақида болаларнинг ўз тушунчалари бўлади. Биз тарбиячилар эса уни аниқлаб, хатоси бўлса тузатишмиз, тўғри бўлса тасдиқлашимиз керак. Масалан, бора тасаввурнида «булут — бу пахта», «юлдузлар эса — электр лампочкалари», «қор ёғиши — тепадан кимдир қор эляяпти» кабилар.

Бора теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг шакли, ранги, катта-кичиклигини кўриб улар ҳақида фикр юритади. Баъзи бир табиат ҳодисалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қонуниятлари (йил фаслларининг характерли белгилари ҳамда шу белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлари баъзи ҳайвонларнинг гавда тузилиши — типик хусусиятлари ва уларнинг шу ҳайвонлар ҳаёт тарзи билан боғлиқлиги ва ҳоказолар) ҳақидаги билимларни эгаллаб оладилар. Жонсиз табиатда буладиган ҳодисалар: сувни музлаши, қор, ёмғир ёғиши, чақмоқ чақишини кузатиш жараёнида тарбиячи болаларда олам ҳақида илмий тасаввурларни ҳосил қилиб боради.

Ақлий тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан яна бири болаларни қизиқувчанлик, табиатга, ҳаётга синчковлик руҳида тарбиялаш. Синчковлик теварак-атрофга, ҳаётга онгли қизиқиши руҳи билан қараш, унинг содир бўлиш сабабларини аниқ билиб олишдан иборат. Бунда тарбиячилар табиатга доир турили ўйинлар ташкил қилиши мумкин. Масалан, «тез топар ўйини», бунда бир неча ўсимликларнинг барги халтачага солиниб уларни ҳар бири алоҳида-алоҳида курсатилади ва уларнинг номи суралади, ёки охирги ҳарф билан бошланадиган ўсимлик ёки ҳайвонларни топиши (қовун—нок—карам—мурут—тарвуз — ... ёки ҳайвонлардан бўри — ит — товуқ, — қуён... ва ҳоказо) йуллар билан ҳам болаларга ақлий тарбия бериш мумкин.

Боланинг ақлий жиҳатдан камол топиши, дейди академик Т. Н. Қори-Ниёзий унинг эрта катта бўлганида ҳам, ҳаётда яшаганда, ишлаганда, оила қурганда ҳам жуда керакдир. У узининг «Ҳаёт мактаби» деган китобида шундай ёзади: «Ижодий ҳаёт билан яшаган ҳар бир кишининг, айниқса, олимнинг хусусиятларидан бири кузатиш қобилиятидан, кўринишда «арзимайдиган», «майда-чуйда» ларга диққат қилиб юришдан иборатдир. Дарҳақиқат, кўришда кўриш, қарашда қараш бор. Яъни бирор ҳодисани айни замонда кўп киши кўрган билан, ундан ҳар бири тўғри хулоса чиқара олмаслиги мумкин. Масалан, педагогика институтининг давлат имтиҳонида педагогикадан имтиҳон бўлаётган эди. Гарчи имтиҳон билетида психологияядан савол бўлмаса-да, имтиҳон бераётган йигитнинг диққат лаёқатини синааб кўриш мақсадида, мен унга савол бердим:

- Институтда неча йил ўқидингиз?
- Тўрт йил.
- Мана шу имтиҳон бўлаётган аудиторияда тўрт йилдан

буён күп марта дарс эшитган бұлсанғыз керак. Шундай әмасми?

— Шундай!

— Ундаі бұлса, мен сизга бир савол бераман, тезда жа-воб беринг: аудиториянніг нечта деразаси бор?

Талабанинг берган жавоби түгри чиқмади. Шундан кейин унга иккінчи савол бердім:

— Шу аудиторияда нечта электр лампочка бор? Ҳамон түғри жавоб берилмади. Ніхоят, учинчи савол бердім:

— Түрт йил мобайнида ҳар куни бир неча мартадан институтга зина билан чиқиб тушгансиз. Айтингчи, зинанинг нечта погонаси бор?

Әу саволга ҳам түғри жавоб бұлмади.

Инсоннинг синчковлик руҳида тарбияланиши унинг ақлий жихатдан баркамоллигини курсатади. Бундан ташқари синчков киши сермулоқазали, мустақол фикрли, теварак-атрофни яхши биладиган, ҳаёт жараёнларини анализ қыладиган киши бўлиб етишади. Бу эса болаликдан, мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади.

Ёш авлодни табиат билан таништиришда ҳосил қилинадиган сезги ва идрок боланинг сенсор тарбияси ҳисобланиб, у ақлий тарбиянніг асосини ташкил қиласди.

Болада ҳосил бўладиган сезги ва идрок уларда сенсор тарбиянніг доираси ва масштабини кенгайиб боришга олиб келади. Тарбиячилар теварак-атрофдаги, табиатдаги битмас-туганмас имкониятлардан, сабабларидан фойдаланиб, боланинг сезги ва идрокини ривожлантириб боради. Бу эса унинг ақлий жихатдан камол топишининг муҳим манбаларидан биридир.

Болаларга ақлий тарбия беришда табиат воситаларидан фойдаланиш маълум бир система асосида амалга оширилиши керак. Тарбиячи бунда уз олдига бир мақсадни қўйиб, уни амалга ошириш жараённіда ақлий тарбияни кандай амалга ошишини кўзлаши ва натижасини текшириб куриши керак. Бунинг учун аввал табиат билан таништиришнинг энг оддий элементидан бошлаб, табиат хақида дастлабки, элементар тушунчаларни ҳосил қилиши керак. Натижада болаларда кўргазмали-образли, образли ва образли-схематик фикрлашларни ҳосил қилмоқ зарур. Бунинг аҳамияти шундаки, таништириладиган табиатнинг ҳар бир воситаси бола онгода, фикрида, тушунчасида мустаҳкам из қолдирмоғи керак.

## ТАБИАТ ЕРДАМИДА БИЛИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Билиш — воқеликни инсон онгода акс эттиришdir. Билишнинг мақсади табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларни инсонга бўйсундириш ва унга хизмат қилдиришдан иборатdir. Билиш сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур ҳамда нутқни ривожлантиришдан иборат. Бу эса ақлий тарбиянніг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Теварак-атрофни, табиатни, оламни билиш сезги ва идрокдан бошланади. Бу жараёнларни қанчалик яхши билса, борлиқни, табиатни билиш имконияти шунчалик күп бўлади. Шунинг учун ҳам биз боғча болаларини кўпроқ билишга, онгини ривожлантиришга ўргатишимиш лозим.

Билиш жараёнини ривожлантиришда табиатнинг роли қагтадир.

Табиат — биз яшаб турган олам. Унда содир буладиган во-кеа-ҳодисаларни илмий асосда билиш боғча болаларини тўғри тарбияланиши ва шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мактабгача тарбия муассасаларида табиат воситасида билиш хусусиятларини таркиб топтириш ўрта ва катта группа болаларда амалга ошириш самарали натижа беради. Лекин бу билан, бошқа группаларда билиш назариясини сингдириш, ўргатиш керак эмас, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим.

Биз тарбиячилар болаларнинг актив билиш фаолиятини, уларнинг билишга булган қизиқишиларини оширишимиз зарур. Буни амалга оширишда табиатда буладиган оддий ҳодисаларнинг содир булиш сабабларини ўргатишдан бошлашимиз керак. Бу ёшларни табиат сирларини ўрганишга, улар ҳақида фикр юритишга, билимини шакллантиришга ва боланинг билиш қобилиятини оширишга ёрдам беради.

### ТАБИАТ ЕРДАМИДА АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШ

Аҳлоқий тарбия дейилганда ёш авлодни Ватанга, кишиларга муҳаббат, уларга ва улар меҳнатига ҳурмат туйгулари, байнамилалчилик, колективизм ва гуманизм куртаклари, интизомлилик ва хулқ-атвор маданияти, «киши» кишига дўст, тинчлик, характернинг иродавий хислатлари ҳамда шахснинг ижобий аҳлоқий сифатлари, поклик, тўғрилик, камтарлик, одамохунлик, хуллас олижаноб инсон учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини мужассамлаштириш руҳида тарбиялаш тушунилади.

Ёш авлодда бу хислатларни камол топтириш учун табиат воситасидан кенг фойдаланиш керак. Буни амалга ошириш бир кунлик, бир ойлик иш эмас. Бу мураккаб жараён бўлиб узоқ вақт, керак бўлса йиллаб тарбия талаб қиладиган меҳнатнинг маҳсули ҳисобланади.

Табиат воситасида аҳлоқий тарбия бериш учун боғча участкаларига экилган гулларни парвариш қилиш жараёнида ҳар бир гулни, ниҳонни асраш, уни парвариш қилиш, гуллар тагини юмшатиш, сугориш, бегона ўтлардан тозалаш, шакл бериш, угит ёки гунг солиш каби ишларни бажариш жараёнларини амалга ошириш мумкин. Бу ерда тарбиячи бош ролни уйнайди. Тарбиячи иштирокида бу ишни амалга ошириш учун гулларни парвариш қилаётганда унинг ҳам жонли организм эканлигини, биз қандай нафас олсак, улар ҳам нафас олишини,

биз қандай овқатлансак, улар ҳам биздек овқатни яхши куришини айтиб, тушунтириш керак. Уларнинг овқати гүнг, ўғит деб, гуллар тагига ўғит солиш керак. Биз ювинишни, таранишини қандай яхши кўрсак, гуллар ҳам ювинишни, таранишини яхши кўради. Бунинг учун гуллар тагини вақт-вақти билан юмшатиш, сув бериш керак, баргларига чанг юқтирумаслик, борди-ю чанг юқса, тезда ювиб артиш керак, деб тарбия бермоғимиз зарур. Одамлар ёруғликини, қуёшни қандай яхши курса, гуллар ҳам ёруғликини, қуёшни шунчалик яхши кўради. Шунинг учун уларни соя тушган ёки қоронги ерларга экиш керак эмас.

Бундай пайтда гуллар яхши очилмайди, барг ёзмайди, бизга узининг муаттар ҳидини таратмайди, деб тушунтириш кепрак.

Боғча болаларини табиат билан таништиришга олиб чиқ-қанда ҳам болани, ҳам табиат воситаси гулни, ўсимликни гапиртириш керак. Бундай пайтда ўсимлик, ҳайвон тилидан гапириш вазифасини тарбиячи бажаради. Болаларни боғча участкасидаги жонли бурчакка олиб бориб, ундаги «куён, типратикан, тошбақа, тулки, товуқ, капитар» кабилар билан таништирганда тарбиячи улар тилидан «менга сув беринглар», «мен ҳам оч қолдим, овқат беринг» деяпти деб типратиканнинг ҳаракатини, қарашини, баъзи хатти-ҳаракатларини тушунтириши керак. «Мени игналаримдан қўрқманг, ёмонлик қиласангиз, урмасангиз, тиқанимни санчмайман» деяпти деб, тарбиячи типратиканнинг устини қўллари билан силаши керак. Сўнгра бошқа ҳайвонларни ҳам олдига бориб, ана шундай тарбия ишларини олиб бориш мумкин.

Тарбиячи ана шу пайтда болаларни боғча участкасидаги айвончага ўтказиб, тарбияга бағишлиланган эртак, ҳикоя, шеърлардан ўқиб берса, боланинг ҳам тарбиясига, ҳам сўз нутқини ошишига, ҳам табиат ҳақидаги тушунчаларини кенгайиб, чукурлашишига олиб келади.

Болаларни боғча участкасида, табиат бурчагида ўсимлик ёки ҳайвонлар билан таништираётганда ҳар бир ўсимлик, ҳар бир ҳайвонни шундай гапиртириш керакки, бунда тарбиячи таништиришини қизиқарли, жонли, тушунарли ўтказиб, ўз шароитига боғлаб, улардан мисоллар келтириб, болаларни ўзига ром этиши керак. Ҳаёт, турмуш билан боғланган бундай тарбия усули бола ахлоқини яхши томонга қараб шаклланишига, ўсимлик ва ҳайвонларни ситқи дилдан парвариш қилишга, уларга жон деб овкат беришга, қийнамасликка, дарахт ва гулларни синдиримасликка ва энг муҳими, унинг қалбида тирик жонга меҳр-шафқат, садоқат туйғулари уйғонади. Бола қалбига сепилган бундай яхшилик орзу уруғлари бир кун эмас бир кун албатта ниш отиб кўкаради, ўз мевасини беради.

Бир тарбиячиларнинг ҳам асосий вазифамиз шу эмасми?

Табиат воситасида болаларга ахлоқий тарбия беришнинг йўллари жуда куп ва у хилма-хилдир. Биз юқорида фақат унинг баъзи бирларини эслатдик, холос. Уни ҳар бир тарбиячи ўз

шароити, ўз миллий урф-одатлари асосида амалга оширсалар, нур устига нур бўлар эди.

Боғча болаларига ахлоқий тарбия бериш йўллари, усуллари ҳақида ҳозир кўплаб адабиётлар, қўлланмалар мавжуд. Биз талабаларга улардан самарали фойдаланиш мақсадида баъзи бирларини тавсия этамиз (9).

### ТАБИАТ ЕРДАМИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БЕРИШ

Инсоннинг шаклланишида, мазмунли, мақсадга мувофиқ ҳаёт кечиришида жисмонан соғлом бўлишнинг аҳамияти бекиёс каттадир. Халқимиз «тани соғлик туман бойлик» деб бекорга айтмаган. Беҳудага «тўрт мучалинг соғ бўлсин» демаган. Бу нақлларнинг туман-туман маъноси бор, мазмуни бор.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг организми жуда тез ривожланади. Болалар анатомияси ва физиологиясидан маълумки, болалар 7—8 ёшгacha буйига ҳар йили 5 см гача усиб, тана оғирлиги 2—2,5 кг ортиб боради. Кейин эса бироз секинлашади.

Бундан куриниб турибидики, боланинг жисмонан соғлом ўсишини ёшликтан таъминлаш керак. Боғча болаларини жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш учун нималарга эътибор бериш керак, қандай тарбиялаш воситаларидан фойдаланиш керак, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Болаларнинг жисмонан туғри тарбияланиши учун қўйидаги шароитлар яратилиши ва унга қатъий риоя қилиниши керак:

- 1) Гигиеник кўникмалар ҳосил қилиб тарбиялаш (бино, участка, жиҳозлар, кийим-бош, пойафзал гигиенаси)<sup>1</sup>.
- 2) Медицина ходимларининг доимий назорати (соглиғи, антропометрик маълумотлари, физиологик ҳолати).
- 3) Боғчада болаларнинг ҳаёт режими (овқатланиш, уйқу, ўйин, машгулот, сайдрлар, организмини чиниқтириш).

Боғча болаларига табиат воситасида жисмоний тарбия беришда очиқ ҳавода сайд қилдириш, тоғ этаклари, дарё бўйлалига экспурсияга чиқиш, шаҳар ичидаги истироҳат боғларда бўлиш ва бошқалар.

Айниқса, болалар билан боғча участкасида ишлаш, ҳаракатли ўйинлар ташкил қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси билан танишиш, зоопаркларда бўлиш кабилар ҳам боланинг жисмоний тарбияланишида муҳим роль ўйнайди.

Боғча участкасидаги гулларни парвариш қилиш, гуллар тагини юмшатиш, гулларни сугориш, гулзорни бегона ўтлардан тозалаш, гулларга маданий ва минерал ўғитлар солиш каби

<sup>1</sup> Смирнова Е. Т. Мактабгача тарбия муассасаларида тарбия ишининг гигиеник асослари. Т., «Ўқитувчи», 1977.

<sup>2</sup> Жисмоний тарбия шароитлари. «Мактабгача тарбия ёшидаги болалар анатомияси, физиологияси ва гигиенаси», «Болалар боғчасида жисмоний тарбия методикаси» курсларида батафсил ўрганилади.

ишлар билан уларни ҳам меҳнатсеварликка, ҳам жисмонан  
коғлом кишилар қилиб тарбиялашга олиб келади, өмкін. Еш  
авлодни жисмоний тарбиялашда боянча участкаладынинг, боянча  
хөвлисининг роли бекітес каттадир. Болалар оның өзінің үйнеки  
танаңтаркан, нафас олиш органдарини ривожлантаришты  
билилес алғанда үйнеки тарбияның өзінің сининг бошқа аяздарини ҳам мустаҳкамлайды, өзінің үйнеки  
учун шароит яратылади.

Шуны айтиш керакки, жисмоний тарбия жараенда амалға  
ошириш учун ташкил қилинган сайр, экскурсия өкілеңдік боянча участка  
касидаги ишларда болаларни фақат бир әкімдікпен әмас, уларға  
меканикалық тарбия жараенларини, эстетик, ватаппарварлық, меҳнатсеварлик, өзінің  
натсеварлық, үсимлік ва ҳайванларни сақлашынан аспаршылардың  
тарбия берушімиз лозим. Шунинг учун бир тарбияның амалға  
оширилиши бошқа тарбия турларини ҳам амалға ошишига  
имкон яратади.

Болаларни боянча участкасида үйнаташ, мәденик қылдириш  
учун бир группа иккінчи группадан буталардан ғосил қилинген  
девор билан ажратылған ва ҳар бир группадан үз участка  
— майдони булиши керак. Бу майдончада қум, сув, құнарлық  
рилиш материаллари билан үйналадын үйнелдер, үйнелдер учун  
ва турли үйинчиқтар билан үйналадын үйнелдер. Үндандан ташқа-  
махсус жой ажратылиши маңсада мұвоғиқдір. Үндандан ташқа-

Хулоса қилиб айтганда, боянча болаларига табиат восита-  
сида жисмоний тарбия берушінинг хиллары, турлардың жуда күп  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-  
булиб, хаво исиди, ёмғир күп ёғади, теварак атрофиясы, нам була-

## ТАБИАТ ЕРДАМИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БІРКІРИШ

Ешларга эстетик тарбия берушінан маңсада шахснинг эс-  
тетик диди ва идеалини таркиб топтириш, теварак-атрофияның  
төмөнләмә деңгөнде түгрі турунан қобиляттарини ҳар түргі тура би-  
тириш, меҳнат қилиш, коллектив орасыда үзүннің түргі тура би-  
тириш каби хислаттарни сингдиради. Айниқса, қиын шынан  
шиліш каби үйнеки тарбияның өзінің үйнеки түргі тура би-  
тириш каби үйнеки тарбияның өзінің үйнеки түргі тура би-  
тириш каби үйнеки тарбияның өзінің үйнеки түргі тура би-

Чиндан ҳам, табиатни, унинг гузал мансараларынни, тоғ этак-  
ларидаги яшил бое-роғларни севмаган, үндандан завқланмаган  
киши бүлмаса керак. Гулларнинг өзінің үйнеки тарбияның өзінің  
үйнеки тарбияның өзінің үйнеки тарбияның өзінің үйнеки тарбияның

лари ва ранглари, құшларнинг сайраши, ариқлардан сувничг шилдираб оқиши, оёқ остидаги қорнинг гижирлаши — буларнинг ҳаммаси болаларда табиатдаги нарса ва ҳодисаларни ҳис қилишга имкон беради ва уларга эстетик ҳиссиётин тарбиялаш ва ўстириш учун бой материал булиб хизмат қилади. Бөгча болаларида бундай эстетик түйғуларнинг ўсиши эса, ўз навбатида санъатни, ҳаётни, табиатни севиш, уни тушуниш ва үрганиш учун зарур шароит яратади.

В. А. Сухомлинский айтганидек, аввал табиат гүзаллигини, сұнгра санъат гүзаллигини ҳис этиш керак. Табиатдаги ва санъатдаги гүзаллик билан танишиш боланинг ақл-идроқи ба ҳис-түйғуларини тарбиялабына қолмай, балки боланинг ахлоқий, ақлий, хаёл ва фантазиясини, сегиз ва идрокини ҳам ривожлантиради.

Бөгча болаларини табиат гүзаллиги билан таништиришда уларни завқлантириш, эстетик ҳис-түйғуларини ҳосил қилиш осон иш әмас. Болаларни ўтлоққа олиб чиқиб: қаранг болалар табиат қандай гүзал, марҳамат ундан завқлана беринглар, деган билан болани табиат гүзалликларидан завқлантириш мүмкін әмас. Боланинг табиат гүзалликларидан завқланиши, "баҳра олиши учун бола қалбіда ҳавас, қызиқиши, ҳаяжонланиш ҳисларини ҳосил қилиш, уйғотиши учун ойлар, йиллар кутишга түғри келади.

Бөгча болаларини эстетик тарбиялашни табиатта экспедиция, сайр ёки бөгча участкасидаги хүшманзара гуллар, чиройли бөгчөвлилари ёрдамида ҳам амалга оширса булади.

Маълумки, ёш болалар чиройли, ялтироқ, ҳар хил рангли расм ва предметларни яхши күрадилар. Айниқса, ялтироқ темир, ойна, рангли шиша синиқлари, чиройли гуллар уларнинг жон-дили. Демак, гүзалликка ҳавас, қызиқиши ҳар бир бола онгода бор. Биз бола онгидаги, фикридаги, дилидаги ана шу қызиқиши шакллантиришимиз, маълум система асосида ривожлантиришимиз керак.

Бунда асосий восита ролини табиат үйнайды. Табиатдан фойдаланиш, табиат гүзаллигини күриш, уни ёш авлодга бериш, сингдириш учун аввало тарбиячининг ўзи табиат гүзаллигини кура билиши, ундан завқлана билиши керак. Ана шундагина у ўз әхтиросини, ҳаяжонини, завқ-шавқини бирорга бера олади, бошқаларни ундан баҳраманд қила олади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат воситасида эстетик руҳда тарбиялашни табиатнинг истаган фаслида амалга ошириш мүмкін. Ҳар фаслнинг ўз фазилати, хислати бор. Сиз болаларни қиңда бөгча ҳовлисига олиб чиқсангиз. Тасаввур қилинг: Қиши. Атроф оппоқ чойшаб каби қор билан қопланган. Узоқ-узоқдан итнинг ҳураётган товуши келади. Нурсизгина қүёш юқоридан нур сочиб турибди. Қүёш нури йилт-йилт этиб, киши күзини олади. Болалар бир-бирини құвлашиб Қорбобо ясашмоқда. Кимdir инқиллаб, құллари билан қорни юмалатмоқда, кимdir совқотган құлларини бир-бирига ишқа-

Лаб ҳордиқ чиқармоқда. Яна бири нарироқда дон ахтариб юрган қарғанинг юришини завқ билан томоша қилмоқда. Бош-  
қаси қорни «ғирч-ғирч» босиб, хурсандлиги бир олам бўлиб, у  
ёқдан бу ёққа бориб келмоқда.

Ҳа, бу табиат гўзаллиги. Бу она табиатнинг санъаткорлиги;  
том устида қор, дараҳт шоҳларида қор, дераза ойнасида гузал  
гулли манзара тасвири.

Биз тарбиячилар ана шу нозик табиат гузаллигини азиз бо-  
лажонларимизга ҳам кўрсатиб, сабабини айтиб завқлантириши-  
миз керак. Ийнинг қолган фасллари — баҳор, ёз ва куз бундан  
гузал, бундан ҳам чиройлики, фақат биз уни кура били-  
шимиз, завқлана олишимиз керак. Табиат гузаллиги, сири чек-  
сиз. Хали очилмаган, ўрганилмаган, биз билмаган қирралари  
бир олам. Инсоният ҳозиргача фақат унинг баъзи бир қиррала-  
рини урганди, очди, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқда.

### ТАБИАТ ЕРДАМИДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ БЕРИШ

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга меҳнат тарбияси бе-  
риш, уларни меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга бўлган қизи-  
қишиларини ошириш, катталар яратган меҳнат маҳсулини эъзоз-  
лаш, уни қадрига етиш руҳида тарбиялашни богча давридан  
бошлаш керак.

Болаларнинг табиатдаги меҳнати табиат бурчагида, полиз-  
да, гулзорда ўсимликлар ва ҳайвонларни парвариш қилиш жа-  
раёнида амалга оширилади.

Меҳнат тарбиясини ҳар бир группанинг ёш хусусиятини ҳи-  
собга олган ҳолда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Кичик группада меҳнат тарбияси бериш учун болалар тар-  
биячи ёрдамида хона ўсимликларига сув қуиб, баргларини  
ювадилар, аквариумдаги балиқларга овқат берадилар, қуш-  
ларга дон ташлайдилар, боғча ҳовлисидаги полиз экинларини  
йигиб-териб олишда иштирок этадилар, катталарга ёрдам бе-  
радилар. Тарбиячи болаларни бу меҳнат тури билан таништи-  
рар экан, ўсимликларнинг номларини айтади, қисмлари билан  
болаларни таништиради, иш жараёнида бажариладиган иш  
турларини, қилинадиган ишнинг мақсадини айтиб, болаларнинг  
табиат ҳақидаги фикрларини кенгайтиради, сўз бойлигини оши-  
ради.

Ўрта ёшдаги группада меҳнат тарбияси бироз мураккаб ўт-  
казилади, болалар хона ўсимликларига ўзлари сув қуишиади,  
балиқларга овқат беришади, қушларга дон ташлашади. Боғча  
участкасидаги ўсимликларни ўзлари парвариш қилишиб, уларга  
сув беришади, тупроқни юмшатишади. Жонли бурчакдаги ку-  
товук, типратикан, тошбақа, каклик, каптар кабиларга ўз-  
лари овқат берадилар. Тарбиячи буларни кузатиб, раҳбарлик  
қилади, ўсимликларга қаҷон сув бериш кераклигини, гулни  
қандай қилиб экиш зарурлигини, ҳайвонларни турига қараб  
қандай овқат бериш кераклигини ва у овқатларнинг номини,

уларни қаерда сақлаш кераклигини болаларга тушунтириб боради.

Катта ёшдаги группада меҳнат тарбияси анча мураккаб ҳолда утади. Тарбия кўпинча бу группалар билан боғча участкасида, полизда амалга оширилади. Жонли табиат бурчагида мустақил иш олиб борилади.

Хонада болалар аквариум сувини алмаштирадилар. Гулларни узлари парвариш қиласидилар.

Полизда вегетация даври турлича бўлган хилма-хил сабзавотлар етиштирилади. Помидор, бодринг, пиёз, карам экинлари сугорилади, тарбиячи ёрдамида қўшимча озиқлантирилади. Бу ерда болалар кучат утқазадилар, ёввойи ўсимлик уруғларини йигадилар, бегона утлардан тозалайдилар. Меҳнат жараённида тарбиячи болаларни ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатишга, содир бўлаётган узгаришларни қайд этишга, ўсимликларнинг характерли белгилари: барги, уруғлари бўйича фарқлашга ўргатади.

Бу группада болалар тарбиячи эслатмаса ҳам, сугориш ва тупроқни юмшатиш кераклигини, ўсимликларни экиш, полиз ва гулзорга уруғ сепиш зарурлигини аниқлайдилар. Болалар участкаларга биркитиб қўйилса, жонли бурчак, полиз ва гулзорнинг ҳолати учун уларнинг жавобгарлиги ортади, яхшироқ меҳнат қиласидилар. Участкада ҳосилни йиғиш, гулларни териш болаларга зўр қувонч баҳш этади. Улар гулларни ота-оналарига совга қиласидилар, етиштирилган сабзавотлар билан кичкнитойларни меҳмон қиласидилар, группа хонасини гуллар билан бе-затадилар.

Болаларнинг ўсимликларга бўлган муносабати, меҳнат қилишлари жонли табиатга, Ватанга бўлган муҳаббатини янада оширади.

Ҳайвонларни парвариш қилиш билан бир вақтда, уларга овқат бериш, сугориш, уяларини тозалаб, кўкатлар ташлаб туриш каби ишларни бажарадилар.

Шуни айтиш керакки, боғчада меҳнат тарбиясини сингдириш учун меҳнат қуроллари: белкурак, хаскаш, теша кабиларни тайёрлаб қўйиш зарур. Улар чиройли, эстетик талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Масалан, табиий материаллар сақланадиган қутичанинг ёқимли шаклда ясалиши, сепиш ва экиш учун уруғлар, гул туваклар, қуш ва балиқлар учун озиқлар ва бошқаларнинг булиши болаларга қувонч баҳш этади, меҳнат маданиятини таркиб топишига ёрдам беради.

## IX б. МАҚТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ МАЗМУНИ

Табиат воситасида тарбия бериш умумий тарбиянинг амалга оширилиш формаларидан бири бўлиб, уни ўз олдига қўйган вазифаси болаларнинг ёш хусусияти, психик ривожланиш кобилиятини яхши билган ҳолда тарбия беришдан иборатdir.

Мактабгача тарбия ишида унинг кўп қирралари борки, бу педагогика фани қонуниятларини ўрганиш билан шуфулланадиган жуда кенг ижтимоий ҳодисадир.

А. С. Макаренко бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Тарбия гоят кенг маънодаги социал жараён. Ҳамма нарса: кишилар, ашёлар, табиатдаги ҳодисалар ва энг аввало, ҳаммадан кўра кўпроқ кишилар тарбиялайдилар. Бола атрофини ўраб олган воқеликдаги бутун мураккаб дунё билан беҳисоб муносабатларда бўладики, бу муносабатларнинг ҳар бири муқаррар равишда ривожланиб туради, бошқа муносабатлар билан қушилиб кетади, боланинг жисмоний ва ахлоқий ўсиши билан мураккаблашади».

Ҳақиқатан ҳам боланинг шаклланишида бошқа таъсиротлар каби табиатнинг роли беқиёс каттадир. Бу тарбиянинг муҳимлиги шундаки, болалар бевосита тирик мавжудот, ўсимлик ва ҳайвонлар билан муносабатда бўлади, уларнинг хатти-ҳаракати, овқатланиши, юриши, кўпайиши, ўсимликларнинг гуллаши, мева бериши, турли хил маҳсулотлар олинишига бевосита, тўғридан-тўғри таъсир этади. Масалан, тирик организмларнинг ташқи таъсирот натижасида ўз белгиларини, қиёфасини ўзгартириши, уларнинг ташқи муҳитга мослашуви, организм ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги, жонли ва жонсиз табиатнинг бирбири билан чамбарчас боғланганлиги, биоценозларнинг ўзаро бирлиги, табиатнинг мутаносиблиги каби характерли қонуниятлари илмий принцип асосига қурилгандир. Бу қонуниятларнинг нақадар тўғри, бир-бирига боғлиқ эканлигини фан аллақачон исботлаб берди. Шунинг учун ҳам тарбиячилар ана шу қонуниятларни, фан ютуқларини, табиат ҳақидаги янги-янги маълумотларни билиб, ўрганиб ёшларга тарбия беришлари зарур.

Ёш авлодга булар ҳақида таълим берилар экан, табиатдаги ўзгаришлар ва унинг ривожланиши, табиатни ўзгартиришда кишиларнинг роли ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берилиши керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништираси эканмиз, табиатга доир билимларнинг содда, ҳаётий, тушунарли эканлигини ҳам алоҳида уқтириш керак.

Боғча болалари табиат ҳақида маълумот олар экан, энг аввало ўзлари яшайдиган, узи тарбияланадиган боғча участкасидаги, унинг теварак-атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонлар билан, табиат элементлари билан, у ернинг суви, тупроғи, иқлими билан танишадилар.

Бунинг фойдали томони шундаки, ёш болалар узи яшайдиган, узи тарбияланадиган ердаги ўсимлик ва ҳайвонларни ҳар куни куради, уларнинг номини бир кунда бир неча марта эшигади. Улар болалар ёдидаги тез қолиб, узоқ сақланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништиришда уларнинг турли ёш хусусиятлари ҳисобга олинади. Айниқса жонсиз табиат, ўсимлик ва ҳайвонлар, табиатдаги

мавсумий ўзгаришлар, табиатдаги инсонлар мәжнати ҳақидагы билим ва тушунчалар оддийликдан мураккабликка принципті асосида тушунтирилмоги зарур.

Боғча болаларни табиат билан таништириш «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» асосида амалга оширилади.

Дастур болаларнинг ёши, психик ҳамда физиологик хусусиятларига мос суръатда ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик ва мәжнат тарбияси беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифани ҳал этишда умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақидаги қарорларига суюнади. «Дастур» олти ёшгача бўлган болалар тарбиясини ўз ичига олиб, у ҳар бир ёш группада икки бўлимдан иборат: «бала ҳаётини йўлга қўйиш ва тарбиялаш» ва «машғулотларда таълим бериш». Дастурнинг ҳар бир бўлими ёш хусусиятларини ҳисобга олиб таълим ва тарбиянинг маълум қирраларини боғчада сингдиришни режалаштирган.

«Дастур» да таълим-тарбиянинг бошқа турлари қатори табиат билан таништириш методикаси ҳам жуда кенг, атрофлича баён этилган.

Болаларни табиат билан таништириш илк ёшдаги болалар группасидан бошланади. Бу группада табиатдаги воқеалардан, болаларнинг тушуниши учун осон бўлган ҳодисалардан болаларда ўсимликлар, ҳайвонлар билан танишишга қизиқиш уйғотиш, тирик жониворларга меҳр билан муносабатда бўлиш, энг оддий эстетик ҳислар уйғотиш учун фойдаланишдан бошланади. Бу группада дастлаб жонсиз табиат билан элементар ҳайвонлар ва ўсимликлардан фақат 2—3 таси билан танишилади. Масалан, ҳайвонлардан балиқча, қушча, товуқ-мушук, кучукларни куриб ҳаётда ва ўсимликлардан олма, помидор, сабзи кабилар билан полизда танишилади. Бу группада жонли табиат билан элементар таништирилади. Бунда баъзи ўсимликларнинг расмига қараб, ташқи тузилиши билан таништирилади.

Биринчи кичик группада табиат билан таништиришда ёшлиларни тирик организмга меҳрли бўлиш, уни парваришилашга ўргатишдан бошланади. Болалар табиатда ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётида бўладиган айрим ўзгаришлар билан таништирилади.

Болаларни қушлар билан ҳам таништириш мумкин. Бунда боғча участкасига учиб келадиган қушлар, уларни учиши, дарахта қуниши, сайраши кабилар билан таништирилади.

Иккинчи кичик группада жонсиз табиат ҳақида тушунча бериб, кеча ва кундузнинг фарқини, сабабини, об-ҳавонинг асосий ҳолатини, шамол бўлишини, ёмғир, қор ёғиши, ҳаво булутли, қуёш кабилар ҳақида тушунча берилади. Болаларга сув, қор, муз, қум ва тупроқларнинг ранги, хусусияти ҳақида тушунча берилади.

Жонли табиат ҳақида боғча участкасидаги 2—3 туп дарахт билан танишиш, 2 та қушни ташқи кўриниши бўйича ажратса

билиш, капалак, құнғиз, бақани таниб үрганиш, табиат бурчагида эса 2—3 та хона үсимлигини кузатиш, аквариумни, ундаги баъзи балиқларни, қафасдаги қушчаларни үрганиш.

Үрта группада эса болаларнинг үсимлик ва ҳайвон олами тұғрисида, табиатдаги мавсумий үзгаришлар ҳақидаги тушунчалари бойитиб борилади. Болаларни табиат гүзалликларидан баҳраманд бұлиш, табиатни севиш, үсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш лозим. Гулларни парварышлаш, уларни узмаслик, дараҳтларни синдирилеслик, қушларга озор бермаслик руҳида тарбиялаш керак.

Жонсиз табиат билан танишишда об-ҳавони фарқига боришини (совуқ, иссиқ, қүёшли, булатлы, шамол эсади, қор, ёмғир ёғаётір, дұл тушди), қор ва сувнинг баъзи хусусиятларини (сув тиник, қор ғовак бұлғанлигидан қорбурон, қор үюми ҳосил қилиш мүмкінligини) үргатиш мүмкін.

Жонли, табиатда, боғча участкасида, унинг теварак-атрофидаги 4 та дараҳтни, 2—3 та бутани үргатиш, дараҳтни бутадан ажратиш, гули ва барғига қараб 3—4 та үтчил үсимликни таниш, мевали дараҳтлардан 1—2 турини, фойдалы ва заҳарлы замбуруғлардан 2—4 турини билиш керак. Болаларни 2—3 тур сабзабот үсимликларини таний билишга, тупроқни тайёрлаш, уруғ әкиш, парвариш қилиш, мевасининг пишганлигини аниқлаш ва ҳосилини йиғишишга үргатилади.

Бу группа болаларга табиатдаги мавсумий үзгаришлар (куз, қишлоғ, баҳор ва ёз) ҳақида батағсил тушунча берилади.

Табиат бурчагида 4—5 та хона үсимлигини таний билиш, уларнинг барғи-гулиға қараб номларини топиш, 4—5 та ҳайвон турини ажрата билиш, уларнинг харakterи, овқатланиш хусусиятлари үрганилади. Бу группада үрганиладиган үсимлик ва ҳайвонлар дүнёси квартал-квартал қилиб берилган.

Катта группада яқин теварак-атрофидаги үсимлик, уй вәёвой ҳайвонлар, тирик организмларнинг ҳаёти, табиатдаги мавсумий үзгаришлар ҳақидаги билим ва күнікмалари текширилиб, янада кенгайтирилади. Бу группадаги болалар үз ўлқасининг табиатини севишга ва уни асрашға үргатилади. Еш авлодни үсимлик, ҳайвонот олами ва табиат гүзаллигини пайқай олиш, севишга үргатиш ҳам шу группада амалга ошириледи.

Боғча участкасида ва унинг атрофидаги үсимликларни үрганиш маҳаллий сабзабот экінларини үрганишдан бошланади. Болалар бу группада 6—7 та үтчил үсимликларни гули ва барғига қараб ажрата олишлари, галладошлардан 2 тур, замбуруғлардан 3—4 тур, мевали үсимликлардан 2—3 тасини ажрата билишлари керак. Ҳайвонот оламидан эса 4—5 та қишлоғчи, 3—4 та күчманчи қушларни, 2—3 та капалак, құнғиз чигиртка, чумоли, пашиша, асалари, курбака, калтакесакларни билиши, уларнинг яшаш ҳаётини, ҳаракатини (сузиши, сакраши, дараҳтларга тирмашиши, учиши, югуриши каби хусусиятларини) үрганадилар.

Энг муҳими, бу группа болалар табиатда йил фаслларининг ҳосил бўлишини (куз, қиш, баҳор ва ёзни), уларнинг характерли хусусиятларини яхши билиб оладилар.

Табиат бурчагида эса хонада ўсадиган 5—6 та ўсимликни баргининг рангига, ташқи тузилишига қараб фарқлашга ўрганидилар. Бу ерда болалар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши турли хил шароитлар (намлиқ, тупроқ унумдорлиги, ёруғлик) га боғлиқ эканлигини яхши билиб оладилар.

Худди шунингдек, болалар табиат бурчагидаги ҳайвонларни ташқи тузилиши ва ҳарактери (балиқ, қуш, ерда ҳаёт кечирувчи ҳайвонлар)ни ўрганадилар. Бу группада ҳам болалар жонли ва жонсиз табиат ҳақида анча маълумот оладилар. Жонли табиат квартал-квартал қилиб берилган. Ҳар кварталда ўсимлик ва ҳайвонот олами, фасллар берилганки, болалар улар билан танишиб борадилар.

«Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» тарбиячилар учун асосий қўлланма бўлиб, уни ҳар бир тарбиячи жуда яхши билиши керак. «Дастур» даги баъзи тарбия воситалари маҳаллий шароитга қараб ўзгартирилиши, унга ижодий ёндошиш, қўшимчалар киритилиши мумкин, лекин дастурнинг умумий йўналишидан четга чиқмаслик керак.

## Х б о б. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Педагогикада метод дейилганда катта ёшдаги кишилар ва болаларнинг маълум таълим-тарбиявий натижалари, билимларни эгаллаш, малака кўникмаларини ҳосил қилиш қобилиятларни ўстириш, ақлий ва ахлоқий сифатлар, хулқ-одатларини шакллантиришга эришишга йўлланган ҳамкорликдаги фаолият тушунилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш жараёнида эса хилма-хил методлар: кўргазмали (кузатиш, расмларни кўриш, диафильм, кинофильм ва компьютерларни намойиш қилиш), амалий (ўйин методи, меҳнат, оддий тажрибалар) ва оғзаки (тарбиячининг ҳикояси, бадий асарларни ўқиш) сұхбатдан фойдаланилади. Болаларни табиат билан таништиришда хилма-хил метод ва усуслардан фойдаланишнинг сабаби болаларнинг ёши, психологияси, табиат билан турли даражада таниш бўлганилигидандир. Бундан ташқари табиат билан таништириладиган объектларнинг мазмуни, ҳажми, хусусияти ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш қобилиятлари ҳам ҳисобга олинади. Шуни унумаслик керакки, мавжуд методлар бир-бири билан узвий боғланган, бири-бирини тўлдиради, бири бирига хизмат қиласди.

### ҚУРГАЗМАЛИ МЕТОДЛАР

Болаларни табиат билан таништиришда қўлланиладиган кўргазмали методлардан бири ва асосийси кузатишдир. Кузати-

тиш теварак-атрофдаги предметларни ва ҳодисаларни мақсад-га мувофиқ, планлы тасаввур қилиш ва идрок этишдир. Кузатиши-мураккаб билиш фаолияти бўлиб, бунда идрок, тафаккур ва нутқ иштирок этади, барқарор диққат талаб этилади. Кузатилаётган ҳодисани тушунтиришда боланинг тажрибаси, билими, ёши ва малакаси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Табиатни болалар билан биргаликда кузатишни ташкил этар экан, тарбиячи бир қатор вазифаларни ҳал этади; болаларда табиат ҳақидаги билимни шакллантиради, кузатишни ургатади, кузатувчиликни устиради, эстетик ва табиатни севиш руҳида тарбиялайди.

Болаларни табиат билан таниширишдаги билиш вазифалари га кура тарбиячи кузатишнинг хилма-хил турларидан, хусусан қисқа муддатли ва узоқ муддатли кузатишдан фойдаланади.

Қисқа муддатли кузатиш жараёнида болалар предметларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги, тузилиши, фазовий жойлашувини, сатҳининг характеристикини фарқлашни, ҳайвонлар билан танишганда эса ҳаракат характеристи, улар чиқарадиган товушларни ўрганадилар.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг усиши ҳамда ривожланиши, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг жамғарилиши учун кузатишнинг анча мураккаброқ тури — узоқ муддатли кузатишлардан фойдаланилади. Бунда болаларга объектигининг кузатилаётган ҳолатини илгаригиси билан қиёслашга тўғри келади.

Кузатиш предметнинг айрим белгисига кура унинг ҳолатини аниқлаш (масалан, тупроқнинг рангига кура суфоришнинг зарурлигини, аквариумдаги балиқларнинг хатти-ҳаракатига кура сувни қўсман алмаштириш зарурлигини) ёки айрим белгиларга кура яхлит манзарани тиклаш (қордаги изга қараб у кимнинг ёки ниманинг изи эканлигини, рангига қараб меванинг пишган ёки хомлигини аниқлаш) мақсадида ҳам ташкил этилиши мумкин. Кузатишнинг бу тури болаларда баъзи билимлар, ҳодисаларни анализ қилиш, айрим маълумотларни қиёслаш, соддароқ хулосалар чиқариш кўникмаларини ҳосил қиласди.

Кузатувнинг бу икки туридан ўрта ва катта ёшдаги болалар билан бўладиган ишда фойдаланилади. Бу кузатишлар давомида болаларнинг зеҳни ва кузатувчанлиги ўсади, анализ қилиш, қиёслаш, хулосалар чиқариш жараёни такомиллашади.

Кузатишлар тарбиячи томонидан болаларни ўсимлик ва ҳайвонлар билан, об-ҳаво билан, катталарнинг табиатдаги меҳнати билан таниширишда ташкил этилади. Кузатишлар машғулот ва экспурсияларда, сайрларда, табиат бурчагида ва шу каби жойларда олиб борилади.

*Кузатишга тайёрлаш.* Тарбиячининг кузатишни ўтказишга тайёрланиши объекти танлашдан бошланади. Кузатиш учун танланган ўсимлик ёки ҳайвон яхши ҳолатда бўлиши лозим.

Агар кузатиш бинода (табиат бурчагида, машғулотда) олиб бориладиган бұлса, уни ташкил этиш устида үйлаб күриш лозим: объект яхши ёритилган бұлиши ва у шундай жойлаштирилиши керакки, унга яқынлашиш қулай бұлсін. Болалар кузатилаётган предметта яқынроқ жойлаштирилади, чунки у ҳаммага яхши күриниб туриши, зарур бұлса кузатиш объекті билан ҳаракат қила олиши (овқат бериш, силаш, үйнаш) мүмкін бұлсін.

Участка ёки яқынроқ жойлашган табиат құйнида үтказила-диган кузатишлар учун энг қулай жой танланади. Бунда болаларни шундай жойлаштириш керакки, уларнинг ҳаммаси учун кузатиш қулай бұлсін.

Агарда бирор ҳайвон кузатилаётган бұлса, шундай шароит яратиш лозимки, унда ҳайвон үзини әркін ва табиий тұтсін. Масалан, қүённи кузатиша унинг бемалол ҳаракат қилиши учун маҳсус жой қурилади, унинг атрофидаги стулчаларга болалар үтиришади.

*Кузатишины бошқариш.* Кузатишины бошлашда, айниқса у бириңчи марта үтказилаётган бұлса, болалар олдига савол ёки топшириқ қўйилади. Болалар кузатилаётган объектни мустақил 1—2 минут томоша қилишлари, табиий пайдо бұлган қизиқишлигини қондиришлари, кузатилаётган нарса **ҳақида** бириңчи таъсиротни ҳосил қилишлари лозим.

Тарбиячи кузатишларни бошқариш жараёнида хилма-хил усуллардан (болаларнинг ўшларини назарда тутиб): саволлар, топшириқлар беріш, предметни си nab күриш (уни ушлаб күриш, силаш ва шу кабилар)дан, қиёслаш, үйин ва меҳнат ҳаракатларидан фойдаланади.

Тарбиячи болаларга күрганларини тушуниб олишлари учун аввал тушунтириб беради.

Кузатиши маълум изчилликда олиб борилиши лозим. Тарбиячи болаларнинг ҳайвонларни кузатишларини бошқарар экан, энг аввало уларнинг әътиборини ҳайвоннинг хатти-ҳара катига қаратади: Нима қиляпти? Қандай юряпти? Нима еяпти? Қандай еяпти? Бунда қандайдыр ҳаракатига боғлиқ тарздаги ҳайвон ташқи қиёфасининг белгилари күриб чиқилади: танаси нима билан қопланған? Оёқлари қандай — узунми ёки қисқа-ми? Құзлари қандай (шакли, ранги)?

Ұсимликларни томоша қилиш унинг энг ёрқин, күзга ташла-надиган белгисини белгилаш ва ажратиб күрсатишдан бошла-нади; бу ұсимлик гулли ёки унинг барглари ёрқин рангдор эканлиги, баъзан пояси бұлиши мүмкін. Ана шундан сұнг ұсимлик ташқи тузилишининг асосий хусусиятлари аниқланади: катталиги, шакли, пояси, барглари, гуллари ва шу кабилар тартиб билан күриб чиқилади. Бундай изчиллик мактабгача ёшдаги болаларнинг диққати ҳали етарлича барқарор әмаслиги, күп жиҳатдан беихтиёрийлиги туфайли зарурдир. Бироқ, кузатиши охирида кузатиш жараёнида пайдо бұлган тасаввурларни тартибга солиш лозим.

Тарбиячи кузатишни ташкил этар экан, кузатишнинг конкрет вазифасидан иккинчисига, фактлардан алоқаларга, тасаввурлар туплашдан уларни қиёслашга, сўнгра хуносалар чиқаришга ўтишда изчилликка риоя қилиши лозим. Шундай қилинганда боланинг табиат ҳақидаги тушунчаси ўсади.

Ҳар бир кузатиш болаларни табиат билан таниширишнинг кичик, конкрет вазифасини ҳал қиласди. Шунинг учун тарбиячи кузатишни ўтказар экан, айни шу вақтдаги кузатишнинг илгари ўтказилганлари билан алоқасини аниқлаши, кейин ўтказиладиган ишларни назарда тутиши лозим.

Тарбиячи табиатни узоқ муддатли кузатишни ташкил этганда олдиндан уни бир қатор эпизодик кузатишларга — «булакларга» тақсимлади. Бу кузатишлар, айтайлик, ўсимликнинг ривожланишидаги ўзгаришлар аниқ кўринадиган вақтда ўтказилади. Тарбиячи болаларга ўсимликни томоша қилишни, белгиларини қайд қилишни унинг ҳозирги ҳолатини, илгари кузатилгани билан қиёслашни, ўзгаришлардан далолат берувчи янги белгиларини ажратиб кўрсатишни тавсия этади. Баъзан болалар ўсимликдаги ўзгаришни дарҳол сезадилар, бироқ бу ҳолатда ҳам тарбиячи қайд қилинган ўзгаришлар ҳамма болаларга тушунарли булиши учун қиёслаш усулини қуллайди.

Тарқатма материалдан фойдаланиб кузатиш. Бу кузатишлар ўрта группадан бошлаб ўтказилади. Бундай кузатишни ташкил этиш бир обьектни кузатишдан кўра анча мураккаброқ бўлади. Бу ўринда тарбиячидан ўз диққат-эътиборини тақсимлай билиши, болалар ҳаракатини ўюштира олиши талаб қилинади. Болалар эса тарбиячининг ҳамма кўрсатмаларига аниқ риоя қилишлари, бошқаларни кузатишларини ўзларининг кузатишлари билан таққослашлари ҳамда қиёслашлари керак. Кузатишларнинг бу усули ривожлантирувчи аҳамиятга эга.

Тарқатма материал сифатида ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари: барги, уруғи, шохчалари, сабзавот ва мевалардан фойдаланиш мумкин. Кузатиш кичик, ўрта, катта ва мактабга тайёрлов группаларида болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

## АМАЛИЙ МЕТОДЛАР

Болаларни табиат билан таниширишдаги иккинчи амалий методда ўйин асосий роль ўйнайди.

Табиатнинг оддий воқеа-ҳодисаси ва нарса (предмет)лари ҳақида болаларнинг тасаввурларини кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган кузатишлар билан бир қаторда хилма-хил ўйнилардан кенг фойдаланилади. Бу ўйниларда болалар сезувчаник тажрибасини орттирадилар, эгаллаган билимларини ижодий ўзлаштирадилар.

Болаларни амалий методлар воситасида табиат билан таниширишда дидактик, ҳаракатли ва ижодий ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

*Дидактик ўйинлар.* Дидактик ўйинларда болалар ўзларида табиатдаги предмет ва ҳодисалар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида мавжуд бўлган билимларни аниқлайдилар, мустаҳкамлайдилар, кенгайтирадилар. Кўпгина ўйинлар болалар билимини умумлаштириш ҳамда системага солишга ўргатади. Дидактик ўйинлар хотира, диққат, кузатувчанликнинг ўсишига ёрдам беради, болаларни мавжуд билимлардан янги шароитларда фойдаланишга ўргатади, турли ақлий жараёнларни активлаштиради, луғатни бойитади, болаларда биргаликда ўйнаш кўникмасини тарбиялашга ёрдам беради.

Болаларни табиат билан таниширишда предметли, стол — босма ва оғзаки дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

*Предметли ўйинлар* барглар, уруғлар, гуллар, мевалар, сабзавотлар билан ўйналадиган «Ажойиб халтача», «Мевалар ва илдиз», «Бутоқдаги кимнинг болакайлари» ва шу каби ўйинлардир. Бу ўйинларда болалар актив мулоқотда бўладиган предметларнинг хусусияти ҳамда белгилари ҳақидаги тасаввурлари аниқланади ва бойитилади. Предметли ўйинларни болаларнинг барча ёшдаги группалари билан ҳам, шунингдек ёшини ҳисобга олган ҳолда, бир оз мураккаблаштириб индивидуал ҳолда ҳам ўтказиш мумкин.

Стол — босма ўйинлари — «Зоология лотоси», «Ботаника лотоси», «Ийлнинг тўрт фасли», «Кичкентойлар», «Мевалар», «Ўсимликлар», «Баргларни териб ол», жуфт расмлар ва шу кабилардир.

Бу ўйинлар болаларнинг ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз табиат ҳодисалари ҳақидаги билимларини системалаштириш, айтилаётган сўзга кўра предметнинг образини тиклаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Ўйин сўз билан биргаликда олиб борилади, сўз ё расм идрок этилишидан олдин келади ёки ўйин билан уйғуналашиб кетади.

Бундай ўйинлар ҳар кунги ишда озчиликни ташкил этадиган болалар билан ўтказилади.

Оғзаки ўйинлар («Нима учади, югуради, сакрайди», Сувда, ҳавода, ерда) «Керак — керак эмас» ва шу кабилар) ҳеч қандай жиҳоз талаб қиласлиги туфайли жуда мақбулдир. Улар у ёки бу предметнинг функциялари ҳамда ҳаракатлари ҳақидаги билимларни умумлаштириш ва системалаштириш мақсадида ўйналади. Бу ўйинлар диққатни, зеҳнлиликни, реакция тезлигини, равон нутқни ривожлантиради. Уни кичик ва ўрта ёшдаги группаларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

*Ҳаракатли ўйинлар.* Табиатшунослик характеристидаги ҳаракатли ўйинлар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, уларнинг ҳаёт тарзига тақлид қилиш билан боғлиқ бўлиб, баъзиларида жонсиз табиат ҳодисалари акс эттирилади. Булар «Она товуқ ва жўжалар», «Мушук ва сичқонлар» ва шу каби ўйинлардир.

Болалар бу ўйинларда ҳаракатларга, товушларга тақлид либ, билимларни чүкүрроқ эгаллайдилар; ўйиндан завқланиш болалардаги табиатга бўлган қизишни чүкурлаширади.

*Ижодий ўйинлар.* Ўйинда болалар машғулот, экскурсия, үндалик ҳаёт жараёнида олинган таассуротларни акс эттиралилар, катталарнинг табиатдаги меҳнати (паррандачилик фабрикаси, қорамолчилик фермаси, теплица ва шу кабилардаги ишлар) ҳақидаги билимни эгаллайдилар, бунда уларда меҳнатга ижодий муносабат шаклланади, улар катталарнинг табиатдаги меҳнатининг аҳамиятини англаб оладилар.

Табиатшунослик мазмунидаги ижодий ўйинларни авж олдириш учун шароит яратиш зарур: ўйинчоқлар набори — қишлоқ хужалик машиналари, ҳайвонлар ва шу кабилар киритилади.

Ижодий ўйин турларидан бири табиий материаллар: қум, қор, лой, майдо тошчалар, сұта ва шу кабилар билан ўйналадиган қурилиш ўйинлариdir. Бунда болалар ижод қилас экан, материалларнинг хусусиятлари ва сифатларини билиб оладилар.

Тарбиячи болаларга ўйинда табиий материалларни танлашда ва улардан фойдаланишда ёрдам беради улардан фойдаланиш усусларини кўрсатади.

*Табиатдаги меҳнат.* Болаларнинг табиатдаги меҳнати катта тарбиявий аҳамиятга эга. Меҳнат жараёнида болаларга табиатга нисбатан эҳтиёткорлик, ғамхўрлик муносабатлари шакллантирилади. (Табиатдаги меҳнат ҳақида VIII бобда батафсил ёритилган).

## ОҒЗАҚИ МЕТОДЛАР

Болаларни табиат билан таниширишда оғзаки методлардан фойдаланиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунда тарбиячининг ҳикоясидан, табиат ҳақидаги бадиий китобларни ўқишдан, табиатга доир сұхбатдан фойдаланилади.

Оғзаки методлардан фойдаланиш бир қатор вазифаларни ҳал этади. Сўз ёрдамида кузатишлар ва табиатдаги меҳнат жараёнида эгалланган, болаларга маълум бўлган табиат ҳодисалари ва ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар ҳаётига тегишли факталар ҳақидаги билимлар чүкурлаширилади, тулдирилади, аниқланади. Оғзаки методлар йўли билан болалар янги ҳодисалар ва табиат предметлари ҳақидаги билимларни эгаллайдилар. Оғзаки методни кургазмали метод билан қўшиш, расмлардан, диафильм ва кинофильмлардан фойдаланиш зарур. Бунда табиатда мавжуд бўлган алоқа ва боғлиқликларни чүкурроқ тушунишга, англашга ёрдам беради.

Оғзаки методлардан фойдаланишда тарбиячи болаларнинг нутқни тушунишга бўлган қобилиятларини сўз орқали бериладетган мазмунга дикъатни қаратса олишларини аниқлайди, табиатшуносликка доир тушунчаларини шакллантиради. Бу ўринда ҳам болаларга билимларни англашларида кўмак берувчи

күргазмалиликдан фойдаланиш мумкин ва мақсадга мувофиқ дір.

*Тарбиячининг ҳикояси.* Ҳикоянинг құммати шу билан аниқланады, у маълум таълимий вазифаны ҳал этар экан, мактабгача ёшдаги болаларнинг тажриба ва қизиқышларини назарда тутган ҳолда тузилади ҳамда маълум ёшдаги группа болалариға мұлжалланады. Унинг бадиий адабиётни үқишига нисбатан афзаллиги ана шундады. Бола катталарнинг нутқини эшитиши ва тинглай олиши, ҳикоя давомида уни анграб олиши, оғзаки тасвир асосида етарлича жонли образларни актив тасаввур лиши, тарбиячи ҳикоясидаги воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига болғықлиги ҳамда муносабатларни аниқлаши ҳамда тушуниши, ҳикоя мазмунидаги янгиликни үзининг аввалғи билими билан қиёслаб күриши лозим. Буларнинг ҳаммаси тарбиячининг табиат ҳақидағи ҳикоясига бұлған талабларни белгилайди.

Ҳикояда маълум қилинаётган билимлар ишончлилик, илмий-лик талабларига жавоб бериши лозим. Тарбиячи бирор нарсаны болаларга айтишдан олдин фактларнинг түғрилигини текширади. Ҳикоя қизиқарлы, мазмунлы, мақсадлы бўлиши лозим. Мазмунсиз ҳикоялар, ортиқча тасвирлашлар болаларнинг эътиборини жалб қылмайды, эсда қолмайды.

Болаларга турли мақсадларда: уларга таниш бұлған ҳодисалар, ҳайвонлар, үсимликлар ҳақидағи билимларини кенгайтириш мақсадида янги ҳодисалар, фактлар ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бундай ҳолда ҳикоя албатта күргазмали қуроллар — фотосуратлар, расмлар, диафильмлар күрсатиш билан құшиб олиб борилади. Мактабгача катта ёшдаги болалар учун ҳикоянинг давомийлиги 10—15 минутдан ошмаслиги керак.

Ҳикоя учун тарбиячи хилма-хил материал: табиатта оид шахсий кузатишлар, ажойиб кишиларнинг ҳикоялари, табиат ҳодисалари ҳақидағи очерклар, натуралистларнинг ёзувлари, ҳикоялари ва илмий материаллардан фойдаланилади.

*Сұхбат.* Диадактик вазифалардан келиб чиқкан ҳолда сұхбат икки турға: олдиндан үтказиладиган сұхбатлар ва яқуний сұхбатларга бўлинади. Олдиндан үтказиладиган сұхбатларни тарбиячи кузатишлар, экскурсиялардан олдин қўллайди. Бундай сұхбатнинг мақсади — бўлажак кузатишлар билан мавжуд билимлар ўртасида алоқа үрнатиш мақсадида болаларнинг билимини аниқлашадыр.

Яқуний сұхбат билан олинган фактларни системалаштириш ва конкретлаштиришга, мустаҳкамлаш ва аниқлашга йўлланади. Бу сұхбатлар мазмунан турли даражада бўлиши мумкин: бирорлар томонидан кузатиладиган обьектлар тор доирада кузатилгандан сўнг (масалан, учиб кетувчи қушлар ва қишлоқ қолувчи қушлар ва шу кабилар), бошқалари ҳодисаларнинг кенг доирасини қамровчи (масалан, мавсумий ўзгаришлар ҳақида сұхбатлар) — болаларнинг жонсиз табиат ҳодисалари, үсимликлар ҳаёти, ҳайвонлар, кишиларнинг меҳнати ҳақидағи билимларини системалаштириш мақсадида үтказилади.

Сұхбатнинг самарадорлиги болаларнинг олдиндан қандай түрлердің күрганларында болады. Сұхбат — бу улар би-шүткәзилген ишнинг якунидір. Шунинг учун тарбиячи олди-да болаларда күзатыштар, мәжнат фоалияты, үйинлар, табиат-шүнослик китобларини үқиши, ҳикоялар орқали тасаввур ҳосил ғириш вазифаси туралы.

Тарбиячи сұхбатнинг дидактикалық мақсадини аниқ тасаввур илиши лозим: қандай мазмунини аниқлаш ва конкретлашти-риш керак, умумлаштириш ва системалаштириш учун қандай мұхым алоқаларни ажратып күрсатып лозим, болаларни сұхбат якунида қандай умумлаштириш ва холосага олиб келиш керак.

Сұхбат ҳодиса, фактларни анализ қилишдан, уларнинг ху-сусиятлари, белгилари, ҳодисалар үртасидаги мұхым алоқа ҳамда муносабатларни таъкидлашдан бошланади. Бундай ана-лиз умумлаштиришга үтишни таъминлады, тарқоқ фактларни системага солади.

Хилма-хил күргазмали материаллардан ҳам фойдаланиш за-рур, улар болаларга билимларини тинглашларига, ҳодисаларнинг мұхым белгиларини ажратып күрсатышларига ёрдам беради: табиат, об-жаво календарлари, гербариylар, иллюстра-циялар. Бундан ташқари, топишмоқлар, шеърлар, қушлар овозларининг ёзувлари фойдалиди. Бу болаларда мұхомама килинаётган материалга нисбатан эмоционал муносабат үй-ғотади.

Сұхбат болаларни табиат билан таништириш методи сифа-тида үрта ва мактабгача бұлған катта ёшда құлланилади. Үрта ёшдаги группада сұхбат асосан ҳодисаларни эслатынша құлла-нилса, катта ва мактабга тайёрлов группаларида эса мавжуд билимларни умумлаштиради.

Бадий адабиётни үқиши. Болалар адабиётида табиат түрли бадий воситалар ёрдамида ифодаланади. Ұз мазмунига күра табиатшүнослик ҳақидағы китоб айни вақтда мұхым ақамиятга әгадир. Унинг хусусияти мана шундайдыр.

Табиатшүнослик китоби болаларда билишга қизиқиши, ку-затувчиликни, билимга бўлған ҳавасни тарбиялаш учун бой материал беради. У болалар олдига янги саволларни қўяди, болаларни атрофидаги табиатга диққат билан қарашга маж-бур қиласи.

Табиат ҳақидағы болалар китоби тарбиячилар учун катта қииматга әгадир. У кузатилаётган жойдан четга олиб чиқади ва шу орқали болаларнинг тасаввурларини кенгайтиради, болани бевосита идрок этолмайдиган ҳодисалар билан таништиради. Китоб ёрдамида бошқа иқлим зоналаридаги табиат ҳоди-салари, ҳайвон ва үсімлікларнинг ҳаёті ҳақида билиш, пред-мет ва ҳодисалар ҳақидағы мавжуд тасаввурларни аниқлаш ҳамда конкретлаштириш мүмкін. Табиатшүнослик китоби болаларда жонсиз табиат ҳодисаларини очиб беради, табиатда мавжуд бўлған алоқа ва муносабатларни аниқлашга ёрдам беради. Бунда Қ. Ҳикмат, Пўлат Мўмин, Илёс Муслим ва Қ. Му-

ҳаммадийларнинг табиат ҳақидаги шеърлари, эртакларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Табиатшунослик китобидан мактабгача ёшдаги болалар билан бўладиган ишда турли мақсадларда фойдаланилади. Болалар олдига вазифа қўйиш, бўлажак кузатишга қизиқиш уйғотиш учун кузатишдан олдин кичик ҳикоя, эртак айтиб бериш мумкин.

Кузатишлар жараёнида болаларга мақолалар, маталлар, топишмоқлар, кичик шеърлар тавсия этилади. Буларнинг образли тили ҳодисанинг хусусиятларини, предметнинг маълум сифатларини ажратиб кўрсатиш, табиатни эстетик идрок этишини кучайтириш имконини беради. Қишида муз, қор, об-ҳавони кузатётгандага тарбиячи топишмоқ ва мақоллардан фойдаланади.

Табиатшунослик китобини тарбиячи болаларга кузатишдан кейин ҳам ўқиб беради. Бундай ҳолатда бадиий асарлар кўрилганларга якун ясаш, тўлдириш, кузатишни чуқурлаштиришга, болалар дикқатини табиат ҳодисаларини келгусида ҳам идрок этиш учун йўллашга ёрдам беради.

## XI боб. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ФОРМАЛАРИ

Болаларни табиат билан таништиришнинг хилма-хил формалари мавжуд. Бу машғулотларда, экскурсияларда, кундалик ҳаётни кузатишларда, сайдарда амалга оширилади.

**Машғулотлар.** Болаларни табиат билан таништириш машғулотлари билимларни болаларнинг имкониятлари ҳамда атроф табиатнинг хусусиятларини назарда тутган ҳолда амалга ошириш имконини беради. Тарбиячи раҳбарлигида утадиган машғулотларда группанинг барча болаларида дастур талабларига мувофиқ оддий билимлар шаклланади, асосий билиш жараёнлари ва болаларнинг қобилиятлари маълум система ҳамда изчилликда ўстирилади. Кундалик ҳаётда, кузатиш, ўйин, меҳнат вақтида болаларнинг шахсий билимлари йиғилиб боради. Машғулотлар уларни аниқлаш ва системалаштириш имконини беради.

Болаларни машғулотларда ўқитиш турли методларда амалга оширилади. Метод машғулотнинг тури, унинг асосий мақсадига кўра танланади.

Айрим машғулотларда бошланғич билимлар шакллантирилади. Шу мақсадда тарбиячи кузатиш, расмларни кўриш, бадиий асарларни ўқиш, ҳикоя, диафильм ва кинофильмларни кўрсатишдан фойдаланади. Бошқа машғулотларда эса билимлар аниқланади, кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. Юқорида келтирилган методлардан ташқари мазкур машғулотда болаларнинг табиатдаги меҳнатидан ҳам фойдаланилади. Учинчи тур машғулотларнинг асосий вазифаси — билимларни умумлаштириш ҳамда системага солишdir. Шунинг учун сухбатлар,

дидактик, ўйинлар, умумлаштирувчи кузатишлардан фойдаланилади. Меҳнат ва ўйинларда болалар эгаллаган билимларини амалда қўллайдилар.

Машғулотлар барча ёш группаларда: кичик ва ўрта ёшдаги группаларда ойига 2 марта, катта ёшдаги группаларда эса ҳафтасига 1 марта ўтказилади.

Машғулотни самарали утиши тарбиячининг қанчалик пухта тайёргарлик курганлигига боғлиқ.

Тарбиячи «Дастур» асосида машғулотларга тайёргарлик курди. Бунда тарбиячи машғулотни яхши ўтказиши учун узи ишлайдиган, меҳнат қиласиган экологик шароитни яхши билиши талаб қилинади.

Болаларни табиат билан таништириш, формаларидан яна бошқалари экскурсия ва сайдарлардир. Бунда асосий эътибор тарбиячининг экскурсияга тайёрланиши, болаларни экскурсияга тайёрлаши, уни ўтказиши, экскурсияни якунлаши, сайдарни қандай ўюштириши каби ишларни тұғри, пухта ташкил қила билишига боғлиқ.

Булар ҳакида «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш» китобида батафсил ёзилган. Шу сабабли уларни такрорламаслик учун бу ерда улар ҳақида тұхтамадик.

Болаларда оддий изланувчанлик қобилиятыни ошириш. Болаларда оддий изланувчанлик қобилиятыни ошириш уларнинг табиат билан танишишидаги мустақиллигини, фикр доирасини оширади ва ута актив булишни таъминлайды. Бундай қобилият болаларда табиат ҳодисаларини тушунишга, унинг содир булиш сабабларини билишга имкон беради.

Болаларда изланувчанлик қобилиятыни ҳосил қилиш маълум система асосида амалга оширилади. У болаларни табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларни куриш, таҳлил қилиш асосида турли фаолиятлари давридан бошланади. Шундан кейин болаларда фикрлаш қобилияти шаклланади, турли муаммолар пайдо бўлади. Болалар буни фикр қилиб, табиатда содир бўладиган ўзгаришлар, унинг сабаблари ва бир-бири билан боғлиқ эканлигини ечишга интиладилар. Улар кўриб, кузатиб, у ёки бу воқеани содир бўлиш сабаблари ҳақида холосалар чиқарадилар.

Изланувчанлик қобилиятыни оширишнинг навбатдаги йули болалар чиқарган таҳминий холосаларни тұғри муҳокама қилиш ва уни текшириш усулларини танлашдан иборат. Шуни айтиш керакки, изланувчанлик қобилиятыни оширишни ўрганишда холосаларни текшириш катта роль ййнайди. Буни тұғри холоса чиқариш билан якунлаш керак. «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»да белгиланган билимни болаларга сингдириш учун боланинг билишга бўлган активлигини ва амалий фаолиятыни ошириш зарур. Бунинг учун тарбиячи дастурдан изланувчанлик фаолияти йули билан ўрганиладиган табиат ҳақидаги билимларни ажратиб олмоғи керак. Шу асосда бола-

ларда билиши мүмкін бұлған ҳәётій муаммолар ҳосил қилилади. Болалар бу муаммоларни ечиш учун үзлари тасаввур қылған, үйлаган фикрлар билан уни солиширадилар. Изланувчанлик фаолияти улардан қайсиси тұғри-ю, қайсиси хато эканлигini аниқлашга ёрдам беради.

**Масалан.** Болалар табиат бурчагида навбатчилик қилиб турғанда дам олиш кунидан кейин хина ва колеус баргларини сүлиб қолғанини, қактус ва алоә эса жуда яшнаб турғанини сезадилар. Тарбиячи бу вазиятдан фойдаланиб болалар олдига муаммоли савол құяды? «Нима сабабдан шундай бұлди? Ҳамма үсимликларга ҳам бир хилда сув керакми?»

Бу ҳәётій мунозарали муаммони болалар билан бирга муҳокама қилиб, тарбиячи раҳбарлығыда кузатилаётган ҳодисаның содир бұлиш сабабини тушуниб оладилар. Болалар томоннан билдирилған бирорта ҳам фикр әттибордан четда қолмаслиги, болаларнинг ҳамма фаразлари түлиқ муҳокама қилиниши керак. Болаларда муҳокама пайтида ёки кузатған обьектіга баҳо беришда туғилған қизиқишидан тарбиячи фойдаланиб изланувчанлик фаолиятининг иккінчи даври — текшириш йүлларини танлаш ва текширишини үзини текширишга үтади. Тарбиячи текширишнинг ҳар хил йүлларидан, ҳатто болалар тавсия этған текшириш йүлларидан ҳам фойдаланиши мүмкін.

Изланувчанлик фаолиятини кузатиш, тажриба, сайр, табиат бурчагида, машгұлолтарда камол топтириш мүмкін.

Қисқа мұддатли кузатиш табиат обьектининг ҳар хил сифатини, хусусиятини аниқлаш учун фойдаланилади. Масалан, болалар гулларға сув қуйыш зарурати ҳақидағы фикрлари түргирилгіни аниқлаш ва исботлаш учун үсимликтің сувга чанқоқлик белгиларини излашади, тупроқтың қуруқ ёки намлигіни, рангини, барглар ҳолатининг үзгаришини аниқлаш учун ҳарапат қилишади.

Үзок мұддатли таққослаб кузатиш тажрибалар, тайёр моделларни күрсатиши (масалан, ҳашароттар хусусияти), табиат ҳодисаларининг сабабини, үзаро алоқасини ва муносабатини аниқлаш учун фойдаланилади. Тарбиячи болаларға хайвонлар ҳаракатидаги үзаро алоқаны аниқлаш учун (типратикан, қуён, күрбақа) уларнинг юришини ва орқа оёқлари ҳаракатини кузатиши ҳамда таққослашни топширади.

Тайёр моделларни күрсатиб, ҳайвонларнинг ҳимояланиш механизмини тузилиши билан таништириш мүмкін. Болалар карам капалагининг ғумбагини кузатиб, уларни карам баргидан ажратиши қийин эканлигini күрадилар. Тарбиячи болаларға нима учун бундай тузилганини үйлаб күришни айтади ва үзи унинг сабабини тушунтириб беради.

Болаларнинг күргазмали-амалий методлар асосида табиат билан танишиб орттирган бой тажрибаларига таяниб, тарбиячи болалар билимини текшириш ва билиш қобилятларини аниқлаш учун қизиқарлы суҳбатдан фойдаланиши мүмкін. Бу суҳбат фикрлаш асосида табиатда буладиган воқеа-ҳодисаларнинг

сабабини билишга ёрдам беради. Тарбиячи болаларнинг фикрлашини бошқаради аа уни аниқ мақсадга йўналтиради. Буни сайрларда амалга ошириш мумкин.

Изланувчанлик фаолияти кузатиш, тажрибалар, моделларни намойиш этишдан олинган хуросалар асосида якунланади. Тарбиячи болаларга ўзлари мустақил хуроса чиқаришларини топширади. У ўзи хуроса чиқаришга шошилмасдан болаларнинг фикрларини эшитиши, қўшимча саволлар бериши керак. Борди-ю, бола нотуғри ёки ноаниқ хуроса чиқарса, тарбиячи уни тўғрилаб, тушунтириб бериши зарур.

Болаларни табиат билан танишириш воситасида изланувчанлик фаолиятини кенг амалга ошириш асосан катта ёшдаги группаларда олиб борилади. Лекин буни кичик ва ўрта ёшдаги группаларда ҳам амалга ошириш мумкин.

Бола табиатга доир ҳар қандай муаммони дастлаб катталар қўмагида, сўнгра ўзи мустақил еча оладиган бўлади. Изланувчанлик фаолияти натижасида болани мустақил ижодий фикрлаш қобилияти ривожланади. Мустақил ечилган муаммолар болага қувонч бағишлийди. Бу қувонч унинг табиатга бўлган қизиқишини янада оширади ва ривожлантиради.

Изланувчанлик фаолияти боланинг шаклланишида, фикр доирасининг кенгайишида катта аҳамиятга эга эканлигини билган ҳолда ҳар бир тарбиячи уни доимо ташкил қилиши ва бунинг учун зарур шарт-шароитни яратиши керак.

## XII б о б. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

### ТАБИАТ БУРЧАГИ

Болаларни табиат билан танишириб боришда болалар боғчалари қошидаги табиат бурчаги жуда катта роль ўйнайди.

Табиат бурчагида сақланадиган ўсимликлар ва ҳайвонлар болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини ошишида, шаклланишида дастлабки манба бўлиб хизмат қиласи.

Болалар табиат бурчагидаги ҳайвонлар ва ўсимликлар билан узвий алоқада бўладилар. Табиат бурчаги болаларни табиат билан бевосита муносабатда бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам йил ўн икки ой ўсимлик ва ҳайвонот олами билан танишиб, улар билан мулоқотда бўлиш имконини беради.

Биз болалар боғчаларида табиат бурчагини ташкил қилиш йўллари ҳақида батафсил тўхтамадик. Чунки улар ҳақида «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан танишириш» («Ўқитувчи», Т., 1984, 48—91-бетлар) китобида гапирилган.

Лекин жумҳуриятимизнинг табиий шароитини ҳисобга олиб, боғчаларда табиат бурчагини ташкил қилиш, табиат бурчаги учун ўсимлик ва ҳайвонларни танлаш ва болалар боғчаси участкасида қилиниши лозим бўлган ишларни эслатиб ўтмоқчимиз.

Тарбиячи табиат бурчагида ўсимликларни ўстиришга киришишдан аввал унга қўйиладиган талабларни билиб олиши зарур. Бу талаблар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Табиат бурчагидаги ўсимликлар шу хона шароитида, мактабгача тарбия муассасаси жойлашган экологик мухитда бемалол ўса оладиган бўлиши керак.

2. Ўсимликларнинг нормал ўсиши учун иссиқлик ва ёруғлик етарли бўлиши зарур.

3. Табиат бурчагидаги ўсимликларни сувга бўлган талабига қараб жойлаширилиши ва маълум вақтларда намлик билан таъминланиб турилиши керак.

4. Табиат бурчагида ўстириладиган ўсимликлар чиройли, болаларга эстетик завқ бағишлайдиган, болаларни ўзига тортадиган манзарали ўсимлик бўлиши мақсадга мувофиқдир.

5. Табиат бурчагидаги ўсимликлар болалар соғлигига зарар етказмайдиган бўлиши даркор.

6. Табиат бурчагидаги ўсимликлар болаларнинг бўйи етадиган, уларга сув бемалол қўйиладиган, баргларини арта оладиган, тагини юмшата оладиган жойда бўлиши керак.

Тарбиячилар табиат бурчагида ўсимликларни ўстириш ва улар билан болаларни таништириш учун уларнинг номларини ва ҳар бир ўсимликтин морфологик, биологик хусусиятларини яхши билиши зарур. Бунда қайси ўсимлик қўёш ёруғлиги яхши тушадиган жойда ва қайси бири ёруғлик кам тушадиган жойда бўлишини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ўсимликларнинг сувга, органик ва минерал ўғитларга нисбатан талаби ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи ўсимликлар серсувликни (гидрофит ўсимликлар), баъзилари ўртacha сувликни (мезофит ўсимликлар), баъзилари кам сувликни (ксерофит ўсимликлар) талаб қиласди. Масалан, хитой атиргулига ҳар куни сув қўйиш зарарли. Чунки унинг илдизи бунда чириб кетади. Хина, бегония кабиларни эса ҳар куни суфориш мумкин.

Бундан ташқари гулларга сув қўйиш қоидаларини яхши билиш керак. Хонада ўстириладиган гулларга мумкин қадар водопровод сувини қўймаслик керак. Чунки бундай сув биринчидан совуқ бўлиши (айниқса қиши пайтларида), иккинчидан унинг таркибида хлор кўп бўлиши мумкин. Шу сабабли бу хилдаги сув ишлатишдан олдин кам деганда хона шароитида 1—2 кун сақланиши зарур. Гулларга қўйиш учун ариқ ва ҳовуз сувлари энг яхши ҳисобланади. Уларни тўғридан-тўғри гулга қўйиш мумкин.

Табиат бурчагида гул ўстириш учун мос келадиган тупроқни танлай билиш керак. Бунинг учун 50% тупроқ, 25% қум ва 25% гўнг олиб, уларни яхшилаб аралаштирилади. Бу тупроқни 10—12 кун давомида ўртacha ҳароратда (15—18°) хонада сақлаб, кейин ўсимликларни ўстиришда фойдаланса бўлади.

Табиат бурчагида ҳайвонларни боқишининг ўзига хос ҳаётий ва биологик томонлари бўлиб, уни ҳар бир тарбиячи яхши би-

лиши зарур. Табиат бурчагида ҳайвонларни асраш ўсимликларни асрашдан фарқ қиласы. Чунонча ҳайвонлар ҳаракат қиласы, товуш чиқаради, гүнг, пат, жун ташлайди, емишини тұқади ва маълум миқдордаги ҳидга эга бұлади. Ўсимликларда эса бу хусусиятлар күзатылмайды.

Шунға күра уларни табиат бурчагида асраш қўйидаги талабларга жавоб берishi керак:

1. Табиат бурчагида сақланадиган ҳайвонлар биологик тузылиши жиҳатидан боғча жойлашган экологик шароитга мос келиши ва хонада ўсиш хусусиятига эга бўлиши керак.

2. Сақланадиган ҳайвонлар уларга болалар қарай оладиган, парвариш қила оладиган, овқатни танламайдиган бўлиши зарур.

3. Сақланадиган ҳайвонлар болаларга зарар етказмайдиган, хавфсиз, соғлом бўлиши керак.

4. Сақланадиган ҳайвонларни танлашда уларнинг чиройли, болаларга эстетик завқ берадиган, болаларни ўзига тортадиган хусусиятларига ва ташқи тузилишига эътибор бериш зарур.

5. Ҳайвонлар асраладиган хона — уларнинг яшаси, нормал ҳаёт кечириши, кўпайиши учун қулай ва талабга жавоб берishi керак.

6. Ҳайвон ва қўшлар болалар парвариш қила оладиган ва бўйи етадиган бўлиши керак. Уларга овқат, дон, сув бериш учун, тагини вақт-вақти билан тозалаб туриш учун шароит мавжуд бўлиши зарур.

Табиат бурчагида сут эмизувчилардан қўён, типратикан, денгиз чўчқаси, олмахон кабиларни; сувда ҳам қуруқда яшовчиликлар ва судралиб юрувчилардан тошбақа, калтакесак, бақа, қурбақаларни; қўшлардан турли хил тўтилар, канарейка, каклик, каптар, бедана, товуқ, булбул кабиларни асраш мумкин.

Агар имкони бўлса, ҳамма группа болалари кенг фойдалана оладиган умумий жонли бурчак ташкил қилинса янада ҳам яхши бўларди. Бунда истаган группа болалар экспурсия қилиб келиб кўради, танишади, урганади. Бундай жонли табиат бурчагида тулки, қўён, товуқ, эчки, қарсак кабиларни қўйиб фойдаланиш мумкин.

Табиаг бурчагида аквариумлар ҳам ташкил қилинади. Аквариумлар тайёр ҳолда зоомагазинлардан сотиб олинади. Улар айлана ёки тўртбурчак шаклларда бўлиши мумкин. Уларни группага қўйиш олдидан 4—5% ли калий перманганат эритмаси билан яхшилаб ювилади. Сўнгро, дарё қумидан келтирилиб яхшилаб ювилади ва 2—3 соат қайнатилади. Аквариум тагига ундан 3—4 см қалинликда солинади. Унинг ичига сув ўтларидан элодея, валлинерия, риччия кабилар солинади ва 3—4 кун қўйиб тинитилади. Аквариум сувининг ҳароратини нормал ҳолда сақлаш учун термометр ўрнатилади, балиқларга қўшимча ҳаво бериб туриш учун аппарат, кишда сувни иситувчи маҳсус шишали печка ва ёруғлик берувчи лампочка кўйилади.

Аквариум тайёр бүлгач унга балиқлар қўйиб юборилади. Аквариумда олтин балиқ, гуппи, меченос, сколярий, телескоп, қилич балиқ ва бошқаларни сақлаш мумкин. Аквариумдаги сув ифлосланмаслиги учун ҳар ҳафтада алмаштириб турилади. Балиқларга овқат кунига 2 марта, оз-оздан эрталаб ва кечқурун берилади. Уларга иложи борича тирик чуvalчанг бериш фойдалади.

### БОЛАЛАР БОҒЧАСИ УЧАСТҚАСИ

Болалар боғчаси участкасининг бўлиши катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Участка болаларни табиат билан таништиришда, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда, жисмонан чиниқишида тарбия топадиган жой ҳисобланади.

Бизнинг экологик шароитимизда участкалардан йил бўйи фойдаланиш мумкин. Болаларни экспурсияга, сайрга, томошага олиб чиқиб, машгулотлар ўтказадиган, турли ўсимликлар, манзарали гуллар, бута ва дараҳтлар, мевали дараҳтлар, учеб келадиган қушлар билан таништирадиган жой — бу болалар боғчаси участкаси ҳисобланади.

Эрта баҳордан болалар участкага чиқиб тарбиячи раҳбарлигида меҳнат қилишади. Бу меҳнат жараёнида болалар меҳнат қуроллари: белкурак, кетмон, ўроқ, теша кабилар билан танишадилар, уларни ушлаш ва фойдаланиш йўлларини билиб оладилар.

Участка группаларга бўлиниб, ажратилган майдончага таҳтачалар қоқилади ва унга группанинг номи ёзиб қўйилади. Болалар группа раҳбарлари билан биргаликда ўз участкасига экин экишади, гулларни парвариш қилишади, тупроғини ағдариб чопишади, ўсимликларини сугоришади, ёввойи ўтлардан тозалашади. Экинзорда болаларни тўғри ишлашларини таъминлаш учун кичик группа болалар учун ҳар болага уртacha 1—1,5 кв. м., урта группа болалар учун 1,5—2 кв. м., катта группа болалар учун 2—3 кв. м. жой ажратилади. Бу норма ҳар бир участканинг экологик шароитини ҳисобга олиб ўзгартирилиши мумкин.

Участканни чиройли қилиб безатиш учун гуллар дид билан, эстетик завқ берадиган қилиб экилади. Экин экиш учун ери ишлашда, марза ва полларни олганда ип билан тўғрилаб тортиб олинади. Бу болаларнинг эстетик завқ олишида, меҳнатсеварлик руҳида тарбияланishiда муҳим аҳамиятга эга.

Участка боғча болалари учун йил мавсуми ва фаслларнинг ўзгаришини кузатадиган энг қулай жойdir. Тарбиячи болаларни участкага олиб чиқиб табиатда бўладиган ўзгаришлар, унинг сабаблари, қишлиб қолувчи ва учеб кетувчи қушлар билан таништиради. Бир сўз билан айтганда, боғча участкаси болаларнинг шаклланишида, жонли ва жонсиз табиат билан танишишида, ўз она-Ватанини севишида, уни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонларини асраш ва кўпайтиришда таълимтарбия оладиган илк маскан ҳисобланади.

## XIII б о б. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Болаларни табиат билан таништириш ишларини режалашибдиаги асосий қулланма «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» ҳисобланади. Бунда умумпедагогик қоидага ва режалаштириш принципларига амал қилинади.

Режалаштиришнинг асосий принципи бола шахсини ахлоқий шакллантириб, уларда табиатга доир билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш, табиатга материалистик нуқтаи назардан қараш бўйича элементар тушунчалар бериш, табиатда катталар меҳнатини ҳурмат қилиш ва уни қадрлаш, ўсимлик ва ҳайвонларни севиш ҳамда асрар руҳида таълим беришдан иборатдир. Буни амалга ошириш учун педагогик тарбия ишлари тўғри режалаштирилган булиши, болаларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олиниб таълим ва тарбия бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиниши, бунда турли-туман таълим формалари ва болалар фаоллиги ҳисобга олинган булиши керак. Режа аниқ система асосида изчиллик билан оддийликдан мураккабликка қараб, бир-бiri билан боғланган турли метод ва формалардан иборат бўлиши зарур.

Режалаштиришнинг муҳим шартларидан бири — унинг реал ва аниқ булишидадир.

Режанинг аниқ, реал булиши муайян болалар боғчасида бажариладиган ишнинг аниқ, умум дастур мазмунига мос булишини таъминлайди. Табиатшуносликка доир ишларни режалаштирганда теварак-атрофимиз табиати ва табиатдаги мавсумий узгаришлар ўз аксини топиши лозим.

Режалаштиришнинг бош мақсади — «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»ни тўлиқ амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам йилнинг ҳар бир фасли шундай режалаштирилиши керакки у ўтган фасл холосаси ва келгусида қилинадиган ишнинг давоми бўлиши керак.

Табиат билан таништириш педагогик тарбиянинг ажралмас кисмидир. Бу ишни режалаштирганда табиатга доир энг актуал, аниқ мазмунга эга бўлган, ёшларга улар ҳақида билим, кўникма ва малакалар бериш, табиатни севиш, асрар, уларда эстетик ҳис-туйғуларни ҳосил қилишдан иборатдир.

Табиатшунослик ишларини режалаштирганда керакли шароитнинг мавжудлигига табиат бўрчаги, гулхона, полиз, табиатда ўйнаш ва меҳнат қилиш учун керакли жиҳозлар, техника таълими қуроллари ва бошқаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Режада турли ишларни бажариш кўзда тутилади. Уларнинг хилма-хиллиги табиат ҳодисаларининг ва обьектларининг кўплигидандир. Режада машғулот, экскурсия, меҳнат ва умумий кузатиш, алоҳида кузатиш, табиат бурчагидаги меҳнат, полизда, гулхонада, коллектив ва бир группа ўйинлари ўз аксини

топиши зарур. Режага ҳар хил ишларни киритилиши тарбиячиға болаларни ҳар томонлама тарбиялашга ёрдам беради.

Ииллик режа умумий вазифани қамраб олиб, бутун педагогик колективнинг мақсадини ўзида мужассамлаштиради. Ана шулардан бири табиат билан таништириш ишини қўнгилдаги-дек ташкил қилишdir:

а) боғчада участкани ташкил қилиш. Бунда бажариладиган иш аниқ бўлиб, масалан, мевали дарахт экиш, полиз экинлари учун ер ажратиш ва унга ишлов бериш, қум, сув билан ўйнаш учун шароит яратиш қушларнинг учеб келиши учун уячалар ясаш ва ҳоказо; б) табиат бурчагини ташкил қилишда тарбиячига ёрдам бериш; керакли қуролларни келтириш, ҳар хил катталиқдаги қафаслар, аквариумлар, балиқларни, хона ўсимликларини, қушчаларни парваришиш учун жиҳозлар ва ҳоказо; в) ҳар хил кўргазмали қуроллар келтириш; картина, диа- ва кинофильмлар, табиатга доир стол устида ўйналадиган босма ўйинлар, болалар учун табиатга доир бадиий адабиётлар, тарбиячилар учун биология луғати адабиёти, техник ўқув қуроллари.

Ииллик режада тарбиячи билан бирга табиат билан таништиришнинг методик иш формалари режалаштирилади. Бунда педагогик мажлислар мазмуни, табиат билан таништириш соҳасидаги илфор тарбиячиларнинг иш тажрибаларини ёйиш ва уларни тўплаш формалари (машғулотни кузатиш ва муҳокама қилиш, экспурсия, табиатда болалар меҳнатини ташкил қилиш ва ҳоказо). Режада табиатшунослик характеристидаги ва методик темаларда консультация ўтказиш ҳам режалаштирилади.

Ииллик режага ота-оналар билан табиатни муҳофаза қилишга дисир педагогик ташвиқотлар олиб бориш ҳам киритилади.

Перспектив режа ҳар бир ёш группа учун тузилади. Уни йил фасллари бўйича тузиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу табиатнинг ранг-баранг хусусиятларини ҳисобга олишга ва табиат ҳодисалари билан болаларни таништиришга имконият яратади.

Перспектив режа тарбиячига дастур материалини тўғри тақсимлашга ёрдам беради, ортиқча ишлардан қутқаради. У болалар билимини, малака ва кўнікмаларини маълум система асосида, изчиллик билан боришини таъминлади.

Режада жонсиз табиат ҳақидаги билим (об-ҳавонинг мавсумий ўзгариши, табиий материалларнинг хусусияти ва ҳоказо); ўсимликлар ҳақидаги билим (масалан, ўсимликларнинг органдари, унинг хусусиятлари, вазифалари ва уларнинг талаби ҳақидаги); ҳайвонлар ҳақидаги билим (уларнинг ташқи тузилиши, хулқ-атвори, ташқи муҳитга мослашиши каби), табиатда катталар меҳнати ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Режада табиат бурчагига қўйиладиган вақтинча ва доимий янги обьектлар (ўсимликлар, қушлар, ҳашаротлар, судралиб юрувчилар, сувда ҳам қуруқда яшовчилар, сут эмизувчиларнинг вакиллари) ҳам киритилиши керак. Буларни аввалдан аниқлашнинг аҳамияти шундаки, бу ўсимлик ва ҳайвонлар учун овқат ва шароит тайёрлаб қўйиш имкони туғилади.

Режада безакли-күргазмали материаллар билан тұлдириш ҳам күзда тутилади. Бұлардан дидактик үйинлар, кино ва диафильмлар, табиатта доир адабиётлар, безакли материаллар, тарбиячилар учун үсімлик ва ҳайвонлар биологиясига, уларнинг экологиясига доир лугат адабиётлар киради.

Перспектив режага болаларни сув, қум, қор ва бошқа нарасалар билан үйнаш учун үйин қуроллари ҳам киритилади. Бу болалар үйинининг анча мазмунли үтказилишига ва уларда сенсор тарбиянинг амалга ошишига ёрдам беради.

Перспектив режага ҳар бир фаслга boglab машғулот ва экскурсия үтказиш режаси ҳам киритилиши зарур. Машғулоттарни системали, изчиллик асосида үтказилишига алоқида эътибор бериш керак. Машғулотни үтказышда мақсади, үтказиш методлари күрсатилиши зарур. Үнда дастлабки билим бериш, сұнгы машғулоттарда бу соҳадаги боланинг билим, күникма ва малакалари ҳосил қилиниши зарур.

Еш тарбиячилар учун перспектив режада амалга ошириладиган умумий мақсад ёки дастурнинг асосий вазифаси берилемоги керак. Масалан, «Кузнинг бошида боққа экскурсия үюштириш. Мақсад — жонсиз табиатда, үсімлик ва ҳайвонот оламидаги кузнинг биринчи белгилари билан таништириш» деб берилса янада мақсадға мувофиқ бұлади.

Перспектив режада болаларнинг табиат бурчагида ва участкада бажарадиган меңнатлари ҳам үз аксини топади. Бу ишни олдиндан режалаштириб қўйиш керак, чунки аввал меңнат қуролларини тайёрлаб қўйиш зарур. Асосий кузатиш жонсиз табиатни, үсімлик, ҳайвон ва табиатда кишилар меңнатини фасллар бўйича ўзгаришини аниқлашдан иборат. Кузатиш ишларини олиб бориша тарбиячи болалар билимини мустаҳкамлаш учун (табиат календари, об-ҳаво календари, Қўёшнинг осмондаги ҳаракати схемаси, кузатиш кундалиги каби) турли кузатиш формаларини киритади.

Табиат билан таништириш ишини режалаштиришнинг асосий формаси — кундалик календарь иш режасини тузишdir. Бу режа йилнинг ҳар хил фаслини үз ичига олади. Еш тарбиячилар қиласиган ишларини икки ҳафтага (бир ҳафтага эмас) тузиб олсалар мақсадга мувофиқ бұлади. Чунки улар аввал режалаштирилиб бажарилган ишчининг натижасини күради.

Календарь иш режасида болаларнинг табиат ҳақидаги билим, малака ва күникмаларини текшириб кўриш ва мавжуд йил фаслларига boglab ушбу тушунчаларни ҳосил қилишни режалаштириш зарур. Бунинг учун календарь иш режасига машғулоттар сони, табиат бурчагида кузатиш ва меңнат қилиш, участкада кузатиш, меңнат ва үйин, болаларни бўш пайтидаги үйин соатлари киритилиши керак. Ишни икки ҳафтага режалаштирар эканмиз, шу мавсумда табиат билан таништиришнинг асосий ўрни нимадан иборат эканлигини аниқ билиш керак.

Календарь режасини тузишда машғулотни ўтишни режалаштиришдан бошлаш керак. Машғулот — дастур мазмуни булган

табиат билан таништириш ишини кунлик ҳаётда амалга ошириш ва табиатшунослик ишининг асосий формасидир.

Календарь режада табиат бурчагидаги кузатиш ва меҳнатнинг асосий мазмуни ўз аксини топиши керак: табиат бурчагига янги объектни олиб келиш, унинг ҳолатини, ўзгаришини кузатиш ишлари режалаштирилиши керак. Бу кузатишни груп-панинг ҳамма болалари билан бирга олиб бориш мақсадга мувофиқ. Режада кузатишнинг мақсади, кузатиш йўллари ва кузатилган объектнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳам курсатилади.

Календарь режада табиат бурчагида якка ва ярим группа билан олиб бориладиган кузатиш ишлари ҳам режалаштирилади. Бундан ташқари табиат бурчагида болалар меҳнати, унинг ҳажми ва мазмуни ҳам режалаштирилади. Асосий эътибор — болаларни янги меҳнат турлари билан таништиришга қаратилади.

Режада болаларга меҳнат тарбияси беришда ва уни мураккаблаштириб боришда боланинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш керак. Табиат бурчагида ташкил қилинган меҳнат формалари: колектив меҳнат тартиби, ярим группа меҳнати, индивидуал топшириқларнинг миқдори ва мазмуни, болада уларнинг мураккаблашиб бориши ўз аксини топиши керак. Табиат бурчагидаги меҳнат ва кузатиш ишларини эрталаб олиб бориш зарур. Куннинг иккинчи ярмида тарбиячи раҳбарлигига ўсимликларни артиш, дераза олдини ва қафасни тозалаш, аквариум сувини алмаштириш каби ишларни бажариш режалаштирилади. Кечки тузатиш ишлари ҳайвонларнинг характеристига қараб зарур бўлса режага киритилади.

Участкадаги кузатиш ва меҳнат ишларининг асосий қисми кундузги сайр пайтида бажариш режалаштирилади. Кечки сайр пайтида эса кеч учун хос бўлган кузатишлар бажарилади. Бажариладиган ишнинг мақсадга мувофиқ бўлиши учун ҳар бир табиатга қилинган сайрда битта иш, ё меҳнат қилиш, ё кузатиш олиб борилади. Лекин катта группаларда иккаласи ҳам бир вақтда бажарилиши мумкин. Масалан, ҳамма группа билан коллектив кузатиш ва унча катта бўлмаган ярим группа билан меҳнат қилиш. Аниқ кузатиш ишлари режалаштирилганда кузатиладиган объектлар, кузатишнинг мақсади ҳамда кузатиш методлари, усуслари кўрсатилади. Режалаштиришда баъзи конкрет темаларни билмасдан туриб ҳам сайр пайтида кузатиш режасига киритиш мумкин. Масалан, қушларни кузатиш дейилади-да, қайси қуш эканлиги номаълум, ёки об-ҳавони кузатиш дейилади-ю, об-ҳавони нимасини (иссиқ, ёмғир, қор, шамолни) кузатишни олдиндан билмайди.

Меҳнат қилиш ишлари режалаштирилганда қилинадиган ишнинг мазмуни, ташкил қилиш формалари, жиҳозлаш, болалар ҳосил қиласидиган малака, унинг аниқ рўйхати берилиши кесрак. Меҳнат қилиш ишлари қайта ташкил қилинганда, фақат меҳнатга жалб этиладиган боланинг фамилияси кўрсатилади.

Катта ва мактабга тайёрлов группа болалари билан айниңса баҳор ва ёзда меҳнатнинг у ёки бу формасини бажариш режалаштирилади. Бунинг учун болалар кузатишнинг ҳар хил маласини эгаллаган бўлишлари керак.

Календарь режада табиат материаллари асосида ҳаракатли ўйинларни бажариш ҳам қайд этилади. Буни бажариш учун қандай жиҳозлар кераклиги аниқланади. Бундай материаллар қаторига қум, сув, ўйинчоқлар ва бошқа табиат материаллари киради. Табиатшуносликка доир дидактик ўйинлардан фойдаланишда уларнинг шакли, мазмунига қараб ишлатиш режалаштирилади. Бунда тарбиячи болалар қизиқишини орттириш учун қайси материалдан ва қандай фойдаланиш йўлларини излаб топади ва болалар эътиборини кўпроқ қайсисига тортиш кераклигини аниқлайди. Лозим топилса бу ўйин туридан иккинчи марта ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда бошқа ўйин турини топиш ва болалар олдига аниқ вазифа қўйилиши керак.

Табиатшуносликка доир ишни режалаштирганда ҳар бир ёш группанинг хусусияти ҳисобга олиниб, уларнинг асосий формалардан фойдаланиши, табиат билан таништириш методлари асосида тузилади. Бунда кичик группаларда асосан кузатиш ва ўйин воситасидан, катта группаларда тажрибалар утказиш ва оғзаки методлардан фойдаланилади.

Тарбиячи бажарилган ишни кундалик иш режасида ҳисобга олиб боради. Бу билан у болаларнинг кўрсатган активлігиги ва қизиқишини ҳисобга олиб, ёзиб боради. Тарбиячи шу билан бирга болалар ишни бажараётганда туғилган қийинчиликларни, саволларни ҳам ёзиб боради. Буларнинг ҳаммаси унга болаларнинг билими, малака ва кўникмаларини баҳолашда катта ёрдам беради. Буларни ҳисобга олишда, аниқлашда тарбиячи ўзининг ҳам фаолиятини — темаларни тўғри танлаганини, методларини тўғрилигини, ташкил қилинган ишлар формасини ҳам баҳолайди ва ундан хулоса чиқариб келгуси ишларида фойдаланади.

#### XIV боб. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ИШИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Болалар боғчасида амалга оширилаётган таълим-тарбиянинг актуал муаммоларидан бирини болаларни табиат билан таништириш ташкил этади. Бу ҳар бир мактабгача тарбия мусассасида «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» асосида амалга оширилади. Бу «Дастур»га мувофиқ болаларни табиат билан таништиришда муассаса педагогик кадрларининг малакаси, уларнинг ўз вазифаларини бажаришдаги масъулиятлилик ва виждонлилиги, касбини қанчалик даражада севиши ва уни муттасил бойитиб бориши каби барча ишларни самаралилиги ва унинг сифати билан белгиланади. Буни бевосита боғча мудираси амалга оширади.

Юқорида эслатганимиздек, табиат билан таништириш иши, унинг мазмуни, олдига қўйган вазифаси боғча мудирасининг, мактабгача тарбия муассасаси методистларининг ойлик ва йиллик иш режасида тулиқ ёритилган бўлади.

Боғчаларда болаларни табиат билан таништириш ишининг бориши ва унинг муваффақиятли бўлиши боғча мудирасига, унинг ишchan ташкилотчилигига боғлиқ.

Болаларни табиат билан таништиришда энг аввало ҳар бир боғчада унинг материал базасини барпо этиш керак. Табиатга доир бундай материал базаларига қўйидагилар киради: боғчаларда участкаларни ташкил қилиш, тарбиячиларга у ерда табиат бурчагини жиҳозлашга ёрдам бериш, ҳар хил кўргазмали қуроллар тайёрлаш, стол устида ўйналадиган босма ўйинлар, тарбиячилар учун техник воситалардан фойдаланишни яратиш, уларга табиатшуносликка доир ишларни болалар билан бирга бажаришга кўмаклашиш, ишни режалаштиришга ёрдамлашиш, психологик, педагогик ва методик адабиётларни топиб, улардан фойдаланиш йўлларини ўргатиш зарур. Булардан ташқари, тарбиячилар болалар билан бирга турли хил иш формаларини кузатиш ва уларни анализ қилишга ёрдамлашиш ҳамда тарбиячиларга бажарган ишларни якунини баҳолаш, хуносалаш, анализ қилиб олинган натижани умумлаштиришга кўмаклашиш, барча бажарилган ишларни кузатиб, ўрганиб, хуносалаб, илгор группа ёки тарбиячининг ишини шу муассасаса ичida ёйиш керак.

Мудира тарбиячилар ишини текшириб ва бошқариб борар экан, ижодий ташаббусни, қимматли тажрибаларни маъқуллайди, болаларни ҳар томонлама тарбиялашга ёрдам берадиган яхши метод ва усулларни қайд қиласди, энг яхши тарбиячиларнинг муваффақиятларини бутун колектив ҳам баҳраманд бўлиши учун тажриба алманишини ташкил этади. Тажриба алманиш мақсадида шу боғчанинг ўзида машғулотларни, сэйрларни, экспурсияларни, табиатга доир ўйинларнинг режим жараёнларини кузатиш ўтказилади. Кузатиш бевосита мудира ёки тарбиячи-методист раҳбарлигида ўтказилади ва албатта муҳокама билан якунланади. Муҳокама давомида тарбиячи ишидаги ижобий томонлар қайд қилинади, аниқланган камчиликларни тузатиш учун тавсиялар берилади. Шундан кейин энг яхши тажриба ёш группаларнинг шароити, болаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш ва уни ўз иш жараёнида фойдаланиши учун тавсия қилинади.

Бунинг учун тарбиячиларнинг биология соҳасидаги тушунчалари пухта, ҳозирги замон талаблари асосида ҳар томонлама қуролланган бўлиши даркор. Айниқса, уларнинг амалий-ҳаётӣ малакалари катта бўлиши, табиат ўзгаришларидан хуносачиқара оладиган, уни таҳлил қила биладиган мутахассис кадрлар бўлмоғи зарур.

Боғча мудиралари ўз қўл остида ишлайдиган тарбиячиларни биология соҳасидаги билимларини тинмай ошириб бориши,

табиат бурчагини ташкил этиш ва уни янги құшимча материалар билан жиҳозлашда маслаҳатлар бериши, йүл-йүриқлар курсатиши, тарбиячилар билан бирга табиатта экскурсиялар үюштириши, биологияга доир адабиётларни аниқлаш ва уларни түплаш ишига актив ёрдам күрсатиши лозим.

Бундан ташқари ота-оналарни боғча участкасида табиатшүносликка доир ишларда актив иштироқ этиштеге жайлб этади, болаларни табиатни севишига, уни асрал-авайлаб үстирадиган кишилар булиб етишиши рухида тарбияланишига бевосита раҳбарлик қиласы.

Мудира ота-оналар билан ҳамкорликда болаларга хар томонлама тарбия беради. У умумий ота-оналар мажлиснин үтказади, унда боғча участкасида қилинадиган ишларни ота-оналар билан ҳамкорликда бажариш режаларни тузади. Боғча участкасини янада обод кипеш, табиат бурчагини жонлантириш учун ота-оналар күмагидан фойдаланиб баъзи бир ҳайвонларни ушлаб келиб, жонли табиат бурчагини бойитади.

Боғчадаги барча ишларга методик ва тарбиявий раҳбарлик қилиш мактабгача тарбия муассасаси мудираси ишининг энг муҳим бўлимидир. У таълим-тарбия ишининг барча ходимлар ғоявий-назарий савиаси ва педагоглик маҳоратини оширишга қаратилган турли формаларни ташкил этади. Методик тадбирлар эса боғча коллективини янги билим ва кўникмалар билан, болаларга таълим-тарбия беришнинг рационал метод ва усуллари билан, табиат билан таништиришнинг янги формалари билан қуроллантиради ҳамда иш сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Боғчаларда бундай методик раҳбарлик турли формаларда олиб борилади: педагогика советлари, машғулот, сайр, эксперсия, ўйин, табиатни кузатиш, педагогика кабинети ишини ташкил этиш, индивидуал ва колектив равишда консультация бериш, табиат участкасида қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб олиш, группалардаги табиат бурчагининг аҳволини кўриш.

Мактабгача тарбия муассасаларида метод кабинетлари ҳам бўлади. Кабинетда керакли методик қўлланмалар, мулжаллар, турли хил ҳашаротлар солинган обьектлар, гербарий, табиат манзараси тасвирланган расмлар, об-ҳавони кузатиш модели, табиатшүносликка доир адабиётлар, тарбиячининг иш тажрибаларига оид материаллар булиши мумкин. Худди шундай методик кабинетлар ҳар бир район, шаҳар ва вилоят ҳалқ маорифи бўлимлари қошидаги мактабгача тарбия бўлимларида ҳам ташкил қилинган булиши керак. Бунда, энди табиатга доир материаллар, иш тажрибалари кичик мактабгача тарбия муассасаси ҳажмида эмас, кенг миқёсда: район, шаҳар ва вилоят миқёссида тўпланиб, унда ҳар бир улканинг ўзига хос илгор иш тажрибалари, табиат билан таништиришга доир методлари акс эттирилади.

Дастурга мувофиқ ҳар бир группа учун алоҳида-алоҳида йил фасллари асосида кабинетни жиҳозлаб, темаларни танлаб, ма-

тәриалларни жойлаштириб чиқилади. Халқ маорифи ходимлари илфор тарбиячилар ва боғча мудираларининг иш тажрибаларини муттасил оммалаштириб боришлари керак. Бундан ташқари болалар муассасаларига доир олиб борилган илмий-технишириш ишлари ва уларнинг натижаларини ҳам ҳаётга кенг жорий этмоғимиз зарур. Маълумки, боғчаларда табиат билан таништиришнинг янги-янги метод ва формалари ҳақида, кузатиш, амалий машғулот ва сўз воситасидаги илмий изланишлар натижасидан ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Биз бу ишларга талабаларни кенг жалб этмоғимиз даркор.

Боғчаларда тарбиячиларнинг ғоявий-назарий савияси, педагогик маҳорати ва табиат қонунларини илмий асосда тушуниб олишлари бевосита мудира раҳбарлигига амалга оширилади.

Тарбиячилар халқ маорифи бўлими қошида ташкил этилган сёминар, тўгарак ва амалий машғулот йиғилишларида ўз билимларини оширади, биология янгиликлари тўғрисида лекциялар тинглайдилар. Уларнинг профессионал маҳорати табиатга доир журнallарни, адабиётларни, қўлланмаларни ўқиш ва муҳокама қилиш жараёнида, телевизор орқали бериладиган «Оlamга саёҳат», «Ҳайвонот олами» ҳақидаги эшиттиришлар воситасида ошиб боради. Бундан ташқари, ҳар бир тарбиячи район, шаҳар, вилоят методика кабинетлари томонидан ташкил қилинадиган кўргазмалар, ижтимоий-сиёсий ва методик тадбирларда ҳам актив қатнашиши лозим. Мудира тарбиячиларнинг бу ишларини муттасил назорат қилади, уларнинг мазмуни билан танишади, болаларни тарбиялаш ва ўқитищдаги барча қимматли маълумотлар, фикрлар педагоглар колективининг бойлиги эканлигини англаш, буни мустаҳкамлаш учун бутун чораларни кўради.

Қабул қилинган қоидага мувофиқ ҳар бир тарбиячи халқ маорифи бўлими томонидан ташкил этилган курсларда, ҳар беш йилда бир марта ўз малакасини ошириши керак.

#### XV боб. «БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ ВА ТАБИАТШУНОСЛИКДАН ПРАКТИКУМ» ҚУРСИННИНГ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА ЎҚИТИЛИШ

Курснинг вазифаси. Педагогика билим юртларида ўқитилядиган «Болаларни табиат билан таништириш методикаси ва табиатшуносликдан практикум» курсининг вазифаси булажак тарбиячиларни мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш буйича, уларни ҳар хил ёшдаги группалар билан «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»га мувофиқ иш олиб боришига ургатишдан иборатdir.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш жараёнида уларга таълим-тарбия бериш вазифалари амалга оширилади.

Ўқувчилар бу курсни ўрганаётган пайтларида амалий машғулотларнинг иш режаси ва дарс конспектларини тузиш, боғчада болаларни табиат билан танишириш бўйича қилинадиган ишларни кузатиш ва уни ўзлари олиб боришлири кераклигини билиб оладилар.

Курсни муҳим вазифаларидан яна бири шундаки, мактабгача тарбия муассасалари учун кадрлар тайёрлашда унинг ўзига хос ўрни ҳамда қиммати бор. Бу курс фақат мактабгача тарбиячиларки боғчаларда табиатга доир машғулотлар ўтказиш билан таниширибгина қолмасдан, уларни жонсиз табиат ҳодисалари, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, уларнинг биологияси, характерли хусусиятлари, шунингдек ўсимликлар ўстириш ва ҳайвонларни парвариш қилишда болаларда оддий кўникмалар ҳосил қилиш билан ҳам таниширилади.

Бу курс бошқа фанлар билан ҳам узвий боғланган. Ёш авлодни тарбиялашда табиат билан таниширишда бошқа фанлар; нутқни ўстириш методикаси, тасвирий санъат, музика, жисмоний тарбия, болалар психологияси, математика ва бошқалар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Тарбиячилар болаларни табиат билан таниширилар экан сўзсиз уларнинг сўз нутқини ҳам ошириб боради. Бунинг учун табиатга доир шеърлар ўқииди, бадиий адабиётлардан фойдаланади, ҳикоя ва эртаклар тинглайди ёки болалар қули билан турли гулларни, ҳайвонларни, она-Ватан табиатини чизади, табиат манзарасига доир чизилган расмлар, картиналарни томоша қилиб, улардан эстетик завқ олади. Боғча участкасида ишлаб, меҳнат қилиб, сайрларга чиқиб жисмонан чиниқади. Табиатга доир, қушлар, гуллар ҳақида ашулаларни ёдлаб куйлаб, маънавий озиқ олади.

Болаларни табиат билан танишириш уларнинг психологик холатига, фикрлаш қобилиятига, сенсор сезгилиарининг тараққий этишига катта таъсир этишини яхши биламиз. Табиат билан танишириш дарсларида болаларни математиканинг элементар тушунчалари билан таниширилади. Масалан, болаларни боғча участкасига олиб чиқиб, «қанни болалар сананглар-чи, нечта дарахт бор экан?» дейилса, улар дарров санашга тушади. Ёки болаларнинг ой, ҳафта, кунлар ҳақидаги тушунчасидан фойдаланиб, табиат календари тузилади. Календарни тўлдириш жараённида ҳам табиат билан, ҳам математика билан танишади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси «табиатшунослик» курсининг бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Курснинг дастури шундай тузилганки, ўқувчилар методикани ўрганиш билан бирга, табиатшуносликдан практикум ўтказиш йўуллари билан ҳам тўлиқ танишадилар. Унинг мақсади — ўқувчиларни жонажон ўлкамиз табиати билан танишириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, болалар муассасалари қошида ўсимлик ва ҳайвонларни парваришлашга ўргатиш, тирик табиат бурчаги, экинзор, гулзор ва мева боғлар барпо қилишга ўргатишдан иборат.

Практикум материаллари семестрлар бүйича маҳаллий ер шароити ва йилнинг турли фасл хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади. Ўқувчиларга табиат бўйлаб қилинадиган экспкурсия, лаборатория машғулоти, ер участкаси ва табиат бурчакларида ишлашлари учун барча имкониятлар яратилади.

Дастур асосан 7 қисмдан иборат бўлиб, улар қўйидагилар:

- 1) Боғча болаларини табиат билан таништиришнинг аҳамияти ва вазифалари;
- 2) Маҳаллий ўлка табиати;
- 3) Болаларни табиат билан таништириш бўйича боғча дастури;
- 4) Болаларни табиат билан таништиришнинг метод ва формалари;
- 5) Табиат бурчаги ва боғча участкаси болаларни табиат билан таништиришнинг асосий базасидир:
  - а) табиат бурчаги;
  - б) боғча участкаси.
- 6) Болаларни ўй ва ёввойи ҳайвонлар билан таништириш;
- 7) Болаларни йил фаслларининг табиати билан таништириш: куз, қиши, баҳор, ёз.

Педагогика билим юртининг ўқитувчилари кириш темасида болаларни табиат билан таништиришда уларниг ҳар томонлама тарбияланишининг аҳамияти ва вазифаларини атрофлича ёритади. Ўқувчиларнинг курсни ўзлаштиришга кизиқини ва унга онгли муносабатда бўлишини ошириш учун, муайян темада ўқитувчи эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларга характеристика бериши мақсаддага мувофиқдир. «Маҳаллий ўлка табиати» темасида ўқувчилар ўз ўлка ва районларининг табиати ва қишлоқ ҳўжалиги билан танишадилар. Бу бешинчи, олтинчи, еттинчи темаларни ўрганилаётганда ҳам давом эттирилади. Ўқувчиларни үсимлик, ҳайвонларни кузатиш ва ёзиб бориш, табиат ҳодисалари ва календарини тузиш ва уларни табиатни қўриқлаш борасидаги умумий фойдали ишларга актив қатнашишга ўргатади. Ўқувчиларга табиат календарини тутишда бениҳоя аҳамиятга эга бўлган, йилнинг ҳар қайси фаслида кузатиш мумкин бўлган фаслий ҳодисалар рўйхатини бериш зарур.

Ўқувчиларга билим берадиган бешинчи, олтинчи, еттинчи дастур темалари болаларни табиат билан таништириш методикаси билан узвий боғланиши керак.

**Ўқитиш методлари.** Табиат билан таништиришда олдинга қўйилган мақсаддага тўлиқ эришиш учун лекция, сухбат, амалий, лаборатория машғулоти, ботаника боғига, агроучасткага экспкурсия ўюнтириш йўлларидан фойдаланилади.

Дарс жараёнида комплекс методдан фойдаланиш, яъни бир дарсда ҳам лекция, ҳам сухбат, ҳам амалий машғулотдан фойдаланиб билим бериш яхши самара беради. Ўқувчилар табиат ҳақидаги маълумотни лекция методи билан тинглаб танишгач, дарснинг охирида у амалий машғулот ёрдамида мустаҳкамла-

нади. Билим юртларида «Табиат билан таништириш методикаси» фанини үқитишининг методи ҳам, бошқа үқув даргоҳларидан фарқи ҳам шундадир.

Болаларни табиат билан таништиришнинг метод ва формалари турли-тумандир. Улардан фойдаланишда болаларни ўргатиш ва тарбиялаш вазифасига энг маъқулини танлаш, дастур ва тема материалининг мазмунини, болалар ёшларидаги хусусиятлар ҳисобга олиб қўлланилади.

Табиатни кузатиш, ўйинлар ташкил қилиш, экскурсия, оғзаки методлар, кўргазмалиликлардан кенг фойдаланиб дарс ўтилади.

Дарсда кўргазмали қуроллардан, техник воситалардан кенг фойдаланилади. Болалар билимини мустаҳкамлаш ва бойитиш учун табиатга экскурсия уюштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун үқитувчилар үқувчилар билан боғга, тоф этакларига, дарё ёқаларига ёки табиатнинг гўзал бир манзарасига экскурсия уюштиради. Экскурсия планли, маълум бир мақсадни кузда тутган ҳолда уюштирилмоғи зарур. Экскурсиянинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, үқувчилар табиат ҳақида олган назарий билимларини мустаҳкамлайди, эстетик завқ олади, она-Ватан табиатини, ўз ўлкасини кўзлари билан куриб табиат ҳақидаги билим ва кўнижмалари ошади, мустаҳкамланади.

Амалий машғулотлар дарсида үқитувчи үқувчиларни табиат дарсларидан конспект тузиш, тема мазмунига доир ишларни бажариш, ҳаётий ўйинлар ташкил қилиш, масалан, «Тарбиячи ва болалар», «Хона ўсимликлари» каби темаларда. Үқувчилар бу дарсларда фақат дарс конспектини олиш билан танишиб қолмасдан, улар дарсни ўтиш малакасини ҳам ўрганади, табиатда болалар меҳнатига раҳбарлик қилиш, уларни меҳнатсеварликка ўргатиш кўнижмаларини ҳам эгаллайди. Үқувчиларни ижодкорлигини ошириш ва табиатга бўлган қизиқишини ортиришда бу дарслар жараёнда мусобақа, конкурслар ташкил қилиб, «Гул ўстириш», «Аквариумчалар ясаш» (қоғоздан), баҳор ва қиши темалари бўйича мусобақа ўтказиш катта самара-лар беради.

Үқувчиларнинг амалий билимларини синаш, мустаҳкамлаш мақсадида «Болаларни табиат билан таништириш» курси бўйича болалар боғчасига педагогик практикага олиб чиқилади. Буни ташкил қилишдан олдин үқувчиларни яқин атрофдаги энг яхши болалар боғчасида намуна дарси ўтказилиб, у билан таништирилади. Үқитувчи аввал боғча тарбиячиси билан дарс темасини, кўргазмали қуролларни мавжудлигини аниқлайди. Метод кабинетда техник қуроллар, картиналар, диапозитивлар, ўйин-чоқлар, дидактик ўйинлар турини аниқлайди. Одатда намуна дарси уч группа (кичик, ўрта ва тайёрлов группаси) да ўтказилади. Педпрактика куни боғчада тўпланиб, педпрактика мақсади, тақсимланган группалар, кундалик дафтар тутиш айтилиб, үқувчилар группаларга бўлинади. Дастреб, үқувчилар тарбиячилар машғулотини кузатади, ўрганади. Сўнгра ўзлари машғу-

лот ўтказиш учун конспект олади. Буни бевосита методист ўқитувчилар кўриб текшириб беради.

Ўқувчиларни мустақил ишларига ҳам кенг ўрин берилади. Мустақил ишда табиатни кузатиш, ўсимликларнинг рўйхатини олиш, уй вазифаси бериш, ҳайвонлар оламини урганиш, гербарий тузиш, коллекциялар йиғиш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш каби ишлар бажарилади.

«Болаларни табиат билан танишириш» курсини мақсадга мувофиқ ўқитишида уни жиҳозлашнинг аҳамияти беқиёс каттадир. Утиладиган ҳар бир дарс кўргазмали қуроллар воситасида ўқувчиларга етказилиши керак. Кўргазмали қуролларнинг тури, хили жуда кўп бўлиб, у ҳар бир тема мазмунига қараб, ўзгариб, янгиланиб боради. Кўргазмали қуроллар жонли ва жонсиз табиат ҳақида, ўсимликлар ва ҳайвонлар олами тўғрисида бўлиб, уларнинг биологияси, тузилиши ва хусусиятлари акс эттирилади.

Кўргазмали қуролларни тайёрлашда ўқувчиларни ҳам кенг иштирок эттириш керак. Улар кўргазмали қуролларни тайёрлаш билан бирга табиат билан танишади, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Табиат ҳақидаги билим ва кўникмалари ортади.

Билим юртларида табиатшуносликка доир кабинетлар ҳам бўлади. Бу кабинетлар мақсадга мувофиқ, ҳар бир ёш группанинг хусусиятини ҳисобга олиб ўсимликлари жойлаштирилади. Кабинетда табиат бурчаги ҳам ташкил қилиниб, унда аквариум, ҳайвонлар ва баъзи қушлар ҳам қўйилиши мумкин. Бундан ташқари кабинетда табиатшуносликка доир адабиётлар, кўргазмали қуроллар, муляжлар, коллекциялар, гербариyllар, методик қўлланмалар ўқувчилар бажарган намунали ишлар ҳам қўйилади.

Билим юритида урганиладиган курснинг «Дастури»га мувофиқ ер участкасининг планини олиш, кукаламзорлаштириш ишлари ҳам бажарилади. Бунинг учун ҳар бир курсга ер участкаси биритирилиб, у ерга нима экиш кераклиги, кукаламзорлаштириш ишларини қандай амалга оширишлари режалаштирилади. Бунда табиатшунос ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар йилнинг турли мавсумларида ишлаб, ҳар фаслга хос бўлган ишларни бажарадилар. Агар участкада теплица, оранжерея, парниклар бўлса, улардан самарали фойдаланиб, ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги билим ва кўникмаларини янада бойитиш ва мустаҳкамлаш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТ

- Абрикосов Г. Г., Банников А. Г. ва бошқалар. Зоология курси (Хордалилар). Т., «Ўқитувчи», 1966.
- Алибеков Л. А., Нишонов С. А. Табиатни муҳофаза қилиш ва табий ресурслардан рационал фойдаланиш. Т., «Ўқитувчи», 1963.
- Бабков И. В. Табиатни қўриқлаш — умумхалқ иши. Т., «Еш гвардия», 1963.
- Баратов П. Ер билими ва ўлкашунослик. Т. «Ўқитувчи» 1980.
- Болалар боғчасида ахлоқий тарбия. Т., «Ўқитувчи», 1979.
- Болалар боғчасида эстетик тарбия. Т., «Ўқитувчи», 1981.
- Болалар боғчасида тарбия программасига қисқача методик кўрсатмалар. Т., «Ўқитувчи», 1972.
- Болалар боғчасида таълим-тарбия программаси. Т., «Ўқитувчи», 1988.
- Боғчаларнинг тайёрлов группалари учун хрестоматия. Т., «Ўқитувчи», 1979.
- Боғчаларнинг катта группалари учун хрестоматия. Т., «Ўқитувчи», 1981.
- Ботаническая география с основами экологии растений. М., «Агропромиздат», 1986.
- Бельская Е. М. Ботаника. Т., «Ўқитувчи», 1990.
- Биховский Б. Е., Козлова Е. В. ва бошқалар. Зоология. Т., «Ўқитувчи», 1986.
- Буригин В. А., Марцинковская М. И. Узбекистонда табиатни муҳофаза қилиш. Т., «Ўқитувчи», 1980.
- Веретенникова С. А. Болаларни табиат билан танишириш методикаси. Т., «Ўрта ва олий мактаб», 1962.
- Воқидов М. Болалар психологияси. Т., «Ўқитувчи», 1982.
- Ида Мержан. Ойи, мени яхши кўрасизми? Т., «Ўқитувчи», 1973.
- Колесник С. В. Умумий ер билими қисқа курси. Т., «Ўқитувчи», 1966.
- Курсанов Л. И., Комарницкий Н. А. ва бошқалар. Ботаника. 1- том, Т., «Ўқитувчи», 1972.
- Мактабгача тарбия ёнидаги болаларни табиат билан танишириш. (П. Г. Саморукова таҳрири остида). Т., «Ўқитувчи», 1984.
- Мактабгача тарбия педагогикаси. Т., «Ўқитувчи», 1981.
- Мактабгача тарбия справочники. Т., «Ўқитувчи», 1974.
- Макаревич А. С., Эшин иёза С. Болалар боғчасида табииёт ўргатиш методикаси. Т., «Ўқитувчи», 1972.
- Муҳаммадиев А. М., Зияев С. Д. ва бошқалар. Табиат муҳофазаси ва экология. Т., «Ўқитувчи», 1986.
- Натали В. Ф. Ўмуртқасиз ҳайвонлар зоологияси. Т., «Ўрта ва олий таълим», 1960.
- Полянский Ю. И., Браун А. Д. ва бошқалар. Умумий биология. Т., «Ўқитувчи», 1990.
- Рахимжонова Н. Болалар боғчаларида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар. Т., «Ўқитувчи», 1979.
- Саҳобиддинов С. С. Усимликлар систематикаси. Т., «Ўқитувчи», 1976.
- Смирнова Е. Т. Мактабгача тарбия муассасаларида тарбия ишининг гиеник асослари. Т., «Ўқитувчи», 1977.
- Ўзбекистон табиати ёдгорликлари. Т., «Мехнат», 1987.
- Ҳайдаров Қ. Ҳ., Ҳожиматов Қ. Ҳ. Ўзбекистон ўсимликлари. Т., «Ўқитувчи», 1976.
- Ҳайдаров Қ. Ҳ. Ботаника дарсларида атенistik тарбия. Т., «Ўқитувчи», 1986.
- Ҳайдаров Қ. Ҳ., Ҳайдаров Ҳ. Қ. Табиатшунослик асослари ва болаларни табиат билан танишириш методикасидан лаборатория машғулотлари. Т., 1990.

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
<b>БИРИНЧИ БУЛИМ</b>	
ТАБИАТШУНОСЛИҚ АСОСЛАРИ . . . . .	5
I боб. Организмларнинг ҳаёт шароити . . . . .	8
II боб. Организмларнинг <del>хилма-хилдаги</del> . . . . .	26
III боб. Организмларнинг ер юзида ва биоценозларда тарқалиши . . . . .	80
IV боб. Инсон ва жонли организмлар . . . . .	95
<b>ИККИНЧИ БУЛИМ</b>	
ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ	
V боб. Болаларни табиат билан таништириш методикаси . . . . .	111
VI боб. Табиат билан таништириш методикасининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши . . . . .	120
VII боб. Болаларни табиат билан таништиришнинг вазифалари . . . . .	127
VIII боб. Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда табиатдан фойдаланиши . . . . .	134
IX боб. Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништиришининг мазмуни . . . . .	144
X боб. Болаларни табиат билан таништириш методикаси . . . . .	148
XI боб. Болаларни табиат билан таништириш формалари . . . . .	156
XII боб. Болаларни табиат билан таништириш учун шарт-шароитлар . . . . .	159
XIII боб. Болаларни табиат билан таништириш ишларини режалаштириш ва ҳисобга олиш . . . . .	163
XIV боб. Болаларни табиат билан таништириш ишига раҳбарлик қилиш . . . . .	167
XV боб «Болаларни табиат билан таништириш методикаси ва, табиатшуносликдан практикум» курсининг педагогика билим юртларида үқилиши . . . . .	170
Фойдаланилган адабиёт . . . . .	175

*На узбекском языке*

**Кудратилла Ҳайдаров,  
Садық Нишанов**

### ОСНОВЫ ПРИРОДОВЕДЕНИЯ И МЕТОДИКА ОЗНАКОМЛЕНИЯ ДЕТЕЙ С ПРИРОДОЙ

Учебное пособие для студентов  
педагогических институтов

*Tашкент «Ўқитувчи» 1992*

Мұҳарригият мудири *A. Иброҳимов*

Мұхаррир *P. Ава оғ*

Бадий мұхаррир *I. Е. Митирев*

Техмұхаррир *T. Г. Золотилова*

Мусахих *Ш. Тўлаганов*

ИБ № 5851

Тернишга берилди 25.02.92. Босиңга ружсат этилди 13.07.92. Формати  $60 \times 90^{1/16}$ . Кегль 10 шпонсиз. Литературная гарнитура. Юқори босма усулида босилди, Шартли б. л. 11,0 + 0,375 рангили форзац. Шартли кр.-отт. 12,77. Нашр. л. 11,5 + 0,41 рангили форзац. Тиражи 3000. Зак. 2498/7.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 19 190-91.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси хузуридаги Тошкент китоб-журнал ишлаб чиқариш фабрикасида босилди. Тошкент, Муродов кӯчаси, 1. 1993.

Отпечатано на Ташкентской книжно-журнальной фабрике при Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Ташкент, ул. Мурадова, 1.

1. ҚҰРБАҚА
2. ҚАЛТАҚЕСАҚ
3. ТОШБАҚА
4. ҚҮЕН
5. ТИПРАТИКАН
6. ЯШИЛ НИНАЧИ
7. ЧИРОЙЛИ НИНАЧИ
8. МОТАМ ҚАПАЛАҚ
9. ҚАРАМ ҚАПАЛАГИ
10. ХОНКИЗИ
11. МАЙ ҚҮНФИЗИ
12. КАНАРЕЙКА
13. КҮККАПТАР
14. МАЙНА